

Замонамиз қаҳрамони

ЛУҚМОН БҮРИХОН



ТИТРАЁТГАН ТОҒ

Лукмон Бўрихон

ТИТРАЁТГАН ТОҒ

Роман ва қиссалар

3556
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
12188
ToshDO'IAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

УЎК 821.512.133-32

КБК 84(5Ў)6

Б

Бўрихон, Луқмон.

Титраётган тоғ: Л. Бўрихон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 272 б.

Ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг “Титраётган тоғ” романида давримиз нафаси яққол ҳис қилинади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган фидойи ва бунёдкор замондошларимиз ҳақида адиб ўзига хос жозибали, ширали тилда ҳикоя қилади. Уларнинг ёрқин, ранг-баранг образларини яратади. Роман қаҳрамонлари Дилшодбек ва Гулсаҳарнинг пок, самимий севгиси кўнгилларни беихтиёр жунбишга келтиради. Китобхон бу ёшлар тақдирига бефарқ қолмайди, уларга хайрихоҳлик билан қарайди.

Ёрқин образлар, ранг-баранг кечинмалар ўқувчини беихтиёр ўзига жалб этади.

Шунингдек, китобдан ўрин олган бошқа асарлар ҳам китобхонга манзур бўлишига ишонамиз.

УЎК 821.512.133-32

КБК 84(5Ў)6

© Луқмон Бўрихон

© Ғафур Ғулом

номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,

2018

ISBN 978-9943-5293-5-9

*Асрларга татиғулик бунёдкорликка
қўл урган шонли Ўзбекистон
Темирйўлчиларига эҳтиром
ила бағишлайман.*

ТИТРАЁТГАН ТОҒ

Роман

*Бу йўллар кўп қадим йўллардир
Ғафур Ғулом*

I

Овлок кир-тепаликлар қўйнидаги Қипчок кишлоғи-ни қоқ иккига бўлиб темир йўл ўтди. Тошқолоқ, лойсувоқ уй-жойлар писта пўчоғидек сочилиб ётган бу сокин худудга ўзгача бир ҳаёт кириб келди. Одамлар сахармардонда Қувондиқ махсумнинг азонидан эмас, баҳайбат машиналар гулдуросидан уйғониб кетадиган бўлиб қолишди. Қадрдон кий-тезак исига газ ва қорамойнинг ўткир, ачимсиқ қўлансаси коришиб кетди. Таранг тортилган тасмадек темир йўл устида дорбозчасига қулоч ёйиб, ким ўзарга юриш овул болаларининг эрмагига айланиб қолди.

Бир ойча аввал қишлоқнинг ичу таши беомон жанг майдонини эслатар эди. Чанг-тўзон кўтариб ишлаётган техникалар шовқин-сурони, курувчи-йўлсозларнинг гоҳо қувноқ, гоҳо тажанг кийқириқлари кулоқларни коматга келтирар, устларига тупроқ, шағал уюмлари ортилган автомашиналар, узун-киска хартумли автокранлар сертупроқ, ўйдим-чуқур йўлларда гулдурос солиб юришар эди.

Мўлжалдаги худуд аввал обдан текисланиб, котирилиб, сўнг кўкиш тус шағал тўкиб чиқилди. Шағал устига узун-узун тиркамали машиналар пайдар-пай келтириб турган шпал ва рельслар ётқизилди. Қилни қирк ёрадиган, ўз ишига пухта қурувчи-йўлсозларнинг кўли-кўлига тегмас эди. Ҳатто чекишиб турган чоғлари ҳам кўзларини шпалу рельслардан узмай, иш жараёнини муҳокама қилишар, нелардандир мамнун, нелардандир дилхун ўзаро чуғурлашишар эди.

Нихоят, темир йўл қишлоқни ёриб ўтди. Анчадан бери қурилиш жабҳаси қишлоқдан беш-олти чақирим нарида давом этмоқда.

Баланд тепалик устида хаёлчан хас чайнаб ўтирган, устидаги хаворанг коржомаси ўзига ярашиқли, кенг юзлари дашт офтобида қорайган Довудбек Якубович Заргаров ана шу олатасир қурилишнинг уволи ҳам савоби ҳам бўйнида бўлган масъуллардан. Президент девонидан вакил сифатида иш жараёнини кузатиб боради.

Чимрилган сийрак қошлар, олдга туртиб чиққан бакуват ияклар унинг қатъиятли, серғайрат раҳбар эканидан дарак беради. Елкалар кенг, қорувли. Юрганида гарданидаги бутун масъулият юкини таъкидлагандай, андак букчайиб, лапанглаб одимлайди.

Довудбек шундоқкина оёқлари остида ястаниб ётган қишлоққа кўз югуртираркан, забт этилган худудни кўздан кечираётган саркардадай афт-ангорига мамнуният қалқди. Хувиллаб ётган тоғ олди овулининг ғоят қисқа вақт ичида бу хил ўзгариб кетишидан завқланди.

Уни беихтиёр хаёл олиб қочди. Икки йилча илгари, темир йўл қурилишига эндигина фатво олинган кезлар илк бор бу ерларга ташриф буюрганини эслади. Ўшанда Довудбек Якубович тарғибот-ташвиқот гуруҳига бош-қош эди. Вазифа аниқ-тиник. Қишлоқлар бузиб ташланиб, ўрнига темир йўл қурилармиш, аҳоли чўлга кўчириб юборилар эмиш, деган ваҳимали мишмишлар

пайини кесиш керак! Одамларга буюк қурилиш моҳиятини тушунтириш зарур.

Довудбек ўшанда ўкинди. Ёш, мустақил давлатнинг жўшқин, дадил сиёсатини, ҳаётбахш иқтисодий ислохотларини кўролмайдиган, пана-панадан тош отиб, эл-юртни ҳар хил мишмишлар билан чалғитишга уринаётган қора кучлар борлигидан ғазабланди. Ғазабланиш, рапидадек қўллари беихтиёр мушт бўлиб тутилди, ўша қора кучларни топиб, нақ қаншарини эзиб қўймоқчи бўлгандай беихтиёр теварагига аланглади. Аммо ён-верида унга ҳамроҳлик қилаётган уч-тўрт илму маърифат, дину диёнат уламоларидан, маҳаллий ҳокимият вакиллари билан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Довудбек Якубович Қипчоқ қишлоғига ҳам ана шундай хира бир кайфиятда кириб борди. Аммо ўзларига алланечук қизиқиш, хайрихоҳлик билан қараб турган содда, ювош одамларни кўриб кўнгли юмшади.

“Бу бечораларда айб йўқ, ҳаммаси оддий меҳнаткаш, бузғунчиларни топиб жазолаш керак”, хаёлидан ўтди унинг.

Тарғибот-ташвиқот ишларига бош қўшиб юрган, ўрта бўй, қоп-қора маҳаллий ҳокимият вакили тузуккина ташкилотчи экан. Бир имо билан бир туп қари-қартанг, хотин-халажни қишки таътил туфайли ҳувиллаб ётган пастқам, эскигина мактаб ҳовлисига йиғди. Синфхоналардан судраклаб чиқилиб, офтобрўя жойга қўйилган эски, ранглари униқиб кетган стол-стулларга меҳмонлар, кишлоқ оқсоқоллари ўтказилди.

Йиғилганлар эса ҳовлига уйиб ташланган тошлар, ёғочлар устига омонат-омонат чўкишди. Хотин-халаж у ер-бу ерда хуркак жониворлардай гуж бўлиб қимтинибгина туришар эди. Аёллар орасидаги узун чопонига бурканиб, бошига қалин жун рўмол ўраган бўйчангина қиз негадир Довудбек Якубовичнинг диққатини тортди. Қизнинг қийик кўзлари ўзгача бир ҳаяжон, завқ-шавққа тўла. Одатда интиқ қутилган воқеа содир

бўлган чоғ болалар нигоҳида шундай учқунлар пайдо бўлади.

Қиш. Ҳаво совук. Кунни кеча енгил-елпи савалаб ўтган қордан, кишлок теварагидаги қир-тепаликлар чала қоқилган супрадай ола-чалпоқ тусга қирган. Офтоб алланечук хира ва совук нур сочаётгандай туюлади.

Маҳаллий ҳокимият вакили меҳмонларни бир-бир таништиргач, ёнига ботинмайгина кўз ташлади.

– Довуджон ака, ўзингиз бошлайверасизми?

Довудбек Якубович енгил бош ирғаб ўрнидан кўзгалди-да, мурод-мақсадини содда, лўнда тушунтириш учун керакли сўзларни излаб, бир зум томоқ қириб туриб қолди. Қирчил салла, телпаклар, оҳорсиз дўппилар, оқ-қизил чодирдай рўмоллар кўз ўнгидан бир-бир сузиб ўтди.

– Ҳурматли дўстлар, – дея гап бошлади у ниҳоят, кўлидаги қоғозга аҳён-аҳён кўз ташлаб, – икки вилоят марказини бир-бирига боғлайдиган темир йўл қурилиши бошланиб кетганидан хабарингиз бор, албатта. Унинг умумий узунлиги уч юз километрга яқин. Энг муҳими, энг аҳамиятлиси бу темир йўл сизу бизни қуршаб турган, мана шу, – Заргаров кулоч ёйиб теваракка ишора қилган бўлди, – тоғу тошлар оралаб ўтади. Вазифа жуда-жуда оғир ва мураккаб, масъулиятли. Аммо бундай улкан, серташвиш, серхаражат қурилиш шунчаки бекорчиликдан, шунчаки эрмак учун бошланган эмас. Бу – ҳукуматимизнинг оқилона сиёсати. Айтиш мумкинки, ёш, мустақил давлатнинг мустақил, дадил қарори, жасоратли қадами!

Маҳаллий ҳокимият вакили чапак чалиб юборди. Қолганлар ҳам шоша-пиша унга эргашди. Айниқса, ўртадаги ғадир-будир харсангга омонат кет қўйган, дўнг пешона, митти кўзлари ботик, коп-қора киши кафтларини бир-бирига аёвсиз уриб, хушҳандон илжаяр эди. Довудбек Якубович уни пайқади. Йўк, тўғрироғи, йиғин бошидаёқ мана шу орик, котма киши унинг

эйтиборига тушган, хатто маъруза чоғи ҳам беихтиёр ўшанга тез-тез кўз ташлаб гапирган эди. Хўб ажойиб инсон кўринади; ювош, хокисоргина, хуркак қўй кўзлари алланечук жавдираб, умидвор-умидвор тикилади, елкалари, қўллари таъзим-тавозега шай.

– Кечирасиз, исмингиз нима? – деб сўради Заргаров, ўша бажонудил қарсакка зўр бераётган кимсага юзланиб.

– Амиркул, – деди у ирғиб ўрнидан тураркан, қўллари кўксига қўйиб. – Собиров Амиркул. Илгари, совхоз бор пайти зоотехник бўп ишлаганман, Ҳозир... Ҳозир чорвадор, ўзимизнинг уч-тўрт ушоқ мол бор, шуларга қарайман.

Довудбек чарм жилдли дафтарига “Собиров Амиркул”ни илдириб қўйди. Йиғилганлар гоҳ Амиркулга, гоҳ азим пойтахтдан келган арбобга кизиксиниб, ажабсиниб тикилишар эди. Ҳатто, сийрак соқол, қат-қат ажинли кимса Амиркулнинг биқинига турткилаб шивирлади. “Ўлдинг, хатга тушдинг”.

Заргаров қарсақлар, ғала-ғовур босилгач, тағин ўз сўзида давом этди.

– Кўзланган темир йўл бизнинг сиёсатимизга, иқтисодимизга қанчалар аҳамиятли эканини бир-икки оғиз гап билан изохлаш қийин, албатта. Керак бўлса, бунини, – нотик ёнидаги ҳамроҳларига ишора қилди, – ҳурматли мутахассисларимиз яхшилаб тушунтириб беради. Аммо мен масаланинг икки жиҳатини алоҳида-алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Биринчидан, бу темир йўл, ҳали сўзим бошида эслатганимдек, мустақил сиёсатимиз танлаган йўл, демак у белгиланган вақтда албатта қуриб битказилади, бунга ҳеч қанақа шубҳа йўқ, иккинчидан, бу темир йўл сизу бизнинг, шу эл, шу халқнинг йўли, эсдан чиқарманг, бу улкан бунёдкорлик замирида сизнинг манфаатингиз, сизнинг фаровонлигингиз ётибди. Тарих илмидан, иқтисод илмидан маълумки, темир йўл борган жойга тараққиёт боради, ўсиш, риво-

жланиш боради. Мана шу теваракдаги тоғлар бағрида канчадан-канча бойлик яшириниб ётганини балки сизлар билмассиз, аммо буни олимларимиз аллақачонлар исботлашган. Бироқ бу беҳисоб бойликларни ўзлаштириш, давлат, юрт манфаатига ишлатиш учун аввало темир йўл керак. Ўша темир йўл яқин кунлар ичида сизнинг қишлоғингизга ҳам етиб келади.

Бу гал Амиркул ирғишлаб чапак чалиб юборди. Афтидан, у нотик арбобнинг ўзига бот-бот кўз ташлаб гапираётганидан ҳаяжонланиб кетган эди. Қолганлар ҳам енгил-елпи қарсақлар билан Амиркулга жўр бўлди.

– Аммо... аммо, – дея сўзида давом этди Заргаров олқишлаётган қавм томон миннатдорона бош ирғаб қўяркан, – баъзи бир сафсата, мишмишларга ишонманг. Сизнинг қишлоғингизга ҳеч ким тегинмайди, ҳеч ким қишлоқларингизни бузиб, ўзларингизни чўлларга кўчириб юбормайди. Керак бўлса, чўлларнинг ўзини оёқларингиз остига келтириб ташлаймиз.

Яна ола-куроқ қарсақлар чалинди. Енгил ғала-ғовур кўтарилди. Довудбек одамларда хайрихоҳ бир кайфият пайдо бўлганидан, кишиларни сўзларига ишонтира билганидан руҳланиб, тагин илҳом билан гапиришда давом этди.

– Тўғри, тузилган режамиз бўйича темир йўл, тоғ ва дашт аҳоли пунктларини оралаб ўтади. Сиз бундан ташвишланманг, аксинча қувонинг. Чунки бу темир йўл, ҳали айтганимдек, сизларники, у сизлар учун хизмат қилади. Шу темир йўл шарофатидан овлоқ овулларингиз замонавий шаҳарчаларга айланиб қолади, иш ўринлари керагидан ортиқ бўлади. Фаровон келажак яқин, дўстлар.

Нотикнинг ўнгу сўл бикинида қўр тўккан тарғиботчилар ўша фаровон келажакни кутиб олишга чоғланишгандек баб-баравар оёққа қалқиб, тантанали чапак чалиб юборишди. Маҳаллий ҳокимият вакилининг моҳирона хатти-ҳаракатидан сўнг, аҳли қипчоқ ҳам ўрнидан

туриб чапакларга жўр бўлди. Аммо бу гал карсакбозлик анча кўтаринки, анча узоқ давом этди. Довудбек Якубович уларга халакит бермади. Кимдир узатган бир пиёла илиқ чойдан мириқиб хўплади.

– Сизларнинг қўллаб-қувватлашларингиздан жуда хурсандман, – дея яна тилга кирди у, ҳамма жой-жойига қайтиб ўтиргач, – сиз айна чоғда нафақат мени, балки бутун сиёсий, иқтисодий мустақиллигимизни қўллаб-қувватлаяпсиз. Раҳмат сизга, азизлар. Мен... Ҳали юқорида темир йўл сизлар учун хизмат қилади деб айтдим. Бу шак-шубҳасиз. Аммо, унутманг, сиздан угина, биздан бугина, деган халқимизда доно мақол бор. Демак, темир йўл сизларга хизмат қилиши учун, сиз ҳам унга хизмат кўрсатишингиз керак. Айтмоқчиманки, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга бериб аввало уни қуриб олишимиз керак.

Довудбек Якубович кўнгилдаги гапларини тўкиб солгач, олқишу эъзозлар остида жойига ўтирди.

Офтоб аста-секин илитмоқда эди. Шунданми, мажлис кизгин бораётганиданми, ҳарнечук йиғилганлар кун совуғини ортиқ ҳис қилмай ўринларида тек қотиб ўтиришар эди.

Довудбекдан сўнг сўзга чиққан, тепакал, хўппа семиз иқтисод фанлари доктори қурилажак темир йўлнинг давлат иқтисодига нечоғлик барака олиб келишини, далилу рақамлар билан ҳижжалаб тушунтиришга киришди. У ҳар гал мўл-кўл даромад ҳақида ишончли исботлар келтирганида, гўштдор юзидан мўл-кўл оқиб келаётган терни рўмолчаси билан сидириб-сидириб олар эди. Иқтисод алломасидан кейин, сочлари хурпайган, дўнг пешона, қовоқлари салки шоир дабдурустдан бунёдкорлик мадҳ этилган ғазалини баралла ўқишга киришди. У шу қадар гулдурос солиб ўкидики, гўё темир йўл аллақачон битиб, кишлоққа ўкирганича паровоз кириб келгандай бўлди.

Ўша куни йиғин қоқ пешингача давом этди. Мутахассис меҳмонларнинг ташвиқот-тарғиботидан сўнг, тантанавор қишлоқ аҳли номидан икки-уч оксоқол ғудраниб олишди.

– Ҳамма каттаконларга раҳмат, – дея гап бошлади улардан бири, сийрак соқол, олача чопон кийган чол, – мустақиллигимизга минг шуқр. Мен... мен уч кам саксонга кирдим, лекин умрим бўйи Самарқанд бозоридан нарғини кўрган эмасман, – чол салмоқлаб-салмоқлаб, муштига йўталиб-йўталиб гапираркан, гўё керакли сўзлар маҳаллий ҳокимият вакилининг манглайига ёзиб қўйилгандай, ўқтин-ўқтин ўша томон кўз ташлаб олар эди, – лекин мустақиллигимиз мевасини болаларимиз кўряпти. Бутун бутун дунёга йўл очик, биров пишагингни пишт демайди. Мана, мустақиллигимиз шарофатидан болаларимиз етти ухлаб тушимизда ҳам кўрмаган юртларга бориб тирикчилик қиляпти. Масалан, кенжа улим қариснинг мамлакатаида, ундан каттаси ҳам денгиз ошиб кетган, бир куёвим Московда, худога шуқур, ҳаммасининг ризки бут, топгани баракали. Менга ўхшаган шўрлар умрида от-эшакдан бошқа кўлик кўрмаган. Мана, офтомобил деган нарсани билдик, мана, нон-насиба кўшилганга ўхшаб турибди, яқинда шу овлоқ овулга ҳам темир йўл келаркан, буни ҳам, худо хоҳласа кўрамиз. Ҳамма каттаконларга раҳмат, яратганга шуқр.

Чол теварагига бир олазарақ кўз ташлаб, ниҳоят, қайтиб ўтирди.

– Раҳмат, ота, ўзингизга ҳам раҳмат, – дея пўнғиллаб қўйди дўнгпешона шоир, чолнинг дилсўзларидан мутаассир бўлиб.

Довудбек ўрнидан хиёл кўтарилди.

– Азизлар, агар саволлар, таклифлар бўлса марҳамат, ҳеч тортинмай гапираверинг.

– Мумкинми? – икки гумбаздай салла орқасидан чала-ярим кўриниб турган, калла суюклари бўртиқ,

коп-қора, ғилай кўз йигит рапидадек қўлини баланд кўтарди.

– Марҳамат.

– Темир йўл қурилишига бизларни ҳам ишга олади-ми?

– Ия, – энсаси қотди Заргаровнинг, – нақ бир соат қулоғингизга танбур чертдикми? Айтдим-ку, бу йўл сизларники, ҳаммангизга иш етиб ортади. Лекин айтиб қўяй, темир йўлга темирдай мустаҳкам, катъиятли одамлар керак, аллақандай мижғов, тутуриксиз, мешчан нухаларни ишга олмаймиз.

– Тўғриси, – тагин ишонмагандай чайналди ўша коп-қора йигит, – мен ҳам Сибирга тирикчиликка отланиб турган эдим. Сизларнинг гапларингизни эшитиб, хаёлим қочди. Тўғриси, кетгим келмай қолди. Ўз юртингда ишлаганга нима етсин.

– Бемалол, гапга аралашди маҳаллий ҳокимият вакили, – сени ким ҳайдаяпти, марҳамат, темир йўл қурилишига ишга кир, дайдиб кетган бошқа оғайниларингни ҳам чақир, нон шу ерда ҳам бор де, йигитда аввал ватан туйғуси бўлиши керак.

Коп-қора йигит маҳаллий ҳокимият вакилига ортик эътибор бермай тагин Довудбекка илтижоли кўз ташлади.

– Лафзингизда турасиз-а, ака, сизга ишонсак бўлади-я?

– Гап битта! – деди Довудбек тобланган темирдек жарангдор товушда.

Савол-жавоб, ўзаро фикр алмашув йиғиндан сўнг ҳам қизгин давом этди. Бир тўп аҳли қипчоқ Заргаровни ўраб олишган эди.

– Биз билан ишлашга тобингиз қалай? – деб сўради Довудбек қулиб, ўзи томон интиқ интилаётган Амиркулга.

– Бош устига, катта бова.

– Қора ишдан қочмайсизми?

– Йўғ-е, уялтирманг-да, катга бова.

– Бунинг бобосидан қолган чўкич асбоби бор, – дея кимдир гапга суқилди, бир Амиркулга бир Заргаровга юзланиб. – Керак бўлса, товни тўзгитиб ташлайди.

– Шундайми? Бобонгиздан қолган асбоб борми?

Амиркул хижолатомуз чайналди.

– Ҳа. Э, бунинг тарихи узок. Ота-боболаримиз тош йўниб, уй кураар уста бўлишган-да. Лекин биз са-ал нў-нок бундай ишга.

– Ҳечкиси йўк, ўрганиб кетасиз, энг муҳими чўкич билан ишлаш қонда бор.

Йиғилганлар ўртасида гурр кулгу кўтарилди. Аммо аҳли кипчоқ тўпидаги яғриндор, кенг юзлари гўштдор, митти кўзлари кўрғошин тугмадай бир нусха аранг иржайиб кўярди, холос. Бу Амиркулнинг акаси – Пиримкул. У ҳам бир амаллаб пойтахтлик арбобнинг муборак назарига тушиш пайида.

Отамнинг ўлишини билганимда, аллақачон бир қоп кепакка алмаштириб юборардим, деган экан бир шўрлик. Пиримкул ўша нусханинг ахволига тушди-колди. Афсус-надоматнинг чеки йўк. Бундай замонлар келишини билганида, бир пайтлар мулла Чорининг насихатларига кулоқ солган, темир йўл соҳасида ўкиган бўлар эди.

“Бундан кейин ҳамма нарса темирнинг измида бўлади, – деган ўшанда оксокол. – болам ўқисанг, техника илмига ўқи, учувчи бўл, ё темирйўлчи бўл”.

Пиримкул мулла Чорининг маслаҳатларидан энсаси қотиб, чолни авом, колоқ билиб, ич-ичидан масхаралаб кулган эди. Чунки ўша кезлар осмондаги ойни кўзлаб юрган ёш, олов қалб бу йигитча ўкиб-униб, дипломат ё махсус жосус бўлиб, дунё кезишни, ажойиб ва ғаройиб саргузаштларга йўлиқишни орзу қилар, орзусининг ушалишига шак-шубҳасиз ишонар эди. Аммо чархи кажрафтор деб бекорга айтишмаган экан. Ҳамма-хаммаси чиппакка чиқди. Пиримкул вилоят марказидаги,

муаллимлар тайёрловчи институтга бир амаллаб илинди, холос. Унинг “дипломатик” фаолияти имтиҳон кезлари талабалар ва устозлар ўртасида даллоллик қилишдан нарига ўтмади. Шу-шу Пиримкулнинг ичида, ўша бир олам орзу-истаклар ўрнида, бир олам адоват, ҳасад униб-ўсди. У ўз қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қилиб юраркан, ҳақиқат ва адолат номидан юкори идораларга гоҳ арз этувчи, гоҳ фош этувчи номалар йўллашни қанда қилмади. Афсуски, бундай ёза-ёзлар ҳам Пиримкулнинг ич-ичида бурксиб тутаб ётган оловни ўчира олмади. Қайтам, дудига дуд, курумига курум қўшди, холос. Кейинчалик у ўқитувчиликдан кетди, аризабозликка ортиқ ҳафсаласи келмай қолди. Ич-ичидаги ўша оловда ўзи қоврилиб, мол бозорида даллоллик қилиб тирикчилик ташвишлари билан андармон бўлиб юрди. Бироқ, мана... темир йўл қурилиш масаласи ўртага чикди-ю, Пиримкул яна сергак тортди. Темир йўлнинг қорамойидан томдими, ҳарқалай, ичидаги ўчай-ўчай деб қолган ўша олов тағин гуруллаб ёна бошлади.

Аммо ундаги бу гур-гур аланга учқунлари кўзларида акс этиб турса-да, анави Довудбек Заргаров деганлари негадир пайкамаяпти. Ҳечқиси йўқ, ҳали учрашишади.

– Хайр, яхши етиб олинг, – дейишди кипчоқликлар, ўша йиғин охирида, самимий суҳбатлашган арбобни кузатиб қолишар экан.

Ўшанда тарғибот-ташвиқот ташвишларидан кўтаринки руҳ билан пойтахтга қайтишаркан, Довудбек Якубович тез кунлар ичида, темир йўл қурилишининг масъул, ҳукумат кузатувчиси сифатида тағин бу ерларда жавлон уришини ҳали билмас эди.

Заргаров қўл соатига енгил кўз ташлади-ю хаёллар оғушида анча ўтириб қолганини пайқади. Пайқаса-да ўрнидан туриб, қароргоҳ томон юришга эринди. Шу пайт сайхонликдаги ғалати манзарага кўзи тушди.

Ўша! Заргаровнинг ўтқир кўзлари, хув, йиғинда ял яшнаб турган бўйчан кизни дарров таниди. Қиз қирмизи кўйлаги этакларига ўралашган кўйи бир тўп қорамолни кишлок томон ҳайдаб бормоқда эди. Бироқ ёлғиз эмас! Уст-бошига, кўтарган сафар халтасига қараганда, вахтага келаётган, ё ўн беш кунлик муддатини тугатиб вахтадан қайтаётган темирйўлчи, қиз ва ўзи ўртасида беш-олти қадам оралиғ сақлаб, гоҳ қўлларини силкиб, гоҳ бошларини у ён-бу ён тўлгаб алланеларнидир гапириб келар эди. Афтидан, ҳикоя қизиқарли бўлса керак, қиз бошини ҳам қилганича уни диққат билан тинглаб борар, аҳён-аҳён рўмол учини оғзига тегизиб-тегизиб, ийманибгина гап ташлар, баъзан эса ошкора завқ билан кулиб юборар эди.

Заргаров уч-тўрт қайта синчков тикилгач, темирйўлчини ҳам таниди. Дилшодбек! Сочлари жингиртоб, юз суяклари бўртик, кўзлари катта-катта норғул йигит. Кўчма техник хизмат кўрсатиш станциясининг механиги. Чиндан ҳам фидойи ишчилардан. Мустақиллик байрами арафасида “Шухрат” нишони билан мукофотлашган Довудбек Якубовичнинг айнан ўзи нишонга тавсия этган. Дилшодбек Матчоновнинг шахсий варақаси ҳозир ҳам шундоққина кўз ўнгида турибди: тўрткўллик, миллати ўзбек, ўттиз тўрт ёш, бир ўғил, икки қизнинг отаси, хотини Тўрткўлдаги боғчалардан бирида мудира, тинч-тотув оила...

Аммо Заргаров айнаи чоғда кўраётган манзара анча ғалати: Кап-катта эркак, ёш қиз билан овлоқ сой бўйлаб келишяпти! Қизик, улар ўртасида не бир боғлиқлик бор? Тинчликми, ишқилиб?!

Ниҳоят, улар тўхташди. Пода ўз бошига кишлок томон ўрлади. Қиз ва Дилшодбек, ҳойнаҳой, овул ёкка кўринмаслик илинжида шу ерда оёк илишди. Улар ўша ораликни сақлаган кўйи бир-бирига узоқ тикилиб қолишди. Сўнг қиз кишлок тарафга, Дилшодбек эса сой бўйлаб тагин изига қайтди. Улар йўл-йўлакай, худди

келишиб олишгандек, илкис тўхтаб, бир-бирларига узоқ-узоқ интиқ-интизор тикилишар, сўнг яна доводир-совдир йўлларида давом этишар эди. Охири улар кўздан ғойиб бўлишди.

Довудбек Якубович ҳеч нарсани тушунмай, тагин бир зум таажжубланиб ўтиргач, ўрнидан оғир кўзгалди. Унинг кўнгли негадир ғаш тортиб қолган эди.

II

Орзулар! Уларнинг адоғи йўқ. Тутай десанг қўли йўқ, оёғи йўқ. Камалакдек жилоланиб хаёлингни шоширади, холос. Ҳаммалари хузурбахш, ҳаммалари оромбахш.

Амиркулнинг болалиқдан бери ҳамроҳ, болалиқдан бери неча-неча тушларида безовта қилган орзуси бор. У кунчиқарга қарата қурилган уйи бўлишни жуда-жуда истар эди! Бу шундай уй бўлиши керакки, бир ёни боғ, бир ёни тоғ, қир-адирларга тутшиб кетсин. Унинг қумуштус тунукали томларида ҳар тонг қуёшнинг заррин нурлари жилоланиб турсин. Йўқ, йўқ, Амиркул амирлар арку саройини хаёлда тутгани йўқ, унинг орзу уйи соддагина, оддийгина бўлиши, тирикчиликка ўнғай жойда қад тиклаши керак, холос. Токи, боғда боғдорчилик, тоғда чорвачилик қилиш мумкин бўлсин. Хаёлотидаги бу уйга у болалигидаёқ ажойиб ном ўйлаб топди: Кункулба!

Амиркул Кункулба ҳақида, ҳув, келин-куёвлик чоғлари хотини Зарбибига ҳам тез-тез энтика-энтика гапириб берар эди. Келинчак ҳам кўзлари юлдуздек порлаб тинглаган, ҳаяжонланган.

“Худо хоҳласа, шундай уйимиз бўлади, – деган ўзича эрига далда бериб, – кўнглим сезаяпти, чини билан бўлади, уйни ўзингиз қурасиз”.


Албатта! Кункулбани Амиркул ўз қўли билан қуришни истайди. Аммо уйсозликка укуви йўқ-да. Тош

йўниб, тош териб иморатлар қурган ота-бобосининг устачилигидан негадир унга юкмаган. Бироқ бобосидан қолган тошўяр чўкичи бор! Чўкичмисан чўкич, фарангларнинг олийнав пўлатидан куйилган, дастаси аллақандай емирилмас, чиримас ўрис дарахтидан ясалган, бежирим, вазмин. Ҳа, чиндан ҳам бу асбоб бобосидан қолган. Айтишларича, бобоси – уста Собир кирчиллама йигитлик пайтлари Оқпошшонинг аллақандай амалдори, ўз мулозимлари билан Бойсун беклиги ҳудудидан ўтиб кета туриб, қандайдир кўрсатган хизмати учун уста Собирга ана шу ажойиб ҳадя этган экан. Шу-шу уста Собир бу ажойиб чўкични қўлдан қўймаган. Айтишларича, Ғузор тўрасининг машҳур Тошқўрғонини ҳам бобоси ана шу антиқа асбоб кўмагида қурган эмиш. Орадан не-не суронли замонлар ўтиб, бу мустақкам, ўткир чўкич, бобосидан отасига, ниҳоят, Амиркулнинг ўзига мерос қолди. Амиркул уни эски бир кигизга ўраб, омборхона деворига осиб қўйибди. Аҳён-аҳён очиб томоша қилади, баъзан у-бу дўсту жўраларига кўрсатиб мақтанади. Ё, тавба, кўпгина қари-қартангнинг қасам ичиб гувоҳлик беришича, оқпошшо амалдори уста Собирга қай аҳволда топширган бўлса, чўкич ҳали-ҳануз ўша ҳолатда эмиш. Бир сиру синоати бор бунинг! Аммо Амиркул бундай сиру синоатли асбобдан фойдалана олмади. Ҳунар бўлмагандан кейин қийин экан-да. Лекин чўкични бошқаларга ҳам бермади. Холбуки сўраб келган усталар кўп бўлди, ҳатто баъзилари сотиб олиш илинжида савдолашиб кўришди. Барибир бефойда, Амиркул ҳеч нарсага кўнмади. Унинг назарида чўкич кетса, хонадонидан барака арийдигандек эди. Чўкич бир кун эмас, бир кун ғоят зарур, ғоят аҳамиятли юмушда унга керак бўлиб қоладигандек, вақти-соати етиб Амиркулнинг ҳаёт-мамот масаласида асқатиб қоладигандек туюларди. Шу сабаб чўкич ҳамиша иззат-икромда, омборхона тўрида кигизга ўралиб осиглик туради. Ўша чимилдикда кеч-

ган завқли, фарахли кечаларда, келин-куёв шод-хандон шивирлашар, Кункулба ҳақида орзуманд-орзуманд сўзлашишар экан, бир кун келиб ўша сирли иморатнинг тамал тошини ана шу бобомерос чўкич билан ўйиб-йўниб кўйишга аҳд қилишган эди. Аммо бир жуфт мусичадеккина, бу ёш эру хотиннинг манглайида шўри бор экан. Орзу йўлига бефарзандлик кўргулиги кўндаланг чикди. Орзу-хавас ўрнини ўзга дард, ўзга ҳасрат эгаллади. Эру хотин бошқа бир илинж, юпанч истаб қолишди. Бефарзандлик дардига даво излаб бош урилмаган бўсаға қолмади. Бари-бари беҳуда. Чора йўк. Илинжу ўкинч орасида ҳаш-паш дегунча ўн йил ўтиб кетибди. Амиркул ахён-ахён омборхонага ўғринча кириб, бутга топинаётган бутпарастдек бобомерос чўкични олди олиб, силаб-сийпалаб илтижолар қилар, кўз ёш тўкиб фарзанд тиланар эди. Аммо у айнан кимга бу қадар куйиб-пишиб ёлвораётганини билмасди. Хаёлида гоҳ Худо, гоҳ набилар, гоҳ сирли чўкич ҳадя этиш Оқпошонинг амалдори бот-бот жонланар эди.

Бирок бари бир беҳуда. Умид иплари ингичка тортиб, узилай-узилай деб қолган кунларнинг бирида Амиркул қок сахар пайти туш кўрди. Тушида оғилдаги бўрдоқисини оппоқ либосига бурканган бир бобо ҳазрати Лангарота томон ҳайдаб кетди. Кета-кета “изимдан юр”, дегандай ишора қилди. Амиркул мўйсафиднинг ортидан югурди. Югураркан негадир бобомерос чўкични орқалаб олганини пайқади...

Амиркул ўша тонг тиниқиб, қушдай енгил тортиб уйғонди. Янги йил арафасида синфдошлар гаштагига сўйиш учун бокиб юрган бўрдоқисининг ёнига борди. Ҳа, оппоқ либосли чол етаклаб кетган қўчқор худди шу! Амиркулнинг вужудига қувонч ўрмалади. Чоршанба куни эру хотин бўрдоқини етаклаб ҳазрати Лангаротага боришди. Бирварақайига бутун азиз-авлиёлардан шафоат тилаб зор-зор йиғлашди, фарзанд сўрашди. Ҳойнаҳой, зурриёт қайғусида сўнгги бор тўккан кўз



ёшлари шу бўлди. Орадан тўккиз ойу тўккиз кун ўтиб Зарбиби кўчқордек ўғил туғди. Бу бахтли воқеа Қипчокқа темир йўл келишидан уч йил аввал юз берган эди. Ўшандан бери Амиркулнинг кўкайи кўтарилиб қолди. Эл-улусга аралашиб, қаттиқ-қаттиқ товуш чиқарадиган, баралла куладиган бўлди. Роппа-роса ўн йилдан бери бефарзандлик касридан дўсту душман олдида елка қисиб, бош эгиб юрган мушфикнинг бутун борлиғи қувончга қорилди. Бу дунёи дунда Амиркулдан бахтли-тахтли одам топилмай қолди. Гўёки, фарзанди эмас, ўзи онадан қайта туғилгандай бўлди. Боқишлари тийрак, қадамлари илдам-илдам, дадил-дадил. Илгарилари Амиркул рўзғор, тирикчилик ташвишларига лоқайд бўлиб қолган эди. Дарду хасрат ўтида коврилиб, кўксини захга бериб ётар, аламини ичкиликдан олиб, ора-чора кўча-кўйдан маст-аласт қайтар эди. Ўғилли бўлгач, бундай дарвешона ҳаётга чек қўйди. Бешикдаги боласининг порлоқ келажagini кўзлаб энг шимарди, “ё, пирим”, деб мол-мулк тўплашга киришди. Уч-қуйруксиз орзу-хаваслар унга тиргак бўлди, куч-қувват берди. Аммо... аммо ўғли улғайган сайин, Амиркулнинг ич-ичидан ҳам аллақандай хавотир, аллақандай ҳадик кундан-кунга ўсиб-урчиб бормоқда эди.

Дунё нотинч, замон ўзгаряпти, боланинг эртаси қандай бўлар экан?! Мен шўрлик бир корихолга йўлиқсам, кейин ўғлим қандай кун кечиради? Бунинг суянадиган оға-иниси, эгачиси бўлмаса, кимга додини айтади? Қипчок деганлари Худо қарғаган овлоқ бир овул, бу ерда қаҳратонда тўниб, саратонда куйиб адо бўласан, тирикчилик қаттиқдан-қаттиқ, бу ерда на Худога на хукуматга зоринг етади. Наҳотки болам бечора кўқармай, қакшаб-қакшаб ўтиб кетса?!

Худди шундай эзгин ўйлар, тахлика-ташвиш Амиркулнинг юрагига ғулғула солар эди. Шу сабаб, фарзанд кўриб кўзида ловуллаган ўт қайта сўниб бормоқда эди. Амиркул яна хуркак, яна паришон бўлиб

қолди. Бирок хавотир, кўрқув қутқу солган сайин, у ҳам тирикчиликка баттар тармашди. Қўрадаги кўй-кўзини кўпайтди. Уч-тўрт мол жаллобларга шерик бўлиб, шахарма-шахар, бозорма-бозор изғиди, чўнтаги бинойигина қаппайди. Аммо тузукрок уст-бош олиб кийишга, пана-панада ошхўрлик, маишат қилишга кўзи киймади. Чунки у ўзича топган-тутганини бола-сига, боласининг эртасига атаган эди. Боласининг эртаси! Амиркул бу ҳақда энтикиб-эмраниб ўйларкан, бепарзандлик ғам-ғуссаси аллақачон чала чайнаб ютиб юборган ўша болалик орзуси, кўр тагида қолган чўғдек яна милтиллаб, жилваланиб қолди. Кункулба! Амиркул Кункулбани тағин тез-тез тилга оладиган бўлди. Зарби-би эса ноз билан эмизиб ўтирган боласига ишора қилади: “Энди, насиб бўлса, Кункулбани улингизга қуриб берасиз”.

Ҳа, хотини ҳақ. Энди буларга шугина бошпана ҳам бўлаверади. Кункулба ўғлига! Аммо қачон, қачон қуради Кункулбани! Куч-қувват борида отни қамчилаш керак. Худога шукр, топиш-тутиш чакки эмас.

Худо бир берса, кўшқўллаб узатади деганлари чин экан. Хавотир ва орзу оралиғида жонсарак Амиркул, мол жаллобликдан яхшигина даромад қилиб юрган кунлари Довудбек Якубович Заргаровнинг назарига тушди!

Ўшанда Амиркул бош қашлашга чоғи бўлмаса-да, азбаройи қизиқиши қитиклаганидан мактабдаги йиғинга борган эди. Чунки кишлок оралаб ўтадиган темир йўл ҳақидаги мишмишлар аллақачонлар унинг ҳам қулоғини қиздираётган эди. “Наҳотки, – дея ўйлади у, ичи алланечук ёришиб, – биз бечораларга давлат эътибор берган бўлса?! Наҳотки, тоғу тош ораси ҳам обод бўлиб кетса?!”

Худди шундай умидбахш, севинчбахш хаёллар ўша кунги мактабдаги мажлисда ҳам Амиркулни тўлқинлантириб турди. Шу сабаб ҳам йиғинга йиғилган қа-

зо-казолар томон хайрихоҳларча термилди, ҳаммадан ўзиб, каттиқрок қарсак чалди.

Довудбек ака садағаси бўлсанг арзийдиган раҳбар экан! Амиркулдаги хоҳиш-истакни дарров илғаб олди-я?! Ҳатто унинг исми-шарифини дафтарига тиркаб, иш ваъда қилди. Кейинчалик лафзи ҳалоллигини ҳам кўрсатди. Қишлоқда олатасир темир йўл қурилиши бошланиб кетган кунлар Довудбек Якубович уни кўчма база қоровуллигига тайинлади.

“Амиркул, – деди Заргаров ўшанда, – биз сизга ишонамиз, энди базамизга кўз-қулоқ ўзингиз. Сиз бу ерларнинг партизанларини яхши биласиз, хушёр бўлинг”.

Нафсиламр айтганда, қишлоқ биқинига қурилган, тевараги баланд темир-бетон девор билан ўралган кўчма базага чивин ҳам дохил қилолмайди. Қолаверса, туну кун ичкари хизматчилар билан гавжум, демакки, амиркулларга ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Бироқ барибир Довудбек Якубович ҳиммат кўрсатиб, унга қоровуллик вазифасини топширди, елкасига дўстона қокди.

Амиркулнинг туйқус арбоблар назарига тушгани аҳли кипчокни бир қур анграйтиб ташлади. Ана омаду, мана омад! Кўрган кўзни ўйнатадиган қурилиш-мурилишга ҳўб асқатадиган ашёлар қалашиб ётган бутун бошли базага шу довдир қоровул бўлди-я?! Базада нелар йўқ дейсиз: ёғоч, темир-терсак, семент, ёқилғи... Тўғри, Амиркул у ердан ўз бошича ҳеч нарсани орқалаб кетолмайди. Аммо мўмайгина ақча топиш имконияти катта! Тоғу тошлар орасида, тирикчилик қўйида юрган бойваччаларни база хўжайинларига юзлаштириб, воситачилик қилса, бас, ўз улушини пана-пастқам жойда қуртдек санаб олаверади.

Ҳамқишлоқлар хаёлидан ўтган бундай хомчўтлар, очик гап, Амиркулнинг ҳам кўнглидан кечиби, шўрликни бот-бот безовта қилиб турар эди. Аммо Довудбек аканинг “Сизга ишонамиз” деган қатъий сўзларини эсларкан, у ўз-ўзидан уялиб кетади, теваракка хижолат-

ли кўз ташлайди. Бирок ёлғизгина боласининг келажани таъминлаб қўйишга бундан ортиқ имконни қандай топади?! Балки Худонинг раҳми келиб, Амиркулни шундай омадга рўрарў қилгандир? Нега энди Довудбек акадан уялиш керак экан? Биринчидан, у тўғридан тўғри ўғриликка қўл ураётгани йўқ, давлат мулкани талон-торож қилаётгани йўқ. Шунчаки, эҳтиёжмандларни юзма-юз қилиб қўйяпти, холос. Худо инсофни ўшаларнинг ўзига берсин.

Амиркул шундай ўйлар паноҳида хиёл енгил тортади. Енгил тортаркан, беихтиёр ҳаволаниб, тагин орзу-ҳаваслар қуюнида чарх уриб қолади.

Орзулар! Уларнинг адоғи йўқ. Тугай десанг қўли йўқ, оёғи йўқ. Капалакдек жилваланиб хаёлингни шоширади, холос. Ҳаммалари хузурбахш, ҳаммалари оромбахш...

III

Маҳаллий эл бу ерни Жувонбел деб атайди, қурувчи йўлсозлар наздида эса шунчаки 38-участка.

Беш бульдозернинг бирваракайига қариллаб-тариллаб ишлашидан, оғир-вазмин катнаётган ўттиз чоғлик самосвалнинг ўқрик-бўкиригидан ўнгу сўлда ястанган қиру тоғлар ларзага келмоқда. Чанг-тўзон теваракка сарғиш тумандай ёйилган. Кунботардаги букри қирликда қўр тўккан кудратли экскаваторлар тош-метин ерга ўкириб чангал уради, сўнг пўлат ҳовучларини тўлдириб-тошириб самосвалларга тош-тупроқ ортади. Шундоққина этакда кенг, чуқур сойлик узалиб ётибди. Самосваллар қияликдан чайкала-чайкала пастга энишади-да оркалаб келган тошу тупроқ уюмини сойликка гумбурлатиб тўкишади. Тўкишаркан кўтарилган чанг қуюнида бир зум ўзлари ҳам кўринмай қолишади. Баҳайбат тепалик бағрига беш бульдозер беш сўнадай ёпишган. Силкина-юлкина тошлоқ, қурушқоқ

ерни казиб, суриб боришмоқда. Бели ўпирилиб кетган бесўнақай тепалик, гўё букчайиб-бужмайиб шафқат сўраётган пахлавонга ўхшайди.

Қиру сойда курувчи йўлсозлар чумолилардек ғи-мирлаб юришибди. Шовкин-сурондан кулоқлар батанг. Чанг-ғубордан кўзлар ачишиб, томоқлар кичимсирай-ди. Аммо улар бу аҳволга кўникиб кетишган. Эътибор ҳам беришмайди. Ҳамма ўз юмуши билан банд. Ким-дир машиналар қатновига набоб, ўйдим-чуқур жойга тош-шағал тўшаяпти, кимдир сой лабида ҳайдовчилар-га кўз-кулоқ, ҳуштак чалиб, қўл силкиб керакли кўрсат-малар бериб турибди. Тийрак нигоҳ мутахассис узун чўп оёкли нивелерда кўтарма ўлчамларини текшириб, дафтарига қайд этмоқда, аҳён-аҳён нариги тарафдаги шеригига имо-ишоралар билан алланималарнидир ту-шунтирмоқда. Умуман, бу ерда ким раҳбару ким хиз-матчи, дабдурустдан илғаш қийин. Барча коржомада, барча терлаб-пишган, чанг-тупроққа беланган. Шу боис ораларида жонсарак юрган Довудбек Якубовични кўплар осонликча пайкашмайди.

Довудбек Якубович иш йўсинидан мамнун. Кўзла-рини қисиб теваракка синчков-синчков разм солади. Ўзича алланеларнидир чамалайди.

У куни кеча пойтахтда эди. Кенгайтирилган ҳуку-мат мажлисида қатнашиб қайтди. Мажлис кун тарти-би марказига мана шу темир йўл қурилиши масаласи кўйилди. Одатдагидек аввал ҳисоботлар тингланди, изидан муҳокамалар кизғин тус олди, сўнг галдаги режа-топшириқлар атрофлича уқтирилди. Қурилиш қайноқ кечаётган ҳудудларнинг бирида ҳукумат ваки-ли сифатида бош-қош қайвони бўлгани боисми, кўп гап-сўзлар Заргаровга қарата айтилди. (Ҳарҳолда До-вудбекка шундай туюлди.) Заргаров бутун мажлис да-вомида ҳаловат ва ҳадик ҳисларига қоришиб ўтирди.

Ҳаловат сабаблари тайин. Ўтган қисқа вақт ичида шу қадар улкан ишлар бажарилибдики, ҳисобот чоғи далил

ва рақамлар тилга олинганида, хатто ҳашаматли мажлислар зали ҳам жарангдор акс-садо бериб юборди.

Жуғрофий ноқулай, киру адирлар, чўнг тоғлар, сон-саноксиз дараю сойликлар оралаб ўтиши кўзда тугилган, умумий узунлиги 200 километрдан ортик темир йўлнинг нақ ярмидан кўпроғи тайёр! Тагин бундай улкан қурилиш деярли ёш давлатнинг ўз ички имкониятлари ҳисобидан амалга оширилганини айтмайсизми? Бундан ортик жасорат, бундан зиёд матонат борми?! Бу бемисл бунёдкорликни бутун дунё кузатиб турибди. Улкан қурилишнинг улкан сарф-харажатларига дош беролмай, ёш, мустақил давлатнинг эрта-индин бели букилиб кетади, дея ўзларича башорат қилиб юрган қора кучларнинг қора ниятлари пучга чиқди. Кўпгина хориж мамлакатларининг кўзи мошдай очилди. Улар бунёд бўлаётган бу темир йўл магистралининг аҳамиятини туйқус англаб етишгандай, ҳамкорлик илинжида ғимирлаб қолишди. Албатта, уларнинг кўкрагидан итарилмайди. Марҳамат, ҳамкорликми ҳамкорлик, фақат ниятлар соф бўлсин. Ана, япон биродарлар, улар юртимизнинг азалий хайрихоҳларидан. Дарров ҳамкорлик илкини узатиб, тузуккина маблағ ажратишди. Чангак тоғ-даралари узра бунёд этилиши кўзда тугилган, узунлиги, қуввати ақлларни шоширадиган бешта металл кўприк қурилишига амалий кўмак кўрсатишга тайёрлар. Барака топишсин.

Юракда ҳаяжон, андак ҳадик кўзғаган сабаблар ҳам тайин. Мана, икки вилоятни бир-бирига туташтирувчи темир йўл магистралининг буткул битишига атиги 70-80 километрлик масофа қолди. Аммо бу ғоят оғир, ғоят масъулиятли масофа! Бу оралиғ фақат маҳобатли тоғлар, кенг-чуқур сойлару даралардан иборат. Ниҳоятда улкан казиш-қўпориш ишларини бажаришни талаб қилади. Тагин қанчадан-қанча сунъий сув йўллари, катта-кичик кўприклар қуриш керак. Тўғри, бу бунёдкорлик ишларига жуда катта жисмоний ва меҳник кучлар

жалб этилган. Бироқ барибир сўнги сўзни чинакам фидойилик, жасорат айтади. Ишчиларда ана шу хислатлар бўлмаса, бари беҳуда.

Мажлис давомида галдаги режа ва топшириқлар ҳам аник-тиник белгилаб олинди. Хусусан, Заргаров кузатувчилик қилаётган ҳудуд қурувчи йўлсозларига ҳам жиддий жанговор вазифа юкланди. Бу ҳудуд бунёдкорлари яқин уч-тўрт ой ичида 20 километрлик масофани қуриб-битказиб, маҳаллий мардум Чашма, деб атайдиган, қурилиш харитасида 58-участка мақомини олган нуктага етишлари шарт. Шароит тоғ тумани маркази ва Чашма оралиғида зудлик билан ишчи поезди қатновини йўлга қўйишни тақозо этапти. Чунки Чашмада япон биродарлар билан ҳамкорликда режалаштирилган илк металл кўприк қурилади. Ишчи поезд зарур қурилиш ашёларини етказиб беришда энг муҳим, қулай ва арзон омилдир.

Заргаров эртаси куни темир йўл компаниясининг тор доирада ўтказган йиғилишида ҳам қатнашди. Кечаги мажлистан фарқли ўлароқ, бу машваратда темирйўлчиларга хос озгина босиқлик, озгина ўйчанлик ҳукмрон эди. Сўзга, мунозарага чикқанлар, ютуқлар ўзимизники, муаммолар ҳақида гаплашайлик, қабилида иш юритишди. Ўзаро дўстона танқид, таҳлил-тортишув нақ уч соат давом этди. Довудбек Якубович кенг зални тўлдириб, ялтироқ стол атрофида тизилиб ўтирган темир йўл дарғаларининг кўпчилигини танир эди. Офтобдан қорайган юзлари, дағал тортган бақувват қўллари уларнинг ўша қурилиш суронлари кечаётган кир-адирлар орасидан келишганини билдиради.

– Келажак учун баҳоли қудрат хизмат қилаётганимиздан фахрланамиз, албатта, – деди чарпахилдан келган, юз-кўзларида заковат, қатъият ёғилиб турган Компания раиси, – лекин ҳар ким ўз вазифасига жиддий, масъулият билан ёндашиши шарт. Хоҳлайсизми, хоҳламайсизми, ҳозир бозор иқтисодиёти шароити.

Нарх-наво ўйнаб турибди. Биз жуда кўп жиҳозларни валюта ҳисобига четдан сотиб оламиз. Демак қурилишимиз таннархи ҳам шунга қараб, қимматлашиб бораверади. Бизни қутилмаган харажат, ҳаёлда йўқ чиқимлардан фақат биттагина нарса қутқаради. У ҳам бўлса чин фуқаролик виждони. Бу давлатнинг чўнтаги, бу менинг чўнтагим деб ўйлайдиган худбин нусхаларга темир йўл соҳасида ўрин йўқ. Компаниянинг мулкни, давлатнинг ҳар бир сўмини оқилона тежаб-тергаб ишлатайлик. Ўн сўмлик фойда учун минг сўми беҳуда ҳавога совурмайлик. Биз амалга ошираётган қурилишнинг муваффақияти энг аввало шунга боғлиқ.

Раис ўтирганларнинг кўнглидаги гапни айтди, шекилли барча баб-бараварига бош ирғаб маъқуллаб туришди.

Довудбек Яқубович бугун эрталаб пойтахтдан қайтиб келди. Ўзига бир жуфт ички кийим ва бир дунё топшириклар билан келди. Ҳамишаги одатидек, сафардан қайтгач, вагон-уйчада бир-икки соат мизғиб олмоқчи бўлди-ю, бироқ ички бир хаяжон уни қурилиш майдонига етаклади. Нурбой бахшичасига таърифлаганда, шуйтиб Жувонбелда пайдо бўлди.

Қуёш лов-лов ўт ёнаётган тандир оғзидек ҳарорат пуркайди. Жувонбел сойлигидан кўтарилаётган чанг-тўзон, бульдозерларнинг аччиқ тариллаши, самосвалларнинг гуруллаши гўё иссиқ хавосини баттар қизитиб юбораётгандек туюлади.

Довудбек Яқубович пишқириб, вашиллаб тош-тупроқ орқалаб бораётган “”МАЗ””нинг ортидан ҳаёлчан қараб қоларкан, сой тарафдан ўзи томон ҳарсиллаб келаётган участка бошлиғи Арслоновга кўзи тушди. Устидан коржомаси чанг ва тердан ола-қурук тусга кирган. Бошидаги кепка гардишидан оқ оралаган сочлари хурпайиб чиқиб турибди.

– Ассалому алайкум, Довудбек ака, – деди у деярли бакириб.

– Салом, Ғайрат. Ишлар қалай?

Улар кўришдилар.

– Бугун келдингизми? Мажлислар қалай ўтди?

Довудбек Яқубович бош бармоғини ҳавога нуқиди.

– Зўр.

Улар гулдурак солиб ёнгиналаридан экскаватор томон ўтиб бораётган “МАЗ”нинг чанг-тўзонида бир зум кўринмай қолишди. Заргаров димоғлари ачишиб бир-икки чучкириб олди.

– Довудбек ака, юринг, – дея таклиф қилди Арслонов, – прорабнинг вағонида бироз гаплашамиз. Бу ерда кулоқлар том битади.

Заргаров участка бошлиғининг авзойидан муҳим гапи борлигини англади.

– Яхши, – деб қўйди у айикдек лапанглаб бораётган Арслоновга эргашиб.

* * *

Вагон-кабинет шинамгина эди. Ичкарида аллақандай бўёқ хидлари анқийди. Эшикнинг ўнг тарафидаги илғакда кимнингдир кўчалик, кечалик кийимлари осифлик. Вагон тўридаги ихчамгина, олди ойнабанд шкафчада қоғозу китоб тахламлари кўзга ташланади. Ташқаридаги гулдурослардан бу мўъжаз кулба ахён-ахён зирллаб кетади.

Ўртадаги сарғиштус столда ҳозиргина Арслонов ёйиб ташлаган чизма-харита тўшалиб ётибди. Иякларини асабий тутамлаган Заргаров чизма устига энгашиган куйи шамдек қотган. Юз-кўзларида таажжуб, хорғинлик.

Халигина участка бошлиғи Ғайрат Арслоновнинг куйиб-пишиб, гоҳ ўксиниб, гоҳ хўрсиниб тушунтиришига, темир йўл қурилишининг 48-участка лойиҳасида жиддий қусур бор! Арслонов уни бот-бот “жиной хато” деб тилга олди.

Ўша 48-участка лойиҳаси бўйича темир йўл чалатоғ тизмасини ёриб, оралаб ўтиши кўзда тутилган. Ҳолбуки, ўша қиру зовларнинг шундоққина ёнида маҳаллий эл “Супа” деб атайдиган яланглик ястаниб ётибди! Наҳотки, 48-участкани лойиҳалаштирган азамат буни пайкамаган бўлса?! Тап-тайёр яланглик қолиб, серхаражат, сермашаққат худуддан темир йўл ўтказиш режаси унга нега керак бўлиб қолди экан? Миллиард-миллиард маблағни ҳавога созуриб, улкан қурилиш суръатига панд беришдан қандай мақсад бор? Қип-қизил қўпурчилик, очиқ-ойдин душманлик бу!

Темир йўл Қипчоқ қишлоғига етган кунлариёқ, Арслонов чизма-лоийҳаларни диққат билан кўздан кечираркан, юрагига шубҳа оралаган эди. Аммо у-бу юмушга чалғиб, анча пайт бу масала билан шуғуллана олмади. Ниҳоят, куни кеча қатъий аҳд қилиб, вақт топиб, аввал яқин атрофни, сўнг ўша 48-участкани айланиб, кузатиб чиқди. Оқибатда, лойиҳадаги мана бу кинғирликни пайқаб, дили хуфтон бўлди.

– Ана шунақа гаплар, – дея ғудраниб қўйди участка бошлиғи, стул суянчиғини ғижирлатиб залвар ташларкан.

Заргаров тунд киёфада сигарет тутатди.

– Ўша участка лойиҳасини ким тайёрлаган?

– Ҳалиги... иккинчи гуруҳдан Муҳаммадиев, менимча ўша.

– Қизик, – Довудбек Якубович яна чизма-харита устига энгашиди, – нега бундай қилган? – сўнг у яна участка бошлиғига юзланди. – Ғайрат, умуман, ўша Супа деганлари қанақа жой?

Арслонов елка учирди.

– Нима десам экан... умуман олганда, ажойиб жой. Худди стадион ўртасига қурилган саҳнага ўхшайди. Олди тоғ, орти тоғ. Яланглик тахминан ўн километр жойга чўзилиб кетган. Бу ерда бемалол бир шаҳарча қуриш мумкин. Булоқ суви ошади. Айтиш мумкинки,

деҳқончиликка ҳам имкониятлар катта. Энг қизиғи, Довудбек Якубович, у ердан на тошқин, на сел ўтган, ҳавоси ҳам ғалати, бошқа ёқда лов-лов жазирама, Супада майин, салкин шабада эсиб турибди. Хуллас, ажойиб. Ўша жойда бир қўйчивон билан гаплашиб келдим. Айтишича Супа дуо кетган жой эмиш.

– Дуо кетган жой?!

– Ҳа, аллақандай авлиёнинг назари тушган экан.

Заргаров стол қиррасини бармоқлари билан чертганича ўй суриб қолди.

– Барибир масалани ижобий ҳал қилишимиз керак. – деди бироздан сўнг кад ростлар экан, – бу бизнинг бурчимиз. Кеча мажлисда ҳам айнан маблағларни беҳуда сарфламаслик масаласи кўрилди.

Арслонов узун-узун киприкларини пирпиратди.

– Албатта, Довудбек Якубович. Бу биз учун ҳаёт-мамот масаласи. Агар лойиҳани қайта туздирсак, жуда катта маблағни асраб қоламиз, устига-устак, қурилиш жараёни тезлашади. Айтдим-ку, Супа темир йўл учун тап-тайёр объект. Озгина ишлов берамизу рельс ётқизиб кетаверамиз.

– Ўша 48-участкага қачон етамиз, ўзи?

– Умуман... иш шу темпда кетса, тахминан икки ой ичида.

Шу пайт вагон эшиги ғижирлаб очилиб, аввал техникалар шовқин-сурони ичкарига ёпирилиб кирди, сўнг қўлидаги сигаретни бир-икки сўрғилаб, ташқарига улоқтирганича Искандар Тўраевич бош сукди.

Искандар Тўраевич Одилов темир йўл компаниясининг масъул раҳбарларидан. “Дала қўмондони” деб аташади уни йўлсозлар. Чунки у кунда-шунда бошликлар сирасига қиради. Бир қарасангиз рельс ётқизувчилар ёнида, бир қарасангиз тоғ портлатувчилар даврасида учратасиз. Мисоли йўрға той, серғайрат, ўт-олов. Ҳеч ким унинг ёши элликдан ошган, деб дабдурустан айтолмайди. Оқ оралаган сочлари қуюқ, қомаги тик, чайир. Энг қизиғи, Искандар Тўраевич олата сир қурилиш

майдонларида ўралашиб юрса-да афт-ангори, уст-боши ҳамиша ораста-озода. “Сиздан чанг-ғубор ҳам кўрқади”, деб ҳазиллашади баъзи бир ҳадди сиккан темирўлчилар.

– Э-э, ассалў-ўм, – деди у, йўғон товушига вагонни тўлдириб. – Халакит бермадимми?

– Айни пайтида келдингиз, – деди Заргаров стол устидан кўришмоққа кўл узатиб.

Ғайрат шоша-пиша Искандар Тўраевичга стул кўйиб берди. Ўтирдилар.

Заргаров Искандар Тўраевични пойтахтдаги ҳар иккала мажлисда ҳам учратган, бироқ унинг бунча тез қайтишини кутмаган эди.

– Дарров чопкиллаб келибсиз-ку сиз ҳам. Бир-икки кун дам олсангиз бўларди-я.

– Э, – кўл силтади Одилов, – дала-даштга ўрганиб қолибман, шаҳарда бош оғрийди.

Ғайрат бурчақда турган кутидан бир “бакалашка” минерал сув олиб очди-да, стол устидаги пиёлаларни чайқашга киришди. Бу орада Довудбек Якубович 48-участка масаласини тезгина гапириб берди.

Искандар Тўраевич қуюқ сочларини бармоқлари билан тароқлаб, чизма-харита устига энгашди.

– Об-бо, қисталоғ-е, кўзи қатта экан унинг.

Довудбек Якубович пиёладаги минерал сувдан ичди. Сўнг лабига сигарет кистирди.

– Жуда жиддий масала.

– Албатта, – деди Одилов қад ростлаб, – буни тезда ҳал қиламиз. Ўзим шуғулланаман. Тўғри, бироз бош оғриқ, ғавғо бўлиши мумкин. Ну, чидаймиз. – Сўнг Ғайратга мамнун қаради. – Маладес, Арслануф, шунақа зийрак бўлиш керак.

IV

Дилшодбек техникалар таъмирлаш жамоасида механик. Қўли гул уста. Айниқса, мураккаб механизмли

хориж машиналарига тиши ўтишини айтмайсизми? Шу боис янги темир йўл фронтида уни ҳўб кадрлашади. Кимдир самимий раҳмат айтиб қўлини қисиб қўйса, кимдир бирор бир эсдалик ҳадя билан кўнглини топишга уринади. Тайин гапки, Компания бундай иктидорли кадрни ҳеч қачон ҳафа қилиб қўйган эмас, ҳар квартал, ҳар байрам-тантанада Дилшодбек Матчонов учун аталган мукофот-сийлов бор. Албатта, Дилшодбек бундай ҳурмат-эътибордан қувонади, фахрланади, аммо тантикланиб кетмайди. Кенг юзини тўлдириб қулибгина қўяди.

У қўли гул усталиги шарофатидан бир неча ой аввал бир мукофот олди. Мукофотки, уни на Компания, на бирор бир саховатпеша ҳомий тортиқ қила олади, мукофотки, унинг қийматини на дуру гавҳар, на шону шухрат билан ўлчаб бўлади. Бу мукофот тоғ чечагидек тароватли, тоғ тонгидек тиниқ тоғ қизининг андак майин, андак маҳзун табассуми эди. Дилшоднинг қувончи ҳам қайғуси, ҳам ана шу табассумдан бошланди.

Ўшанда темирйўл қурилиши ҳали Қипчокқа етиб келмаган, қишлоқдан уч-тўрт чақирим наридаги адирлик қўйнида қизгин давом этарди.

Авжи баҳор. Осмон йиғлаб тиниққан гўдак кўзларидай топ-тоза. Қир-тепаликлар яғир елкасини яшил тўн тагига яширишга уриниб қолган. Қуёшнинг майин, зарзар нурларига чулғанишиб самода қушлар чарх уради. Еру кўкда намчил тупроқ иси, сабза ураётган чечаклар ифори анқийди.

Адирликда ағдар-тўнтар авжида. Бульдозерлар наъра тортиб, тош-тупроқ уюмларини сой томон суради. Оғир-вазмин автосамосваллар қиру сой ўртасида тошбақалардек ўрмалашади. Андак нарида, баҳайбат қувурлар ётқизилиб, сунъий сув йўли қурилаётган пастликда, пайвандловчи ускуналарнинг ярақ-юруқ ёғдулари кўзга ташланади.

Дилшод юриш қисми сийқаланиб, бўшашган “КамАЗ”ни, кўпкарида лат еган отдек бир чеккага олиб

чикди. Юз-кўзларини кирчил кепкаси билан тинимсиз артиб, айбдорлардек минғирлаётган ҳайдовчига қир томонни кўрсатди.

– Ёшулли, сиз офтобда мудраб туринг, керак бўлсангиз чақираман.

– Раҳмат, Дилшодбек, раҳмат. Тўғриси, ўзи са-ал бошим ҳам лўқиллаб турибди. Аммо-лекин керак бўлсам албатта чакиринг-а.

– Ҳовва.

Дилшодбек машинани ҳайдаб бориб ўзи ўнғай деб билган жойга тўхтатди-да, чаққон-чаққон ишга киришди. Аввалига кузов биқинидаги темир кутидан керакли асбоб-ускуналарни олди. Сўнг домкрат ёрдамида машинанинг олд томонини хиёл қиялатди, тутқичлари узун ечгич билан кабинанинг ўнг тарафдаги ғилдирагини бўшата кетди.

Бу йил қиш қаҳр билан узок туриб қолгани учунми, ҳар қалай, айни чоғда офтоб тафти жону танга ҳузур бағишлар эди. Бутун борлиқда жонланиш, ям-яшил тепаликлар ён бағрида кўй-кўзилар яйраб ёйилиб юрибди. Ўтган кузнинг тентак шамолларию, қора қишнинг қору бўронлари ҳам юлқиб ташлаёлмаган қовжирок, сўлгин ёвшан илдизларидан янги майсалар ундириб, ҳаётга мағрур ва масрур боқади.

Дилшодбек машинанинг юриш қисмларини синчиклаб кўздан кечиргач, кўнгли жойига тушди. Ҳечкиси йўқ, ҳаммаси бинойидек мурватлари озгина бўшашибди, бурилишларда ғийқиллаши шундан. Бу машинада ҳечкурса яна бир ҳафта ишласа бўлади, балки ўшандан кейин “шаровой”ларини алмаштириш ҳақида ўйлаб кўрса бўлар.

Дилшодбек юриш қисмининг бўшашган мурватларини бураб, машинани таппа-тахт қилди. Сўнг қўлларини бир парча латтага артганича, кўзи билан ҳайдовчини излай бошлади. Ҳайдовчи қир тагида ғужанак тортган кўйи коржомасига бошини буркаб мизғир эди.

– Ахмадали ака! Ўв, оға Ахмадали!

Бирок ҳайдовчи ҳеч бир сас бермади. Дилшодбек кулиб, қир этаги томон отиш учун майдарок тош излай бошлади. Шу пайт қишлоқ тарафдаги қияликдан эниб келаётган, бўйчангина қизга кўзи тушди. Эғнидаги енг этаклари узун-узун сарғиш кўйлак устидан, қалин пахталик нимча кийган, бошига оппоқ рўмолини елвагай ташлаган. Қўлидаги елим халтада алланима бор. У ўзи томон тикилиб турган кишини кўрди, шекилли қияликда бир зум тўхтаб қолди, сўнг кўй-кўзилар из солган сўқмоқча бўйлаб чанг-тўзон, шовқин-суронга қоришиб ётган қурилиш майдони томон юринди. Бирок бироздан сўнг яна тўхтаб, хаёлчан туриб қолди. Тура-тура Дилшодбек томон кўрқа-писа кўз ташлаб кўйди.

– Бирортасини излаяпсизми, синглим? Ё, мол-ҳол йўқотдингизми? – дея хайрихоҳларча сўраган бўлди Дилшодбек.

Қиз яна андак саросималаниб тургач, шу томон эна бошлади. Дилшодбек беихтиёр уст-бошини орасталаб, пешона сочларини силаб кўйди.

– Ассалому алайкум.

Дилшод қимтинибгина салом берган қизга бир зум анграйиб қолди. Сутга чайилгандек оппоқ, тиник чеҳра, бодом ковоқ, қийиқ кошлар, рўмол чеккасидан тошиб турган жингилтоб зулфлар уни буткул гангитиб кўйди.

– Келинг, синглим, келинг, – аранг сас берди Дилшодбек.

Қиз қўлидаги елим халтадан қора қопламали радио-магнитофон чиқарди.

– Шуни созлатмоқчи эдим. Кимга учрашсам экан?

– Бизга-да, – деди Дилшодбек, қизга айнан ўзи зарурлигидан қувониб. – Қани, беринг-чи.

Радио-магнитофон одатдаги арзон-гаров хитойча маҳсулот эди. Сийқаланиб кетган ранг-рўйига қараганда эгаси бунга кечаю кундуз қўлидан қўймайди, ҳойнаҳой.

– Мен сизни мол-ҳол излаб юрибсиз деб ўйлабман, – дея ҳазил қилган бўлди Дилшодбек, ўзини самимий кўрсатишга тиришиб. – Бу ерда мен ва анови ухлаб ётган ҳўкиздан бошка мол йўқ.

Қиз рўмоли учини оғзига босиб, пик-пик кулди. Қизнинг кулгусидан руҳланган Дилшодбек яна мулозамат қилган бўлди.

– Сиз кабинага чиқиб ўтириб тулинг. Тик туриб чарчаб кетасиз, ахир.

Қиз унамади. Сал нарида ялпайиб ётган харсанг устига омонатгина ўтирди. Дилшодбек машина кути-сидан керакли анжомларини олиб, ҳаш-паш дегунча радио-магнитофонни қоқ “ёриб” ташлади.

Қуёшнинг заррин ипакдек нурлари бутун борлиқни эркалаб силайди. Кунгай ерларда барқ уриб қолган майсалар мастона-мастона чайқалади, бир-бирига суйкалиб, эшила-тўлғонади.

Дилшодбек радио-магнитофоннинг узилган симларини уларкан, аҳён-аҳён кизга зимдан боқиб гап ташлаб кўяр, киз ҳам рўмоли учини оғзига тегизиб, паст майин товушда, истамайгина жавоб берар эди.

– Бу ерларда меҳмонмисиз?

– Йў-ўқ, анови бизнинг қишлоқ.

– Йўғ-е, – деди Дилшодбек ростакамига ажабланиб, – ҳазилни қўйсангиз-а.

– Чин.

– Мен сизни катта шаҳардан келгансиз деб ўйлабман. Дашт қизига ўхшамас экансиз.

Қиз мақтовнамо сўзларга ишонмагандай қош учириб, кулиб қўйди.

Ниҳоят, радио-магнитофон соз бўлди. Дилшодбек унинг сўнгги мурватларини қотириб, бир-икки пуфлаб ташлади-да, қатор тугмачалардан кераклигини босди. Батарейя қувватига уланган магнитофон андак пишиллаб тургач, туйкус дардчил, ширали товушда куйлаб юборди.

“Бир куни келади, шахзодангни кут...”

Қиз Дилшодбекнинг кўлидаги магнитофонни шоша-пиша олди-да, тугмачалардан бирини босиб, қўшиқ унини ўчирди.

– Ия, ажойиб ашула-ку, нетдингиз? – дея ажабланиб сўради Дилшодбек.

Қиз ўрнидан тураркан пичирлади.

– Менга ёкмайди.

– Зўр ашула, – ожизгина эътироз билдирган бўлди Дилшодбек.

Қиз нимчаси чўнтагидан пул олиб узатди.

– Раҳмат, ака, манови ҳақингиз.

– Кўрдик, пулингиз кўп экан, энди чўнтагингизга солиб қўяверинг.

Қиз яна бироз кистаб тургач, кетишга ҳозирланди.

– Раҳмат.

– Раҳматга лойиқ иш қилмадик-ку, ҳали. Қачон ишингиз бўлса келаверинг, ўшанда оптом қилиб раҳмат айтасиз.

Қиз рўмоли учини оғзига тегизиб кулди.

– Менинг исмим Дилшодбек, – деди пайтдан фойдаланиб уста, – келиб сўрасангиз лубойи топиб беради. Сиз тортинманг, келаверинг, самолёт бўлсаям созлаб ташлайман.

Қиз яна кимтина-кимтина кулди.

– Сиз исмингизни айтмайсиз-а, ахир? – деб сўради Дилшодбек.

– Гулсаҳар.

– Ҳа, роса гўзал исм экан. Бир умр унутмайман.

Гулсаҳар кетди. Кета туриб қошига довур тушиб турган рўмоли остидан шундай бир ўтли қараш, ширин табассум қилдики, Дилшодбек ана шу гўзал нигоҳларнинг асирига айланди-қолди. Қиз қандай гуйкус пайдо бўлган бўлса, худди шундай ногоҳ кўздан йитди. Дилшодбекнинг назарида у қуёшнинг заррин нурларига қоришиб, мовий осмонга учиб кетгандай бўлди.

Дилшодбек ширин бир туш кўриб уйғонгандек, ажиб, тотли ҳислар оғушида колди. Асбоб-ускуналарни йиғиштириб машина қутисига жойларкан, ўз бошига тез-тез илжаяр эди. Сўнг беихтиёр чопкиллаб бориб, ҳайдовчини турткилаб уйғотганида ҳам юз-кўзи кулгудан ял-ял яшнаб турарди.

– Тинчликми? – деб пўнғиллади Аҳмадали ака, ўсиб қолган соқол-муртини қирт-қирт қашларкан. – Тилла топган тентакдек тиржаясиз.

– Калла пишдими, ёшулли?

– Пишди.

– Лўқилламаяптими?

– Йў-ў...

– Ундай бўлса, машина ҳам энди лўқиллаб, ғийқилламайди. Тап-тайёр. Бир ҳафтадан кейин шаровойни алмаштирамиз.

Аҳмадали ака устанинг қувончдан порлаб турган кўзларига таажжубли қараб кўйди.

– Шунга шунча хурсандмисиз?

– Шунга, – деди Дилшодбек, ҳайдовчининг кўлидан тортиб турғизар экан.

Аслида у кўрган-кечирганларини тўлиб-тошиб айтиб бериш учун уйғотган эди. Сўнг туйқус фикридан қайтди. Ўз-ўзидан ичида алланечук рашк, қизғаниш уйғонди.

* * *

Улар бир вагон уйда яшашади, Дилшодбек, Алибек, Шожалол ва Икромиддин. Хўб топишган-да, шу тўртовлон. Бир майизни қирқбўлишмаса-да, тўрт бўлибейишадиган дўстлар. Аммо башара тугул, феъл-атворлари ҳам ҳар хил. Сапча юз, қирра бурун, манглай сочлари тўкила бошлаган ҳайдовчи Алибек, худди уста Дилшодбекдай хийла хушчакчақ, ҳазил-хузлни ёктиради. Шожалол ҳам автосамосвалчи. Саватдек хурпайган сочларию тақа мўйлови уни анчайин кўрс, жаҳлдор

кўрсатса ҳам, аслида ювош, кўнгилчан инсон. Шов-шув, олди-кочдиларни сира ёқтирмайди. Аҳён-аҳён уйидаги каптарларни хўрсиниб эслаб туради, холос. Экскаваторчи Икромиддин эса биққи семиз, калласи тарвуздек дум-думалоқ, шу жасадга яраша феъл-атвори ҳам оғир-вазмин, гап-сўзлари панд-насихатга мойил. Устига-устак художўй, намозхонлиги-чи?! Икромиддиннинг такводорлигию моҳир қартабозлигини ҳисобга олиб, темирйўлчилар уни «Туз қори»деб ҳам аташади. Хуллас, шунақа антиқа тўртлик. Уларнинг дўстлиги, иноқлиги мана шу улкан қурилиш майдонларида кундан-кунга тобланиб, чархланиббормоқда эди.

Ўтган кишда юз берган бир воқеа Икромиддиннинг ҳеч эсидан чиқмайди. Ўшанда Тақиртоғ деб аталувчи баланд, баҳайбат тепалик билан олишув қизғин борарди. Учинчи ва тўртинчи участка йўлсозлари олдигааттиги ўн кун ичида Тақиртоғни ўпириб, текислаб нақ элликбеш метрга пасайтириш вазифаси қўйилган эди. Кечаю кундуз иш авж. Кудратли техникалар бир зум ҳам тинмайди. Ўшанда Икромиддин, Шожалол тунги сменада ишлашарди. Ҳаво совук. Айникса кечалари аёз қисиб, баланд чўккилар томондан изғирин эсади. Тақиртоғни титратиб ишлаб ётган техникалар фараларининг ўткир ёғдулари теваракни сутдек ёритган. Йўлсозлар ана шу ёруғлик остида худди кундузгидагидай меҳнат қилишади.

Икромиддин сменадошидан экскваторни қабул қилиб олгач, қироат билан «бисмилло» деб кабинага чиқди. Шериги босиб-босиб чекиб ишлаган, шекилли, ичкарига қўланса тамаки иси ўтириб қолганди. Икромиддин бурнини жийириб кабина эшигини бироз очик қолдирди. Сўнг ҳамишаги одатига кўра пичирлаб оятдуо ўкиди, юзига фотиҳа тортди. Албатта фотиҳасида ўзининг, техникасининг жонига тўзим, ишига унум тилади.

Теварак қоп-қора тун тўнига бош-оёқ бурканиб олган. Осмон тўла ғуж-ғуж юлдузлар, гўё совуқда қотишгандек, алланечук милтирабгина боқишади. Баланд-паст тоғ тўшларига тўшалиб ётган оппоқ қор, танноз келин кийган кимматбахо оқ фўтадай кўзга ташланади.

Икромиддиннингэксковатори ўкириб-бўкириб музлаб ётган тоғ бағрига чангал уради. Атрофни ўткир фара нурларига чулғаб, пайдар-пай келаётган автосамосваллар кузовига ҳовучини тўлғазиб-тўлғазиб тош-тупроқ юклайди. Гуруллаётган, пишкираётган техникалар шовкин-сурони тун қаърига сингиб, олис-олисларга таралади.

Бир пайт Икромиддин сергак тортди. Бутун вужуди қулоққа айланиб, ёкимсиз ғижирлаш товуши қаердан эшитилаётганини илғашга ҳаракат қилди. Ғижирлаш ёнига кўп ўтмай «қарс-курс» этган хунук сас қўшилди. Эксковаторнинг хартуми худди безгак тутгандай калтирай бошлади. Қудратли машина туйқус лат еган полвон каби пай-мускуллари бўшашиб, пўлат ҳовучига тош-тупроқ тўлғазолмай қолди. Икромиддин шоша-пиша гоҳ у, гоҳ бу ричағни турткилаб кўрди. Аммо, экскаватор бир-икки кучанди-ю, титраб-қакшаб тураверди.

Кузовига тош-тупроқ юкланишини бетоқат кутиб турган автосамосвалчи зарда билан кабинадан отилиб чиқди.

– Ҳа, ака, нима бўлди?

– Билмадим, – деб аранг сас берди Икромиддин, ҳовлиққанича экскаватор хартумига тирмашар экан, – стрела синиб кетди, шекилли.

Кўп ўтмай кўзлари уйқусизликдан қизарган, бошига жун қалпоқни бостириб кийган участка мастери Толмасов етиб келди.

– Нима гап?

Экскаватор хартумини синчиклаб текшириб чиқаётган Икромиддин елка қисди.

– Билмадим.

– Эй, бу ерда турманглар, – деди мастер, қатор туриб қолган автосамосвал ҳайдовчиларига қарата. – Ҳайдарипнинг экскаваторига боринглар, – сўнг яна Икромиддинга юзланди, – Дилшодбек қаерда? Сасиб ухлаб ётгандир, хойнахой.

Тўсатдан экскаваторнинг бузилиши, машиналарнинг туриб қолишию иш суръатининг пасайиши Толмасовнинг тобора жаҳлини чиқарар, асабларини таранглаштирар эди. Шу сабаб у дуч келган одамга беихтиёр захрини сочарди.

– Эҳтиёт бўлсангиз ўласизми, Икром ака? ҳамма ишни дабдала килдингиз!

– Эй, Акбартой, нега лаллайиб турибсан? Ол, самосвалингни, нариги экскаваторга бор! Ҳозир главинженер келиб қолса, онангни учқўрғондан кўрасан.

– Эй, сен бориб, Дилшодбекни топиб кел.

Икромиддин участка мастерининг ўнгу сўлга бақириб-чақириб типирчилашларига бўшашибгина қараб турарди. Кўп ўтмай Дилшодбек ҳансираган куйи етиб-келди..

– Икром оға, на бўлди? – деб сўради у оғиз-бурнидан ҳовур пурқаб.

Икромиддин индамай экскаваторнинг хартуми томон ишора қилди.

– Бир бало қилиб созла, – деди ялинганнамо товушда. Толмасов, Дилшодбекнинг елкасига қўл ташлаб, – агар раҳбарлар келиб қолса теримни шилади.

– Қўрқманг, сизнинг терингиз ҳеч кимга керак эмас. Бу техника, темир соз ҳам бўлади, бузиладиям.

Дилшодбек чакқон-чакқон интилиб экскаватор хартумига чиқиб олди. Сўнг кўйнидан қўл фонарини чиқариб ёқди-да, унинг ўткир нурлари остида хартумининг сон-саноксиз мурватларини бир-бир кўздан кечира бошлади.

– Икром оға, қани, стрелани ишлатинг-чи.

Икромиддин кабинага кириб, керакли ричагларни нари-бери сурди. Дилшодбек экскаватор хартумига худди кумурскадай ёпишиб, кўл фонари ёруғида хануз алланарсаларни текширар эди.

– Бўлди, тўхтатинг, – деди у кўли билан ишора қилиб. Сўнг сакраб ерга тушди.

– Нима бўпти? – деб сўради Икромиддин кўрка-писа, дўстининг ёнига келиб.

Дилшодбек афсус билан бош чайқади.

– Нўл бешлик шестирна синиб кетибди. Иш расво.

Участка мастери экскаваторнинг якин ўртада соз бўлишидан умидини узди, шекилли, гоҳ уҳ тортиб, гоҳ сўкиниб нари кетди. Икромиддин эса хартумнинг шестирнаси эмас, гўё ўзининг ичида алланима узилиб кетгандай, қунишиб-тиришиб қолди.

– Ўлдим... Нима қиламан энди?

– Қани, йигитлар билан бир маслахатлашиб кўрайлик-чи? – деди Дилшодбек ўйчан, – лекин бундай запчаст ҳали базамизда йўқ. Энг ёмони, сизнинг экскаваторингиз ҳали бузилиши мумкин эмас. Нима демокчи эканимни тушундингиз-а?

– Тушундим...

Икромиддин гангиб қолди. Тун қаърида қорайиб, хурпайиб турган тоғлар гўё устига қулагандай бўлди. У қандай воқеа бўлганини яхшигина тушунар, моҳиятини англаб эди. Биринчидан, техника муддатидан аввал бузилгани учун, уни тузатиш, эҳтиёт қисм топиш унинг бўйнига. Бошлиқлар шак-шубҳасиз шундай талаб қилишади. Иккинчидан, экскаватор қачон соз бўлади?! Бир ойми, бир ҳафтами?! Нахотки Икромиддин шунча пайт ишсиз туради. Ишламаса, хемири ҳам тегмайди-ку?! Бола-чақасининг олдига қандай юз билан боради? Қолаверса, битта экскаваторнинг бузуқ туриши, бутун иш суръатига таъсир қилади, жуда кўп хайдовчи иш «объём»ини бажаролмай яхши даромаддан қолишади.

Икромиддин қоронғуликка қоришиб, калтакланган дайдидек қокила-сукила вагонуйлар томон яёв қайтди. Ичини ит тирнаяпти, нохуш ўйлардан каллалари ғовлаб кетди. Назарида, ҳатто Дилшодбек ҳам ўзини олиб қочгандай, уни ёлғиз ташлаб, алланималар бахонасида кетиб қолгандай бўлди. Шу нарса ҳам унга қаттиқ алам қиларди.

Тун, қоп-қора тун. Совуқ тобора забтига олмоқда. Оёқ остидаги ўйдим-чукур йўл музлаб, қатқалоқ бўлиб кетган. Юз-кўзларни изғирин аёвсиз тимдалайди.

Икромиддин вагон уйлар ёнида Шожалолнинг «МАЗ»ини кўриб ҳайрон қотди: «Қачон келди у?! Ишламай, нима қилиб юрибди».

Кўп ўтмай машина ёнида уч шарпа кўринди. Икромиддин вагон уй пештокидаги лампачирок ёғдусида аввал Шожалолни, сўнг Алибек ва Дилшодбекни таниди. Алибек кундузги сменада ишлаб, дам олаётган эди. Афтидан, дўстлар уни қўярда қўймай уйғотишган кўринади. Елкасига қалин бушлатини омонат ташлаб, қунишибгина турибди.

Икромиддин улар томон юринди-ю, туйкус ўзи ҳақида гап бўлаётганини пайқаб беихтиёр вагон уйлар панасида оёқ илди.

– Ана шунақа гаплар, Икромиддинга ёрдам бермасак бўлмайди, – дея сигарет тутатди Дилшодбек.

Алибек бўшлатига яхшилаб бурканиб олди.

– Менда фикр бор.

– Қанақа фикр? – деди Шожалол бетоқатланиб, – тезроқ бўл, мен ҳали ишлашим керак.

– Ўтган сафар уйга кетаётганимда Қаршида бир фирманинг директори билан танишганман. Какраз шунақа оғир техникалар запчасти билан савдо қиларкан. Ўшанга учрашсак-чи...

– Фу-у, – Шожалол истамайгина қўл силтади. Хом хаёл. Биринчидан уни ҳозир қаттан топасан. Иккинчидан, унда бунақа шестирна борми, йўқми, худо билади.

Дилшодбек анчайин кизиқиш билан гапга аралашди.

– Шожалол, сасингни ўчир. Яхши фикр бўлди. Давай, аввал пул йиғамиз. Ҳаммамиз ўртага пул ташлаймиз.

– Хўп, бу масала ҳал дейлик, кейин-чи, – деб пўнғиллаб кўйди Шожалол.

Алибек гапни илиб кетди.

– Пулни оламану мен ҳозирок Қаршига жўнайман. Анови фирмачининг адреси тайин. Қай гўрдан бўлсаям топаман уни.

– Қишлоқда яхши бир дўстим бор, – деди Дилшодбек маслаҳат пишаётганидан қувониб, – бир пайтлар «Жигули»сини созлаб берганман. Ўшани топиб илтимос қиламиз, олиб бориб келади.

– Қарабсанки, эрталабгача запчаст шу ерда бўлади, – деди Алибек кафтларини бир-бирига ишқалаб.

– Ўша фирмачингда шестирна бормикан, ишқилиб, – дея хануз ишонқирамай пўнғиллади Шожалол. – Бехуда овора бўлиб қолмайсанми?

– Яхши ният қил, аҳмоқ, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

Дилшодбек хуфёна шипшиган бўлди.

– Лекин бу маслаҳатимизни Икромиддин билмаслиги керак. Сюрприз қиламиз.

– Эртага туғилган куни, Икромнинг, – деди Шожалол илжайиб. – Агар ишни битирсак, зўр совға қилган бўламиз-да.

Алибек унинг бикинига туртиб кўйди.

– Худога шукр-е, – сендан ҳам илик гап чиқаркан, Шожалол. Энди ишимиз юришади.

Шожалол Алибекка ўзича ҳамла қилиб, ёқасидан бўғиб олди. Дилшодбек икковини икки томонга силтаб ташлади.

– Эй, майнавозчиликнинг пайти эмас ҳозир. Қани, тезроқ бўлайлик. Ким билади, бечора Икром ака, экскаваторнинг ёнида ҳали ҳам аза очиб ўтирган бўлса керак.

Шожалол, сен уни топиб вагонга опкел. Биз Алибек билан қишлоққа борамиз, анови «Жигули»ни топишимиз керак.

Учовлон ўзаро гўнғирлашиб вагон уйга кириб кетишди. Икромиддин секин панадан чиқди. Унинг томоғига алланима тикилгандек анча пайтдан бери «гилт-ғилт» қилиб турарди. Сўнг кўзларига беихтиёр ёш қалқди. Бу севинч кўз ёшлари эди. Икромиддин бу хувиллаган, зулматга бурканган тоғу тошлар орасида ёлғиз эмаслигини, ҳамдард, ҳамнафас дўстлари борлигини чуқур ҳис қилди.

Ният холис бўлган экан. Ўша тонг эндигина кўзи уйкуга кетаётган Икромиддинни Алибек турткилаб уйғотди.

– Қори ака, ия, нега ухлаб ётибсиз? Сменада эмасмисиз?

– Экскаватор бузилиб қолди, – дея пўнғиллаб қўйди Икромиддин ҳеч нарсадан беҳабардек.

– Бекорларни айтибсиз, – деди Алибек илжайиб, – ана, машинангиз қариллаб ишлаб ётибди. Ишонмасангиз, Такиртокка чиқиб қаранг.

– Икромиддин ортиқ айёрлик қилолмади. Бир интилиб беихтиёр дўстини кучоқлаб олди.

– Биладан. Ҳаммасидан хабардорман. Раҳмат, сизларга, дўстларим.

Баҳорнинг ўша хароратли кунидан бошлаб Дилшодбекнинг тинчи бузилди. Гулсахарнинг оппоқ, ўйчан чехраси кўз ўнгида суратдек қотиб қолган эди. Йўллардан, қишлоқ теварагидан уни интиқ-интиқ излади. Бироқ киздан ном-нишон йўқ. Қурилиш майдонларида қатик, қурут сотиб юрган болалардан сўраб-суриштиришга бир-икки чоғланди-ю, аммо ботинолмади, қишлоқ кизини номуносиб миш-мишга қўйишдан чўчиди. Дилшодбек шундай зор-интизорликда ўн беш кунлик вахта ўтиб кетганини пайқамай қолди. Уйига, олис Тўрткўлга қайтиб, хотин, бола-чақа даврасида юр-

ган кезлари ҳам Гулсахарнинг маъюс кўзлари, иболи табассумлари изма-из таъқиб этиб келганини пайқади. Бесаранжомлашди.

Дилшодбек яна вахтага қайтганида, темир йўл қурилиши аллақачон қишлоқ ичига кўчган эди. Бу ҳолдан у қувонди. Қизни муқаррар кўришига ишонди. Бироқ бари беҳуда. Шунча хотин-халаж, кизу жувон ичида у кўринмайди. Дилшодбек ёру дўст, ҳамкасбларидан ўзини биров-ярим сўроқлаган-сўроқламаганини зимдан суриштирди. Ҳамма мужмал елка қисди. Дилшодбекнинг ноҳақ калтакланган боладай хўрлиги келди. У энди ўша ҳароратли кун ростакам ер кизини кўрганига шубҳалана бошлади. Назарида у билан бирор бир пари ҳазиллашгандай эди. Илгарилари Дилшодбек дев-пари, инсу жинс, учар ликопчадаги гўзаллар ҳақида эшитганда, ё ўқиганда ишонмай, кулибгина кўярди. Энди эса... Ўша куни бечора механикни ақлдан оздириш учун бир гўзал пари бирров ёнига қўниб ўтгани очик-ойдин бўлиб қолди.

Шундай шубҳа-гумонлар гирдобида юрган кунлардан бирида уста йигитлардан бири уни ташқарига имлади.

– Дилшод ака, каранг-чи, сизни сўрашяпти, шекилли?

Дилшодбек кўли қорамойга ботиб ётганига қармасдан жон ҳолатда ташқарига отилди.

Ўша! Гулсахар бир дугонаси билан етаклашиб, ёқилғи цестернаси ёнида турарди.

– Келинлар, – деб аранг сас берди Дилшодбек, қувончу интикликдан юраги гурс-гурс уриб.

Қизлар қимтинибгина салом беришди.

– Мановини бир кўриб беринг, – деди Гулсахар паст, майин товушда, эскигина бир дазмолни узатаркан, – дугонамники.

– Бу курғурнинг бузилиши намунча қийин бўп кетди, – деб юборди беихтиёр Дилшодбек, унинг кўзларини сўзлари тўла ўпка-гина эди.

Дугона таажжубланиб бир устага, бир Гулсахарга қаради. Гулсахар эса ерга тикилди.

Ўша куни дазмол ҳам, Дилшодбекнинг кайфияти ҳам соз бўлди. Мисли бир парча харир булутдай хаволарда учиб юрди. Ҳали-вери тузалиши даргумон бўлган, бир экскаватор, бир “МАЗ”ни кечга довур таъмирлаб ташлади. Умуман, серғайратлик, хушчакчаклик бу мохир устанинг ҳамишаги сифати бўлгани учун ундаги баҳорий ўртанишларни кўпчилик пайкамай қолди.

Ўша халоскор дазмол воқеасидан сўнг орадан уч-тўрт кун ўтгач, техник хизмат кўчма устахонасида дўпписи билан елпиниб Амиркул пайдо бўлди. Ғилдираклари ечиб қўйилган, капотлари очик, ички ашқол-дашқоллари сочиб ташланган техникалар орасида қўлини оркасида чалиштирган кўйи анча пайт ивирсиди. Қора мойга ботиб капотлар ёнида куймаланаётган, юк машина тагига узала тушиб аллақандай мурватларни қотираётган усталар ишини ўзича кузатган бўлди. Бу пайтда Дилшодбек қай бир “чарчаган” “МАЗ”га тегишли карбюраторни бурдалаб, бензинда ювиб тозаламоқда эди.

– Ҳа, ёшулли, нечук биз тарафларда юрибсиз? – деб сўради у, кўчма бир база қоровулига кўзи тушиб.

Амиркул югургилаб келиб, уста билан қўшқўллаб кўришишга чоғланди. Аммо Дилшодбек қўллари қоп-қора, искирт бўлгани боис, истамайгина тирсагини тутиб қўйди.

У Амиркулни кўп хушламайди. Алланечук хокисор, хуркак бўлгани учун, хойнахой Дилшодбек бунақа одамлар ўз ишига ўта пухта, худбин, керак пайти ҳар қандай азиз авлиёни ҳам топтаб кетадиган жоҳил, ваҳший бўлади деб ҳисоблайди. Ўз ҳаёти давомида бу хил нусхаларни кўп учратган. Унга дангал, андак чапани, андак хушчакчак кишилар кўпроқ ёқади. Аммо айни чоғда Дилшодбек ўй-хаёлида Гулсахар билан сирлашиб, шивирлашиб турганидан, неча кундан бери

ўз-ўзидан кувониб, ўз-ўзидан ўртаниб юрганидан бўлса керак, ногоҳ устахонада пайдо бўлган Амиркул ҳам кўзига тузуккина, олийжаноб ва дилкаш инсондай кўринди.

– Не хизмат, қоровул оға?

– Озгина иш бор сизда, – деди Амиркул кўлини кўксига кўйиб, – бир ҳурматли кишимизнинг “Нива”си уч ойдан бери бузук. Шуни бир кўриб берсангиз, Дилшодбек. Хизмат ҳақиға гап йўқ.

– Ўша ҳурматли зотнинг нега ўзлари келмадилар?

– Энди... – деб хокисорона илжайди Амиркул, – у киши менга шундай топшириқ бердилар. У кишининг бизга буюришга ҳақлари бор.

Дилшодбекнинг қизиқиши ортди.

– Ким у жаноби олийлари. Билсак бўлар, ахир?

– Бизнинг эшон бова, Аюбхон эшон. Сизни ҳам дуо қиладилар, илтимос.

– А-ҳа, – деб кўйди Дилшодбек ҳаммасини тушингандек.

– Қачон борасиз, уста ака?

– Бугун йўқ. Кўраяпсиз иш кўп. Эртага пешиндан сўнг бир хабар олинг, хўпми. Қўлим бўшаб қолар.

Дилшодбек эшон деганда бошига оппоқ симобий салла ўраб, эгнига узун яқтак кийган, қуюқ, узун соқолли, юзидан илоҳий бир нур ёғилувчи, кўлида тасбех, ҳар икки сўзидан сўнг “бўтам-бўтам”лаб турадиган мўътабар зотни тасаввур қилар эди. Аммо Амиркул билан етаклашиб, тевараги баланд девор билан ўралган ҳовли дарвозасидан бош суқишгач хафсаласи пир бўлди. Уларни айнан ўзлари қарши олган ўша Аюбхон деганлари, кўча киморбозидан нари-бери экан. Тап-такир кирилган бошида оҳорли ола дўппи, шоп мўйлов, нигоҳлари қаттиқ, оғзи тўла тилла тиш бу “эшон бува”нинг димоғидан қурт ёғар эди. Бироқ ўша пайт кайфияти хийла дуруст экан, шекилли, уларни хуш-хандон кутиб олди.

– Э-э, хуш кепсизлар, кани, ичкарига тортингизлар.

Ховли тўрида баланд, серхашам уй. Девор бўйлаб ошхона, хаммом, гараж қурилган. Кенгдан-кенг ховли этагида пасткам оғиллар, ўтинхонаю сомонхоналар кўзга ташланади. Оғил ёнида кулоклари дикрайган, чип-чиройлик улоқчи от, беда чайнаб турибди.

Аюбхон эшон кўпқари жинниси экан. У гараж эшигини очиб, Дилшодбекка чанг босиб ётган “Нива” сини кўрсата туриб ҳам куни кеча Белибойли деган қишлоқда бўлган кўпқари ҳақида гапирар эди.

– Бизнинг от ҳам хўб каромат кўрсатди-да. Уч марта улоқ опчикди, устажон.

Бироқ уста Дилшодбек бошига тўкмок теккандек гангиган эди. Эшоннинг гап-сўзларига ора-чара паршон бош ирғаб кўяди. Чунки у дарвозадан оёқ оширгандаёқ, ошхона ёнида куймаланиб турган Гулсаҳарни кўриб қолган эди!

Ўша куни Дилшодбек не воқеалар содир бўлганини, носоз машина ҳақида қандай маслаҳатлар берганини аниқ-тиниқ эслай олмайди. Ёдда қолгани шу: у ён-бу ён юмуш билан ўтиб қайтиб юрган Гулсаҳар Дилшодбекка икки бор енгил табассум қилди!

Машина кўригидан қайтишаркан, Амиркул Аюбхоннинг палаги тоза эшонлардан эканини, нари ёғи пайғамбарларга бориб тақалишини эҳтиром билан гапириб кетди.

“Гулсаҳар эшонойи экан-да?!” – шу ўй Дилшодбекнинг миясини ўша ховлида пайдо бўлгандан буён аёвсиз эговлар эди. Гўзал кизнинг олий насабдан эканлиги негадир уста кўнглида шилимшиқ ғашлик ва аллақандай кўрқув уйғотди. Негадир у улуғлар хонадонидан бўлганидан Амиркулдек қувониб, ғурур, ҳурмат-эҳтиром ҳисларига чулғанмади.

Кейинчалик Дилшодбек Гулсаҳарни бир неча бор “тасодифан” учратди. Суҳбатлашди. Ҳар суҳбатдан ичу таши ёришиб, тилла топган тентакдек, ўз бошига қувониблар юрди. Не бахтки, Гулсаҳар аввалгидек

ўзини олиб қочмас, беш-олти қадам оралиғ саклаб бўлса-да, қисиниб-қимтиниб бўлса-да у билан илик сўзлашар эди. Кейинчалик туйкус содир бўлган воқеа уларни бир-бирига ипсиз боғлаб, ўртадаги оғир, қалин пардани юлқиб ташлагандай бўлди...

V

Қипчоқ қишлоғи улкан қўшиннинг улкан қароргоҳини эслатади. Гарчанд темир йўл қурилиши қишлоқдан хийлагина олислаб кетган бўлса-да, ишчиларнинг кўч-кўрони, раҳбарият ўрдаси хануз шу ерда қўним топган, бир пайтлар Тиркаш чўпон яйловга чиқиш олди-дан овул қўй-эчкиларини бақир-чақир билан йиғадиган майдонда вагон уйлар, ҳарбийча кўчма ошхона, темир ўриндиқлар ястанган эди. Илгарилари кунора икки-уч соатгина марказдан узатиладиган электр токи энди тузуккина сонга кириб қолди. Теваракка писта пўчоғидек сочилган ҳовли-жойларда куну тун электр жиҳозлар ишлаб, лампа чироқлар милтиллайди. Майдондаги баланд симёғочга қурувчилар ўрнатган улкан прожектор эса тун бўйи теваракни чароғон ёритади. Бу ерда айниқса кечки пайтлар ҳаёт қайнайди. Бақир-чақир, ғала-ғовур билан ишдан қайтган қурувчилар апил-тапил ювиниб-тараниб, овқатланиб олишгач, тўп-тўп бўлиб ўзларича маданий ҳордиққа шўнғишади, қарта, нарда, домино ўйинлари қизигандан қизийди. Аскиябоз давраларда туйкус портлаб қоладиган қаҳқаҳалар қоронғулик қаърини ёриб узоқ-узоқларга таралади, теваракни қуршаган қир-адирлар, маҳобатли тоғлар гўё акс-садо қайтаргандек бўлади. Чекка-чеккада тамаки тутатиб, бошлари узра маржондек сочилган юлдузларга хаёлчан термилиб ўтирган орзумандлар ҳам талайгина.

Қипчоқлик аёллару бола-бақирларга Худо берганини айтмайсизми?! Шу пайтгача бўсаға ҳатлаб кўчага чиқишга ийманган хотин-халаж туппа-тузук

савдогар, ишбилармон кавмига айланди-колди. Тадбиркорлик масаласида, айниқса, Пиримкулнинг келини, бошланғич синф муаллимаси бало чиқди. Бир пайтлар вилоят марказидаги ўқитувчилар тайёрловчи коллежда ўқиган, ҳамкишлоклари таъбири билан айтганда, кўча кўрган бу жувон тез-тез марказга қатнайди. У ёғдан коп-қоп, қути-қути бозори чаккон мол ташийди. Ароғу сигарет, совуну шампун... Бу ёгда эса дугона муаллима бир жуфт пайпоқ эвазига унинг қармоғидаги синф жужукларига кўз-қулоқ бўлиб туради. Ҳаммаси бинойи, ҳаммаси кўнгилдагидек. Тадбиркор келин келтирган товарни кўни-қўшни аёлларга кўтара сотади. Бу аёллар қишлоқни коқ иккига бўлиб ўтган темир йўл теварагига ўзларича қўлбола пештахталар ўрнатиб олишган, пештахталар хилма-хил товарга тўла қурут, писта, носвой... Савдогар аёллар бир-бирига ҳурпайиб, хўмрайиб тикилишади, ўзаро жой таллашиб, миждоз таллашиб тез-тез жанжаллашиб туришади. Болалар оналаридан қолишмайди. Ароқ, сигарет солинган искирт халталарини кўтариб дам олаётган, ювиниб-таранаётган ишчилар атрофида ўралашишади.

Қурилиш трестига қарашли кўчма ошхонанинг бозори қасод, ҳисоб. Ишчиларнинг иштаҳалари айна карнай пайт хонадонларда пиширилган тотли ва арзон овқатлар шундоққина тумшуғлари тагида пайдо бўлади.

– Кунбўйи қайнаган каллашўрва бор.

– Қўй мойига дамланган ош...

– Ҳорманглар акалар, бугун ҳам жиз опкелдим, кечагидан зўр.

Қозондан қозонга, косадан косага суқланиб кўз югуртаётган ишчилар ҳам бири қўйиб-бири олиб бўқиришади.

– Эй, тандир кабобдан икки бўлак узатворинг.

– Қовурдоқ, бу ёкка кел!

– Чалобингдан қуй, эй, бола, муздекми?

Сочлари патила-патила, ялпоқ юз бола идишидан чалоб қуйиб узатаркан шипшийдди.

– Испирт кўшилганидан ҳам бор, қуяйми?

Ишчи маънодор-маънодор томоқ киради.

Довудбек Якубович бу ғаройиб манзараларни узокрокдан, ўзига тегишли вагон уй ёнида туриб завк билан кузатади. Овлоқ, колоқ овулнинг андак вақт ичида бу қадар ўзгарганидан, содда, хуркак даштликларнинг абжир, тадбиркор элга айланаётганидан, қай куни келиб кетган маҳмадона мухбир тили билан айтганда, янги давр ҳавосидан нафас ола бошлаганидан қувонади, бундай оламшумул воқеаларга ўзи ҳам алоқадорлигидан кўнгли фараҳларга тўлади.

Мана ҳозир ҳам у андак аввал Амиркул тавозеъ билан кўйиб берган стулда оёқ чалиштириб, сигарет тутатиб ўтирибди. Хаёлчан кўзлари хиринглашиб, минғирлашиб қарта ўйнаётган ишчилар тўпига парижон қадалган. Эғнидаги оппоқ спорт либосининг йўл-йўл хошиялари прожектор ёғдусида алланечук заррин товланади.

Довудбек одатда ўзига кўшни вагонларда истикомат килувчи, раҳбарият қавмидаги темирйўлчилар билан овкатланар, у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб хордиқ чиқарар эди. Бугун уларнинг учови ҳам йўқ. Искандар Тўраевич таътилга чиқди. Таътил пайти у ўша 48-участка масаласини ҳам ҳал қилишни режалаштирган. Автоколонна бош инженери тунги сменага чиқиб кетди. Айни пайт Жувонбелда жавлон ураяпти, хойнаҳой Йўл хўжалиги Бошқармаси бошлиғининг ўринбосаридан бири бўлмиш Сергей Зоркиннинг кўшни вилоят худудидаги қурилиш участкаларидан бирига чақириб қолишди. Сунъий сув йўли қуриш бўйича аллақандай чигалликни ечиши керак экан. Шундай қилиб Заргаров қароргоҳнинг бош-қоши бўлиб қолди.

Довудбек Якубович хордиқ пайтлари ишчилар орасида ўралашиб юришни кўп ҳам хушламайди. Истаса-истамаса, улар катта раҳбар олдида тортинишади, кўнгилдагидек дам олишолмайди. Тўғри, ахён-ахён

ишчиларнинг ўзлари Заргаровни давраларига чорлаб қолишади, бир пиёла чой билан ё бир шингил ичак узар латифа айтиб унинг кўнглини овлашга, зериктирмасликка ҳаракат қилишади. Довудбек Якубович табиатидаги жиддият боисми, бундай давраларда ўзини жуда ноқулай ҳис этади. Нафсиламир айтганда, унинг зерикшига вақти йўқ. Эси-дарди темир йўл қурилишида. Ишнинг сифатли ҳамда камчиқим бўлиши йўлларини излайди. Қизик, хордиқ пайтлари ҳам иш муаммолари устида бош қотираркан, ажабтовур дам олгандай бўлади, фикри тиниклашиб, руҳи тетиклашади.

Заргаров ҳозиргина чекиб бўлганига қарамай, тагин бир дона сигаретни беихтиёр лабларига қистирди. Шу пайт қартабозлар тўпидаги экскваторчи Икромиддин яйраб керишган кўйи товуш берди.

– Довудбек ака, келинг, биз билан бир қўл ўйнанг.

– Йў-ў, – қўл силтаб, бош чайқади Заргаров, – сизлар бемалол.

– Булар жа-а патимни юлиб қўлимга берутти-да, келинг, ака, би-ир қўллаб юборинг.

Заргаров мийиғида илжайиб, тагин қўл силтаб қўйди.

Шу тўртовлон хўб топишган-да. Бир майизни қирк бўлишмаса-да, тўрт бўлиб ейишадиган дўстлар. Аммо башара тугул, феъл-атворлари ҳам ҳар хил. Сапча юз, қирра бурун, манглай сочлари тўкила бошлаган ҳайдовчи Алибек, худди ёнидаги Дилшодбекдай хийла хушчақчақ, ҳазил-хузулни ёктиради. Шожалол ҳам автосамосвалчи. Саватдек хурпайган сочларию тақа мўйлови уни анчайин кўрс, жаҳлдор кўрсатса ҳам, аслида ювош, кўнгиличан инсон. Шов-шув, олди-қочдиларни сира ёқтирмайди. Ахён-ахён уйидаги каптарларни хўрсиниб эслаб туради, холос. Экскаваторчи Икромиддин эса бикки семиз, калласи тарвуздек дум-думалоқ, шу жасадга яраша феъл-атвори ҳам оғир-вазмин, гап-сўзлари панд-насихатга мойил. Устига-устак, художўй, номозхонлиги-чи?! Икромиддиннинг тақводорлигию

мохир картабозлигини ҳисоб олиб, темирйўлчилар уни “Туз қори” деб ҳам аташади. Хуллас, шунақа антика гўртлик.

Довудбек Якубович сигарет тутатаркан картабоз биродарларга ҳавас билан қаради.

Шу пайт сочлари тап-тақир қирилган, озгин-ориқ бола югургилаб вагон уйлар орасидан чиқди-да, бир зум тевааракка саросимали аланглаб қолди. Ортидан пайдо бўлган қоп-қора аёл, узун этакларига ўралашган кўйи туяқушдай лўкиллаб болага етиб олди-ю, унинг юз-кўзи аралаш тарсаки тортиб юборди.

– Ай, қирғининг келгур, яна бошладингми, а, яна бошладингми?

Бола чинқириб юборди. Қўлидаги аллақандай искирт кути ерга тушиб, ичидан сигарет қолдиқлари сочилиб кетди.

– Шу заҳар закқумга қачон ўргана қолдинг, а? – дея аёл баттар жазава билан боланинг қулоғидан чўзди.

Довудбек Якубович беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

– Нима гап? Нега ураяпсиз уни?

Товуш қулоғига бориб етди шекилли, бола Заргаров томон зорланиб кўз ташлади. Аёл эса ҳамма-ҳаммасига айбдор касни кўргандай, Довудбекка ўқрайиб қаради.

– Буни қаранг, катта бова, чекишни ўрганибди. Тирмизак нушхурт папирос териб юрибди.

– Қўйворинг, энди қилмайди.

Аёл боланинг елкасига бир нуқиб қўйиб юборди.

– Жўғал.

Бола Довудбек Якубовичга миннатдор кўз ташлади.

– Энди бунақа ёмон иш қилмайсан-а? – деди Заргаров болага ёлфондакам пўписа қилиб.

– Жўк.

Довудбек Якубович серзарда аёл етовида тун зулмати қўйнига сингиб кетаётган бола ортидан қараб тураркан, қоронғулик қаъридан чиқиб келаётган ўз болалигини кўриб қолди...

...У оддий темирйўлчи оиласида туғилиб ўсди. Отаси далада чилангир, онаси вагон назоратчиси эди. Довудбек беш яшарлик чоги отаси туйқус қазо қилди. Аллақандай паравозни таъмирлашаётган пайт калкиб кетиб, рельс устига боши билан кулаган экан. Отаси узоқ вақт касалхонада тилсиз, қўл-оёқсиз ётиб охири жон таслим қилди. Чилангирнинг ўлими талай мишмишларни туғдирди. Бировлар уни кимлардир атай итариб юборишган дейишса, бировлар чилангир ўз жонига қасд қилиб паравоз устидан ўзини пастга ташлаганини шивирлаб гапиришар эди. Лекин бундай мишмишлардан не фойда? Ўлган ўлиб кетди. Беш яшар бола етим қолди. Аммо Довудбекнинг онаси қувноқ ва иродали аёл эди. Кутилмаган айрилиқ ҳам унинг чиройига, куч-ғайратига путур етказа олмади. У хамишагидек ўзини қувноқ, тароватли тутиб ўғлининг парваришига зўр берди. Яхши еб-ичирди, кўркам кийинтирди. Тўғри, инсоф билан тан олиш керак, темир йўл рахбарияти, шахар маъмурияти ҳам бир чеккада қараб тургани йўқ. Баҳоли қудрат бу ғамбода оилага ғамхўрлик қилишди. Довудбек уйларига тез-тез келиб турадиган, уни турли-туман ўйинчоғу ширинликлар билан сийловчи, онасига меҳр-муҳаббат билан муаомала қилувчи бир-биридан пўрим амакиларни элас-элас эслади. Улар афтидан марҳум отасининг энг яқин дўстлари, кадрдонлари эди. Бу амакилар марҳум чилангир хақида сўзлашиб баъзан узоқ-узоқ ўтириб қолишар, гоҳо марҳум дўст хотираси учун қиттак-қиттак май ичишар эди. Уларнинг бундай хотира кечаси, мурғак болага отасини эслатиб, юрак бағрини баттар ўртар эди. Довудбекнинг назарида гоҳо отасини айнан шу амакилар ўлдиргандек туюларди. Шундай кезлари у ётоғида бикиниб олиб, зор-зор йиғлар, отасини қайтиб беришини Худодан ёлвориб сўрар эди. Ҳатто бир куни у кутилмаганда онасига мушт ўқталиб қолди: “Ойи, ановилар энди уйимизга келмасин”.

“Нега?!” ажабланиб сўради онаси, – улар ўз бурчини бажаряпти, холос”.

Сўнг ўглини бағрига босиб эркалади.

“Биз уларнинг ёрдамига зор эмасмиз, келишмасин”.

“Яхши, энди улар келишмайди. Лекин, ўғлим, сен эркакларни кўпроқ кўриб туришинг керак. Шундагина ҳақиқий эркак бўлиб ўсасан”.

Онасининг орзулари ушалди, ҳисоб. Довудбек қатъиятли, чўрткесар бўлиб ўсди. Мактабда ҳам тузук ўқиди. Тенг-тўшларини аёвсиз калтаклайдиган, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб қоладиган, шўх бола бўлишига қарамай муалиммалари кўзларини чирт юмиб, “намунали хулқли” деган тавсифнома ёзиб беришди. Довудбек темир йўл инженерлари тайёрловчи институтга ортиқча кийинчиликларсиз талаба бўлди. Сўнг ўқишу иш...

* * *

Ишчилар орасида ғала-ғовур кўтарилди. Чунки бульдозерчи Фарход кекса бахшини етаклаб келиб қолган эди. Кун иссик бўлишига қарамай, бошига телпак, эгнига олача тўн кийиб, белини белқарс билан боғлаб олган, серажин юзлари оппоқ соқол билан қопланган Нурбой бахшининг бир кўлида ҳасса, бирисида дўмбира. У темирйўлчилар орасига тез-тез келиб туради. Тўғрироғи, ишчилар кўнгиллари тусаб қолган кунлари, қарияни кулбасидан эхтиром билан бошлаб келишади. Бахши кўп тихирлик қилиб ўтирмайди. Ўзининг тили билан айтганда, мусофирчиликда кўп савоб иш қилиб юрган азаматларнинг кўнглини топишга ошиқади.

– Қани, отахон, бу ёққа марҳамат.

– Эй, ўриндикка кўрпача сол, имиллама.

– Сен ошхонага югур, айт, аччиқ кўк чой дамласин.

– Хуш келибсиз, хофиз бува, марҳамат.

– Ўв, хофизмас, бахши бу киши.

– Ҳа, энди... қанақа разниса?

Нурбой бахши шундай мулозамату тавозелар ора-
лаб ўтиб, кўрпача солинган ўриндикка оҳиста ўтирди.
Ишчилар уни бир зумда қуршаб олишди. Ҳатто, ашад-
дий қартабозлару домино ишқибозлари ҳам шу томон
ошиқишди.

Нурбой бахши давра билан кўз уриштириб, бош
ирғаб хол-ахвол сўрашиб чикқач, дўмбирасини кўлига
олиб тинғиллата бошлади.

– Нимани айтиб берай, болаларим?

– Ўтган гал Гўрўғлини эшитгандик, – деди бахши-
ни етаклаб келган, ўша озғин, кўзлари катта-катта йи-
гит, – бугун Алпомишдан эшитамиз-да, ўзингиз ваъда
бергандингиз.

– Тўғри, – деб қўйди тағин кимдир, гап маъқуллаб.

Нурбой бахши бош ирғаб, мийиғида жилмайди.
Сўнг:

– Сизу биз оёқ босиб турган шугина ерда, – дея сал-
моқлаб сўз бошлади, хануз дўмбирасини оҳиста тинғил-
латиб, – ўзбекнинг бош бўғини, Кўнғирот уруғи дунёга
довруғ солиб яшаган. Орадан замонлар ўтиб, даврлар
кечиб Кўнғирот ўзини-ўзи хор қилган. Оға билан ини,
тоға билан жиян мол талашиб, ер талашиб элни тўзғит-
ган. Ўв, болажонларим, ўша дориломон пайтлар Кўнғи-
ротнинг беги Бойбўри бўлган экан. Унинг инисининг
оти Бойсари экан. Бойсари битиб кетган бой бўлган.
Бек Бойбўри инисидан давлат ғазнаси учун закот талаб
қилади. Бойсари хафа бўб, ўз оғамга закот тўлаб юргун-
ча, ўзга юртда жузя бериб ўтайин, деб Қалмоқ мамла-
катига бош олиб, кўч-кўронини кўтариб кетиб қолади.
Ўв, болаларим-е, ҳеч замонда ёт бировга ён босганми,
бошини силаганми? Шуйтиб Бойсари қалмоқ юртида
хор бўлди, моли таланди. Кўзининг оку қораси, ёлғиз
фарзанди, Барчинойдан айрилиб қолаёзди. Бу сулувга
қалмоқнинг полвонлари ошиқ бўб, Бойсаридан тортиб
олмоқчи бўлишади. Лекин Алпомиш келиб, Барчиной-

ни куткариб, ўзига хотин қилиб, Қўнғирот элига олиб кетади. Алпомиш Бойбўрининг ули бўлган. Ўв, болаларим, дунё дунё бўб ундай мард, баходир ўғлонни кўрмаган. Алпомиш Қўнғирот элининг таянчи, суянчи, қувончи эди. Унинг ҳам бадани, ҳам юраги полвон эди. Алпомиш Барчиной билан барра болалик пайтларидан бери суйишган бўлган. Шуйтиб, бу шунқор, ўз ёрини излаб қалмоққа бориб, душманларнинг додини бериб, Барчинойни олиб кайтган. Ўв, болаларим, дунёда манманлик курсин, ўпка-гина курсин. Бойсари кургур кизини узатгандан кейин ҳам, ўрлик қилиб, арази таркамай қалмоқ элида қолиб кетади. Ота юртга кайтмайди. Аламзада қалмоқлар унинг додини беради. Қайнотаси чеккан жабр-зулм Алпомишнинг қулоғига етади. Ўв, болаларим, бу мард ўғлон бақрайиб караб турармиди? Шуйтиб, Алпомиш Бойсарини куткариб олиш учун яна қалмоққа боради. Лекин ёв ёв-да, Алпомишни макр билан банди қилиб, зиндонга ташлайди. У кўп машаққатларни бошидан кечирган, бу ёқда Қўнғирот эли ҳам кўп кўргуликларга дуч келади. Мен сизларга айтиб бермоқчи бўлаётган дostonим шулар ҳақида.

Нурбой бахши шундай ибтидо билан дostonга киришаркан, кўзларини ярим юмиб, бошларини тебратиб дўмбирасини баралла чалиб юборди.

Давра томон узоқдан бўй чўзиб-бўй чўзиб кўз ташлаб турган Довудбек Якубович беихтиёр ўрнидан туриб, сипогарчиликни ҳам унутиб ўша ёққа илдам одимлади.

VI

Амиркул ховлидаги супада ёғликкина шўрвадан сўнг хўриллатиб иссиқ чой хўпларкан, мамнун-мамнун кекириб кўйди.

Тун. Осмон тўла ғуж-ғуж юлдузлар. Курувчилар баланд симёғочга ўрнатган прожектор ёғдулари Амиркулнинг уй-жойини ҳам ола-чалпоқ ёритади. Кўлоблатиб

сепилган сувдан намиккан тупрок иси бутун ховлини тутган. Супанинг бир четида уч яшар, дўмбоккина бола ухлаб ётибди. Курувчилар кўналғаси томондан енгил гала-ғовур, баралла кулгулар эшитилади.

– Ишчилар яйрашаяпти, – деди Амиркул, хотинига бўшаган пиёлани узатаркан.

Зарбиби яна чойнакдан чой қуйди.

– Яйрашсин-е, бечоралар сахармардондан кечга до-
вур тинишмайди. Айниқса Довудбек ака.

Амиркул бикинидаги ёстикка ёнбошлаб, бир зум бош қашлаб қолди.

– Чин инсон экан Довудбек ака, бизни кўп иззат қил-
ди. Катта арбоб деган бундай бўпти-да, ишчилар билан
баб-баравар тупрокка қоришиб юради, оддий халкка
қайишади. Дангал, чўрткесар одам. Тўғри, пича кўрс,
Ҳа, энди... бошлик-да.

– Дадаси, қора кўчкорни сўйиб, шу акани би-ир
меҳмон қилсакмикан-а, нима дейсиз?

– Келармикан, – деди ўйчан Амиркул. – У киши ор-
тиқча меҳмондорчиликни ёқтирмайди.

– Келар... илтимос қиламиз.

Эру хотин ўртасига бир зум жимлик инди. Тоғ то-
монда салқин эпкин эса бошлади. Зарбиби интилиб ўғ-
лининг устига эрининг яктагини ёпиб қўйди.

– Довудбек ака зўр одам-да, – яна ўзича минғирлаб
қўйди Амиркул, – ишнинг кўзини биллади.

– Дадаси... шу киши ўзбекми?

Амиркул ёнбош ётган жойидан илкис қад ростлади.

– Ий, тентакмисан, бу нима деганинг? Ана юз-кўзи-
дан кўриниб турибди-ку, ўзбек!

– Ҳа, энди... Ўзбекчани кийналиб гапирадиганга ўх-
шайди, шунга айтдим-қўйдим-да.

– У киши шаҳарда яшайди, Москвада ўқиган, бун-
дан ташқари ишхонасида ҳам кўпроқ русча ўнғай, шуй-
тиб тили ўрганиб қолган-да. Бундай тузсиз гап қилма,
оят бўлади.

Зарбиби мулзам тортиб колди. Болакай гингшиб, устидаги ёпинчикни тепиб ташлади.

– Сийгиси келдимикан? – сўради Амиркул.

– Жўғ-е, тўсиб ёткизгандим.

– Кундузиям ухлатаяпсанми?

– Каёкда?! Неча марта ёткизсам ҳам ҳамсояникига кочиб чикиб кетаяпти. Чечак қиз билан ўйнагиси келади.

Амиркул сонларига шапатилаб завкли-шавкли кулди. Хотини ҳам мийиғида илжайди.

– Зарбиби, – деди бир пайт Амиркул, бир хотинига, бир боласига меҳр билан кўз ташлаб. – Бу ҳафта Кункулбани куришни бошлайман!

Зарбиби ўзича чимрилиб ёлғондакам эътироз билдирган бўлди.

– Кўйинг-е, хали улингизнинг тўйларини ўтказинг. Кейин бир гап бўлар.

– Йўк, – деди Амиркул алланечук илҳом ва қувончдан юз-кўзлари товланиб. – Шу ҳафта курилишни бошлайман. Зарби, эсингдами сенга бир жойни кўрсатгандим, ҳей, укангнинг тўйидан келаётганимизда, а, эсингдами?

– Эсимда.

– Насиб бўлса, Кункулбани шу ерга кураман!

Зарбиби жилмайиб эрига хайрихоҳларча қараб кўйди. Интилиб боласининг пахмок сочини силади. Енгил эсган эпкин ҳовлидаги қайрағоч япроқларини шитирлатиб ўтди. Шу чоғ қурувчилар кўналғаси ёқдан дўмбира саси кулоқларга чалинади.

– Нурбой бахшини яна обборишибди-да, – деди Амиркул товуш келган томон аланглаб.

– Барака топсин, бахши бова, шугиналарнинг кўнглини овлаб турибди.

– Ҳа, буларга қанча хизмат қилсанг ҳам оз.

Шу пайт дарвоза томондан тап-туп қадам товушлари, кимнингдир қақириниб тупургани эшитилди.

– Акам келаяпти... – деди Амиркул ола-чалпок ёруғдаги шарпага синчиклаб тикиларкан.

Чиндан ҳам кўп ўтмай супа ёнида юзлари товоқдай, бошига эски бир дўппи, эгнига узун яктак кийган Пиримкул пайдо бўлди:

– Ассалў-ўм, – пўнғиллаб салом берган бўлди у.

Акасининг истикболига Амиркул ўрнидан кўзгалган бўлди.

– Келинг, ака келинг.

Зарбиби аллақачон ўрнидан туриб, кайноғаси учун кўрпача тўшаб, сўнг бир чеккада қимтиниб қотган эди.

Пиримкул пишиллаб, ихраб-сихраб супага чиқиб ўтирди. Фотиҳа кишишди.

– Янгам ҳам яхшими? – дея сўранган бўлди Зарбиби, чойнакдаги яхна чойдан қуйиб узатаркан.

– Яхши, – пишиллади Пиримкул, – судралиб журибди-да. Соғ куни жўк.

Амиркул ёнидаги бир жуфт ёстикни акаси томон суриб қўйди.

– Ёнбошланг.

Пиримкул индамай, пиёладаги яхна чойдан хўплади. Орага совуқ бир жимлик чўкди. Зарбиби ўзича боласининг устини ёпган бўлди. Амиркул эснаб бош қашлади.

Темир йўл қишлоқ бўсағасига келиб қолган кунлар Амиркулнинг дабдурустан кўчма база қоровуллигига тайин этилгани барча аҳли кипчок қатори Пиримкулни ҳам типирчилатиб ташлаган эди. Ўзи қолиб, қайгўрдаги техникумни амал-тақал битириб келган, содда, ювош инисининг каттикқўл бошлиқ назарига тушгани унинг очиқ-ойдин ғашини кўзғади. Аслида, Заргаровнинг пойи қадамини ўпиб, тузуккина вазифа тиланганига ҳам ана шу дилхиралик сабаб бўлди. Устига-устига, хотинидан тортиб ўғлию келини бот-бот пишанг бериб туришди. Уни ношуддан олиб, ношудга солишди.

Пиримкул олата сир курилишда бирор бир ёғликки-на вазифани эгаллаш илинжида эди. Аммо анави каттикқўл, тиниб-тинчимаган бошлик уни тушунмади.

“Мархамат, – деди у, Пиримкул иш сўраб йўликка-нида, – бизларга қора меҳнатдан қочмай диган, белку-рак ушлаб қўли қавармай диган азаматлар кўп керак, мархамат, шартнома асосида олаверамиз”.

Пиримкулнинг ҳафсаласи пир бўлди. Бироқ отдан тушса ҳам, эгардан тушмади. Пайт пойлаб яна Заргаровнинг ҳузурига кирди. Соғлиғи дуруст эмаслигидан, бироқ ишламаса, тирикчилиги танг келиб қолганлигидан нолиб, ёзув-чизувга, тўғрироғи, раҳбарлар тўпига яқинроқ юмуш топиб беришларини амал-тақал билан ўтиниб сўради.

“Сизни яхши биламиз. – деди Довудбек Якубович унга синчков-синчков кўз ташлаб, – адолатпарвар, ҳақиқат талаб инсонсиз. Аммо афсус, маълумотингиз темир йўл соҳасида эмас. Ну... кўксингиздан итармай-миз, ака. Ҳозирча бизга фаол жамоатчи сифатида, дейлик ана халқконтроли сифатида ёрдам бериб туриг. Маҳаллий аҳолига бунёдкорлик ишларимизнинг моҳиятини, масалан, темир йўл курилишининг аҳамиятини тушунтириг, одамларни қандай порлоқ келажак кутиб турганини англатинг. Тушундингизми? Ўқитувчи бўлгансиз, бутун лекторлик маҳоратини ишга соласиз-да энди. Иккинчидан, ҳар хил ғаламислик, бузғунчиликларга кўз-қулоқ бўлиб туриг. Бизнинг муваффақиятларни кўролмай диган ичи қоралар анчагина топилади. Кўриб турибсиз, ҳозир бу ерга жуда катта халқ мулки, давлат мулки ташланган. Талон-торожлик, ташмачилик иллатларидан огоҳ бўлинг. Хуллас, шунақа, топшириклар сизга ҳозирча. Кейинроқ масалангизни ҳам ўйлаб кўрамиз. Бизга барибир маҳаллий кадрлар керак...”

Бошлик ҳузуридан Пиримкулнинг бўйни бир қарич, бурни ўн қарич ўсиб чиқди. Заргаровнинг шунча гапларидан атиги “халқ контроли”, “кўз-қулоқ” деганлари

қулоқлари тубида жаранглаб колди. Афтидан болалик орзулари кеч бўлса-да, рўёбга чиқадиганга ўхшайди.

У тўлкинланиб ўша куниёқ ишга киришиб кетди. Бироқ зиммасида қандай улугвор вазифа борлигини ҳеч бировга айтмади. Ҳатто иниси Амиркулга ҳам лом-мим демади. Ҳойнаҳой, шу боис укаси ҳамишаги жўн одам санаб акасининг ёнида без бўлиб ўтирибди. Йўкса оёғи олти, қўли етти бўлиб хизмат қиларди-я.

Оға-ини бироз у ёк-бу ёқдан гаплашиб ўтиришгач, ниҳоят Пиримкул мақсадга кўчди.

– Амир, – деди у бўм-бўш пиёлани қафтларида ўйноқлатаркан, – бизга бир-икки қоп семент керак. Базадан гаплашиб олиб бер.

Амиркул энсаси котгандай, юзини қоронғуликка бурди.

– Ана база, ана хўжайинлар. Ўзингиз гаплашиб олаверинг. Менга нима дейсиз?

– Ҳа, энди... энағарлар ҳар ким билан гаплашмайди-да, сен синаштасан уларга.

– Иложи йўқ, ака. Довудбек акам менга ишониб...

– Ўзингни оппоқ кўрсатма, – деди Пиримкул инисининг гапини шартта бўлиб. – Бошқаларга долдаллик қилиб юрасан-ку?

– Кимга қилибман? – дея чириллади Амиркул акаси томон бўйнини хўроздай чўзиб.

Пиримкулнинг қалин лабларида истехзо ўйнади.

Ҳам ғарлик, ҳам пешгирлик... Бақирма, обберманг, обберма, лекин акангга тумшуғингни чўзма.

Пиримкул қафтидаги пиёлани жаҳд билан кўрпача устига тўнқариб ташлади. Орага ноқулай жимлик инди. Бир оздан сўнг Пиримкул насихатомуз минғирлади.

– Ишингни топшир, Амир. Охири чаток бу қоровулликнинг. Қилғиликни ўзлари қилиб, сенинг бўйнингга илиб юборишади.

– Ака, – Амиркул аввалига истехзоли илжайди, сўнг жўжахўроздай хурпайди, – ишлагани кўясизми йўқми? Дардингизни очиғроқ айтинг. Агар шу ўрним керак

бўлса сизга кўшкўллаб топширай, тоза жонга тегдингиз-ку?!

Пиримкул жаҳлдан бўғрикиб ўрнидан ирғиб турди.

– Гап тушунмаган ғалча экансан-ку. Мен нима деяпман... Кўрамиз ҳали, бошинг тошга текканда кўрамиз.

Пиримкул тагин димоғида алланеларнидир пўнғиллаб, оёғига шиппагини илди-да, дарвоза томон илдам кетди.

– Ий, бекор қилдингиз-да, – деб шивирлади Зарбиби эрига, Пиримкул қоронғиликка сингиб кетгач, – хўп деб кўявермайсизми?

Амиркул зарда билан кўл силтади.

– Э, гап бошқа ёқда. У менга ғайирлик қияпти. Довудбек акам уни кўйиб, мени ишга олганидан ичи тўла алам. Атай аламини тўкиб солиш учун келди у олдимга. Семент-пемент керакмас унга.

– Барибир... хўп деб кўймадингиз-да, ўзингизнинг акангиз.

– Мен унга ёмон муомала қилганим йўк. Эндигина гап бошласам, юз-кўзинг демай, бўкириб қолди.

Амиркул хириллаганича интилиб, чойнақдан яхна чой куйиб ичди. Кўк тўла юлдузлар ҳалигина кечган жанжалдан хуркиб кетишгандай, ғуж-ғуж бўлиб, алланечук жавдираб-жавдираб бокишар эди.

* * *

Ўв, болаларим, шуйтиб Алпомиш ётлар кўлида туткин бўб, зиндон тубида етти йил қолиб кетди. Кўнғирот эли хорликка, зорликка юз тутди. Алпомиш дом-дараксиз кетгач, бу юртга Ултонтоз минг бир макр билан бек бўлди. Ултонтоз деганлари насл-насаби бетайин, кулзода эди. Зўрни кўрса ялтоқланадиган, шўрни кўрса тепкилайдиган бир каззоб золим эди. Кўнғирот элини хомталаш қилди. Элим деб кўкайи куйгани кирғин қилди, кувғин қилди. Золимнинг дастидан биров бош кўтаролмай қолди. Ўв, болаларим. Алпомиш қалмоққа

отланганда, Барчиной ёрининг бўйнида хомиласи бор эди. Тез орада кўзи ёриди, ул кўрди. Отасини эслатиб турсин, яхши кунларимдан ёдгорлик бўлсин, деб унинг отини Жадгар кўйди. Жадгарнинг куни қаттиқ бўлди. Етти ёшга етганда, қорни нонга тўймай, тўю маъракаларда тўкилган ушоқ-мушоқларни мусичадай ҳақкалаб-ҳақкалаб териб еб юрар эди. Уни кўриб Барчинойнинг юраги тутдай тўкилиб, кўздан ёшини оқи-зиб, Алпомишни йўқлаб турган жойи:

Тангрим берган тахир тақдир шул бўлди,
Кўнғиротинг қулбаччага қул бўлди.
Етти йилки, йўл қаратган бегим-а-а,
Дард-ҳасратдан ўпка-боврим сил бўлди.
Келгин энди, танда тоқат қолмади,
Қул бўлганлар ор-номусни билмади.
Етти йилки, йўл қаратган бегим-а-а,
Кўнғиротнинг сенсиз бахти қулмади...

Довудбек ортиқ чидаёлмади. Томоғига қаттиқ бир нарса тиқилиб, аранг-аранг ютинганича даврадан сирғалиб чиқди. Достоннинг домига тортилиб, сел бўлиб ўтирган шинавандалар уни пайқамай қолишди. Довудбек алланечук ҳаяжон, эзгин ҳислар оғушида бир зум каловланиб турди-да, беихтиёр қоронғулик қаърига, майдон биқинидаги қир томон юрди. Аммо дўмбиранинг мунгли-мунгли садоси, бахши бўғзидан отилаётган аламли фарёд уни ҳануз таъкиб этар эди.

Қоп-қора, қоп-қоронғу кеча! Йўқ, бу кеча эмас, Довудбекнинг назарида бутун борлиқ Кўнғиротнинг оху нолаларидан қуйиб, қоп-қора қурумга қорилган эди. Қабрлардек дўппайган қоп-қора тепаликлар устидан гўё Барчиной югургилаб ўтди. Барчинойнинг кўз ёшдан ивиган чехрасини тасаввур қилишга уринаркан, Довудбекнинг кўз олдида негадир юзига пардоз-андоз бўёқлари чапланган хотини — Сора пайдо бўлди. Кўнғлида зерикишми, ғашликми шундай бир ҳис кўзгалди. Хаёллари азим пойтахт томон паришон учди.

Довудбек андак кеч, ўттизнинг остонасида уйланди. Бу пайтда у шаҳар маъмуриятида масъул бир вазифа эгаси эди. Ҳаммаси ишбилармонлик, тиришқоқлик шарофатидан, албатта. Довудбек ўқишдан сўнг депода бирмунча вақт механик бўлиб ишладию, тезгина раҳбарият қавмига қўшилиб кетди. Қандай қилиб шаҳар маъмуриятига кўтарилиб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Аммо ёш раҳбарнинг уйланиши ғирт галати бўлган. Довудбек одатдаги ёшлар каби ишқ-муҳаббат изтиробини чекмади, бирор бир гўзалнинг кетидан соядек эргашиб юрмади. Афтидан, табиатидаги жиддият, аллақандай улуғворлик бунга йўл қўймади. Довудбек темир йўл вокзалида кассир бўлиб ишлайдиган, кўзига иссиқ-иссиқ кўринадиган Сора исмли кўғирчоқдеккина қизнинг бир куни шартта қўлидан тутди! “Менга хотин бўласанми?”

Сора аввалига ҳангу манг қотиб қолди, сўнг шарақлатиб кулиб юборди. Кўп ўтмай уларнинг кичкинагина тўйи бўлиб ўтди. Кунлардан бир кун Сора тамаки тутатган куйи хаёлчан ўтирган Довудбекнинг бўйнига осилиб иқроор бўлди: “Менга сенинг ана шу кўрслигинг, дангаллигинг ёқади”.

Ўша икродан сўнг кўп ўтмай Сора қиз туғиб берди. Орадан уч йил ўтиб ўғилли ҳам бўлишди. Шундан бери қариб қолишдан ошқора кўрқиб, Сора ҳар хил усуллар билан ҳомиладорликка қарши курашиб келмоқда. Вокзал кассасидаги иш столи, уйда эса пардоз-андоз столи унинг энг севимли жойи. Бутун дунё мўъжизаларини шу икки жиҳоз ёнида ўтириб ҳис этади, лаззатланади.

Довудбек қир этагида қоронғиликка қоришиб тураркан, ўз қизиқош, интилишлари хотинига заррача аҳамиятсиз эканини чуқур англаб хўрсинди. Алланечук ўзини ёлғиз ҳис этиб, кўзларини ҳорғин юмди. Негадир кўз ўнгида тагин бўзлаб югураётган Барчиной жонланди. Йўқ, Барчиной эмас, бу ўша йиғинда ял-яшнаб

турган, сайхонлик бўйлаб Дилшодбек билан келаётган бўйчангина қиз, шекилли.

“...йўл қаратган бегим-а-а...”

VII

Қишлоқ оралаб ўтадиган темир йўл муждаси Гулсаҳарни қувончларга қориб ташлади. Бу бемисл бунёдкорлик унинг рангсиз, хира ҳаётига жило. Қипчок қир-адирлари янглиғ қавжироқ, тап-тақир қўнглига оби раҳмат, олиб келадигандек туюлди. Шу сабаб Довудбек Якубович кайвонилигида ўтган ўша йиғинга гулгун очилиб, қушдек учиб борган эди. Гулсаҳар ўша йиғиндан умид ва ишончга тўлиб-тошиб уйига қайтди-ю, ёстиғи тагига яшириб юргани, сирка суви солинган бежирим шишани қўлига олди. Шиша ичида жилваланиб, оп-осон ажал йўлини ваъда қилувчи бу захар-заққумни у даф этишни истаб қолган эди. Ҳа, энди бундай халоскорга ҳожат йўқ! У ҳам бахт топади, мана кўрасиз, албатта бахтли бўлади. Қулоғига фаришталар шивирлаб турибди, шодлик, иқбол балққан кунлари яқин.

– Гулсар! хув, Гулсар! Қаёкка йўқолдинг, жер ютгур!

Туйғус ташқаридан онасининг қаҳрли товуши эшитилдию, Гулсаҳар шошиб қолди. Сой бўйига чиқариб, тошга уриб чил-чил синдиришни мўлжаллаб турган шишани қаён яширарини билмай гангиди. Назарида, тагин ёстиқ тагига тикса, онаси қира солиб топиб оладигандай, уни одатдагидек беаёв калтаклаб, сўроққа тутадигандек туюлди.

– Эна, уйдаман. Ҳозир чиқаман, – дея жарангдор сас берди Гулсаҳар, қўлидаги сирка суви солинган шишани шоша-пиша сеп сандиғининг тубига ташлаб юборар экан.

Гулсаҳар беш болали оилада учинчи фарзанд. Акаси ва опаси аллакачон рўзғор тутиб, уйли-жойли бўлиб кетишган. Синглиси ва укаси ҳам кап-катта бўлиб қолишган. Гулсаҳар, Худо хоҳласа, сирка суви сабр қилиб турса, бу йил кузда роппа-роса йигирма еттига тўлади. Ҳамма бало ана шунда. У ўтириб қолган қиз. Тўғрироғи, бир бор тик бўлиб, сўнг ўтириб қолган. Гулсаҳар ўн саккиз ёшда эканида, уни бир қариндошининг ўғлига унаштиришган эди. Ҳатто бу ҳақда эл-улусга овоза ҳам қилинган. Бироқ пойтахтда, нуфузли бир институтни битириш арафасида турган қариндош куёв туйқус Гулсаҳардан воз кечиб, кейинчалик маълум бўлишича анчадан бери севишиб юргани, бир амалдорнинг эркасига уйланиб олди. Аюбхон хонадонида мотам. Бироз тўс-тўполондан сўнг, қариндошлар билан борди-келдини буткул узди. Араз. Гулсаҳарга қайта ҳеч бир йигит талабгор бўлмади, ҳеч бир хонадон қайта оғиз солмади. Ҳатто у ер-бу ердан миш-миш қўлансаси сасиди: “Қизда бир гап бор. Тек эмас...” Шу-шу Гулсаҳар ўтирмак тугул, сулайиб қолди. Ҳамма бало шунда. Ота-она чиндан ҳам ҳамма-ҳаммасига қиз айбдордек Гулсаҳарни ҳар икки гапнинг бирида жерқийди. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, “қора босгур” ҳам шу, “жер ютгур” ҳам шу. Устига-устак синглиси Гулюзнинг ҳам истехзо, нафрат тўла нигоҳлари кун сайин, соат сайин тигдай ботмоқда. Ахир, Гулсаҳар унинг олдини тўсиб турибди. Ахир, таомилига кўра, опаси қолиб, синглисини эрга бериш катта иснод. Айниқса, олий насаб эшонзодалар хонадони учун. Гулсаҳар факат кўз ёшга зўр берди. Осмон узоқ, ер қаттиқ. Шундай укубатли кунлардан бирида Гулсаҳар Аюбхон қизи қай бир қишлоқда сирка суви ичиб ўз жонига касд қилган бир аёл ҳақида эшитиб қолди. Кўзига нажот йўли кўрингандай бўлди. Аслида ўз-ўзига ўт кўйиб, бебахт ҳаётига якун ясашни ўйлаб юрарди-ю, бироқ чала куйиб, ўлмай қолишдан, бундан баттар кўргуликка йўлиқишдан кўрқар эди. Зимдан

сўраб-суриштириб билдики, сирка ичиш ҳар томонлама қулай ва арзон. Энг муҳими, ўлим муқаррар. Шунча далил ва рақамларга қарамай, Гулсаҳар минг бир саросима, минг бир мулоҳаза ичида, сўнгги қалтис кадамга ботинолмай юрди. Қари қизнинг шундай саросимали кунлари Аюбхон хонадони юзларига оёқ босиб кетган қариндошлари билан ярашиб, опок-чапоқ бўлиб кетишди. Чунки қизларини рад этган йигит, катта амалдор бўлиб кетибди! Ахир, шундай манглайда юлдузи бор қариндошдан воз кечиш, арзимаган кўнгилхираликни деб юз кўришмас бўлиб юриш инсофданми? Бўлар иш бўлди, бўёғи кўчди. Такдир-да, такдир. Аюбхон хотинлари Нуқра пошшони (пошшо – эшонзода аёллар исмига хурмат юзасидан қўшиб айтиладиган унвон) ёнларига олиб, тугун-товокни тоғдай уюб қариндошлариникига отланишди-ю, Гулсаҳар атторникига югурди. Ниҳоят, бир шиша сирка кўлида. Бир зарб билан сипқориб юборса, тамом. Ҳаммасидан кутулади. Бироқ... бироқ қари қиз барибир ботина олмади. Ҳали қариб, қавжираб улгурмаган аллақандай умид шарпаси унинг кўлидан тутди. Гулсаҳар ўкириб-ўкириб, бўзлаб-бўзлаб йиғлади, холос.

Гулсаҳар унаштирилган ўша дориломон кунларда, жиянининг келинлик сепига, катта аммаси бир радио-магнитофон қўшган эди. Ўша матоҳ қари қизнинг яккаю ягона сирдоши, овунчоғи бўлиб қолди. Лекин бу курғурнинг соз кунидан носози кўп. Тез-тез уни ўчиб қолади. Илгарилари укаси Ҳошимжон амал-тақал билан созлаб бериб турарди. У ҳам ўша арбобга эврилган қариндошнинг кўмагида пойтахт институтларидан бирига ўқишга илашиб олди-ю радио-магнитофон устасиз қолиб кетди.

Баҳорнинг ўша ҳароратли куни Гулсаҳарни темир йўл қурилиши кечаётган адирлик томон етаклаган ҳам мана шу, Хитойдан тураган инжик матоҳ бўлди. Эрталаб

тандирда нон ёпиб бўлгач, хонасига кирса, радио-магнитофон кўрпача устида тўнкарилиб ётган экан. Тепасида синглиси Гулюз ёвузона тиржайиб турибди. Гулсаҳар андак уннаб билдики, радио-магнитофон бузук, осонликча соз бўлмайдиган қусурга чалинган. Тўғрироғи, синглиси уни тоқчадан атай ташлаб юборган.

Гулсаҳар бироз ювиниб-тарангач, радио-магнитофонни елим халтага солиб кўчага чиқиб кетди. Уста излаб у-бу таниш хонадонларга бош суқиб чикди. Лекин мурод ҳосил бўлмади. Сўнг туйқус ёдига темирйўлчилар тушди...

Гулсаҳар, сенга не бўлди?! Радио-магнитофон соз бўлганидан шунчалар хаяжонландингми? Нега юрагинг қинидан чиққудай гурс-гурс ураяпти? Юзларинг кизиби, лов-лов ёнишига қара. Баҳор офтоби ҳали бу қадар қиздираётгани йўқ-ку?! Ё, уялдингми, анови уста сирти сийқа матоҳингга ажабсиниб қараганидан хижолат чекдингми? Тавба, жуда қизиқ киши экан-а. Тили ҳам бошқача. Хушчакчак. Нега у сен билан гаплашганда бунчалар яйрадинг. Уял-е, ҳеч олдидан кетгинг келмай колди-я?!

Гулсаҳар ўша куни шундай хаёллар сўроқ-сиртмоғида бўғриқиб уйига қайтди. Ўша куни радио-магнитофони соз бўлди-ю бироқ тинчи бузилди. Ўтирса ҳам турса ҳам уста Дилшодбекнинг хушчакчак чехраси кўз ўнгидан жилмади. Самимий, андак эркаловчи, андак эъзозловчи сўзлари кулоқлари остидан кетмади. Бу ҳолдан у аввалига кўрқиб кетди. Бироқ кўрққани сайин яна беихтиёр ўша инсон хаёли томон талпинарди.

Тавба, нега бу қадар ёқимли у ҳақда ўйлаш? Ё сеҳр-жодуси бормикан? Тирикчилик куйида мусофир юрган рўзғорли бир киши-да, нега яна кўргинг, ғалати сўзларини эшитгинг келаяпти?

Гулсаҳар шундай ўй-хаёллар билан ўзини каттик терговга олди. Юрагида тобора гуруллаб ёнаётган оловга лоқайд сув сепишга ҳаракат қилди. Ҳатто буни уддалагандай ҳам бўлди. Кўнгли қанчалар кистаса-да, ибҳо-хаёли заифларга хос журъатсизлиги бирор баҳона билан яна ўша қурилиш ҳудудига боришга тўскинлик қилди. Лекин бир кунмас бир кун портлаши муқаррар бир вулқон юраги қаърида тўлғониб, тобора етилиб, қайнаб келмоқда эди. Нурбой бахшининг невараси – Улбўсин бузуқ дазмолидан нолиб қолганида, ўша вулқон туйқус юзига ҳарорат пурқади.

– Мен бир устани танийман, – деб юборди беихтиёр, деб юборди-ю ўша ҳароратдан юз-кўзлари қизиб кетди.

Устаҳона ёнида Дилшодбекнинг интиқ-интизор нигоҳларини кўрганида, ҳазилнамо, лек соғинчли ўпкагинага лиммо-лим сўзларини эшитганида, Гулсаҳар аллақачон мусаффо, ҳузурбахш бир бўшлиқ ичра сузиб юрар эди. Кейинчалик у ҳақида хаёл суриш, у билан учрашиш Гулсаҳарни худди шу тип-тиниқ, ҳаловатли бўшлиқ бағрига етаклаб кетадиган, яйратиб-яйратиб сайр қилдирадиган бўлиб қолди.

Ўша устаҳона ёнидаги учрашувдан сўнг, кишлокнинг кун чиқаридаги жилға бўйи, жилға бўйига элтувчи сайхонлик уларнинг суюкли масканига айланди. Гулсаҳар ҳар куни шомга яқин жилғада қорамолларини суғориш учун ҳайдаб борар эди. Дилшодбек буни пайқади! Ора-чора бирор баҳона билан жилға бўйида пайдо бўлади. Одамларда шубҳа-гумон қўзғаб, қизни маломатга қўймаслик учун яқин келмайди. Беш-олти кадам оралиғ масофада туриб ҳол-аҳвол сўрашадилар, узук-юлук суҳбатлашган бўладилар. Кўпинча бир-бирига ўқтин-ўқтин сўз ташлаб, хаёл суриб туришаверади. Кейинчалик, ғаройиб тунлардан бирида юз берган ғаройибот уларни бир-бирига ипсиз боғлаб, ўртадаги оғир, калин пардани юлқиб ташлагандай бўлди...

Қипчоқ кишлоғининг қоқ белига оғир-вазмин судралиб келган, битта купе, беш-олти юк вагони тиркалган ишчи поезд пишқирганича тўхтади. Темир йўл теvaraгига овулнинг ёшу қариси йиғилган. Хотин-халаж, бола-бақра бахайбат паровознинг темир ғилдиракларидан тортиб, қоп-қора қурум босган мўрисигача хайратланиб, ажабсиниб тикилишди. Баъзи бир қариялар қўлларидаги чўп-таёк билан поезднинг у ер-бу ерини ўзларича нуқилаб, сўнг гўё қойил қолишгандек бошларини сарак-сарак этиб, бир-бирларига алланелар дея гап маъқуллатишади. Паровоз ахён-ахён чинқириб қўйган чоғ, йиғилган аҳли овул, қир бағирларида тўзғиб юрган мол-хол чўчиб, хуркиб, ўзларини у ён-бу ён уришади. Ғала-ғовур тобора кучаймоқда. Қароргоҳдаги вагон уйлар пештоқларига қадалган байроқлар чоғроқ ерга қатор териб қўйилган стол-стуллар, муқаррар тантанадан дарак беради. Довудбек Якубович ва унинг ёнидаги уч-тўрт раҳбарнамо темирйўлчи кун иссиқ бўлишига қарамай костюм-шим кийиб, бўйинларига ханжар нуха галстук тақиб олишган.

Довудбек Якубович Заргаров мамнун. Ахир, унинг тақлифи маъқул топилди-да! Мажлисларда бот-бот таъкидланган умумий режага кўра Чашма деб аталувчи 60-участкада темирйўл қурилиши яқунлангандан сўнггина ишчи поезд катнови йўлга қўйилиши керак эди. Бироқ Чашмагача хали хийла тер тўкиш зарур. Эндигина Жувонбелгача пўлат излар ётқизилди. Довудбек Якубович вазиятни обдан таҳлил этиб фойда-зарарни мисқоллаб тош-тарозуга қўйиб бир тўхтамак келгач, туман маркази Жувонбел оралиғида ишчи поездни катновини очиш ташаббуси билан чиқди. Ушбу режа амалга ошган тақдирда, меҳнат таннархи арзонлашиб, қурилиш суръати жадаллашишини, Чашмага муддатдан олдин етишларини далил ва рақамлар билан кўрса-

тиб берди. Ниҳоят, шу ташаббус қўллаб-қувватланди. Мана, Жувонбел томон йўл олган ишчи поезди Қипчок кишлоғида оёк илди.

Овлоқ овул аҳли тарихий лаҳзаларга гувоҳ бўлиш учун шайланган Поезд! Кечагина от-эшак аранг юрадиган баланд-паст, жарлик-қирлик аро замонавий техника вошиллаб кириб келди. Накадар буюк ходиса! Бу тарихий воқеани байрам қилиш керак, байрам.

Дўпписини дол қўйган, қўлларини белқарси орасига сукиб теваракка мағрур-мағрур қараётган Аюбхон эшон ҳам мамнунлик ва масрурликда Заргаровдан қолишмайди. У ҳам ўзича ташаббускор. Кеча оқсоқоллар машваратида паровоз ғилдираклари остига жонлик сўйиб қон чиқариш таклифи билан чиққан, шу маросимга ўз оғилидаги сўким кўчкорлардан бирини атаганини қистириб ўтган.

– Ҳазрати Довуд хакига мендан хайр-эхсон бу, – дебди Аюбхон эшон, таажжубли-таажжубли тикилаётган кайвониларга, – ис-пис чиқариб, бир қозон осмасак уят, кишлоғимизда шундай катта ўзгариш бўлди-я?!

Бундан ташқари Нуқра пошшонинг оғир дарддан фориғ бўлиб, эсон-омон қайтганининг шукронаси ҳам шу кўчкор бўйнида эдиким, бу холис ниятдан кўпчилик хабардор. Улар ичида, албатта, Дилшодбек ҳам бор. У бу ҳақда Гулсаҳардан эшитган.

“Отам сизларга зиёфат бермокчи”, – деди қиз хамишагидек паст, майин товушда, жилға бўйида учрашишган кун.

“Нега?” – сўради Дилшодбек.

“Бизга кўп яхшиликлар қилдиларингиз. Сизлар ёрдам бермаганда аҳволимиз нима бўларди...”

Дилшодбек қизнинг сўзларини жон-жаҳди билан тингларкан, унинг тез-тез пирпираётган қайрилма киприкларига, кийик, қоп-қора кўзларига ошиқона-ошиқона термулади. Гулсаҳар эса унинг нигоҳларидан баттар

каловланади, саросима, хижолат киз чиройига алланечук чирой кўшгандай бўлади.

Мана ҳозир ҳам Дилшодбек тантанага тўпланган ишчилар орасида жонсарак тураркан, йиғилган хотин-халаж орасидан Гулсаҳарни зимдан изламоқда. Унинг маънос табассумларини, тиниқ чеҳрасини соғинган. Ахир ўн беш кундан бери қизни кўрмади. Вахтага қайтиб келгандан буён Гулсаҳарнинг йўлларига интиқ.

Темир йўл тевараги элу халқ билан тобора тўлиб тошмоқда эди. Ғала-ғовур, паровозга тиркалган купе вагондан афт-ангорларига шаҳар нукси урган бир гуруҳ меҳмонлар, ашқол-дошқолларини судраклаб ҳофизу созандалар тушишди. Кун тиғида ялтираётган дўнгпешоналар, илҳом сурурига тўла ўйчан кўзлар меҳмонлар тўпида етук олиму шоирлар борлигидан далолат беради.

Гулсаҳар! Дилшодбекнинг кўзлари ниҳоят кизни кидириб топди. Қиз ҳам уни излаётганини пайкаб ичу таши ёришиб кетди. Нигоҳлар учрашдилар. Юзларга табассум калқди. Сарғиш дуррача четидан тошиб турган толим-толим зулфлар Дилшодбекка “кўп яхшиликлар қилинган” ўша тунни эслатади. Эҳ, ўша тун! Юлдузлар уларга кўриш учун пастроқ энгашгандай бўлди. Ошиқ-маъшукларга йўликқан тоғ эпкинини севги суруридан масту мустағриқ бўлиб, тентиб-тентиб кетди. Эҳ ўша тун!

* * *

Шом пайти эди. Тўртовлон – Икромиддин, Алибек, Шожалол ва Дилшодбек куюккина кечки овқатдан сўнг бир-икки қўл карта ўйнаб ташлашга чоғланишди. Шу пайт ёш чилангир йигитлардан бири ҳовлиқиб келди.

– Дилшодбек ака, сизни бир киз сўраяпти.

– Қани?! – ирғиб ўрнидан туриб кетди Дилшодбек.

– У ёқда, вагонлар оркасида турибди.

Шериклари норизо тўнғиллашди.

– Э, ёшулли, ўтирсангиз-чи, кейин борарсиз.

– Ҳалиям қизлар билан шивирлашиб юрибсизми, уялинг-е.

– Биздан ҳам азизми ўшангиз.

Аммо Дилшодбек чийланган қартани тахта ўриндик устига ташлаб, вагонлар ортига йўрғалади. Унинг ортидан таажжубли-таажжубли қараб қолган шериклар ўзаро кўз уриштиришди.

– Бу ёшуллимиз тинч эмас, – деди Алибек, қарталарни хаёлчан қайта чийлар экан, – анови киз келган-ов, ўша билан кўп учрашиб юрибди.

– Рост, манам ҳув сайхонликда икки марта кўрганман, – деб, афсуслангандек бош чайқади Шожалол, – кап-катта бола-чақали одамга яхшимас.

Алибек кўл силтади.

– Э, кўяверинг, эпласа такомига тортаверсин, бизганима.

– Астағфурилло, астағфурилло, – Икромиддин ака Алибекка норизо тикилди. – Мусофир юрибмиз-а, тагин, тоғу тош ичида. Унака бузуки гапни кўйинг, бошимизга нақ тош ёғади-я?!

Бу гап-сўзларни албатта Дилшодбек эшитмади. У айни чоғда кенг кўйлаги ёқаларини маҳкам тутамлаганча, кийик кўзлари ташвиш-тахликага лиммо-лим кизнинг ёнида энтикиб турарди.

– Келинг, Гулсаҳар, тинчликми?

– Энамнинг мазалари қочиб қолди. Оғир. Раёнга обориш керак эди. Отам ҳам уйда йўқ. Нима қиларимизни билмай қолдик.

– Мен ҳозир, – деди Дилшодбек тагин вагонлар ора-лаб югураркан. – Сал кутиб туринг, Гулсаҳар!

Қиз жонсарак-жонсарак бош ирғади.

Дилшодбек ховликқанича Заргаровнинг вагон уйига кирди.

– Довудбек Якубович, мумкинми?

Ўзига хос кабинет вазифасини ўтовчи вагон уй ўртасида кенг стол ортида Заргаров аллақандай хужжатларни титкилаб ўтирарди.

– Келинг, Матчонов.

– Маҳаллий аҳолидан бири касал бўлиб қолибди, — деди апил-тапил мақсадга кўчаркан Дилшодбек. — Оғир эмиш...

Довудбек Якубович ўрнидан турди.

– Юринг-чи, врачимиз қатта экан. Топиб дарров тайинлайман. Албатта, ёрдам берамиз.

– Раҳмат, Довудбек ака.

Орадан кўп ўтмай қурувчи-йўлсозларга хизмат килувчи қоқ белига қизил хошия тортилган “Газел” Аюбхон эшон ҳовлиси ёнига бориб тўхтади. Қошлари калин, кирғий бурун врач Каропетян Гулсаҳар ва Дилшодбекка эргашиб кенг-мўл ҳовлига кирди. Врачнинг дори-дармон, асбоб-ускуна солинган семиз саквояжини Дилшодбек кўтариб олган эди.

Ҳовлидаги супада чиндан ҳам семиз бир аёл инқсинқ қилиб ётибди. Қўрқувдан кўзлари ола-кула Гулюз жон ҳолатда опасининг қўлларини уқаламоқда.

– Ну-ка, қочиб тур-чи, — деди Каропетян, касал устига ёпилган чопонни бир чеккага сириб ташларкан. — Давления что ли?

У дарров аёлнинг кон босимини ўлчади. Сўнг бошини сарак-сарак қилиб, шоша-пиша касалнинг юрагини эшитиб кўрган бўлди, ковоқларини йириб, кўзига диққат қилди.

– Иш чаток, — деди у, ниҳоят, саквояжидан суюк-куюк дорилар чиқараркан. — Дарҳол балнисага. Ҳозир битта укол қилиб қўяман, ну... обязательно касалхонага ёткизиш керак.

Гулюз пик-пик йиғлай бошлади. Гулсаҳар Дилшодбекка илтижоли термилди. “Энди нима қиламиз”.

– Қўркманглар, — деб далда берган бўлди Дилшодбек, — ҳаммаси яхши бўлади. Раён касалхонасига ўзимиз олиб борамиз.

– Конечно, – оғир вазиятни енгиллатмоқчи бўлгандай кулди Карапетян, – канечно, ёрдам берамиз. Темирйўлчилар ҳеч кимни йўлда ташлаб кетмайди.

Орадан кўп ўтмай, касал “Газел”нинг махсус ўриндиғига ётқизилди. Залворлигина тугун кўтарган Гулсаҳар онасининг ёнига ўтирди.

– Умуман... – деб чайналди Карапетян, машина қурувчилар қароргоҳига яқинлашаркан. – Менинг боришимга хожат йўқ. Агар, кераксиз десаларингиз боравераман-ку-я, ну... Бўтта ҳам керак бўлиб қолишим мумкин. Айтиб бўладими, тўғрими, Дилшодбек?

– Тўғри, оға, – деб ғудранди Дилшодбек, – сизга катта раҳмат. Ўзимиз етиб олармиз, машинага рухсат берсангиз бўлди.

Карапетян узр кетидан узрлар сўраб қароргоҳда тушиб қолди. Машина яна сокин жилди. Бироқ тепакал, қалин лаблари ним очик ҳайдовчи Дилшодбекка зарур ўтинчи бордай, бот-бот хижолатомуз кўз ташларди.

– Чарчадингизми, ёшулли? – сўради Дилшодбек.

– Бугун вобше тиним бўлмади-да, ука.

– Энди... кечирасиз, шунақа воқеа бўп қолди-да.

– Ўзингиз ҳам катта шопирсиз-ку, Дилшодбек. – дея мақсадга кўчди ҳайдовчи. – Мелиса ҳам ҳеч нарса демайди, касал бор.

Дилшодбекка жон кирди.

– Гап йўғ, ёшулли. Машинани менга ишониб топшираверинг. Ҳаммамиз сарсон бўп юришимиз шартмас-ку?

– Тўғри айтасиз, ука. Лекин... са-ал ноқулай бўляпти-да.

– Ҳеч хижолат бўлманг.

– Ишқилиб, эрталаб машина медпункт ёнида бўлсин-да.

Ниҳоят, ҳайдовчи ҳам Дилшодбекка эҳтиёт бўлишини ҳатто қайта такрорлаб, машина рулини устага

топширди. Сўнг кўздан пана бўлгунча кадрдон “Газел”и ортидан қараб қолди.

Қуёш кип-қизил этагини йиға-йиға ўз ётоғига бош қўйган. Теваракка ғира-шира қоронғулик қуйилмоқда. Гоҳ чапга, гоҳ ўнгга қайрилиб қоладиган эгри-бугри автоўлнинг ҳар икки тарафида баланд-паст қир-тепаликлар, сайхонликлар айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Машина қушдек елади.

Дилшодбек Гулсаҳарнинг қорига яраётганидан, устига-устак у билан деярли ёлғиз кетаётганидан ёш боладек хурсанд. Аҳён-аҳён гоҳ кўзгудан, гоҳ ортга бурилиб қизга кўз ташлаб қўяди.

– Нечук, ойингиз тузук келяптиларми?

Гулсаҳар бош ирғаб, синик илжаяди. Унинг хавотирдан баттар ранги қочган оппоқ юзларида, паришон кўзларида хаёл ўйнайди.

Дилшодбек бу қизни учратган баҳорнинг ўша ҳароратли кунидан бери безовта. Ўз юрагида кечаётган ғалаёнларга ўзи тушунмай гаранг. Нечук унга бу қадар боғланиб қолди? ҳамиша интиқ, ҳамиша интизор, кўриб туриб ҳам соғиниб кетаверади. Юрса-турса ҳаёлида Гулсаҳар Гулсаҳар... нечук сеҳр-жоду бор бу ғалати исмда? Тилга олса дили яйрайди. Шу қизни кўрса гўдакдек қувонади, беихтиёр бағрига босиб эркалагиси, қийик, коп-қора кўзларига узок-узок тикилгиси келади. Нима бу? Нахотки, севги? У ҳолда уч фарзанд туғиб бериб, уйда ойдаи балкиб ўтирган гўзал, меҳрибон аёл ким? Ўшани севмайдими? Ўтидан кириб, қулидан чиқади-ку, болалари билан йўлига зор-интизор кўз тикиб ўтирибди-ку?!

Дилшодбек ўз-ўзига неча-неча насихатлар қилди. Кап-катта эркак, ёш боладек ишқий хаёлларга берилишдан уялиши кераклигини уқтирди. Вахтадан ҳар гал уйига қайтганда хотинига қайноқ меҳр-муҳаббат кўрсатди, болаларини керагидан ортик эркалади, ардоқлади.

“Худди видолашаётганга ўхшайсиз-а”, – деди хотини бир кун, эрининг хатти-харакатидан ажабланиб.

Дилшодбек каловланиб, алланималар деб ғудранди. У туйқус ўзи билан ўзи олишиб ётганини, олисларда қолган киз хаёлидан чалғиш илинжида куймаланаётганини англаб етди. Гулсаҳарнинг оппок, тиник чехраси, маънос кўзлари таъқиб этиб юрганини ич-ичидан яна бир қарра тан олди. Аммо бир ҳис Дилшодбекка таскин берар эди: у Гулсаҳарни ўйлаганидан, Гулсаҳарга талпинганидан хотинини ёмон кўриб қолаётгани йўқ, қайтам, бу аёлга меҳри, эъзози баттар ошаяпти. Демак, юрагидан икковига ҳам жой топилади. Фақат муроса йўлини топиш керак.

Дилшодбек гоҳ ширин, гоҳ изтиробли хаёллар оғушида, аҳён-аҳён паришон ўтирган Гулсаҳарни гапга тутиб туман марказига етиб келишганини пайқамай қолди. Нақ бир соатлик йўл экан.

Марказ жимжит. Автойўл теварагидаги уйлар айвонидан лампа чироқлар хира ёғду сочади. Унда-мунда авто уловлар ўткир фара нурлари билан қоронғуликни тилиб ўтиб қолишади.

Дилшодбек Гулсаҳарнинг узук-юлуқ кўрсатмаси бўйича туман касалхонасини топиб борди. Дарвоза ёпиқ.

– Ҳозир, – деб қўйди Дилшодбек машинадан чакқонгина тушаркан.

У манглайда миттигина лампачироқ милтираб турган, қора дерматин қопламали эшикни тақиллатди. У ёқдан ҳеч садо чикмади. Дилшодбек эшикни тагин мушти билан қаттиқ-қаттиқ урди.

– Ҳозир, – деб овоз берди кимдир.

– Тезроқ очинг, касал бор.

Эшик қия очилиб, оқ халати семиз гавдасини сириб турган ўрта яшар аёлнинг норози кийёфаси кўринди.

– Қипчок кишлоғидан касал опкелдим, – деди Дилшодбек енгил салом-алиқдан сўнг, – аҳволи оғир, навбатчи врач борми?

Аёл димоғида алланима дея минғирлаганича ортга кайтди. Бироздан сўнг бошига ок қалпоғини бостириб кийган, тарашадай озғин, узун бурни остидаги така мўйлови беўхшов осилиб турган нусха Дилшодбекнинг йўлига кўндаланг бўлди.

– Сиз навбатчини сўрадингизми? Менман, Холикиф.

– Кипчок кишлоғидан...

– Эшитдим, – Дилшодбекнинг гапини бўлди навбатчи врач. – Ким экан? Умуман... бу ёкка қандай кеп қолдиларинг?

Дилшодбекнинг энсаси қотди.

– Оғир касал. Аюбхон эшон бованинг аёллари.

– Нима?! – навбатчи врач ток ургандай бир ирғишлаб олди. – Нега шу пайтгача айтмай ўтирибсиз. Тезрок машинани олиб кининг. Биламан, пошшо момонинг тез-тез давлениyasi кўтарилиб туради.

Касалхонада чопа-чоп бошланиб кетди. Ҳовлига киритилган машинадан дарҳол Нукра пошшо тушириб олинди. Холиков – навбатчи врач, Гулсаҳарнинг олдида букри тойдай эгилиб-букиларди.

– Кечирасиз, пошшо опа, билмай қолибман. Онангизга алоҳида жой тайёр. Эшон бовамнинг ўзлари келмадими?

– Отам Тоғайтемирга кетганди, – истар-истамас жавоб берди Гулсаҳар. – У киши беҳабар.

– А-ха, қулоғимга чалинганди, бойвачча муридларидан бири тўй қилаётганди. Шунга кетган бўлсалар керак-да. Ничего, ўзимиз хал қиламиз. Ҳозир кардиологни чақиртираман.

Дилшодбек ҳаш-паш дегунча машина ёнида ёлғиз қолди. У кўз очиб-юмгунча бўлиб ўтган воқеалардан хангу манг эди.

“Эшоннинг обрўси жуда баланд экан”, – хаёлидан ўтди Дилшодбекнинг. Бу ўй унинг кўнглида алланечук гашлик уйғотди. Назарида врачлар касалнимас, Гул-

сахарни Дилшодбекдан узок-узокларга олиб кетишгандай бўлди.

Касалхона ховлиси кенг ва озодагина эди. Учта узун-калта, пастқам корпус. Енгил ва салкин эпкин эсмоқда. Орадан ўттиз-қирк дакика ўтгач, Гулсаҳар шарпадек сирпаниб ичкаридан чиқиб келди.

– Қалай? – деб сўради Дилшодбек унга пешвоз юриб.

– Қизнинг оппок чеҳрасида хотиржамлик ва ...аллакандай қаноат зухур эди.

– Яхши. Яна иккита укол қилишди. Энам тинчиб ухлади.

– Давлениа ёмон-да.

– Олдин ҳам икки марта шундай оғир бўп қолгандилар.

– Яхшилаб охиригача даволаниш керак-да.

Гулсаҳар Дилшодбекнинг юзига ошқора меҳр билан тикилди.

– Сизга қатта раҳмат, уста ака. Бу яхшиликларингиз Худодан қайтсин.

– Гулсаҳар, – деб шивирлади Дилшодбек, беихтиёр қизнинг лўппи, силлиқ қўлларидан тутиб. – Яхшилик эмас бу, сизнинг онангиз... – Дилшодбек “менинг ҳам онам” демоқчи бўлди-ю, лекин ботина олмади. – Онамиз тўсатдан шундай бўп қолди. Любой одам ҳам ёрдам беради-да.

Гулсаҳар кўзини олиб қочди, бироқ... бироқ қўллари олиб қочмади! Кутилмаган бу бахтдан Дилшодбекнинг юраги гурс-гурс уриб кетди.

– Лекин, – дея гап бошлади у ҳаяжонини яшириш учун, – лекин сизларни кўп ҳурмат қилишаркан. Ҳамани чоптирдингиз-а, пошшо опа.

“Пошшо опа” пик қулиб юборди.

– Ҳали бу ҳолва.

Шу пайт теваракни ўткир фара ёғдуларига кўмиб, касалхона дарвозаси ёнига енгил машина келиб тўхтади. Тўхтади-ю аччиқ-аччиқ сигнал товуши жаранглади.

– Отам! – ваҳимали шивирлади Гулсаҳар, қўллари-ни Дилшодбекнинг иссиқ кафтидан шоша-пиша суғуриб оларкан.

Чиндан ҳам лаҳза ўтмай Аюбхоннинг бўғиқ, дағал овози коронгиликни тўлдириб юборди.

– Ўв, ким бор, оч-е қопқангни!

Ичкаридан отилиб чиққан санитар аёл дарвозага югурди. Ортидан навбатчи врачнинг қуриган дарахтдай гавдаси кўринди.

– Тезроқ бўлинг, эшон бовам кутиб қолмасинлар.

Дарвоза оғир ғижирлаб очилди. Аюбхон “Нива”-сини ичкарига олиб, темирйўлчилар “Газел”и орқасига тўхтатди.

Аюбхон эшоннинг дўпписи бир томон чапанчасига кийшайиб қолган. Юз-кўзидан важоҳат ва ташвиш ёғилади. Шоп мўйлов остидаги қалин лаблари асабий қимтилган.

– Пошшо момонгиз кеп қопти-ку, Холиқип, – деди у гулдураган товушда, эгила-букила қўл чўзган навбатчи врач билан кўришаркан. – Аҳволи қалай ўзи?

– Тузук, эшон боважон, тузук. Ҳозир кардиолог етиб келади.

Аюбхон Холиқовнинг сўзларини охиригача эшитмай бетоқатлик билан Дилшодбек томон юрди. Гулсаҳар паст, майин товушда отасига салом берди. Аммо эшоннинг икки кўзи Дилшодбекка хайрихоҳларча қалган.

– Э-э, раҳмат жиян, – деди у Дилшодбекнинг қўллари-ни сиқиб, – отангизга балли. Эшитдим. Кўп яхшиликлар қилибсиз. Анави Довудбек дегичга ҳам раҳмат.

Аюбхон темирйўлчиларни тагин бироз алқаб тургач, туйқус кўзғалган бўрондай ичкарига кириб кетди.

Гулсаҳар ҳам мусичадеккина бўлиб врач ҳамширалар ортидан отасига эргашди.

Дилшодбек яна машина ёнида қолди. Қўнгли яна шилимшиқ ғашликка тўлиб-тошди. Аюбхон эшоннинг тик қоядай қомаги, гулдурраган товуши уни Гулсаҳардан узоқ-узоқларга итқитиб юборгандай бўлди. Гўё ўртада жарлик яралиб, Гулсаҳар нариги тарафда, қоя тепасида қолиб кетгандай туюлди. Ўзини алланечук ожиз ва ёлғиз ҳис этди.

Анчадан сўнг Аюбхон Гулсаҳарни бошлаб чиқди.

– Жиян, – деди Дилшодбекка қаттиқ тикилиб. – Сиз энди қайтасизми?

– Ҳа, – истар-истамас жавоб берди Дилшодбек.

– Сизга катта раҳмат. Энди шу синглингизни ҳам ола кетинг. Бу ерга кераги йўқ.

– Хўп.

– Гулсар, – деди Аюбхон қизига юзланиб, – нима қилиш кераклигини тушундинг-а, отнинг арпасига яна пича қўш, чошгоҳда суғар. Мен насиб бўлса пешингача етиб бораман. Энангдан хавотир олманглар. Ҳаммасини ўзим ҳал қиламан.

Дилшодбек ўзича бепарво машинани ўт олди.

Вақт алламаҳалдан ошиб қолган эди. “Газел” гуруллаб тоғ йўлига тушиб олди. Теварак зим-зиё. Адирлар, тепаликлар қоп-қора қабристондай дўппайиб ётибди.

Гулсаҳар ўриндиқнинг бир чеккасида қунишибгина ўтирибди. Чопа-чопда хийла тўзиб қолган куюк, қоп-қора сочлари кулоқ чаккаларини кўмиб юборган. Аҳён-аҳён қаршидан келаётган машиналар фарасининг ёғдусида оппоқ, тиник чехраси, қоп-қора, маъюс кўзлари порлаб кетади.

Дилшодбекнинг севгига лиммо-лим юраги яна қалқиб-қалқиб ура бошлади. Касалхонада чиппа ёпишган ўша қўнғил ғашлик қайларгадир сингиб йўқолди.

– Пошшо опа, – деди Дилшодбек қизни кулдириш учун, – чарчаган бўлсангиз, орқага ўтиб, касал койкага чўзилинг.

Гулсаҳар жилмайди.

– Машинангиз бир силкинса, яна болнисага кайтишингизга тўғри келади-да.

– Бажону дил. Лекин узоқ-узоқларга олиб кетаман.

– Қўйинг-е, дардисар кип зарилми сизга.

Шу пайт машина каттиқ бир тебранди-ю кизнинг омонат соч турмаклари буткул тўзғиб, узун-узун зулфлари ёйилиб кетди.

– Вой, – Гулсаҳар шоша-пиша сочларини йиғишга уринди.

– Қўяверинг, – деди Дилшодбек, – шунақаси тузук, мени кўрkitиб кетасиз.

Киз шарақлаб кулиб юборди. Бу кулгудан кабина ичи зириллаб, Дилшодбекнинг аъзойи бадани жимирлаб кетди.

Машина аччик-аччик увуллаган куйи баланд бир тепалик устига чикиб борар эди. Кўк тўла маржон-маржон юлдузлар олд ойнага чиппа ёпишган зар уқаларидек туюлади. Шу пайт Дилшодбекнинг ҳам кўзига нимадир учиб кирди. У жон ҳолатда ковоқларини кашлади.

– Нима бўлди? – сўради Гулсаҳар хавотир билан.

– Дераза очик-ку, пашшами, чивинми, бир бало кўзимга кириб кетди.

– Машинани тўхтатинг. Мен кўриб қўяман.

“Газел” йўл чеккасидаги тош парчаларини ғижирлатиб, оҳиста тўхтади. Дилшодбек кабина тоқидаги чирокни ёкди. Қоп-кора, узун сочларига чулғанган Гулсаҳар у томон узалди.

– Қайсиси, – пичирлади киз.

– Чап кўзим, – шивирлади Дилшодбек, Гулсаҳар томон узалиб.

Кизнинг бўлиқ кад-коматидан ҳарорат, алланечук хушбўйлар ёғилар эди. Тирсиллаган момик сийналар Дилшодбекнинг ўнг елкасига суйкалди. Бутун бадани-

да кайнок қон югуриб, юраги гурс-гурс ураётган йигит кизни кучиб олишдан ўзини аранг тийиб турарди.

– Мана бўлди, хомшак экан, – деб пичирлади Гулсаҳар, узун, оппоқ бармоқлари билан чап кўздан нима-нидир сидириб ташларкан.

Дилшодбек култ-култ ютиниб шивирлади.

– Йўқ, ҳали бўлмади.

– Бўлди, чиқариб ташладим-ку.

– Йўқ, – Дилшодбек шундай деди-ю, шартта қиз белидан кучиб, юзларидан, лабларидан ютоқиб ўпа кетди.

Гулсаҳар бир лаҳза гангиديو сўнг илқис юлқиниб Дилшодбекнинг оғушидан чиқди.

– Бу нима қилганингиз?

– Гулсаҳар... гулим...

Қиз хўнгиллаб йиғлаб юборди.

– Мумкин эмас... бундай... бундай қилишингиз мени.

– Биладан, Гулим, биладан, мумкин эмас. Лекин сизни севиб қолганман, жонимдан ортиқ кўраман.

– Йўқ! Йўқ! – Гулсаҳар бошларини аччик-аччик тўлғаб баттар йиғлашга тушди. – Мумкин эмас.

Дилшодбек журъатсизлик билан интилиб, қизнинг коп-кора сочига чўлғанган елкаларини силашга тутинди.

– Мумкин. Юрсам-турсам хаёлимда сиз. Нима қилай? Севгидан юрагим куйиб кетди.

– Мен... мен, – Гулсаҳар илқис бурилиб, ёш калқиб турган кўзлари билан Дилшодбекка илтижоли термулди, – арзимаيمان.

Йигит бағри ўртаниб кизни яна бағрига тортди.

– Гулсаҳар... тенги йўқ гўзалсиз. Фариштасиз.

Қиз туйқус ўзини Дилшодбекнинг кўксига ташлади. Ташлади-ю тағин юм-юм йиғлашга тушди.

– Бўлди... бўлди Гулим, – деб шивирлади Дилшодбек қизнинг сочларидан, бўйинларидан ўпар экан. –

Сизни бошимда кўтараман. Бир умр севиб, ардоқлаб ўтаман.

Гулсаҳар йигитнинг иссик кафтларини юзига суртди.

– Мени кутқаринг... майли чўрингиз бўламан.

Дилшодбек кизнинг юзини охиста ўзига қаратиб эхтирос билан шивирлади.

– Сизни хафа қилсам кўр бўлай. Ўла-ўлгунча севаман. Сиз тоғ булоғидек боқирасиз.

Туйкус лаблар бир-бирига ковушди.

Тун. Қиз сочидай қоп-қора тун. Борлиқ унинг оғушида. Чимилдиқ узра сочилган тилла тангалардек ғуж-ғуж юлдузлар нозлана-нозлана жимирлайди. Тоғ томондан эсан эрка эпкин хушбўйларга қоришиб кетган. Тун ҳашаротлари бири қўйиб, бири олиб шўх-шаън алёр айтади.

Улар энди бир-бирининг пинжиларига тикилиб ўтирардилар. Шивир-шивир, пичир-пичир. Қиз узук-юлук ўз қисматини гапириб берди. Йигит ҳам.

– Мени етаклаб бориб, янгамга нима дейсиз? – сўраган бўлди Гулсаҳар.

– Ҳозирча сир сақлаймиз, – деди Дилшодбек киз қилларини силаб, – кейинчалик билдирамиз. Менимча у бизни тушунади, яхши аёл!

– Кўнмаса-чи?

– Менимча кўнади. Бу ерда кўп нарса эрқакка боғлиқ.

– Бобомниям учта хотини бўлган. Битта момом ҳозир ҳам тирик.

– Отангизни-чи?

– Билмадим, – деди Гулсаҳар уялганнамо кулиб. – Балки ҳозирча сир сақлаб юргандир.

Дилшодбек ютоқиб киз ёнокларидан устма-уст ўпди. Гулсаҳар ҳам йигит чеккасига лаб тегизиб қўйган бўлди.

– Дўстларим билан маслаҳат этиб, сизларникига совчи жўнатаман, – деди Дилшодбек.

Гулсахар чукур тин олди.

– Отам барибир кўнмаса керак. Сиз корача, биз эшонзода.

– Йўғ-е, яхши ният қилайлик, рози бўлар.

– Рози бўлмаса-чи?

– Сизни опқочиб кетаман. Гулсахар... энди сиздан сира ажралмайман.

– Уста ака...

Лаблар яна бир-бирига интилди.

Улар тонгга яқин қишлоққа кириб келишди.

* * *

Темир йўл тевараги хайрат-хаяжонга чулғанган аҳли овулга тўлиб кетди. Шаҳарлик казо-казо меҳмонлар, яллачию нағмачилар куршовда қолишди. Ғалаговур.

Дилшодбек ўзи томон андак гинали, андак эркали қараган Гулсахарга кўз қисди. Қиз ҳам жавобан ял-ял яшнаб жилмайди. Ўша кунги воқеа ўртадаги оғир, калин пардани бир чеккага суриб, уларни бир-бирига яқин қилиб қўйган. Энди илгаридек узоқ-узоқдан интиқ-интизор бўлиб юришмайди. Пайт пойлаб, имкон топиб, овлоқ-овлоқда учрашган чоғ бемалол қўл ушлашади, энгил-енгил ўпишишади.

Дилшодбек ҳозир ҳам кизни бир чеккага тортиб, кечки пайтга учрашув белгилаш дардида. Шу сабаб овул одамлари томон аста-аста силжиб бормоқда. Бирок улгурмади. Аллақандай рўдапо кампир Гулсахарни кучиб, манглайларидан эхтиром билан ўпди-да, сўнг бир чеккага етаклаб кетди. Зум ўтмай, Дилшодбек кизни оломон орасида йўкотиб қўйди.

Бир пайт Аюбхон эшон меҳмонлар тўпига лапангланганча яқин борди.

– Оксоқоллар. – деди у ҳамишаги гулдурос овозда, – би-ир дуо берингизлар, хазрати Довудга атаган жонлиғимиз бор. Шунини пойиз ғилдираги остига сўйсак.

Меҳмонлар аввал таажжубланиб, сўнг жонланиб бироз ғала-ғовур қилиб туришгач, қўлларини нўноқларча юзларига сийпалаб олишди.

– Оми-ин!

Аюбхон эшон имо қилди. Давра чеккасида турган икки йигит етовдаги қўчқорни паровоз томон судраклашди. Бўрдоқи оёк тираб, пишқириниб қаршилиқ қилишга тиришар эди. Аллақандай ўспирин жониворнинг лорсиллаб осилган думбасидан итарди.

Йиғилганлар ғала-ғовур, кий-чув билан қурбонлик маросимини кузатишар эди.

Ниҳоят, қўчқор паровоз олдига, темир йўл шпали устига ётқизиблиб оёқлари боғланди.

– Дуо беринг, эшон бова, – деди билаклари жундор, ияклари бўртиқ кассоб, ўткир пичоғини ҳавода ўйнатиб.

– Оми-ин, – Аюбхон гулдураклаб қўлларини фотиҳага очди. – Эҳсонимиз яхшиликка, ёруғликка бўлсин! Оми-ин, Аллоҳу акбар!

Қўчқор бўғзидан тирқираб отилган қон темир йўл устига сачраб кетди.

IX

Амиркулнинг димоғи чоғ. Ўғилчасини бағрида эркалаб ўтираркан, оғил ёнида хўкизга ем бераётган хотини билан тўлиб-тошиб гурунг қияпти.

– Шуйтиб, эшон бовам дуо берди, ишни бошладик. Пойдеворга биринчи тошни ўзим кўйдим.

– Топган усталарингиз аввал ҳам уй-пуй қуриб кўрганмикан, ишқилиб?

– Эсам-чи, ҳаммаси зўр, водийлик усталар. Икки ойда суягини бутлаб, томига тунука қоқиб берамиз, дейишяпти. Қолган ишлар аста-секин бўлаверади.

– Шу... аввал Довудбек ака билан маслаҳат қилмадингиз-да.

– Э. бундай майда-чуйда билан у кишининг бошини котириб нима қиламан. Насиб бўлса, Кункулба битгандан кейин, уй тўйига чақирамиз. Довудбек ака бўсағадан биринчи бўп оёқ оширади. Шундай ният қилганман.

Отасининг кўкрак тукларини торткилаб ўйнаётган болакай қикир-қикир кулди. Амиркул тўлқинланиб, ўғилчасининг дудокларидан меҳр билан ўпди.

– Кулишларидан... – сўнг арзандасининг жажжи кулоқларига ўзича шивирлаган бўлди. – Оз қолди, болам. Кункулбамиз тайёр, Худо хоҳласа.

Х

Ўша ғаройиб тунда кечган ғаройиботларни ҳар гал эслаганида Гулсаҳар уят ва кўрқувдан лов-лов ёниб, бесаранжомлашиб қолади. Устига-устак, Дилшодбекнинг тиканақдек соқоллари тирнаб ташлаган юзлари бир неча кун ачишиб, кизариб юргани-чи?! Гўё ёноқларининг тимдаланган жойлари яққол кўриниб, биров-ярим пайкаб қоладигандай анча пайт огиз-бурнини қоплатиб рўмол ўраб юрди.

Гулсаҳар паришон ва одамови бўлиб қолган эди. Бир гал қудуқдан ошхона учун тортган бир челақ сувни кўтариб оғил томон кетиб қолди. Бир гал қайнаб турган қозонга картошка пўчоғини солиб юборди. Хайрият, бу гангишларни ҳеч ким кўрмади.

Гулсаҳарнинг алғов-далғов хаёлида фақат ўша ажиб тунда кечган ажойиботлар, бахт, фақат бахт ваъда қилувчи аҳду паймонлар. Қулоқлари остида У кишининг эркалаб шивирлашлари, кўз ўнгида У кишининг муҳаббат ва шафқат лиммо-лим қарашлари. Гулсаҳар ўзини оппоқ, момик булутлар оғушида учиб юргандек юксакликда, муздек, мусаффо шамоллар шиддатидан боши майин чайқалаётгандек хис қилади.

Хўш, энди нима бўлади? Бу ғурбатхонадан қутулиб кета оладими? Отаси нима дейди, онаси-чи? Улар у

киши билан кетишга рози бўлармикан? Хўш, кейин-чи, бир эркакнинг этагидан тутган икки аёл тил топишиб кетадими? Тўқсон билан тўкнашган, уч заифанинг бири бўлиб, бобоси билан бахтли яшаб ўтган, хануз-хануз ўша кунларни энтикиб эслайдиган момосидек бахтли-тахтли кун кечирадими?

Бу хил саволлар гоҳо кўккис ёприлиб, кизни ўша оқ булутлар оғушидан торткилаб-силкилаб тагин ғурбатхонага тушириб кўяди. Гулсахар бу жумбокларнинг кўнгилсиз жавобларидан қочиб, жон-жахди билан яна У кишининг меҳр-мухаббатга тўла, эркаловчи, ардоқловчи нигоҳларини эслаб қолади. Эсларкан, бу таскинбахш хаёлдан кўнгли яна оқ, оппоқ булутлар томон учади.

“Хаммаси яхши бўлади, Худо хоҳласа”, – дея ўз ўзига пичирлайди Гулсахар, – юрагим сезиб турибди, ширин кунларим яқин...”

XI

Заргаров вилоят марказидан анча кеч қайтди.

Сўнгги русумдаги “Нива” киру адирлар кўйнида қора тасмадек ястаниб ётган, гоҳ пастлаб, гоҳ баландлаб кетган йўл бўйлаб елиб келмоқда. Машина рулини енгил тутган Довудбек Якубовичнинг қошлари нори-зо чимирилган, таъби тиррик, очиқ ойнадан ичкарига ёпирилиб кираётган гармсел сочларини тўзғитиб ўйнамоқда. “Нива” ҳам эгасининг асабий, ғаш кайфиятини таъкидлагандай тез-тез зардали чайқалиб, киру ўрда гувиллаб-увиллаб кўяди.

Нега бунақа лоқайд одамлар бор? Нега ҳар ким ўз ишини билиб, ўз вақтида қойиллатиб қўймайди? Бу ахволда қачон ҳам иктисодда, ҳам маънавиятда бусбутун бўламиз?

Заргаров бундай хаёллар товасида бекорга куйиб-ёнмаётган эди. Бир дунё сабаблар бор. Мана, икки

ойки ишчиларнинг маоши негадир кечиктирилмоқда. Довудбек Якубович хайрон. Бош хисобчи елка қисиб, мужмал жавобдан нари ўтмайди. Охири, Заргаровнинг ўзи банк раҳбарияти билан очик-ойдин гаплашиб олиш учун вилояти марказига жўнаб кетди. Керакли идораларга кирди. У оғир-босик бўлишга харчанд уринса-да, барибир қизишиб-қизишиб олди. Банк маъмурини бир-икки бўралатиб сўкиб ташлади. Аммо банкир бундай ур-калтакларда обдан тобланган бўлса керак, сиртига сув юқтирмади. Бир дунё қарору кўрсатмаларни, рақаму жадвалларни рўқач қилиб, узундан-узок гапириб Заргаровнинг шаштини қайтарди. Алал-оқибат, Довудбек Якубович бош кашлаган кўйи муроса йўлини излаб қолди. Пешиндан сўнг, Заргаров хира бир кайфиятда идорадан чиқди-ю машинасига ўтириб ортига қайтди. Бўлиб ўтган суҳбат, банкирнинг силлик афтию маккорона йилтиллаб турган кўзлари йўл-йўлакай халёлида бир бор жонланиб баттар тажанглашди: «Бу ой хам маошдан умид йўқ, шекилли».

Довудбек Якубович машинани моҳирона бошқаради. Шу боис гавжум шаҳару кишлоқларни бир зумда ортда қолдириб, дала-даштга сингиб кетди. Бир пайтлар унга ҳайдовчи олишни таклиф этишганда, Заргаровнинг энсаси қотган. Кўл-оёғи бус-бутун, усталикда унча-мунча шофёрларни доғда қолдиради. Яна бир одамни ёнида боғлагандай олиб юриб нима зарил? Нима керак ортикча харажат? Майли, бир сўм бўлса хам давлатнинг ғазнасида тураверсин. Қолаверса, машина орқа ўриндиғида талтайиб ўтиришни унинг табиати кўтармайди. Довудбек Якубович – иш одами! Коржом кийиб, қурилиш майдонларида ўралашиб юришни ёқтиради. Йўқ, у бундай “хобби”сидан уялмайди. Керак бўлса, кора мойга ботиб ўзини кўз-кўз қилади. Шунинг учун хам анови банкирга ўхшаш тўралардан нафратланади. Аммо... айни пайтда нафратланганидан нима наф? Натижа – минус, маош йўқ!

Заргаров бош чайкаб, чукур тин оларкан, машинага каттикрок газ берди. Иссик тобора забтига олмоқда. Теваракда ур-калтакдан шишиб кетган бадандай кир-тепаликлар ястаниб ётибди. Довудбек Якубович бу ерларни хўб яхши билади. Ҳар бир сой, ҳар бир ўнгир унга ўйнаб-ўсган жойларидек кадрдон бўлиб кетган.

Заргаров туйқус машинасини тупроклари кўпчиб ётган тап-тақир қир бағирлаб кетган йўлга бурди. Очик ойнадан қуюқ чанг-тўзон ёпирилиб кирди. Аммо Довудбек Якубович бунга парво қилмади. У беш-олти чақирим нарида Миср эҳромларидек кўр тўкиб, бир-бирига елка тутган қояларни кўзлаган эди. Ўша қоялар ортида атиги уч ой аввал иш қизигандан қизиган, баҳайбат машиналар наърасидан теварак-атроф ларзага тушган эди. Негадир айнаи чоғда Заргаровнинг ўша жойларни кўргиси келиб кетди. Кўнгли бир ором, бир таскин изламоқда эди.

Шамол олддан эса бошлади. Ғилдираклар остидан кўзғалган чанг-тўзон бир зум ҳаволаниб, сўнг чарх уриб ортда қолиб кетади. Машина тағин анча вақт гоҳ ўрлаб, гоҳ пастлаб юргач, ниҳоят қоялар биқинига отди.

Довудбек Якубович машинадан тушди-да, терлаб кетган бел биқинларини укалаб бирзум туриб қолди. Атроф жимжит. Енгил шамол унда-мунда хурпайиб ўсган янтоғу ёвшонларни торткилаб, тебратади. Теваракда, қоялардан ушалиб тушган тош бўлаклари, мол тезаклари тўзгиб ётибди.

Заргаров қўй-қўзилар из солган ёнбағир бўйлаб секин-аста қоя тепасига кўтарилди. Кўтарилди-ю ажиб ҳислардан бутун борлиғи бир қур яйраб кетди. Бу ердан қиру адирларни ёриб ўтиб, олис-олисларга узалиб кетган темир йўл яққол кўриниб турар эди.

Довудбек Якубовичнинг юз-кўзида кулгу ўйноқлади. Йўл бўйи ўртаб келаётган хира хаёллар қайларгадир бирзум чекиниб, чарчоқлари таркагандай бўлди.

“Мана бизнинг меҳнат, мана бизнинг ғалаба, – тўлкинланиб ўйларди у, куёш нурида тигдай ялтираб ётган рельслардан кўз узмай, – ишқилиб, беҳуда нон еб юрганимиз йўқ! Бу ерда йигитлар мана шу қоялардек бир-бирларига елка тираб ишлашди. Анови банкир бу ерларни бир томоша қилса эди...”

Довудбек Якубович теваракка мағрур-мағрур кўз ташлаб хийла тургач, яшириб қўйган ўйинчоғи жойида турганини кўрган боладай қувнаб яйраб пастга тушди. Машинасига ўтириб изига қайтди.

Куёш уфкни қоралаб бораётган бўлса-да, ҳали ҳавонинг тафти баланд. Қир ён бағирлари тандирдек ҳовур пуркаб турибди. Енгил эсган шамол гармсел ҳайдайди, холос.

“Иш вақти ҳам тугаб қолди, – дея хаёлдан ўтказди Заргаров, яна асфальт йўл бўйлаб манзил томон машинасини елдириб бораркан. – Ҳойнахой, йигитлар вагонларга қайтишган”.

Довудбек Якубовичнинг яна кўнгли ғаш тортди. Ишчилар олдига тагин қурук қўл билан бораётгани лоп этиб эсига тушди-ю, яна таъби тиррик бўлди. Ҳалигина бутун вужудини қоплаган қувонч, ифтихор тақир ерга тушган томчидай қайларгадир сингиб кетди.

Чатоқ бўлди-да, энди ишчиларнинг юзига қандай қарайди? Банкда озгина юз берган ишқаллик билан уларнинг неча пуллик иши бор? Керак бўлса, ҳаммалари ўз вазифаларини дўндириб бажаришяпти. Демакки ўз нонларини талаб қилишга ҳақлари бор! Балки... балки, улар маошдан дарак йўқлигидан ранжиб, бу кун умуман ишга чиқишмагандир?! Бутун қурилиш режаларини чиппакка чиқаришган бўлишса-я?!

Заргаров шундай ташвишли хаёллар билан Қипчок қишлоғига яқинлашганини пайқамай қолди. Чиндан ҳам ишчилар ўз участкаларидан қайтишганга ўхшайди. Ана, йўлсозларни ташийдиган “Лаз” автобус, эшикларини ланг очик, майдон ёнида турибди. Ҳайдовчи амаки

куймаланиб неларнидир тузатмоқда. Вагон уйларига кириб-чиқиб юрган, сочикларини елкаларига ташлаб, ювиниш жойларида ивирсиётган кимсалар ҳам кўзга ташланади.

Довудбек Якубович машинасини автобус ёнида тўхтатди. Ҳайдовчи амаки қўлларини кирчил латтага арта-арта раҳбарга пешвоз юрди.

– Ҳамма қайтдимми? – сўради Заргаров.

Узуқ-юлуқ салом берган Ҳайдовчи довдираган куйи серажин пешонасини силади.

– Ҳа. Аммо-лекин кўприксоzлар ҳали келишмади.

– Нега? Тинчликми?!

– Билмадим, – деди амаки, озғин елкаларини қисиб, – уларни Марат ташийди, аммо-лекин йўлдан ўтаётиб кўзим тушди, тўпланиб туришганди.

– Тўпланишиб?! Нега?

Заргаров сўрашга сўради-ю, бироқ жавобини кутмай, машинага газ берди. “Нива” зардали бир силкиниб, кўприксоzлар участкаси томон елиб кетди.

“А-ҳа, бошланди, – алам билан ўйларди Довудбек Якубович, қошлари чимирилиб, лаблари қимтилиб. – Тўпланишиб, митингбозлик қилишаётган, хойнаҳой?! Мана, сен ишонган фидойи ишчилар! Буларнинг маънавияти юксак юрт туйғуси, бунёдкорлик туйғуси билан яшашади булар, қийинчиликларга сабр-тоқат қилишади, деб йўл-йўлакай ўз-ўзингни алдаб келдинг! Энди кўр, қани ўша юксак маънавият? Иш ҳақлари озгина ушланиб қолганига шунча даҳмаза. Эрта-индин улардан нима кутиш лозим? Ёш авлодга қандай ўрнак кўрсатишади?..”

Заргаров шундай изтиробли ўйлар оғушида, ишчилардан ёзғирганича кўприксоzлар участкасига етиб келди.

Тоғ тизмалари ортига ўтиб кетган қуёшнинг кечки нурлари кунгай ерларга тигдек санчилган. Улкан қояларнинг улкан соялари теваракда қора кигиздек

тўшалиб ётибди. Қачонлардир сел-тошқин ювиб-ўпириб кетган сайхонлик лабида баҳайбат бетон қувурлар, темир-терсак уюмлари тахлаб қўйилган. Кўприк-созларнинг марраси шу ер. Аммо машинасидан зарда билан тушган Заргаров тўпланишиб, кий-чув солаётган касларни кўрмай бир зум каловланиб қолди. Ҳамма ўз иши билан андармон, сап-сарик тусли улкан кран, узун хартумига осилган бетон панелни оҳиста туширмоқда. Қизғиш каскасини бостириб кийган яғриндор ишчи имо-ишора билан кранчига кўрсатмалар бераёпти. Ундан сал нарида юзига махсус никоб кийган пайвандчи кўкиш-сарғиш учкун сачратганча баҳайбат қувурларнинг аллакаеринидир бутламоқда. Тағин икки ишчи ўша ёққа узун бир арматурани судраклаб кетишяпти.

Кислород баллон ёнида куймаланаётган бригадир Заргаровни кўрди-ю, илқис қад ростлаб, қўлидаги қўлқопини ечди. Сўнг пайвандчи томон алланима деди-да, айикдек лапанглаб раҳбарга пешвоз юрди.

Ҳануз ўша ташвишли тусмоллари тарқамаган Довудбек Якубович чимирилган кўйи пўнғиллади:

– Ҳорманглар.

– Саломат бўлинг, Довудбек ака, – деди бригадир раҳбарнинг авзойидан таажжубланиб.

– Кун бўйи митинг қилиб, энди иш бошладиларингми?

– Қанақа митинг... тушунмадим, Довудбек Якубович?

– Тўпланишиб турган эдиларинг-ку, ҳали.

Бригадир рапидадек қўли билан соқоллари тиканакдек ўсган иягини тутамлаб бир зум ўйланиб қолди. Сўнг туйқус чехраси ёришди.

– Ҳа-а, уми, – деди хижолатомуз илжайиб, – озгина тортишув бўлганди.

Заргаров сергакланди.

– Қанақа тортишув?

– Андрей билан Комил ўртасида...

Ҳа, чиндан ҳам тортишув бўлган эди. Ҳаммаси кранчи Андрейнинг чарчаганлигидан бошланди.

“Иш вақти тамом, дам оламиз”, – деди у кранни ўчириб, ерга сакраб тушаркан.

Пайвандчи Комил автоген шлангига қокила-сурила югуриб келди.

“Андрей, яна иккита панел қўйиб бергин”.

“Нега?! Кечаси билан ишламоқчимисан?”

“Гап унда эмас, кўраяпсан-ку, хали карбид кўп”.

“Базага қайтиб опкетамиз”.

“У ёқ-бу ёққа ташиб юрсак, кукун бўп кетади-ю?!”

Андрей хохолаб кулди.

“Иккита панелни пайванд қилгунингча ўзинг ҳам кукун бўлиб кетасан. Йўқ, гап тамом, иш вақти тугади, ортик бир минут ҳам ишламайман”.

Комил кранчини жаҳл билан итариб ташлади.

“Номард, ишлайсан, ўлиб қолмайсан”.

“Ўчир овозингни! Барибир ишламайман”, – дея хиркиради Андрей, қизара-бўзара Комилнинг ёқасига чанг солиб.

Улар олиша кетишди. Ён-атрофдаги ишчилар жў-жахўрозлар томон ҳайҳайлашиб югурдилар. Кимдир Андрейни, кимдир Комилни бир чеккага тортди. Зум ўтмай жанжал жойида ишчилар тўпланиб қолишди. Биров кранчини, биров пайвандчини ёклаган бўлди. Бироқ Комилнинг чақиндай сўзлари алал-оқибат барчанинг бошини бир ёқага тикди.

“Дўстлар тўғри чарчадик, – деди у Андрейнинг чангалидан қизарган бўйнини силаб, – дам олиш ҳаққимиз, лекин шунча карбид исроф бўлади-ку? Уволи тутмайди-ми, ахир нонимиз-ку, бу?! Инсоф ҳам керак-да одамга! Давай, озгина сабр қилиб шуни тугатиб қўяйлик!

Андрей йўл чеккасидаги харсангга кет қўйиб ўтирди.

“Кўп бўқирмай, чекишдан ол, Кейин... боплаб биқинимга туширганинг учун сенга учта панел қўйиб бераман”.

Ҳамма хохолаб кулиб юборди. Чекишдилар. Сўнг яна иш қизиб кетди.

Заргаров бригадирнинг оғзидан бўлиб ўтган ҳангомаларни эшитаркан, Комил куйманалаётган томон ним табассум билан қаради. Пайвандчи ярақ-юруқ қилиб сачратаётган учкунлар ичу ташини ёритиб юборгандай бўлди.

– Жанжалкашларни чакиринг-чи, – деди Довудбек Якубович бригадирга.

– Хўп.

Заргаров машина эшигига тирсак тираб, тевааракка мамнун кўз ташларкан, ҳалигина йўл-йўлакай ишчилардан ёзғириб келганини эслаб, ўз-ўзидан хижолатланди. “Барибир ҳовлиқмалигим бор-да, сал қолди-я шундай азаматларни хафа қилиб қўйишимга”.

Ўнқир-чўнқир ерда сочилиб ётган майда тошларниғижирлатиб босганича аввал Комил, сўнг Андрей ҳарсиллаб етиб келишди.

– Салом, йигитлар, – деди Заргаров, кўришмоққа қўл чўзиб. – Ҳорманглар энди.

– Саломат бўлинг, Довудбек Якубович.

– Раҳмат сизларга, фидокорлик учун ташаккур.

– Йўғ-е, – деди Комил бошлиқнинг эътиборига тушганидан қувониб – бу қурувчилик бурчимиз.

Андрей хижолатомуз илжайди.

– Менга виговор берсангиз ҳам бўлаверади, Довудбек Якубович.

– Асло, – деди Заргаров унинг елкасига дўстона қоқиб, – иш бор жойда албатта чарчаш, англашилмовчилик бўлади. Ну... вазифани қойил қияпсизлар, раҳмат. Бугун битта беш юлдузлик коньяк мендан.

Андрей сарғиш киприқларини пирпиратиб Комилга

мамнун ва мағрур кўз ташлади. Комил илжайганича кўлини кўксига кўйди.

– Раҳмат, Довудбек ака, лекин бизга анави мешкобчи боланинг чалоби ҳам бўлаверади.

Ҳаммалари баб-баравар кулиб юборишди.

Шу пайт машинадаги телефон устма-уст жиринглаб қолди. Заргаров кабинага бош сукиб аппаратга интилди.

– Алло, эшитаман.

– Довудбек Якубович, бу мен...

Заргаров бугун таъбини тирриқ қилган банкирни таниди. Унинг ҳаяжонланган, ҳовлиққан овози машина ёнидагиларга ҳам баралла эшитилар эди.

– Нима гап, жаноб банкир? – сўради Заргаров сергакланиб.

– Довудбек ака, маошлар масаласи ҳал. Эртагаёк ишчиларингиз хурсанд бўлади.

– Раҳмат сизга. Биз томонларга келсангиз би-ир чалобхўрлик қилардик.

– Чалоб?! Қанақа чалоб? Миянинг қатиғидан эмасми, ишқилиб?

– Билмадим, – деди Заргаров, банкирнинг гапларини тузук англаёлмай – биянинг қатиғими, кўйникими, билмадим.

Машина ёнида турганлар қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. Заргаров ҳам хушхандонлик билан беихтиёр уларга жўр бўлди.

Телефон гўшагидан ҳам узуқ-юлуқ кулгу товуши эшитилар эди.

ХII

Пиримкул Довудбек Якубовичдан оқ фотиҳа олгач, топширилган жамоат ишида ўзини кўрсатиб кўйишга жон-жаҳди билан тиришди. У гоҳ кўчма база теваарагида, гоҳ қурилиш майдонларида ивирсиб юрар, ташмачилик, ўғрилиқ аломатларини интизор пойлар, баъзан

тўп-тўп бўлиб суҳбатлашаётган ишчиларнинг, ҳамқишлоқларининг даврасига сукилиб кирар, фош қилишга арзигулик гап-сўзларни энтикиб овлар эди. Бироқ шу пайтгача хуноб бўлгани қолди, холос. На бирор бир талончиликнинг, на бирор бир ғаламисликнинг гувоҳи бўлди. Фақатгина бир гал қароргоҳ чеккасида чекишиб турган икки ишчининг сўзларини қулоғига қуйиб, ўздан пича-пича қўшиб Заргаровга етказди. Ўшанда ишчилар об-ҳавонинг иссиқлигидан нолишган, бунақа шароитда чет элликларга ўхшаб хизматчиларга мўмайгина қўшимча ҳақ тўлашса яхши бўлишини гапиришар эди.

Заргаров Пиримкул аланг-жалаңг шипшиган ахборотни хаёлчан тингларкан, ҳорғин бош ирғади.

“Тўғри талаб, инobatга оламиз. Ишчиларимизга қуйинчаклик қилаётганингиз учун сизга катта раҳмат, ака...”

Фаол жамоатчи талмовсираб қолди... “Мен не дейман, қўбизим не дейди!”

Кунлар шу тахлит шитоб билан ўтиб бормоқда.

Мана бугун ҳам Пиримкул заранг таёғини белига қўйиб, қурилиш қизғин бораётган Кўксойда ҳушёрлик билан ивирсиб юрибди. Сойликка туташ қирга ёйилиб кетган бир тўп қўй-эчкиси унинг ҳам жамоат ишини, ҳам тирикчилик ташвишини баб-баравар бажараётганидан дарак беради.

Чошгоҳ маҳали. Кун иссиқ. Бир ҳафтача аввал йўл-созлар текислаб-тепкилаб оби-тобига келтирган, кенг бир майдон тусини олган Кўксой оғир техникаларнинг ўкирик-бўкиригидан зириллаб турибди. Бошларига қизғиш каска, эгниларига олачипор коржома кийган тўп-тўп ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Турнақатор тизилиб келаётган “Маз”лар, “Краз”лар устларига гумбаздек ортилган кўкимтир шағални кўрсатилган жойларга шовуллатиб тўкишади. Тўкилган шағал уюмларини баҳайбат бульдозер қариллаб-ариллаб у ён-бу ён суриб,

кўтарма ҳосил қилишяпти. Махсус бригада анчагина нарида кулранг иштонбоғдай узалиб кетган кўтарма устига пайдар-пай шпал ёйиб, рельс ёткизиш билан овора. У ербу ерада егилигу ичкилик солинган қутиларини кўз-кўз қилиб юрган, аҳён-аҳён иштиёкмандларни чорлаётган аёллару болалар кўзга ташланади.

Пиримкул, чанг-ғубордан кўзлари ачишиб, шовкин-суронда кулоқлари том битиб, хийла вақт тентиди. Бир гал оғир чайкалганича ўкириб келаётган “МАЗ” тагига тушишига сал колди. Тагин бир гал шағал уюми ёнида куймаланаётган ишчининг белкураги беҳос биқинига тегиб кетди. Фаол жамоатчи оғриқдан ингранаркан, ниҳоят, бу ерда беҳуда ўралашиб юрганини англаб етди. Сўнг тажанг бир қиёфада қоқила-суқила кир ёнбағридан ўтган авто йўлга чиқиб олди. Оёғидаги кўнжи кесиб ташланган резина этикни асфальт қопламага тап-туп уриб чанг-гардини қоккан бўлди. Аммо юрагига шилимшиқ балғамдек ёпишган ғашликни сидриб ташлаёлмади. Бу ғашлик, бу хиралик кун тиғи остида куйиб-пишиб ишлаб ётган темир йўлчиларга карагани сайин ортиб борарди. Пиримкул негадир уларнинг соя-салқин жойларга бош суқиб, ялқовларча ғингшиб ётишларини, бошликларнинг режаларини барбод қилишларини истарди. Бироқ барчаси аксинча, хув, шпал тахламлари ёнида чекишиб, алланеларнидир маслахатлашиб турган икки бошликнамо кишининг хуш кайфиятига караганда, ҳамма-ҳаммаси кўнгилдагидекка ўхшайди.

Пиримкул оғир, ланж кадамлар билан қирнинг нариги тарафига, қўй-эчкилари хас-хус илинжида исмаланиб кетган ёкка юрди.

Кун тобора забтига олмоқда. Ориқ отнинг биқинидай дўнг-чукур, сап-сарик, адирликдан жимир-жимир ҳовур кўтарилади. Қаердадир сизловик жон-аччиғида ириллайди. Кўксой ёқдан техникалар гулдираши,

шақир-шуқури, ахён-ахён ишчиларнинг бақир-чакири баралла эшитилади.

Пиримкул қир тепасига аранг кўтарилиб теваракка хорғин кўз ташларкан, туйқус сергак тортди. Шундоқкина пастликда, автойўл эшилиб-буралиб ўтган нариги қир ёнида биқинибгина турган “КамАЗ”га кўзи тушди. Унга бақамти турган эски бир “Москвич”нинг багажи ланг очик.

“Ана бу бошка гап, – хаёлидан ўтказди Пиримкул, – ўғриларнинг зўрига йўлиққанга ўхшайман. Ана буни омад деса бўлади”.

У уста чанғичидай заранг таёғига суяна-таяна қирдан эна бошлади. Кўпол, қўнжсиз этиклари остидан тошу тупроқ тиркираб ушалади. Худди Пиримкулни қувлаётгандай уч-тўрт кадам жойга шувиллаганча сирғалиб, думалаб боради.

Пиримкул адашмаган экан. Сочлари саватдек, тақа мўйлов, “КамАЗ”чи “Москвич” багажидаги идишларга бирин-кетин ёқилғи қуймоқда эди. У қирдан эниб келган Пиримкулга лоқайд кўз ташлаб қўйди. Аммо ёнидаги пак-пакана, қисик кўз кимса (заранг таёк хўжасини таниди), ранг-рўйи бўзариб, типирчилаб колди.

– Э-э, ассалому алайкум, – деди у, Пиримкулга пилдираб пешвоз чиқаркан, – бардамгинамисиз, домилла, янгамлар, жужуқлар эсон-омонми?..

Пиримкул қўшни қишлоқлик фермернинг ялтоқланишидан хузурланса-да, сир бой бермай, у билан қўл учида кўришди.

– Ҳорманглар. Савдога барака, – деди истехзоли иржайиб.

– Э, домилла, савдо қилаётганимиз йўқ. Шу... шу десаңгиз фермерлик курсин, тракторнинг жермойиси соб бўпти. Мана бу жигитдан илтимос қилиб... жуда яхши инсон экан, раъйимни қайтармай озроқ қуйиб беряпти.

– Ҳа, энди... давлатникини қуйиб беришдан осони йўқ-да. Фермернинг аллақандай қоп-қора, жулдур

уст-бошли нусха олдида каловланиши “КамАЗ”чини таажжублантирди.

– Тинчликми?

Пак-пакана фермер ҳайдовчининг ёнига пилдираб қайтиб, унинг кулоғига неларнидир пичирлаган бўлди. Аммо “КамАЗ”чи пинагини ҳам бузмади.

– Ўв, ока. – деди у Пиримқулга, саватдек сочлари баттар хурпайиб, – қани, бўттан туёқни шиқиллатиб қолинг-чи, жаҳлим ёмон.

Пиримқулга худди шундай муомала керак эди. Икковлашиб ялинишса, оз-моз қуруғидан узатишса, қайтаман, кўнглим қурғур бўш-да, деган хаёлда ташвишланиб турганди. Ҳайдовчининг қўполлиги айни мудао бўлди.

– Хўп, хўп, – деди Пиримқул артистларча қийшанглаб, – кўрқиб кетдик. Мана, туёқни шиқиллатамиз. Шу кетишда Довудбек аканинг қошига борамиз. У ёғига Худо пошшо.

Ҳайдовчи гижинганнамо қўл силтади.

– Бор, боравер. Қани бирортасига гинг деб кўр-чи, чиққан жойинга...

Пиримқул ҳайдовчининг қўпол сўкишларини эшитмасликка олди. Унинг эсу дарди машиналар рақам-белгисини ёдда сақлаб қолишда эди...

...Афтидан, шу тонг Пиримқул ўнг елкаси билан турган экан. Қаранг, машина белги-рақамини калимадай қайтариб, димоги чоғ бораркан, тагин фош қилишга арзигулик ҳодиса ҳали олдда эканини билмас эди. Бу воқеа кўй-қўзиларини кишлоқ кунчиқаридаги ўша сувлоққа эндириб борганида содир бўлди. Итқитиб юборилган тошдай пилдирабгина-гилдирабгина қирма-қир, сойма-сой ошаётган Пиримқул илкис ўзини панага олди. Ё, тавба, кўргани чинми ё рўё? Бу қандай шармандалик! Пиримқул кўзларига ишонмагандай сувлоқ томон яна пусиб-пусиб қаради. Йўқ, бу ўтқир ва хушёр нигоҳлар алдамайди. Ана, бир эркак бир заифа

билан жилга бўйида хиринглашиб турибди. Бир-бирига сув сепишадими-ей, тош отиб ҳазиллашишадими-ей... Тагин, теваракка ўғринча-ўғринча аланглаб қўйишлари-чи... Ана, эркак сув сепиб қочган кизга уч хатлаб етиб олди, қўлидан тутиб кучоғига...

Ё, тавба, астафуролло! Бу не кўргулик, бу не бузукчилик. Овлоқ бир овулда кечаяптими бундай ошиқ-маъшуклик? Ё, шу атрофдан ўтиб, қайтаётган шаҳарлик шармсизлармикан?

Пиримқул яна синчков-синчков тикилди. Аъзойи баданига ҳаяжонли титроқ таралди.. Ия, анови заифа ўзимизнинг Гулсаҳар пошшо-ку?! Ана, сой бўйлаб кетиб бораётган қора моллар ҳам ўшаларники, Аюбхон эшоннинг мулки! Ё, тавба, бу не кўргулик, бу не шармандалик?! Олий насаб, оқ суяклар хонадонининг қизи шу аҳволда бўлса, бошқалардан не кутиш мумкин? Эҳ, қандай шармсиз, бузук замонларга келиб қолдик? Тўхта, тўхта, хўш, пошшо опанинг ёнидаги ким? Ие, бу анови темирйўлчи уста-ку, ҳар икки гапида “оға”лаб, “ёшулли”лаб қоладиган. Қишлоқдаги қанча одамнинг техникасини созлаб берган у, ҳамма ҳурмат қилади. Ё, тавба, одам оласи ичида деб шуни айтади-да. Фирт бузук, хотинбоз экан-ку бу?!

Пиримқул шундай минг бир ўй, минг бир чама билан анови иккови сой бўйлаб кетишиб, кўздан пана бўлгунича пушиб турди. Димоғида аччиқ-аччиқ кулди.

XIII

Меҳмонлар уч киши эди. Йосиро – коқ каншарига кўзойнак қўндирган, ўрта бўй, ўрта яшар киши, йўл-созлик техникалари ишлаб чиқарувчи фирманинг мутахассиси, кўзлари қисик, пешонаси дўнг. Нақонацу

деганлари фойдали қазилмалар бўйича олим, шекилли, юрган жойида тош-тупроқ чангаллаб узоқ-узоқ тикилиб қолади. Паст бўйлик, бакалоқнамо киши. Митти кўзларини қисиб-қисиб гапирганида юзи алланечук теп-текис бўлиб қолар экан.

Кўприксозлик бўйича дунёга доврўғи кетган мутахассис саналмиш Ямаюто анчайин жиддий ва сипо кўринади. Бўйи ҳам шериклариникидан тўрт энлик баланд. Сийрак сочлари алланечук кулранг товланади.

Ҳаммалари тоғу тош дидига мос кийинишган: аллақандай юпка, лекин мустаҳкам матодан кўйлак ва серчўнтак нимча, оёқларида тагчарми калин кросовка. Елкаларига хизмат анжомлари солинган чарм хуржун-халта осиб олишган. Кўллларини калта-калта силкиб, тез-тез ўзаро чуғурлаб қолишади.

Довудбек Якубович меҳмонларни илиқ кутиб олди. Албатта, меҳмонлардан анча аввал бу ерга юқорининг кўрсатмалари етиб келган.

“Темир йўл қурилишида биз билан ҳамкорлик қилаётган, – дейилади ўша кўрсатмада, – бу бунёдкорлик ишига яхшигина маблағ қўшган япон биродарларимизнинг бир неча вакили меҳнат шароити билан айнан йўлсозлик ишлари бораётган жойларда танишиш истагидалар. Улар кўнгилдагидек кутиб олинсин. Ўзбек меҳмондўстлигининг бутун жозибасини хис этишсин. Японлар қурилиши айнан қизғин ва уюшқоқлик билан бораётган участкаларга таклиф этилсин. Улар энг аввало интизомни юксак кадрлашади. Шу сабаб иш ўринларида ё дам олиш жойларида беҳуда сандироқлаб юришларга чек қўйилсин. Меҳнат нормаларини ошириб бажариш иштиёқида дам олиш пайтлари ҳам участкаларда ғимирлаб юришмасин. Дам олиш пайти – дам, иш вақтида – иш. Худди шу интизомга риоя этиш доимий назоратда бўлсин. Бировнинг иши билан бошқа биров шуғулланишига асло йўл қўйилмасин... Япон би-

родарларда яхши таассурот уйғотиш сизу бизнинг долзарб вазифамиздир”.

Юқорининг кўрсатмалари Довудбек Якубовичнинг хийла энсасини қотирди. Худди бу ёқда ғирт тўнка, алифни калтак, нонни нанна дейдиган омилар, гўдакмижозлар юришгандай уқтиришларини-чи?! Хорижий меҳмонлар келаяпти, дейишса ҳаммаси тушунарли-ку, нима керак ортиқча гап? Ҳатто баъзи ўринларда ишчиларнинг шаънига номуносиб гап айтилган. Гўё улар санғиб, яллама ёримни айтиб юришгандай. Келиб, уларнинг қандай фидойилик билан меҳнат қилишаётганини бир кўришса эди, балки кўзлари мошдек очилармиди? Шинам кабинетларда ўтириб кўрсатма-уқтирма қилишни хўб қотиришади-да!

Йўқ, Заргаров ҳечқанақа кўзбўямачилик қилмайди. Ким келса ҳам, марҳамат, ҳақиқий манзарани кўришин. Бу ерда улар олдида уялтирадиган ҳеч қанақа курсур йўқ. Иш, иш ва яна иш. Керак бўлса, япон ҳам ўргансин ўзбек темирйўлчисининг фидойилигидан.

Довудбек Якубович енгилгина тамаддидан сўнг меҳмонларни қурилиш участкалари томон бошлади.

Йосиро рус тилини амал-тақал билар экан. Заргаров эса инглиз тилини бироз келиштира олади. Хуллас, икки ёрти бир бутун бўлиб, тузуккина тил топишиб кетишди. Наконанцу овчи тозидай гоҳ олға кетади, гоҳ у ён-бу ён югургилаб қолади. Хуржун-халтаси ҳар хил тоғ жинслари билан лик тўлди ҳисоб. Бошини мамнун-мамнун ирғаб, ўз тилида алланима деб қўяди. Йўлсозлик техникалари билимдони Йосирони кўпроқ маҳаллий аҳоли қизиқтириб қолди. Митти фотоаппарати бир зум тингани йўқ. “Ах, карошо, ах маладес” дея гоҳ эшак минган чолни, гоҳ ишчиларга қатиқ, қурут ташиб юрган болаларни суратга олади, ўзи ҳам улар ёнида хушхон туриб тасвирга тушади. Ямаюто ҳаминшагидек сипо ва жиддий. Афтидан, кўприклардан бошқа нарса уни кўп ҳам қизиқтирмайди, ё бунақа тоғ ман-

зараларини кўравериб кўникиб кетган. Ишкилиб, жим. Аҳён-аҳён қалин жилдли дафтарига айқаш-уйқаш белгилар билан алланеларнидир қайд этиб кўяди.

Заргаров меҳмонларни бикинидан тахлам-тахлам тоғ жинслари қабариб кўриниб турган баланд қоя томон бошлади. Қоя устидан йўлсоз-қурувчилар иши анча бемалол кўринади.

Куёш олов тўла баркашдек, қоқ тепада қотиб қолган. Ҳарорат тобора ортмоқда. Иссиқдан қизиб кетган харсангларга қўл тегизиб бўлмайди. Узоқ-яқиндан жи-мирлаб ҳовур кўтарилади.

Ниҳоят, меҳмонлар қоя чўққисига чикиб олишди. Бу ердан чиндан ҳам бутун меҳнат жабҳаси яққол кўзга ташланар экан. Тоғлар тобора қуюқлашиб, буюқлашиб кетган томонда, гумбурлаш товушлари, чанг-тўзон билан кўтарилаётган тоғ жинсларининг шақир-шуқури элас-элас қулоққа чалинади. Ундан сал берида чуқур сайхонлик ичида сунъий сув йўли қурувчиларнинг каскалари куёш нурида ялт-юлт этиб кўзга ташланади. Аллақачон ётқизилган бетон қувурлар устига автосамосваллар шағал тўкмоқда. Қоянинг шундоққина тагида ўн-ўн беш чоғлик булдозерлар, баҳайбат экскаваторлар ҳайкирганича казиб-қўпориб ётишибди. Чанг-тўзон, бақир-чақир, иссиқ ҳавода муаллақ туриб қолган. Улардан анча пастда шпал ва рельс ётқизиш ишлари авжида, ишчи поездлари келтирган панжараларни маҳсус кранлар кўкиш шағал кўтармаси устига тўшаяпти. Қўлқоп кийган ишчилар “ҳа-а, баракалла”, “чапроқ”, “ўнгрoқ” деган ҳайқириклар билан рельс мурватларини қотиришади. Шовкин-сурон авжида.

Меҳмонлар темир йўл қурилиши манзараларига ўн-ўн беш дақиқа хангу-манг, нафас олмай тикилиб қолишди. Ямаютонинг жиддий ва сипо қиёфасидан асар ҳам қолмаган. Ҳаяжон ва ҳайратдан оғзи ним очик, гоҳ қўлини манглайига соябон қилиб тикилади, гоҳ кўзой-

нагини оппоқ рўмолчаси билан шоша-пиша артиб бурни устига кўяди. Гоҳ кулимсираса, гоҳ койил қолганнамо бош чайкайди.

Охири чидаёлмай япончасига чинкириб юборди. Йосиро ҳам астойдил бош чайкаб уни маъкуллаган бўлди.

– Нима деяпти? – деб сўради Заргаров азбаройи қизиқишидан Йосиро томон энгашиб.

Йосиро кулоч ёйиб хайкирди.

– Буюк! Тарихда коладиган қурилиш!

– Буни ўзимиз ҳам биламиз, – деди Заргаров хазиллашган бўлиб, хорижликларнинг самимий эътирози уни буткул яйратиб юборган эди.

– Во-о, – Йосиро туйкус қазииш-текислаш ишлари кетаётган томон ишора қилди. – Бизникилар. Кетдик кўрамиз ва сўраймиз, сўраймизки бизникилар қандай.

Чиндан ҳам чанг-тўзон ичида ишлаб ётган бульдозерлар ва экскаваторларнинг аксарияти Япониядан келтирилган эди. Йосиронинг оғзини тўлдириб “бизникилар” деганича бор.

Улар қувноқ қий-чув билан пастга эна бошлашди.

Дилшодбек ўша ерда эди. Янги бульдозерларидан бирининг зўриқиши оқибатида ҳаво хайдовчи шлангларидан бири ёрилиб кетган экан. Ўшани эндигина ямаб бўлиб, ёш бульдозерчига керакли маслаҳатлар бериб, елкасига оғаларча қоқиб ишига ривож тилаб турган эди. Туйкус Довудбек Якубович етаклаган ажнабийлар келиб қолишди. Заргаров ҳам Дилшодбекнинг шу ердалигидан қувониб кетди. Ҳартугул, техникани тушунади, анави мутахассис Йосиро билан бемалол тиллашади.

Дилшодбекнинг коржомаси чанг-чунгга беланган, юз суяклари бўртиб чиққан чаккаларидан жикка тер оқарди.

Заргаров уларни бир-бир таништириб ўтди. Йосиро мистер Матчонов мастер Матчонов ҳам эканини билиб қувониб кетди.

– Ў-ў... – деди Йосиро чанг-чунгдан хира тортган кўзойнагини яхшилаб артар экан. – Бизникилар калай? Ёкқан. Иши зўр.

– Яхши. Зўр, – деди Дилшодбек кулиб.

Йўл қурилиш техникалари мутахассиси тузуккина ҳазилкаш экан. Бир пайт у ажнабийларга анқайиб турган ёш бульдозерчини бир чеккага суриб “Шантуй”га ўтирди. Ҳамма ҳайрон. Айникса Заргаров.

– Кани, ўт олдир-чи энди, – деди у мастер Матчоновга айёрона кулиб, “Шантуй”дан сакраб тушаркан.

Дилшодбек таажжубланиб бульдозерга ўтирди. Керакли тугмачаларни босди. Бироқ мотор миқ этмади. Қурғур. Йосиро ниманидир чалкаштириб кўйган кўри-нади.

Дилшодбек у ён-бу ён зимдан кўз ташлаб бош қотира бошлади. Юз-кўзларини баттар тер босди.

Бу ёғда Заргаров ҳам ўн туғиб турарди: «Ишқилиб шарманда қилмасин-да, созласин-да”.

Ямоюто қалин жилдли дафтарига ҳамишагидек айқаш-уйқаш ҳарфлар билан алланеларнидир кайд этиб кўймоқда. Ҳазилкаш Йосиро Наконацуга ўзича бепарво, нималарнидир бетиним уқтираяпти.

Туйқус шовкин-сурон ичида Дилшодбек ўтирган бульдозер мотори қар-қарлаб ўт олгани эшитилди. Кўп ўтмай мистер ва мастер Матчоновнинг мамнун киёфаси кўринди.

– О’кей, – кулоч ёйиб ўз олқишини ёғдирди Йосиро, – о’кей... Бу масала кийин, кийинки, кўплар билмайди.

Дилшодбек ҳамиша бажариб турган ишидек, ўзича бепарво кўл силтади.

– Нима гап? Қатига тегинган экан? – дея ховлиққанича сўради Заргаров.

– Э, шунчаки... замикания қиладиган бир нозик жойи бор. Ўшани сал-пал сийқалаб кўйган экан.

Йосиро мастер Матчоновни кўлтиклаб олди. Иккови “Шантуй”ни айланиб-ўргилиб техника иси уфуриб турган суҳбатга ўтишди.

Заргаров қолган икки меҳмонни етаклаб автосомаваллар шағал тўкиб, кўтарма ясаётган томонга кетди.

Иссик забтига олган. Гўёки экскаваторлар уйиб ташлаган улкан тош бўлаклари, худди ҳаммомдаги каби ўзидан харорат чиқараётгандек туюлади. Чанг-тўзон, шовкин-сурон авжида. Ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Довудбек Якубович меҳмонларни обдон томошалашиб бульдозер ёнига қайтди-ю, хангу манг қотди. Дилшодбек алланималарнидир ҳижжалаб тушунтирар, Йосиро кунт билан дафтарига қайд этиб борар, ахён-ахён «о'кей, о'кей»лаб кўзойнагини тўғрилаб кўяр эди.

– Нима гап? – сўради Довудбек Якубович Дилшодбекни бир чеккага тортиб.

– «Шантуй»ни такомиллаштириш хақида гаплашдик.

– Нималарни ёзиб олаяпти?

– Э, бир-икки фикрим ёкиб қолди унга. Чиппа ёпишиб олди, илтимос, батафсил тушунтиринг, ёзиб олай, деб ўзи холи-жонимга қўймади.

– Во-о, о'кей, – Йосиро йўрғалаб келиб Заргаровнинг қўлтиғидан олди, – мистер Матчонов, во-о, геней! Катта талант. Биз уни этсак таклиф Японияга, йўқми қаршилиқ?

– Қаршилиқ бор, – ҳазиллашиб эътироз билдирган бўлди Довудбек Якубович, – у ўзимизга ҳам керак.

Йосиро жиддийлашди.

– Компания темирўл билан келишамиз биз .

– Жаноб, бу масалани ўйлаб, маслаҳатлашиб кўрамиз хали, – деди Довудбек Якубович. Йосиронинг хиралигидан тезроқ кутулиш учун гапни лўнда қилиб.

– О-о... о'кей, о'кей...

Улар кета бошлашди. Заргаров қўлларини белига тираб, кулимсираган қўйи харсангтош устида бургутдек турган Дилшодбекка фахр билан қараб қўйди.

Барибир ишнинг пачаваси чиқишига бир баҳя қолди. Эртаси куни японлар металл кўприк қўрилиши мўлжалланган ҳудуд билан танишиб, йўл-йўлакай тоғ портлатувчиларнинг икки оғиз суҳбатини олиб қайтиб келишаётган пайт ғалати воқеа юз берди.

Пайдар-пай қатнаб ётган, устига шағал юкланган автосамосваллардан бири улар ёнида вашиллаб тўхтади.

– Эй, хорманглар, меҳмонлар!

Шундай тантанавор салом-алик билан кабинадан Икромиддин тушиб келди.

«Ия, экскаваторчи-ку бу?! Нима учун автосамосвалда ишлаб юрибди экан?!» – лип этиб хаёлидан ўтди Заргаровнинг. Бир зумда қош-қовоғи осилди.

– Ў-ў, Икрямиддин! – ҳайдовчи билан қўл бериб қўришди Ямоюто. – Нўв... нўв...

Японлар кеча иш пайти Икромиддин билан яхшигина танишишган, унинг уста экскаваторчи эканини макташган эди. Улар синчков халк! Афтидан уни автосамосвал рулида қўриб японлар ҳам ҳайрон. Бекорга анови Ямаюто «нўв... нўв...»лаб қолмади.

– Сиз экскаваторчи? – дея ажабланган қиёфада сўради Йосиро, Заргаровнинг бутун гумонларини бир зумда тасдиқлаб. – Юрибсиз юк ташиб нега?

Довудбек Якубовичнинг хаёлидан интизом ҳақида кўрсатмалар жонланиб, аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетди: «Тамом! Иш пачава, бундан ортиқ ўзбошимчалик бўлмайди».

Икромиддин қўлларини пахса қила-кила, амалтақал билан рус тилида тушунтира кетди.

– Экскаваторда бугун тунда ишлайман. Ҳозир бўшман. Аммо-лекин самосвалчи дўстим касал бўлиб қолди. Ўрнига ишлаб турибман, ўлиб қолмасман. Ҳам ма-

шина туриб қолмайди, ҳам дўстимнинг кунлик режаси тўлади.

Йосиро эшитганларини дарров шерикларига таржима қилиб берди. Аввал Ямоюто, сўнг Наконацу гўё ғаройиботни учратиб қолгандай, Икромиддинга яқин келиб, уни бош-оёқ синчиклаб, синчиклаб кузатишди.

Заргаров тарашадай қотган: «Тамом, шарманда бўлдик, иш интизомини ҳар нарсадан устун қўяди бу курғур японлар, хозир роса мириқиб кулишса керак».

Наконацу митти фотоаппаратини шайлаб Икромиддинни устма-уст суратга олди. Суратга оларкан, таржимон Йосирога алланелар деди. Йосиро экскаваторчи-хайдовчига яқин келиб, бош кўрсаткич бармоғини бир-бирига ишкалаб сўради.

– Пули-чи? Икки жойда ишлаб ҳақ оласизми зўр?

Икромиддин тиззаларига уриб, шарақлатиб кулди.

– Қанақа ҳақ? Айтдим-ку, дўстимнинг ўрнига чикдим деб. Балки яхши ишласам дўстимга тузук ҳақ ёзишар, ҳалоли бўлсин.

Йосиро таржима қилиб берар-бермас японлар хайрат ва ҳаяжон билан чуғурлашиб қолишди. Сўнг галма-гал Икромиддиннинг қўлини самимий қисиб қўйишди.

– Наконацу газетага майлими ёзсам деяпти. У «Токио тонги»га жамоатчи мухбир, – деди Йосиро тинимсиз илжайган куйи бош ирғаётган олим томон ишора қилиб. – Сиз ҳақингизда зўр мақола қилмоқчи.

Икромиддин илжайди.

– Ихтиёрларинг.

Заргаров енгил тортиб манглай терларини артди: «Худога шукр, зап ишчиларимиз бор-да».

Йосиро Довудбек Якубовичнинг қўлини қисди:

– Мистер, сизларнинг ишларингиздан кўра, одамларингиз буюк экан.

Худо хоҳласа, тез кунлар ичида Кункулба кад ростлайди. Амиркулнинг болалик орзуси рўёбга чиқар дамлар яқин. Балки, яккаю ягона арзандаси бир кун ўсиб-улғайиб, ўзи учун атаб қурилган уйни кўриб, отасининг дидига, фаҳм-фаросатига қойил қолади, офаринлар айтади. Худо умр берса, Амиркул боласининг кўзидаги миннатдорчилик учкунларини кўради ўшал кун. Ўшал кун Амиркул тағин ўн-ўн беш ёшга яшариб кетса ажабмас. Мабодо, унғача Тангри таоло ажал чўбини юбориб, бу хокисор бандасини йиғиштириб олиб кетса ҳам Амиркулнинг армони йўқ. Кункулба қурилган! Ўсиб-улғайган ўғли бир калима оят ўқиб мархум отасининг ҳақиға дуо қилади: «Эй, пок Парвардигор, отам мен учун шундай ажойиб уй қурдирган, сен ҳам падарим ҳақиға жаннатингдан бир қаср ато эт...»

...Амиркул шундай хаёлларга бораркан, беихтиёр кўнгли бузилиб, кўзларига севинч ёшлари қалқийди. Бутун борлиғини ҳаловат, фараҳ қоплайди, ўз-ўзидан мамнунлик, кониқиш ҳиссидан яйрайди. Аммо у бу хил туйғулардан ҳаволаниб кетган эмас. Ҳамиша ерда, ҳамиша хокисор ўзини ёв кўрғонида юрган жосусдай ҳис қилди. Сир бой бермаслик, топган-тутгани тоғ бўлса ҳам ўзини ғарибгина кўрсатиш, бировни оға бировни ини деб тинч-тотувгина иш битириш, жон-қонига сингиб кетган. Ҳатто, бот-бот ўз-ўзига такрорлаб юрадиган хикмат ҳам тўқиган. «Ҳамиша бошинг таъзимда, кўлинг кўксингда турсин, шунда кўйин киссангга яқин бўласан».

Ростдан ҳам файласуфона, сермаъно гап. Қойил қолиш керак. Чин-да, тавозеъ-таъзимга маҳлиё кимса, қовушган кўллар остидаги киссага фаросат қилармиди? Хоҳлаганингча қаппайтиравер уни.

Бугун ҳаво эрталабдан исиб кетди. Қуёшнинг тафти баланд, мўл-кўл ўт қаланган ўчоқдай лов-лов ёнади.

Кўчма база ичи-таши ҳам жазирамада жизғанак бўлиб ётибди. Тап-такир, курушқок ер оғир машиналар кириб-чиқаверганидан таннознинг упа-элигидай кўпчиб, чанг тупроғи майиндан майин тортиб кетган. Кенг майдон тоғ-тоғ тахлаб қўйилган темир-терсак, сим, ёғоч уюмлари, қоп-қоп семент, мих-махқамлаш маҳсулотлари иссиқдан хансираб ётгандай туюлади. Омонатгина қурилган тим тагида ёғлаш-мойлаш маҳсулотлари, гумбаздек цистерналар карбид, электрод солинган махсус идишлар чанг-тупроқ укпарига беланган.

Амиркул қўлларини орқасида чалиштириб, кенг база майдони бўйлаб гўё ўз мол-мулкини кўздан кечираётган бойваччадай мамнун-масрур кезиб юрибди. Димоғида энгил-елпи хиргойи.

«Замон, замон бизнинг замон,
Даврон бизники...»

Бугун базада негадир сокинлик. Аллабалолар ортиб кетган узун “КамАЗ”дан сўнг бу ерга бирорта улов доримади ҳали. Одатда бундай пайтда майдон юк келтирган, юк олиб кетаётган, оғир, узун машиналар билан тўлиб кетарди. Ё, кўчма базанинг куни битгани чинми-кан? хув, ўтган якшанба ғилай экспедитор йигит шунақа гап топиб келди-ку. Айтишича марказ – Жувонбел йўналиши бўйича ишчи поезди қатнови бошлангандан буён кўчма базага эҳтиёж қолмаган эмиш. Энди бу сербарака гўша бузилар экан. Амиркул бу хабарни эшитиб, ичида нимадир бузилгандай ғимирлаб қўйди. Аммо сир бой бермади. Одатдагидек хокисоргина илжайди. “Каттаконлар не дейишса, шу, бизлар бир хизматчи, қил деган ишни қилаверамиз”.

Ғилай экспедитор эса серхашам уйи бузилиш режасига тушгандек оғир сўлиш олди. Бу иккови база қурилган, Амиркул эндигина ишга кирган кундан бери ош-қатиқ. Тез тил топишиб кетишди. Ғилай сотиш-

га мўлжалланган нарсалар ҳақида секин шипшийди. Амиркул ими-жимиди харидор-мижозни топиб, рўбарў қилади. Аммо икковининг ҳам виждони тоза. Ғилай бу нарсалар давлат мулки эмаслигини, ўша ёқда, қурилиш бозоридан нақд пулга сотиб олганини, бу томонга жўнаётган тап-тайёр машина борлиги учун, тирикчилик-да, сотиш илинжида шу ёққа олиб келганини ҳамиша ҳормай-толмай такрорлайверади. Амиркул унга ишонади, албатта. Албатта, изидан ўзи ҳам уч-тўрт оғиз инжиқланиб олади. Мижоз эски бир таниши эканми, ҳеч кўнглидан ўтолмаганини, айникса, ўзига ҳеч нарса қолмаётганини бот-бот таъкидлайди. Хуллас, ҳар икковлон кўзга кўринмас аллақандай кучлар олдида ўзларини бир қур-бир қур оқлаб олишган бўлади. Худди намоз ўқиётган ибодатгўй у ён-бу ён аланглаши мумкин бўлмагандай, хуфя савдо пайти икковлон бир-бирининг кўзига қарамайди.

Ана, ўзлари ҳам кўриниб қолдилар. Ия, ховлиқиб шу томон келаяпти-ку! Оғзининг ўн биринчи калишдай ёйилиб турганига караганда, димоғи чоғ, вақти хуш. Тунови шаҳарга тушиб кетганди, бир янгилик топиб келаётганга ўхшайди.

Оқ оралаган сочлари саватдек ҳурпайган, узун бурун, калта оёқ, кенг елкалари бўшалган эшак кўмидай бир ён оғиб турадиган Жаъфар ғилай чиндан ҳам тиржайганича қоровул томон келар эди. Амиркул одатдагидек хокисор илжайиб, таъзим-тавозега шайланди.

– Ҳорманг, жанговор кўрикчи, – деди ҳамишаги чийилдоқ товушида экспедитор, сўрашмоққа қўл чўзиб.

– Ассалому алайкум, Жаъфаржон. Қалай, яхши бориб келдингизми? У ёқлар тинчми? Чарчамадингизми?

– Яхши, – деб қўйди ғилай хушхандон қўл силкиб, сўнг қопланган цемент устига кет қўйиб ўтирди. – Суюнчидан чўзаверасиз энди, Амир ака.

– Бош устига, биз тайёр, Жаъфаржон. Сабабини билсак бўлди.

– База бузилмайди, наборот, яна кенгаярмиш.

– Йўғ-е?!

– Ҳа, мана шу кишлоқда катта станция қурилар экан. Ишчилар учун уйлар. База яна кенгайди.

– Овулимиз обод бўлиб кетаркан-да...

Ғилайнинг энсаси котди.

– Ҳа, энди... ўзимиз обод бўлаверайлик-чи.

– Эртага, – деб эмранди Амиркул, – Ҳалиги... сиз ёктирадиган қозонқабоб биздан, ёнида бўйни узун қоровули ҳам бор.

– Э, яшшанг, – деди ғилай пихиллаб кулганича.

– Қачон десангиз биз тайёр.

– Энди-и... Амир ака, ҳаракатингизни қилаверинг. Яхши бир курсига эгалик қиласиз. Бизлар темирйўлни битказиб бу ерлардан кетамиз.

Амиркул одатдагидек сир бой бермай, қувончини, хаяжонини ичга ютиб, қўлини кўксига қўйди.

– Насибага яраша бўлади-да, Жаъфаржон. Худога шукр, қорнимиз тўйиб турибди.

Жаъфар ишонмагандай истехзоли тиржайиб қўйди. Сўнг туйқус нимадир эсига тушиб қолгандай қоровулга саволчан тикилди.

– Айтганча, анави чўкичингиз нима бўлди? Сотиб-потиб юбормадингизми?

– Йўғ-е... Уйда. Нимайди?

– Да, бир танишим бор. Катта бошлиқ, ҳар хил антиквар нарсалар билан шуғулланади. Сизнинг чўкичингиз ҳақида гапиргандим, қизиқиб қолди. Сотасизми?

– Йў-ўк. Бизга кадрли, муқаддас нарса...

– Қўйсангиз-чи, эскича гапларни. Сотинг, яхши ҳақ беради. Кейин... у керакли одам, зарур пайт қўллаб юбориши мумкин.

Амиркул ўйланиб қолди.

– Билмасам...

– Э, нимасини ўйлайсиз, – пишанг берди Жаъфар, – ўша алмисокдан қолган чўкич сизга нима керак? Худо хоҳласа, бу ёғи сизга яшил чирок, пичоғингиз мой устида бўлади. Аллақандай чўкич билан қулдай қора терга ботиб ишлаб юрмайсиз. Қайтам, уни тезроқ пуллаб юборинг, йўкса, бирор амалдорми, зўравонми илиб кетади.

Амиркул бош қашлаган куйи ўйланиб тураверди.

– Кўрамиз, Жаъфаржон, кўрамиз. Озгина сабр қилайлик-чи. Сотсам ҳам, сизсиз сотмайман.

* * *

Консой узра қурилаётган ёйсимон кўприк ҳам битиб қолди. Сўнги будлаш, пайвандлаш ишлари бўлиб ўтди. Айни пайтда шпал рельс ётқизувчилар зўр бериб ишлашмоқда. Насиб бўлса, мустақиллик куни арафасида ушбу ғаройиб иншоотнинг очилиш маросими бўлади! Ўзиям кўприкмисан кўприк-да: узунлиги 250, баландлиги 50 метр! Устидан қараганнинг ҳам, пастидан қараганнинг ҳам боши айланиб, кўзи тинади. Беихтиёр «қойил» деб юборади.

Консойга кўприк куриш аввал бошида анча-мунча баҳс-мунозараларга, тортишувларга сабаб бўлди. Баъзи мутахассислар сойликни айланиб ўтишни, айримлари сунъий сув йўли куриб, устидан темир йўл ўтказишни маслаҳат беришди. Аммо компания раиси қатъий туриб олди: «Кўприк қурамиз». Бу шунчаки қайсарлик эмас, балки ўз кунига, ўз иктидорига ишонган, фикрчан, ташаббускор раҳбарнинг ишидаги собитлиги эди. Қолаверса, темирийўлчилар кўприксозлик борасида ҳам тузуккина тажриба тўплашган эди. Амударё узра қурилган кўшкўприк, Бойсунда, Деҳқонободда бунёд этилган ўттизга яқин каттаю кичик кўприклар яхшигина сабоқ ўрнини ўтаган. Демак, иккиланишга, саросимага ҳожат йўқ.

Компания раиси шахсан ўзи Консой кўпригини назоратига олди. Қурилиш майдонида оддий ишчилар катори ҳафталаб юрди. Жойнинг табиий шарт-шароитларини, иш жараёнини ўрганди. Шунга қараб қатъий қарорлар қабул қилди, керакли кўрсатмалар берди.

Довудбек кўприк қурилиши қизғин кечган ўша кунларни эсларкан, ҳамиша ҳаяжонга чулғанади. Ахир бундай улкан иншоотни бунёд этиш ҳазил эмас-да. Аввал сой бўйлаб ҳар беш-олти метрда бетон устунлар ўрнатилди. Ҳар бир устун ўн-ўн беш метрлик пойдеворга эга. Пойдевор учун махсус машиналар метиндек тошгранит ерни қовлаб катлаванлар қазишди. Иш кечаю кундуз давом этди. Кўприксозларнинг кўли-қўлига тегмади. Устунлар учун махсус маркали бетон қоришмасидан фойдаланилди. Бу хил бетон вақт ўтиши билан тобора мустаҳкамланиб боради. Металл конструкция ишларида темир-бетон қопламаларни ётқизишда ҳам энг замонавий техникалардан фойдаланилди. Айниқса, Германиядан сотиб олинган қудратли кранлар жуда қўл келди. Бирок барибир сўнгги сўзни қурилиш раҳбарларининг салоҳияти, ишчиларнинг фидокорлиги айтди. Ниҳоят, яхшиларнинг кўнглини қувонтириб Консой кўприги қад ростлади.

Довудбек Заргаров Алпомишнинг ёйидек ястаниб ётган кўприк этагида ҳаёлчан тураркан, ўша суронли кунларни бир-бир эслади. Қурилманинг нариги чеккасида шпал-рельс ётқизаётган темирйўлчиларни бир бағрига босгиси келиб кетди.

Қуёш ҳамишагидек мўл-кўл нур сочмоқда. Борлик тандирдек қизиб кетган. Ён атрофидаги қир бағирларидан энгил ҳовур кўтарилади.

Бир пайт автойўл ёқасига аллақандай машина тўхтади. Кабинадан новча бўй, бошига кенг айвонли шляпа кийган бир киши тушди. У қўлларини пешонасига соябон қилиб кўприкка, қирлар оралаб кетган темир йўл-

га узоқ-узоқ тикилди. Сўнг шошилмай Заргаров томон ажабсиниб юрди.

– Ассалому алайкум, хорманглар.

Новча бўй киши хуштавозеъ билан Заргаровга кўл узатди. Унинг ёши етмиш-етмиш бешларда. Тарашадек озгин. Шляпа тагидан чиқиб турган сочлари оппоқ. Гап талаффузига қараганда қозокқа ўхшайди.

– Келинг, ака, – деди Довудбек у билан кўришиб.

Меҳмон ўзини таништирди. Қирғизистонлик экан. Исмои-шарифи – Жусупов Талат. Касби бўйича кўприк-соз муҳандис экан. Аммо тақдир тақозосига кўра савдогар бўлиб кетибди. Тожикистондан тропик мевалар олиб бориб сотар экан.

– Бу ерлардан кўп ўтиб, қайтаман, – деди Талат оға рус тилида, – сизларнинг ишларингизни кўриб хавасим келади. Баъзан соатлаб томоша қиламан.

– Нима, Қирғизистонда бунақа ишлар қилинмайди-ми? – дея ҳазил аралаш сўради Довудбек.

Талат оға пешонаси тиришиб, кўл силтади.

– Э-э... Ҳаммаси ўлда-жўлда. Таласда олти йил илгари бир темирўл қурилиши бошланган эди. Атиги қирқ километр. Лойиҳасида иккита кичик-кичик кўприк ҳам кўрсатилган. Ана шу темирўл ҳали битгани йўқ. Ҳаммаси ўзбошимча. Темирўлчилар кўприксозлар билан, кўприксозлар автотранс билан жанжаллашгани жанжаллашган. Ҳар бири ўз фойдасини ўйлайди. Ғирт аҳмоқчилик.

– Жанжалдан фойда йўқ. Ишлаш керак, – деб кўйди Довудбек.

Жусупов кўшни юртнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидан тузуккина хабардор чиқиб қолди. Афтидан, матбуотни синчков кузатиб боради. Айниқса, мана шу қурилаётган темирўл магистрали билан жуда кизиқар экан. Жуда кўп далил-рақамлардан яхшигина хабардор. Меҳмоннинг ана шу хислатлари Довудбекнинг унга нисбатан хурматини оширди.

– Аввало сизларда сиёсий барқарорлик жуда мустаҳкам, – деди Талат оға кўприк устунларини силаб кўяркан. – Буни ҳаммамиз тан оламиз. Кейин кадрларга эътибор катта. Ҳар бир соҳага қобилиятли кадрлар топиб қўйилган. Масалан, темирйўл тизимини олайлик. Тўғриси, мен мана шу қурилишнинг муваффақиятига илгари ишонмаган эдим. Авантюра, деб кулганман. Аммо вақт кимнинг кимлигини кўрсатади. Ҳукуматнинг мана шундай муҳим тармоғи ўз эгасини топганига тан бердим. Темирйўл тизими ишончли, салоҳиятли қўлларда. Ишни бу даражада уюшқоклик, тартиб-интизом билан олиб бориш жуда кийин. Тўғриси сизларга қойил қолдим!

– Эътиборингиз учун раҳмат, – деди Заргаров самимий кулиб. – Сизни мана шу кўприкнинг очилиш маросимига таклиф этаман. Агар координатларингизни берсангиз, албатта.

– Бажонидил.

Талат оға бир парча қоғозга манзили ва телефон рақамларини илдамгина ёзиб берди.

Уларнинг дилкаш суҳбати узоқ давом этди.

XV

Пиримкулни пирлар қўлламаётганга ўхшайди. Омади чопмаганидан чопмаяпти. Уйда ҳамишагидек хотинидан тортиб, бола-чақасигача жеркийди, тергайди: “Анови бошлиқ олдингизга хашак солиб қўйибди. Ўргилдик сиздай жамоатчи халқ контролидан. Бундай қисир вазифасидан нима наф? Ана, укангизга қаранг, оддий коровул, лекин жарақ-жарақ пул қияпти”.

Пиримкул минг тихирлик қилса-да, барибир аҳли рўзгорининг эътирозлари ўринли эканини тобора тан олмоқда эди. Тўғри-да, бу юришда қачон ёруғликка чиқади? Чўнтак ҳам, калла ҳам кундан кунга қок бўлиб

бораяпти. Устига-уштак, жамоат ишида ҳам шу пайт-гача тузукроқ хизмат кўрсатмади. Ахён-ахён сакичдек кўпиртириб, Заргаровга етказиб турган ахборотлари қайсар бошликни ҳали қойил қилгани йўқ. масалан, ўша кунги саховатпеша ҳайдовчининг машмашасини олайлик. Пиримкул ўша ёнилғи олди-сотдиси ҳақида Довудбек Якубовичга яйраб-яшнаб гапириб берди. Албатта бошлиқ ғазаблангандай бўлди. (Кимдан? Фаол жамоатчи сергак-сергак термулса-да, барибир буни илғай олмади.) Сўкинди, тутоқди. Аммо саховатпеша ҳайдовчига қандай жазо қўллагани Пиримкулга қоронғу. Ҳойнаҳой, ойлик-мойлигидан жарима ундирилган, фаол жамоатчи истагандай ишдан думини тугиб юбормаган. Дағал “КамаЗ”чини Амиркул кейинчалик ҳам бир-икки узокдан кўрди (Якин боришга юрак қажда, роса жахлдор экан-ку, ярамас). Машинасини бўкиртириб ҳайдаб юрибди. Қайтам ўшанда тойхаридай дарров йўртиб кетмай, дадил-дадил сиёсат билан кўрқитиб, ярамасларнинг уч-тўрт сўмини шилиб олгани маъқул эди. Афсус, фаол-жамоатчининг ўзидан ўтди, ҳовлиқди.

Пиримкул шундай тажанг хаёллар қуршовида эски мотоциклини пат-патлатиб қўшни кишлоқдан, бир жўрасининг худойисидан қайтмоқда эди. Ниҳоят, Қипчоқнинг қораси кўринди.

Кун пешиндан оққан. Жазирама. Теварак-атроф Пиримкулдан баттар ўз ҳовурига ўзи димланиб ётибди. Кишлоқни қуршаган баланд-паст қир-адирлар тузлаб қуритилган теридай тап-тақир, ола-қурок. Олисолисдан сувлоқдан қайтаётган пода кўзга элас-элас ташланади.

Пиримкул мотоциклини зориллатиб кишлоқ йўлига бурилди, бурилди-ю темирйўлчиларнинг кўчма базасидан чиқиб келаётган узун кузовли “Маз”ни кўриб қолди. Машинага арматура, қувур тахламлари беармон юкланган эди.

Пиримкул саросималанди. Ички бир туйғу машина-ни тўхтатиб, қаёққа, нима олиб кетаётганини сўраб-суриштиришга ундади, тагин бир танбал хаёл, эътибор берма, нима, бундай таши-ташини кўрмаганмисан, хойнаҳой, одатдагидек қурилиш майдонини кўзлаб бо-ришяпти, дея уни юпатар эди. Фаол жамоатчи барибир ички туйғуга бўйсунди.

“Таваккал, – ўйлади у, – кани би-ир сўроққа тутиб кўрай-чи, балки худо бериб...”

Пиримкул ширин тамшанганича мотоциклни орқа-га бурди. Йўл таннознинг белидай ингичка тортган, қорамтир тош-гранит қатламлари бўртик-бўртик тик тепалик ёнидаги муюлишда тўхтади. Шоша-пиша мотоциклни йўлга кўндаланг қўйди-ю, ўзича бузилиб қолган патпатини тузатаётган киши бўлди. Шу орада чўнтагидан кизил боғичини чиқариб, тирсак устига танғиб олишни унутмади.

Кўп ўтмай “МАЗ” кўринди. Хаш-паш дегунча тева-ракка қоп-қора дуд пуркаб, ўкирганича муюлишга яқин келиб қолди. Пиримкул эса парвойи палак, куймалан-ган куйи тураверди. “МАЗ” йўл ўртасида кўндаланг қотган мотоциклни илғади, тезлигини пасайтириб, уст-ма-уст сигнал чалди. Аммо фаол жамоатчи кару кўрдай ўзича эътибор қилмади. Машина кирк-эллик кадам на-рида тисиллаб тўхтади.

“Кўркиб кетишди”, – кувнаб хаёлидан ўтказди Пи-римкул, виқор билан кизил боғичини тўғрилаб кўяр экан. – Бир гап бор буларда.”

Машина ойнаси кун нурида жимир-жимир товлан-моқда эди. Шу сабаб ўғринча кўз ташлаган Пиримкул кабинада ўтирганларни аниқ-тиник кўролмади.

Бироздан сўнг чап ёнидаги эшик оҳиста очилиб, хайдовчи ерга сакраб тушди. Бўйнига ташлаб олган бир парча оқ сурпига юз-кўзларини арта-арта Пиримкул то-мон юрди.

– Ассалому алайкум, тоға, қалайсиз?

Пиримкул кирра бурун, кийик кўзли, хушсурат йигитга бепарво бош ирғаб қўйган бўлди.

– Мотоцикл бузилдими? Ёрдам керакми? – дея табассум билан сўради хайдовчи.

Пиримкул пўнғиллади.

– Ўзларингга ёрдам керакмасми? Жуда узокка жўнаганга ўхшайсизлар?

Хайдовчи фаол жамоатчининг билагидаги кизил боғичга анграйиб, гўё қўркиб кетгандай кўзларини пирпиратди.

– А? Ёрдам керакми? – дея дағаллик билан қайта сўради Пиримкул, хайдовчининг ҳол-аҳволини ўзича тушуниб. – Нима олиб кетаяпсизлар?

– Э, тоға, – ғудранди хайдовчи гоҳ машина, гоҳ Пиримкул томон жонсарак кўз ташлаб, – озгина темир-така, тирикчилик-да.

– Тирикчилик?

Хайдовчи жавоб ўрнида сирли илжайиб, чўнтагидан бир даста пул чикарди.

– Ака, сизни таниймиз. Азгина атаганимиз бор.

Пиримкул кизил-кўкиш жилвалар қилаётган пул дастасидан аранг кўз опкочар экан, орқага тисарилган бўлди.

– Нима бу? Йўқотинг. Нима, мени сотиб олмоқчимисиз?

– Қўлимни қайтарманг, – деб хушсурат йигит, пулни узатиб тураверди.

Пиримкул саросималанди. Назарида яна бош тортадиган бўлса, хайдовчи пулни қайта чўнтагига солиб, хув, ўша кунги “КамАЗ”чига ўхшаб дўк қиладигандай, оқибатда, тагин куп-қурук қоладигандай туюлди.

– Жуда шилимшиқ экансан-да, – деди у ботинмайгина, – ишқилиб қўлинг енгилми?

– Бизларнинг баракамиз бор, – дея кулди хайдовчи, пул дастасини Пиримкулнинг энгил титраётган кафтига тутказаркан.

Фаол жамоатчи аранг ғудранди.

– Бўпти... оқ йўл сизларга.

Шу пайт машинанинг ўнг тараф эшиги очилиб, Довудбек Якубовичнинг сервикор боши кўринди.

– Эй, Йигитали, – деди у хайдовчига қарата, юз-кўзларида истехзо ўйноқлар экан, – бўлдингми, кетдик-да энди. Ишчилар кутиб қолишди.

Пиримкул хангу манг қотиб қолган эди.

XVI

Қалин пошнали чарм пойабзаллар темир йўл кўтармасига чуқур-чуқур ботиб кетади. Шағал-шебен уюмлари аянчли ғижирлайди. Ботинкалар бўғзидаги тешикчалардан тош-қум кукунлари кириб, оёқларни тимдалайди, зиркиратади. Сарғиш каскалар тагидан сизаётган қоп-қора тер юз-кўзларни ачиштиради, ғашлантиради. Ишчилар оғир-оғир хансираб, энгил-энгил сўкинишади. Улар тап-тайёр кўтарма устига рельслар ётқизишяпти. Ҳаммаёғни қорамой, қурум иси тутган. Қалин, оғир темир изларнинг сатҳи қуёш нурида қумшдай товланади. Қўлларига кирчил қўлқоп кийган усталар маҳсус усқуналарни дириллатиб-дириллатиб рельсларни бир-бирига улашмоқда. Улар гоҳо ён-атрофдан гулдурос солиб ўтиб-қайтаётган юк машиналарининг чанг-тўзонида кўринмай қолишади.

Мана шу бригада ўтган ҳафта унумдор меҳнат учун Довудбек Якубовичдан қуюқ-қуюқ мақтов эшитган, мўмайгина мукофот муждасини олган эди. Шундан бери бригада ишчиларнинг оёғи олти, қўли етти, ҳатто танаффус пайтлари ҳам ғимирлаб юришади. Ўтган уч

кун ичида бир хафталик хиссани дўндириб қўйишди азаматлар.

– Довудбек ака яна пешонамиздан ўпадиган бўлди-да, – деди ўрта яшар, қорувли ишчи, рельс мурватларини карсиллатиб қотираркан.

Унга кўмаклашаётган новча, озгин йигит мамнун кўз қисиб қўйди.

– Мукофотни иссигида опқўйсак яхши бўларди.

Шу пайт ёнгиналаридан участка бошлиғи ёв қувгандай йўрғалаб ўтиб қолди. Йўл-йўлакай рўмолча билан манглай терларини артиб, уст-бошини орасталаб бор-япти.

– Ўв, тўхтатларинг ишни, – деб пўнғиллади у рельс ёткизувчиларга зардали кўз ташлаб, – ўргилдим сендақа ударниклардан.

Бригада хангу манг қотди.

– Ия, нима гап? – деб сўради ўша пешонасини ўпичга шайлаган уста, участка бошлиғининг ортидан анграйиб қоларкан.

Бригадир йигит бошидаги каскани сидириб ечди.

– Довудбек акам чақиртибди уни.

– Қани Довудбек Якубович?

– Ҳувв, ана...

Чиндан ҳам участка бошлиғи югургилаб кетган томонда, темир йўл қуриб битказилган ёқда, Заргаров шпалу рельсларни синчков кўздан кечириб турар эди.

– Бир ишқал борга ўхшайди, – кўрқа-писа минғирлади бригадир, бошлиқлар томон хавотирли тикиларкан.

Шу орада болалар коляскасига ҳар хил егулигу ичкиликларни ортиб олган, оқсоқ аёл яқин келди.

– Пирашкалар бор, қатиғ, курт.

– Ўв, опа, минерал сувдан битта очинг, – деди бригадир сотувчи аёлга яқинлашиб.

Яна аллаким ҳорғин сўради.

– Пайн сигаретдан борми, опа?

– Кўк қутими? Бо-ор.

Куёш коқ тепадан кўкилган кўрдай лов-лов олов пуркайди. Еру кўк тандирдай кизиби кетган. Ҳатто ишчиларнинг бақир-чақирларию баҳайбат техникалар гулдуриси ҳам иссиқда эриб оқаётгандай туюлади. Қилт этган шабада йўқ.

Чиндан ҳам Довудбек Якубович участка бошлиғини бекорга чақирмаган эди. У сўнгги уч-тўрт кун ичида ётқизилган темир йўлни обдон кўздан кечираркан, анчагина шошма-шошарлик, ҳовликмалик қилинганини пайқади.

– Мана кўраяпсизми? – деди у қўл ковуштириб турган участка бошлиғига, ён-верига имо-ишоралар қилиб. – Шу радиус яхши зичланмаган, чўкиш аломатлари бор. Устига-устак, шағал ҳам етарли тўкилмаган. Қаранг, кўтарманинг нотекислиги кўр кўзга ҳам кўришиб турибди.

– Тўғри, – аранг ғудранди участка бошлиғи.

– Ҳозирок кўрсатилган жойда қайта ишланглар. Халтурага йўл қўйманг, оқибати ёмон.

– Хўп, Довудбек Якубович, хўп.

Улар шу алфозда, узоқ гаплашишган куйи ишчилар уймаланиб, ўзлари томон кизиксиниб, ажабсиниб кўз ташлаб туришган ерга яқинлашдилар.

– Ҳорманглар, дўстлар, – деди Заргаров.

Ишчилар тўпидан “саломат бўлинг”, “ўзингиз хорманг” деган узун-қиска жавоблар эшитилди.

Довудбек Якубович участка бошлиғи пиёлага қуйиб узатган минерал сувдан бир-икки хўплади.

– Оғир шароитда чин кўнгилдан ишлаётганларингиз учун ҳаммаларингизга раҳмат. Лекин, дўстлар, кош кўяман деб кўз чиқармайлик. Аввало ишнинг сифатига жиддий эътибор беринг. Ахир, бу темир йўлдан эшак арава ўтмайди-ку, тўғрими?

– Тўғри, – деб қўйди кимдир бўғик бир товушда.

– Хуллас, – Заргаров участка бошлиғига ишора қилди, – хўжайинга ҳаммасини тушунтирдим. Охирги юз метр жойни қайта қурасизлар. Қаршилиқлар йўқми?

Ишчилар орасидан “йўк”, “Хатоларни тузатамиз” деган гап-сўзлар эшитилди.

– Мукофотларимиз нима бўлади энди? – дея паст товушда сўради маҳмадана йигитлардан бири. Сўради-ю ўзини ёнидаги бригадир панасига олди.

– Ваъда ўз кучида қолади, – деди Заргаров кулимсираб, савол эгасини кўз қири билан изларкан. – Аммо-лекин мукофот берилаётган пайтда ҳам шундай яшириниб турсангиз экан.

Ишчилар тўпида гурр кулгу кўтарилди.

Довудбек Якубович тагин бир оз чақ-чақлашиб тургач, енгилгина хайр-хўшлашиб кир этагида турган машинаси томон юрди. Йўл-йўлакай қўл соатига кўз ташлаб олди. Шошилиши зарур, ҳадемай Омочқояда портлатиш ишлари бошланади. Бундай жиддий, масъулиятли ишга айнан ўзи бош-қош бўлиб турмаса, кейин кечгача хавотирланиб, кўнгли хижил тортиб юради.

Заргаров шундай хаёллар билан машинасига яқинлашар экан, алланелар солинган хуржунни аранг орқалаб, сирпана-чирпана қирдан эниб келаётган болага кўзи тушди. Бу хув, ўша кеча онасидан тарсаки еган тақирбош шумтака эди. Устида тердан ола-курок, кирчил кўйлак, калта иштон. Яланғоч, қоп-қора болдирларини тошу тикан тимдалаб ташлаган, оёғида резина шиппак.

– Ўв, оғайни, қаёққа кетаяпсан? – сўради Заргаров, ёлғондакам пўписа билан боланинг йўлини тўсиб.

Бола шоша-пиша оғир хуржунни оёқлари орасига кўйди. Кафти билан ўзича манглай терини артган бўлди. Аммо афтига қорамтир доғ-дуғ чапланиб қолди.

– Нега индамайсан, қаёққа бораяпсан? – қайта сўради Заргаров.

Бола иягини чўзиб пастга, олатасир қурилиш кетаётган сайхонлик томон ишора қилган бўлди.

– У ёққа чалоб, катик оббораяпман.

– Чалобинг муздайми?

– Ҳа, ичасизми?

– Қиммат-да.

– Жўк, сизга бепул.

– Нега?

– Сиз, – бола уялинкираб кўзини опқочди, – сиз раис-ку.

Бола кутилмаган бир чакқонлик билан хуржуни-ни ковлаб, аввал чинни косача чиқарди, сўнг ингичка бўғизли сопол кўзага кўл чўзди. Кўзанинг сиртига қоплаб тикилган эски чопон, сувга обдан бўктирилган эди.

– Исминг нима? – сўради Довудбек Якубович, бола узатган, оппоқ чалобга лиммо-лим косани кўлига оларкан.

Бола индамай бурун тортиб тураверди.

– Нега жимсан, исминг нима? – қайта сўради Заргаров муздеккина чалобни сипқориб.

– Жадгар, – истар-истамас жавоб берди бола, – жуда хунук от-да. Энағар, анави Нурбой чол қўйган.

Заргаров кулиб юборди.

– Нега хунук, зўр-ку?! Демак сен Алпомишнинг ўғли экансан-да.

– Жў-ўк, – бола Довудбек Якубовичга ажабсиниб тикилди, – мен Мусурмонқул аканинг улиман.

Овул одамларини анча-мунча таниб қолган Заргаров, ҳеч бундай исмли кишини учратмаган эди. Шу сабаб эҳтиёткорлик билан сўради.

– Жадгар, даданг катта ишлайди?

Бола кўзини олиб қочди. Ғилт-ғилт ютинганидан кир қоплаган нозик томоқлари бўртиб-бўртиб кетди.

Сўнг аранг ғудранди:

– Отам узокда.

«Дадаси йўқ шекилли? Ё буларни ташлаб кетган ё қамоқ-памоққа тушган», – беихтиёр хаёлидан ўтди Заргаровнинг, болага зимдан ачиниб термиларкан. Аммо у очиқ сўрашга ботинмади. Жадгарни оғир хаёлдан чалғитишга ҳаракат қилди.

– Чалобинг роса зўр экан-ку, ўзинг тайёрлайсанми? Аммо Жадгар ерга тикилганича истар-истамас бош чайкади. Сўнг туйкус Заргаровга илтижоли кўз ташлади.

– Довудбек ака, темир йўл қачон битади?

– Жуда оз колди, Жадгар. Нега сўраяпсан?

Бола устидан тош босган сап-сарик шувокка хомуш тикилди.

– Пойизга миниб, олис-олисларга қочиб кетаман.

Заргаровнинг ич-ичидан алланима ғимирлаб кетгандай бўлди. Ахир, бу худди ўзи-ку?! У ҳам болалигида шундай хаёллар сурмас эдимми? Узок-узокларни кўзла-мас эдимми? Ё, тавба, наҳотки барча болаларнинг орзуси битта – олис-олислар?!

Довудбек Якубовичнинг кўнгли бир хил бўлиб, боланинг нозик иягидан оҳиста тутиб ўзига қаратди.

– Албатта, қочиб кетасан Жадгар. Сен ҳозирча ишчиларга кўпроқ қарашиб тур, хўпми?

XVII

Дилшодбек яқинда Гулсахар билан яна кадрдон жилға бўйида учрашганида қатъий ваъдалашди.

Аммо қиз ҳув, ўша эхтирослар жўшган тундагидан андак бошқачароқ гап қилди.

“Тули, уч-гўрт кун ичида совчи юбораман.

“Ихтиёрингиз... Ҳаммаси ҳалол бўлса... лекин анови гапни эсдан чиқаринг”.

“Қайси гапни, Гули?”

“Опқочиб кетаман, деганингизни”.

“Ия, уйингиздагилар кўнмаса нетаман, опқочиб кетаман”.

“Мен қочиб кетмайман. Уйдагилар кўнса хўп, эсам...”

Дилшодбек кизнинг қарори қатъий эканлигига ишонади. Бироқ биродарларига яна ҳам қаттиқроқ ишонади.

Икромиддин, Шожалоллар йўқни йўндирадиган, ҳар қандай қайсарни қайишдай эшиб ташлайдиган кайвонилар. Ўшалар совчиликка боради. Аюбхон эшоннинг кўнглига йўл топишни эплашларига шак-шубҳа йўқ.

Дилшодбек шундай ўйлар билан тунги смена иши кизигандан кизиётган Парисойга – 43-участкага етиб борди. У тонг отиб, дўстлари ишдан қайтиб келишини кутиб ўтиролмади. Юраги алланечук тошиб, йўлга чорлайверди. Ичидаги қандайдир қизиқиш туйғу бундай нозик маслаҳатларни тунда тиндириш кераклигини тинмай таъкидлаб турар эди.

Тун. Қоп-қора тоғ чўққилари қоп-қора, қалин чодрасига бурканган бўйчан қиздай сирли ва жозибали кўринади. Қиз нафасидай роҳатбахш эпкин қоронғулик кўйнидан алланечук хушбўйларни димокка келтириб пуркайди. Юлдузлар! Кўкайдан кўкка сачраб кетган учқунлар. Жимир-жимир жилғалар билан сим-сиёх чодира узра парвона.

Дилшодбек махсус бригада қачонлардир портлатиб, пармалаб кетган, ғадир-будир калта қоя устида Парисойни анча пайт томоша қилиб ўтирди.

Парисой сон-саноксиз техникалар фаралари ёғдусидан кундуздек чароғон. Ана ишу мана иш! Гумбурлаган, қар-қарлаган қахрли товушдан қоп-қора тун ҳам қоп-қора тўндай титилиб бораётганга ўхшайди. Бульдозерлар ўзлари қазиб-суриб бораётган тош-тупроқ уйими ортидан ўзлари кўринмай қолади, гўё кичик-кичик тепаликлар титраб-қақшаб юриб келаётгандек туюлади. Движок-моторлар тўйхонадай ёритган текисликда урҳо-уршпал панжаралари ётқизиляпти. Ахён-ахён кимнингдир асабий кичқиргани, кимнингдир хохолаб кулгани кулоққа чалинади. Куюк чанг-тўзон чироқлар нурига осилиб олмоқчидай эшилиб-тўлғониб ҳаволанади.

Дилшодбек ишчиларнинг бир қисми йигирма дақиқалик «маслаҳат» танаффусига чикқандагина ўрнидан турди. «Маслаҳат» танаффусининг маъниси шуки, йўл-

соз қурувчилар чекишиб, чой ичишиб бир зум нафас ростлашар экан, бир-бирига керакли кўрсатмалар беради, керак бўлса койишади, керак бўлса макташади. Олатасир иш пайти бунинг иложи йўқ, шовкин-сурон, чанг-тўзон. Икки машина бир зумга тўхтаб қолгудек бўлса, бошлиқларига халақит беради. Шу сабаб йигирма дақиқалик дам олиш кони фойда.

Дилшодбек дўстларини қийналмай топди. Улар одатдагидек бирга, хамишаги ўз «курилка»ларида рельс ётқизувчилар узун бир труба учига ўрнатган лампадан ола-чалпоқ ёришиб турган, икки ясси тепалик ўртасидаги харсанг ўриндиқлар устида ўтиришарди. Икромиддин сочлари калта қиртишланган дум-думалок бошини, биққи бўйнига ташлаб олган бир парча оқ латта билан тез-тез артиб қолади. Темир чойгумда дамланган иссиқ чойдан икки-уч пиёлага лим-лим қуйиб қуйибди.

Алибек майкачан. Коржомасини ёстикдай думалоклаб, ўзича ёнбошлаб олган. Ҳузурланиб тамаки тутатмоқда.

Дилшодбек дўстлари даврасига кириб борган бир пайтда Шожалол шопиёла тўла чойдан хўплаб-хўплаб, экскаваторчи Икромиддинга эс бўларди.

– Икра ака, чўмичингизни кузувга сағал яқин келтириб тўкинг-да, машина пачти бир метр баландга ирғишлаб кетяпти. Жа-а дабдала киворасиз-у бу аҳволда.

Икромиддин айбига иқрор:

– Фаралар кўзимни шапақлантириб ташлутти.

Дилшодбек томоқ қириб, салом берган бўлди.

– Ия, ёшулли?! – Алибек қод ростлади. – Нима қилиб юрибсиз кечаси?

Шожалол хиринглади.

– Лунатик бу. Анчадан бери шунака изғиб юришини биламан.

– Тунги исменга хорманг қилишга келган-да, – деб минғирлади Икромиддин, энг аввал Дилшодбек билан қўл бериб кўришаркан. – Увол-савобни биладиган бола бу.

Улар ўн-ўн беш дакикалар чамаси ҳазил-хузул килиб ўтиришгач, Дилшодбек оғир бир сўлиш олди.

– Жўралар, – деди у ҳар уч дўстига бир-бир жиддий ва хомуш кўз ташлаб чикиб. – Бир илтимос билан келдим. Маслаҳатларингиз керак... Хуллас... бир кизга мен учун совчи бўлсаларингиз.

– Совчи?! – ҳар учови Дилшодбек томон баб-баравар таажжуб билан бўйин чўзишди.

– Ҳа. Ўша ўзларингиз кўрган кизга.

– Бу ҳалиги кўзўр одамнинг кизи-ку?! – деди Шожалол кўлларини пахса қилиб. – Аюбхон эшоннинг.

– Ҳа, ўшанинг, – деди Дилшодбек, сўнг экскаваторчи томон юзланди. – Икром оға, сиз динни ҳаммамиздан ҳам яхши билажаксиз. Ўзингиз бош бўлсангиз-а. Мен шу кизни шароитга кўра хотин қилиб олмоқчиман.

– Шароитга кўра? – ажабланди Икромиддин.

Дўстининг ажабланганидан Дилшодбек ҳам баттар ажабланди.

– Ҳа... шароитга кўра...

– Шариятга кўра денг.

Алибек ва Шожалол шарақлатиб кулиб юборди.

– Ия, ҳа-а, – хижолатли минғирлади Дилшодбек, – шунака-я, шариятга кўра.

Икромиддин яна тузатган бўлди.

– Шарият бўйича денг.

– Уф-ф, – хуллас, Икром оға, шунака никоҳга йўл бор-ку, тўғрими? Динимизга, урф-одатимизга тўғри келса бўлди-да, айби йўк-ку.

Шожалол истехзоли илжайди.

– Қўшхотинли бўлишни истаб қолибди-да, кўнгиллари.

– Эй, биродари азиз, – деди Алибек, гўёки афсус-надомат чекиб, – сизни туппа-тузук замонавий йигит деб юрсам, ғирт эскилик сарқити экансиз-ку. Шарият-париатни, никоҳ-пикоҳни бошга урасизми, а, бошга урасиз-

ми? Ўша қиз билан тилингиз бирми, кўнглингиз бирми, бўлди-да, овлоқ-овлоқда айшингизни суриб юраве-ринг-да. Ортиқча ташвишнинг нима кераги бор?

– Астағфурулло... астағфурулло-о, – Икромиддин астойдил бош чайқаб, тавба-тазарруга ўтди. – Бас қилинг, Алибек, куфрона бўлутти гапларингиз, бас қилинг. Куръони каримда шундай оятлар бор, – Икромиддин бутун ими-жимисини келтириб кироатга ўтди. – Ал қориату мол қориъа, вал адрока мол қориъа, явма яку нуннасл калфарошил мабсус, ва та кунул жибалу кал эҳнул ман фуш... – Икромиддин бир энтикиб нафас ростлагач, давом этди, – биродарлар, заиф ақлим етгунича шархлайман, бу оятларнинг қисқача маъноси шулки, қиёмат куни даҳшатли қалдироқ, гулдурос товуши оламни тутади, тоғлар титраб, енгил жундай титилиб кетади... Шу тоғу тошлар орасига келгандан бери ўйлайман, кўрқаман. Бирор бир гуноҳимиз касрига анови қоялар тутдай тўкилиб, бошимизга қуламаса эди, деган хавотир билан юраман. Сизлар эса...

Алибек ва Шожалол экскаваторчининг туйқус жўшиб амру маъруфга ўтиб кетганидан хайрон. Дилшодбек эса дўстининг огзига ҳурмат ва эҳтиром билан тикилиб ўтирибди. Назарида, бу узундан-узок амру маъруфда Алибек ва Шожалолга танбех, ўзича эса хайрихоҳлик бордек эди. Афтидан, Икромиддин уни қўллаб-қувватлайдиган, эртагаёқ совчилик тугунини кўтарадиган кўринади. Аммо кўп ўтмай, ич-ичидан қувониб, эмраниб турган Дилшодбекнинг ҳафсаласи пир бўлди.

– Сиз, ёшулли уста, – деб қолди бир пайт Икромиддин экскаваторчи, ҳар бир сўзини қўл қовуштириб, бош ирғаб маъқуллаб турган Дилшодбекка фаромуш тикилганича, – номаъқул ташвишга қолибсиз. Шайтон сизни йўлдан урибди, ҳавойи нафсга алданибсиз. Кап-катта, бола-чақали эркаксиз, бемаъни ишларни йиғиштиринг.

Дилшодбек энди Алибек ва Шожалолга илтижоли термулди

– Нечук? Айбим нов? Мен у қизни севажакман. Ҳалол йўл билан хотин қилиб олмоқчиман.

– Эҳ, нодон уста, – деди ўзича ҳамдард Алибек, – бунақа масалада қори билан қозидан маслаҳат сўралмайди. Улар сени кип-кизил гуноҳкорга, қоп-қора жиноятчига чиқаришади. Айтдим-ку, кўнгилга кулоқ солинг деб. Ну, европаликларга беш кетаман-да, а, Шожалол, сиз нима дейсиз, – у тақамўйлов ҳайдовчига юзланди, – қаранг, анови киноларда бунақа масалаларни қандай осон ҳал этишади. Севишиб қолдими, тамом, на том керак, на тўшак, куч, ўп, бос... эҳ, ер юзидаги ҳар қандай одам шунақа яшаши керак аслида. Биз-чи...

Дилшодбек йиғлагудай бўлиб яна Икромиддинга илтижоли термилди.

– Икром оға, сиз мени тушунмадингиз...

– Жуда яхши тушундим, уста, – дея Дилшодбекнинг гапини бўлди экскаваторчи, – чиройли, ёш кизга хушторсиз. Эркак киши масъулият ҳис қилмаса, ҳар қадамда бунақа балога йўлиқиши мумкин. Мабодо сиз серфарзанд, ёши ўтиб қолган аёлни никоҳлаб олиш ниятида юрган бўлсангиз, а, бу бошқа гап эди, уста. Бу масалани яхшилаб ўйлаб кўриб, албатта ёрдамга шонилган бўлардим. Аммо-лекин ҳозир узр...

– Эй, – Шожалол асабий қичкириқ билан Дилшодбекни ўзига қаратди. – Эй, ўртоқ, сенга қўш хотин нима зарил ўзи? Менга ўхшаганларга биттаси ҳам лишний бўп турибди шу кеча-кундуз. Донг қотиб ухласам, дейман. Ўзингга ортиқча бош оғриғи орттириб нима қилсан? Йиғиштир-е, майнавозчиликни.

Икромиддин яна жиловни кўлига олди.

– Ёшулли, сиз тағин эшонзодаларга оғиз солмоқчи бўляпсиз. Бу динга ҳам, урф-одатга ҳам тўғри келмайди. Оксеуяқлар билан ҳазиллашиш яхши эмас. Уларнинг шажараси пайғамбарларга бориб тақалади, уста. Улар

чинданам юксак табака ахли, одамлар ўзларича бу гапларни ўйлаб топган эмас.

– Э-э, – дея ўрнидан туриб кетди Дилшодбек тажанглашиб. – Диниям, пайғамбариям менга бир пул. Мен у кизни севаман-ку, ахир.

– Астағфурулло...

Алибек устма-уст томоқ кириб олди.

– Дилшодбек, гапнинг пўст калласини айтайми сизга? Биз билан гаплашиб ўтириш бекор. Ҳаммамиз оддий ишчилармиз. Биз кўнган тақдирда ҳам, хўш, бошликлар нима дейди? Агар бу машмашалар уларнинг кулоғига бориб етса, гарантия бериб айтаманки, уч секунд ичида думингизни тугиб юборади. Темирўл ўз оти билан темирўл, ҳазиллашманг. Бу жуда жиддий компания, оҳ-воҳларга, ошиқ-маъшукликка тоқати йўқ. Сиз эса... ўсадиган кадрсиз.

– Тўғри, – гудранди Шожалол.

Икромиддин ҳам маъкуллаб бош ирғади.

– Эсингиз борида, этагингизни йиғинг, уста. Ҳаммамиз қадрдон дўстмиз, аллақандай майда-чуйда учун орамиз бузилмасин.

Дилшодбек довдираб ўрнидан кўзғалди. Қоронғулик қаърида ўқталган муштдай дўппайиб турган тепаликларга хомуш тикилди.

– Демак, совчиликка бормайжаксизлар. Ёрдам бермайсизлар.

Уч дўст ерга қаради.

– Айбга буюрмайсиз, ёшулли.

XVIII

Довудбек Якубович қоқ қаншарига мушт тушган жабрдийдадай гангиди. Нима қилмоқ керак? Қандай чора топиш зарур? Аввалига, Пиримкулдан эшитган куни ишонқирамади, шунчаки вайсади-қўйди-да, деган

ўйга борди-ю, кейинчалик сўраб-суриштириб билдики, хаммаси рост. «Халқ контроли»нинг ёғ теккандек йил-тиллаб турган бит кўзлари алдамабди.

Заргаров хув, ўша кунги антиқа томошадан сўнг Пиримкул бошқа икир-чикирлар билан бошни қотирмайди, нақ пора билан фош бўлган назоратчи сифатида ўз-ўзидан даф бўлиб кетади, темирийўл рахбариятини «озода» иш сўраб ортик безовта қилмайди, деган хаёлда эди. Тўғрироғи, ўша антиқа томошани ўзи йўл-йўлаккай уюштирди. Кичик кўприк қурилиши учун ашёлар олиб кетаётган ҳайдовчи иккови Пиримкулнинг пат-патлаб келаётган мотоциклини базадаёқ кўришдию дарҳол «халқ контроли»ни синаб кўриш режасини ишлаб чиқишди. Окибати ўша – Пиримкул бир чангал пул билан ҳангу манг қотиб қолди. Аммо бу курғурдан қутулиш кийин экан. Бўсағага бош қўйиб ётиб олди: «Билмай қопман, шопир узатган нарса юк хужжати деб хаёл қипман... Узр, паришонлик қилганим учун узр...»

Тирғалиб туравергач, Заргаров охири кечирмоқдан бошқа чорасини тополмай қолди: «Бўпти, фаолиятда давом этаверинг...»

Фаолиятини куюқ-суюқ давом эттирган, шекилли кеча эрталабданоқ келтирган хабари билан таъбини тиррик қилди.

– Киришга мумкинми, Довудбек Яқубович?

– Кириб бўлсиз-у, сўраб нима қиласиз энди?

Пиримкул алланечук ғолибона тиржайиб стуллардан бирига оғир чўкди.

– Э, Довудбек ака, хотинчадан узоқда юришам оғир экан эркакка.

– Нималар деялсиз, – сергакланди Заргаров, – кимга оғир?

– Билмасам... ишчиларингиз қишлоқнинг хотин-қизини ҳангидай олдига солиб қув-қувлаб юрибди.

Довудбек Яқубович ирғиб ўрнидан туриб кетди.

– Ким?! Ким ўша ахлоксиз... сиз айтгандай қувлаётган.

– Кўп... масалан анови уста, Дилшодбек.

– Дилшодбек?!

– Ҳа, шу. Бир қари киз билан суйишиб-суйкалишиб юрибди.

– Ўйлаб гапиринг, Пиримкул ака, бунақа масалаларда ҳазиллашиб бўлмайди-я. Асосларингиз борми ишқилиб?

Пиримкул димоғида ғолибона пишқириб қўйди.

– Керагидан ортик...

Заргаров Пиримкул ҳижжалаб келтираётган далил исботларни гўёки бир қават териси шилиниб эшитди.

– Шунақа денг, – дея аранг сас берди охирида. – У қиз Аюбхон эшоннинг қизими?

– Ҳа. Лекин ҳозирча эшон бовам бу сассиқ гаплардан беҳабарлар. Агар кулоқларига чалинса борми... У киши чакана одам эмас, Довудбек ака. Зўр-зўр идораларда қариндошлари, муридлари бор. Темирўлчилар уйимни куйдирди деб би-ир дод солсалар чаток... Мен айтдим-қўйдим-да, жамият тинчлигини кўзлаш кўп катори бурчим.

Заргаров Пиримкулнинг қачон, қай аҳволда оч арвоҳдек сидрилиб чиқиб кетганини билмайди. Кўз ўнги қоронғилашиб, ўз хаёллари билан ўзи андармон қолган эди.

«Бу ўша қиз», ўйлади у, хув ўша йиғинда гул-гул яшнаб турган, кейинчалик сой бўйида ишчи билан келаётган бўйчан қизни эслаб.

Заргаров ғазаб ва аламдан анча пайт нима қиларини билмай шошиб қолди. Хўш, участка бошлиқларини, бошқа қурилиш масъулларини тўплаб вазиятни муҳокама қилсинми, айбдор шахслар жазога тортилсинми? Йўқ, дабдурустан подадан олдин чанг кўтариш яхши эмас. Яхшиси, ҳеч кимга овоза қилмай, ими-жимида баъзи бировлардан сўраб-суриштиради, Дилшодбекни

хам тергаб кўради. Аввал бутун вазият ойдинлашиши керак. Шундан сўнг, керакли чора-тадбир қўлланилади.

Довудбек Якубович сменадан чарчаб-хориб кайтган Икромиддинни гапга тутди.

– Дилшодбек билан жа қалинсизлар-а?

– Ха, Довудбек ака, бизлар дўстмиз.

– Нималар кип юрибди у, ярамас. Ё сизларда ҳам шунақа саргузаштлар борми?

Икромиддин довдиради.

– Йўғ-е... Биз Дилшодбек билан гаплашдик...

– Қачон?

– Икки-уч кун бўп қолди.

– Нима ҳақда гаплашдиларинг?

– Шу... дўстимиз биздан совчи бўп боришимизни илтимос қилди...

– Совчи?! Нима, у хали уйланмаганми?! Менимча, хотин, бола-чақаси бор.

– Тўғри... Эскичасига ҳалиги... хотин устига дегандай...

– Тушунарли. Бойвачча феодал. Хўш, кейин-чи?

– Биз илтимосини рад этдик. Иши нотўғри эканини тушунтирдик. Насихат қилдик. Менимча, ақли кириб қолгандай бўлди.

Довудбек Якубович Икромиддиннинг гап-сўзларини мулоҳаза қилиб, бир қарорга келгач, шомдан сўнг Дилшодбекни вагон-кабинетга чақиртирди.

– Нега хотинбозлик қилиб юрибсиз?! – дея томдан тараша тушгандай сўради Заргаров, соч-соқоллари ўсик, алланечук паришон Дилшодбекдан. У айбдор ўқувчидай вагон-кабинет бўсағасида тик турар эди.

– Мен хотинбозлик қилганим йўқ.

– Ия, жилға бўйида анови киз билан сув сепишиб, ўпишиб юрган мен эканман-да?

Дилшодбек Заргаров томон алланечук илтижоли, рўйи-рост термилди.

– Шу кизни севиб қолганман, Довудбек ака, нима қилай?

– Бунақа севиб қолишлар. Компания учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Масъулият ҳис қиласизми ўзи? У ёғда тағин бола-чақангиз бор-а...

Дилшодбек жавоб бермай, кепкасини қўлида ғижимлаган куйи вагон-кабинетнинг темир деворига илтижоли қараб тураверди. Заргаров минг уринса-да ўзини босолмай, аччиқ-тизиқ гаплар билан уни обдон ийғалади.

– Кўзингизга қараб юринг, – деди ниҳоят ўзича насихатларга яқун ясаркан. – Ўсадиган кадрсиз. Японлар ҳам сизга қизиқиб туришгандан хабарингиз бор. Етган жойда бурнингизни қонатманг. Темир йўл компанияси кўз ёшларга ишонмайди.

Дилшодбек эгила-букила вагон-кабинетдан чиқиб кетди. Ўрнига эзгин, шилимшиқ ўйлар, изтироблар ёприлиб кирди.

Ҳаммаси аён. Иккови севишиб қолибди, аҳду паймон қилишибди. Қизиқ, одамлар қандай уддалар экан-а, шунақа саргузаштларни? Қандай қилиб бир-бирини севиб қолиш мумкин. Довудбек бунақа ошиқ-маъшукларни кўп учратган. Баъзиларидан, энсаси қотиб, қулибгина қўйган бўлса, баъзиларидан ошқора нафратланган. Уларга садқаи севги кетсин. Шунчаки ўйнашлар улар. Бирининг эри, бирининг хотини бор. Гуппа-тузук ерда ишлашади, давраларнинг тўрини беришмайди. Довудбекка дўст тутиниб юрган яна бир-икки амалдор-олғирлар бор. Ёшгина-ёшгина маъшуқалари бор. Хуфёна квартира қалитини қўлларига тутқазиб қўйишибди. Кўнгиллари тусаган пайт ўша ёкка йўртишади. Баъзан Довудбекни ҳам ўртага олишган пайтлар бўлган: «Қанақа эркаксан? Янга мулло меъдангга уриб кетмадимми? Давай, қўғирчоқдеккинасидан сенга ҳам топиб берайлик...»

Заргаров ҳазил-ҳузул билан улардан аранг қутулади. Бунақа ифлосгарчиликларга нафрати борлигини билдириб қўйишдан қўркади.

Мана, олис тоғлар кўйнида ҳам яна шунақа «Дон Жуан» билан тўкнаш келиб турибди. Аммо... буниси сал ғалатирок, ўзича никоҳимга оламан деб чиркиллаб юрибди. Довудбек ана шунисига тушунмади. Ахлоксизга никоҳнинг нима аҳамияти бор? Бошқа шахват мубталолари каби ими-жимиди учрашиб юраверса-чи? Ана шуниси ғашни кўзгайди, асабни эговлайди.

Йўк, йўк, Довудбек яна ўзини-ўзи алдади, ўзини-ўзи чалғитди. Ғашлантираётган, ичини куйдираётган аслида... аслида Дилшодбекнинг кўзларида милтиллаб турган алланечук чўғ. Қилғиликни қилиб, тагин кеккайиб юришини қаранг, ҳеч тап тортмай «севаман» дейди-я?! На уят, на кўрқув, на бир масъулият бор уларда!

Йўк, йўк, Довудбек яна чалғиб кетди. Тўғриси тан олиш керак, бу кўнгил хиралик, аччиқ алам, хув, ял-ял яшнаб турган қизнинг Дилшодбек билан сойлик бўйлаб келаётганини кўрган чоғидаёқ пайдо бўлган эди. Ё рашк, кизганиш деганлари шумикан? Яхшиям иш кўп, ташвиш кўп. Заргаров темирйўл муаммолари билан овуниб, ич-ичини куйдириб ётган ўша чўғ кулга кўмилиб кетганини пайқамай қолган эди. Аммо Пиримқулнинг пишқириғи ўша кул қурумани тўзғитиб, лағча чўғни оловга айлантириб юборгандай бўлди.

Нега мен севиб қолмайман?! Нега мен хуфя учрашувларга ошиқмайман, ё ановига ўхшаб бирортасини никоҳлаб оламан деб бошимни балога қўймайман, нега? Умуман, йўлларимга интиқ-интизор аёл зоти борми? Нега Соранинг хув, балконда елкамга осилиб, «шу кўрслигинг ёқади» деган сўзларини бот-бот орзиқиб эслайман? Э-хе-е, ўшандан бери ҳам неча йиллар ўтиб кетди. Ўша самимий иқрор Соранинг упа-элиги тагида қолиб кетди. Сен эр, у хотин, тамом. Турмуш кечаяпти. Тўхта, тўхта, нега нукул аёлингдан нолийсан? Ўзинг-чи? Сорага неча марта севги изҳори қилгансан? ҳеч. Умринг деярли хизмат сафарларида ўтади. Бирор марта уни соғиниб, хижрондан дилинг вайрон бўлган-

ми? ҳеч. Сора аллақачон уйингнинг бир жихозига айланиб кетган.

Худди шундай изтиробли ўйлар, ўжар саволлар Пиримкулнинг ташрифидан сўнг Довудбек Якубович кўнгида ошкора бош кўтарган эди. Аввал Икромиддин, кейин Дилшодбек билан юзлашиб уларни сўрок-тергов қилган чоғида, ўзи ҳам ана ўша ўжар саволлар сиртмоғида ожиз ва нотавон осилиб турарди.

Саволлар сиртмоғида Заргаровни тун бўйи бўғиб, судраклаб чиқди. Довудбек Якубович сигарет кетидан сигарет тутатиб, изтироб-қийноқлар оғушида тонгни қаршилади. Тонг олди ечинмай ўрнига чўзиларкан, кўз ўнгида гоҳ кулимсираб турган бўйчан қиз, гоҳ яланғоч елкасига суяниб пичирлаётган Сора, гоҳ кирма-кир бўзлаб чопиб юрган Барчиной ғира-шира жонланиб турди.

* * *

Довудбек Якубовичнинг қарори қатъий эди. Шу сабаб кир тепасида чўнкайиб қизнинг жилға бўйига энишини токат билан кутди.

Куёш уфқ томон оққан. Теварак полвон одамнинг яғринидай ястаниб, тоғларга тутлашиб кетган қир-адирлик. Қорамтир тоғлар томондан енгил шамол эсмоқда. Олис-олислардан буқилган қайишдай автойўл кўзга ташланади.

Ниҳоят, беш-олти қорамолни ҳайдаб қишлоқ томондан эниб келаётган ўша бўйчан қиз кўринди. Устида ҳамишаги қирмизи кўйлак, бошида сарғиш дуррача. Заргаров ўрнидан туриб, сойлик томон сирғалиб туша бошлади. Қиз уни кўрди шекилли илдамлашди. Қўлидаги хипчинни сермаб подани жилға томон тезлади. Аммо Заргаров улгурди.

– Кечирасиз, синглим, – деди у шоша-пиша қизга қабатлашиб. – Бир оғиз гапим бор.

Қиз тўхтаб, дуррачаси учини оғзига тегизди.

«Ростданам гўзал», беихтиёр ўйлади Заргаров, кизнинг оппок, тиник чехрасига, кийик, қоп-қора кўзларига ўгринча тикиларкан.

– Исмингиз ким? – сўради у.

– Гулсаҳар, – жавоб берди киз паст ва майин товушда.

– Гулсаҳар, – Довудбек Якубович гапни нимадан бошлашни билмагандай чайналди. – Сиз... сизни бизнинг Дилшодбек хафа қилдими?

Қизнинг хуркак кўзлари оёқлари остидаги тош бўлакларига қадалди.

– Нималар деяпсиз, раис бова, тушунмадим?

– Шу... шу одамнинг сиз билан алоқаси борми? Мен шунақа эшитдим.

– ...

– Демак шундай. Гулсаҳар, сиз ақлли, яхши хонадон кизисиз. Агар Дилшодбекдан айб ўтган бўлса, айтинг, жазолаймиз. Унинг қилиб юрган иши бизнинг жамоамизга иснод. Бутун темирўлчилар номидан узр сўрайман. Лекин... лекин гап шундаки... сиз ҳам ёш, тушунмасдан унинг аврашларига учган бўлишингиз мумкин. Демокчиманки... хуллас... уни унутинг. Ғўрлик қилмангизлар. Оқибати ёмон бунақа ишларнинг. Сиз ҳам ўйланг, синглим, Дилшодбек оилали, бола-чақали одам, яхши кадр, келажаги бор. Агар... агар бу гаплар бошликларга бориб етса, уни ишдан ҳайдашади. Хор қилишади. Айтмоқчиманки...

Гулсаҳар Заргаровнинг гапига ортиқ кулоқ солмай пода кетидан доводир-довдир югургилаб кетди.

XIX

Гулсаҳарнинг юзи мисдай қизиб кетган, кулоқлари шанғиллар эди. Худди маст одамдек еру кўк кўз ўнгида чир-чир айланади. Миясини бир сўз тигдай пармалайди: «Шармандалик!»

Ер ёрилсаю етти кават тупрок остига кириб кетса, қанийди! Ё дайди шамолларга кўшилиб узоқ-узоқларга тентиб йўқолса эди. Ахир, номусга ўлди-ку?! Шарманда бўлди-ку?! Темирийўлчиларнинг каттакони унга шундай гаплар айтди-я?! Бизнинг эркакларга суйкалма, ўрнингни топиб ўтир, деб ошкора шама қилди-я?! Энди нима қилсин бу? Бошини опкетар ери, лошини топширар гўри бўлмаса? Эрта-индин бу гап-сўзлар ота-онасининг, кариндошларининг қулоғига бориб етса нима бўлади? Шармандалик!

Ҳойнаҳой, Дилшодбек ака айнан шу бошлиққа ёрилган, совчиликка боришини илтимос қилган. Оқибатда... танбех эшитиб, таъзирини еган. Балки уста ака шунинг учун кўринмай қолгандир? Совчи юбораман, деган ваъдасининг устидан чиқолмай, ўз-ўзидан хижолат чекиб, ўртаниб юргандир? Ҳойнаҳой, у ҳаммаси кўнгилдагидек бўлишига қаттиқ ишонган, мана шу бошлиқ акаларини, далли-ғули жўраларини орқа қилган. Оқибатда... панд еб, ўз ёғида ўзи қоврилиб қолгандир?

Энди Гулсаҳар нима қилади? Билиб-билмай енгилтаклик қилиб қўйибди-ку! Билиб-билмай Дилшодбек акага, темирийўлчиларга халакит бериб қўйибди-ку?!

Аслида ўша Довудбек деган катта раисдан қизгинанинг умиди катта эди. Назарида шу киши албатта уни қўллаб-қувватлайдиган, кўнглини тўғри англайдигандек туюлганди. Ҳатто тушида Довудбек аканинг бошига оппоқ рўмол ёпиб қўяётганини кўрган! Эҳ, бунинг ҳаммаси тушда қолди. Қай юз билан бош кўтариб юради энди?

Гулсаҳар шундай чирпирак хаёллар қуюнида чирпирак бўлиб, амал-тақал билан уйига етди. Ундан аллақачон илдамлаб кетган пода қўра теграсида ўралашиб, исмаланиб туришарди.

– Мунча йўқолиб кетдинг, – деб ўшқирди супа устида сабзи-пиёз арчиб ўтирган Нукра пошшо, – сигирларни қўй, Гулюз саранжомлайди, сен қозонга қара.

Гулсахар довдир-довдир кадамлар билан ошхона томон юрди. Назарида юрагининг гурс-гурс тепиши, миясида чарх уриб юрган саволлар сурони бутун тевааракка баралла эшитилаётгандек эди. Баданларидан совук тер силкигандай бўлди.

Қош қорайди. Борлиқ кул тусида махзун сўнарган. Даштдан қайтган мол-ҳолларнинг мўраши-маъраши кишлоқ бўйлаб, алланечук нолакор-нолакор таралади.

Аюбхон эшон ичкарида шом намозини, ўзи айтгандай, «жиғилиб» олгач, супага чиқиб, оҳ-воҳ билан ёнбошлади. Эғнида йўл-йўл хошияли спортча либос, бошида оқ чаппўш.

– Эй, – деди у ошхона томон аланглаб, – чой-пой берасиларми, пешиндан бери томоғим куриб кетди.

– Ҳозир, – деб қўйди Нукра пошшо, деразадан бош чиқариб.

Кўп ўтмай у парча гулли чинни чойнак, бир жуфт пиёла кўтариб чикди.

Шу пайт кимдир кўча дарвозасини журъатсизлик билан тақиллатди. Аюбхон ёнбош узалган ўрнидан ўша ёкка бош бурди.

– Киравер-е, ким қачон кўрган менинг дарвозам ёпиклигини.

Аmmo ҳеч ким ичкарига бош сукмади. Бироздан сўнг дарвоза тагин тақиллади. Аюбхон истамайгина ўрнидан кўзғалди: “Об-бо, бегона одамга ўхшаяпти. Ўзимизники эса тақиллатиб-пақиллатиб ўтирмайди”.

Чиндан ҳам дарвоза ёнида бошқа – Дилшодбек семизгина елим халтани кўлтиклаб турарди.

– Ассалому алайкум.

– Ва алайкум, – деди Аюбхон кутилмаган ташрифдан ошқора ажабланиб. – Келинг, уста.

Дилшодбек бўшашибгина ичкари кирди. Жингилтоб сочлари ювиб, орасталанган. Эғнида енги калта кўк кўйлак, кора жинси шим. Суяклари бўртик, қорамағиз юзида, катта-катта кўзларида саросима, хавотир.

– Аюбхон оға, буни ичкарига узатсангиз, – деди у аранг, елим халтага ишора килиб.

Аюбхон баттар ажабсиниб тугунни олди.

– Ий, нима ташвиш бу, – сўнг ошхона томон кичкирди, – Гулюз нарсани ол.

Гулсаҳар дарвоза ёнида, каловланиб турган Дилшодбекни кўрди-ю бутун вужудига қайноқ қон югурди. Қийик кўзлари бир лаҳза кувончдан порлаб кетди. Хаяжонланди. Аммо Дилшодбекнинг ёлғизлигини пайқаб, кўнгли алланечук ғаш тортди.

Бу орада меҳмон супага чиқиб, Аюбхоннинг қарши-сига чўк тушиб ўтирди. Ҳол-аҳвол сўрашган бўлди.

Аюбхон хануз ҳайроналик билан ўйларди: “Нега келди экан?” Совға-саломни катта. Ё дуо-пуо олмоқчими? Жуда хафа кўринади”.

– Бу темир йўл сизларни хўб ийғалади-да, а? – деди Аюбхон эшон меҳмонга чой узатиб. – Качон битади ўзи?

– Аз қолди, Аюбхон оға.

Меҳмоннинг «оға»лаши бир умр «эшон бова» дея эъзоз билан аталиб келган Аюбхоннинг энсасини қотириб, ғашини кўзғади. Аммо у сир бой бермай, босиб-босиб чой хўплади.

Бу орада Нукра пошшо гумбаздай гавдасини аранг судраклаб, дастурхон келтирди. Супа лабига ноз-неъматлар қўйди.

Қоронғулик қуюқ тортган. Уй айвонидаги лампа-чироқ ҳовлини, супа устини ола-чалпоқ ёритади. Оғил тарафдан улоқчи отнинг аҳён-аҳён депсиниб, пишқириши, тун хашаротларининг бири қўйиб, бири олиб чирқиллаши теваракни алланечук сир-синоатга чулғайди. Ошхона ёқдан ковурилган масаллиқ иси димокларга урилади.

Келганидан бери бош кўтармай, дастурхонга термулиб ўтирган Дилшодбек бир эмраниб тилга кирди.

– Аюбхон оға, мен бир дард билан келдим. Агар... кўнглингизга олмай, мени тўғри тушунсангиз айтай.

Дилшодбек бу гапларни кунбўйи дилида, тилда бот-бот такрорлаб, ёдлаб тараддуд кўрган бўлса-да, айна чокда, тутилиб-қокилиб аранг гапирарди.

– Сиз кўпни кўрган, улуғ инсонсиз... мендан хафа бўлмасангиз, дардимга кулок солсангиз айтай...

– Айтаверинг, – деди Аюбхон эшон тоқатсиз бўлиб. – Кулоғим сизда.

Дилшодбек елкаларини қисиб, бошини тағин паст-рок эгиб, култ-култ ютиниб олди.

– Мен... мен қизингиз Гулсаҳархонга совчи бўлиб келдим. Ўзимга ўзим совчи бўлиб келдим.

– Ўзингизга?! – Аюбхон қўлидаги пиёлани маҳкам чангаллади. – Ҳали уйланмаганмисиз?

– Уйланганман... лекин ҳалиги... шариат бўйича, эски урф-одат бўйича. Лекин мен Гулсаҳарни бошимда кўтариб юраман.

Аюбхон эшон димоғида пишқириб қаҳру ғазабини аранг босарди.

– Ука, мени қаттиқ ҳақорат қилдинг. Ё, сен тентак-сан, ё биров сени алдаб, менинг устимдан кулиш учун юборган.

– Йўк! – Дилшодбек Аюбхонга илтижолли бир кўз ташлаб олди. – Йўк, ўзим келдим. Ақлим ҳам жойида. Фақат мен ноилож... овоза бўлиб кетмасин, деб ўзимга...

– Ўчир-е! – Аюбхон чангалидаги пиёлани дастурхон чеккасига зарда билан ташлади. – Биз эшонзодалармиз. Буни яхши биласан. Қизим бир умр эрсиз ўтсаям сенга ўхшаганларга бермайман. Сен... сен қандай ботиниб қизимни иккинчи хотинликка сўраяпсан?! Қалланг ис-сиқда ачиб кетмадими, ишқилиб?

– Биз... Гулсаҳар билан бир-биримизга кўнгил кўй-дик...

– Эй, – Аюбхон бўкириб Дилшодбекнинг гапини бўлди. – Эй, гапимни жон қулоғингга қуйиб ол. Сен бир мусофир, бизнинг урф-одатларни билмайдиган кулбачча, деб... сен билан муроса кип турибман. Эсам аллақачон бутингни айириб ташлаган бўлардим. Қани, гапириб бўлдингми, энди кури бу ердан. Мехмонлик иззат-хурматинг борлигида жўнаб қол. Қайтиб кўрмай, йўқол. Тур ўрнингдан.

Дилшодбек каловланиб жойидан кўзгалди.

Ўчок бошида тарашадай қотган Нуқра пошшо ўзини ошхонага урди. Гулюз эса ошхонадан сирғалиб чикиб уй ичи томон йўрғалади.

Аюбхон Дилшодбекнинг ортидан дарвозани гум-бурлатиб ёпди.

– Нуқра! Берман кара!

Нуқра пошшо лорсиллаб ошхонадан чикди. Кўрка-пуса эрига рўбарў келди.

– Лаббай.

– Эшитдинг-а!

– Эшитдим. Жувонмарг қизнинг иснодига ўлар бўл-дик.

Аюбхон эшон илондай вашиллаб хотини устига юрди.

– Икковининг тили бир. Кўзинг қаерда, олақарға, қизинг эрсираб қопти-ку?!

– Мен... мен, – деб каловланди Нуқра пошшо, орқага тисариларкан, – касал эдим. Беҳабар копман. Қора босгур учрашиб юрган экан-да.

Аюбхон ичкари уй деразасидан лип кўриниб, кўздан йўқолган Гулюз томон бўкирди.

– Гули, туркмени қамчини оп чик!

– Отаси, – дея илтижоли шивирлади Нуқра пошшо, – ўлдириб кўясиз. Ўзингизни босинг.

– Ўлса ўлар! – баттар жазава билан ариллади Аюбхон эшон, Гулюз довдир-довдир олиб чикқан қамчини

юлқиб оларкан. – Энди бир-биримиздан ўлиб кутуламиз-ов...

Нукра пошшо нўноқлик билан эри йўлини тўсди ўзича.

– Ий, отаси... шайтонга ҳай беринг.

– Қоч! – ўшқирди Аюбхон эшон хотинини бир чеккага суриб. Сўнг бир хатлаб ошхона эшигига кўндаланг бўлди.

Илгарилари Гулсаҳар отасининг дарғазаб бақирчақирини эшитгандаёқ бурчак-мурчакка қисиниб, муқаррар ур-қалтакка тараддуд кўрар, дод-вой, кўз ёшу илтижолар билан шафқат сўраб, типирчилар эди. Аммо... айна пайтда Гулсаҳар айрон ҳиди анқиётган ошхона деразаси ёнида, идиш товоқлар тахлаб қўйилган узун оёқ сўрига суянганича бош эгиб, кўру қардай паришон турарди. Қизининг ҳамишаги илтижолу оҳ-воҳларига кўникиб кетган Аюбхон бир зум саросималанди. Бир зум қизига чақчайиб тикилди. Сўнг туйқус эс-хушини йиғиб олган сармастдай захарханда тиржайди.

– Эр керакми сизга?! Бир олқинди билан суюшиб, ваъдалашдингизми? А?

Аюбхон илкис сермаган қамчи қизнинг қунишган елкаларига чарсиллаб тегди. Тегди-ю, Гулсаҳар шашт билан бошини силтаб кўтарди. Унинг кўзларида чилчил синган ойнадай ёш ҳалқаланиб турарди. Ун юки теккан ёноқлари, бурун катақларию лаблари тириша-буриша дир-дир учарди. Аюбхон тағин озод кўтарган қамчи ҳавода муаллақ қотди. Гулсаҳар қоматини тик тутиб, бўсағада ўқрайиб турган онасининг елкаси оша аллақайгадир жикқа ёш кўзларини қадаб ташқарига йўналди. Аввал Аюбхон, сўнг Нукра пошшо беихтиёр тисарилиб, йўл бўшатди.

Гулсаҳар қандайдир сеҳрли сасларга қулоқ солаётган кўрдай пайпасланиб ошхонадан чиқди.

– Нима бўлди унга? – деб хансиради Аюбхон.

Нукра пошшо хануз хайкалдай қаддини тик тутиб, номаълум нуктага тикилган куйи ичкари уй томон оҳиста одимлаётган қизи ортидан саросимали кўз ташлади.

– Каттик урдингизми дейман.

– Ий, бор-йўғи бир сермадим-ку.

– Калласига тегмадими, ишқилиб? Сал эси оққанга ўхшаяпти?

– Йўғ-е...

* * *

Қора тун, қоп-қора тун, сен накадар яхшисан. Бу қиз сенга тикилиб ўтиришни, момик бахмалдай багрингга сингиб кетишни севарди. Ҳеч қачон уни сен ёлғизлатиб қўймагансан, хамиша қоп-қора қучоғингга қучиб эркалаб, юлдузлар шивирига ошно этгансан. Алвидо энди, меҳрибон тун.

Эй, шамол, узун сочларини у сўнгги бор ёйиб юборди! Кел, хоҳлаганингча тўзғитиб ўйна, толим-толим кокилларини ўп. Эй, шамол, бу қиз сенга хавасманд эди. Сен билан тентиб-тентиб кетишни, кўм-кўк, олис-олис осмонларда чарх уриб ўйнашни орзу қиларди. Эсингдами, эй шамол. Кизалоклик кезлари қир-адирлар қўйнида улок-қўзи боқиб юрганида, у баралла қўшиқ куйлашни хоҳларди. Унда-мунда эсида қолган ашулаларни жўшиб-жўшиб хониш этарди. Сен унинг юз-кўзига шўх-шаддодлик билан урилиб, энтиктириб қўярдинг. Эҳ, қанчалар хузурли эди ўша энтикишлар. Алвидо сенга, озод шамол.

Эй, қизча, эй, ўн икки ёшлик Гулсаҳар. Нега кўзларингда маржон-маржон ёш? Муаллимнинг лоқайд ва ҳиссиз сўзлари учунми? “Болалар, бугунги мавзуимиз “Бегона ўтлар”, – деди устоз. Сен чидаб туrolмадинг. “Малим, ўтлар ҳам бегона бўладими?” деб сўрадинг ажабсиниб. “Ҳа, албатта, – деди муаллим, эснаб-эснаб, – бегона ўтлар бўлади, у маданий, фойдали ўсимликлар-

нинг ўсишига халақит беради. Уларни юлиб, томирини куритмасанг, кутулолмайсан”.

Муаллимнинг сўзлари сенга ёкмади кизалок. Чунки сен учун ҳамма-хамма ўт-ўланлар сирдош дугона, азиз опа-сингил, қадрдон қариндош эди. Сени уларнинг бировга халақит беришини, яшашдан тўсишини сира-сира тасаввур этолмасдинг. Шу сабаб юлқиб ташланишга маҳкум ўт-ўланларга ачиниб йиғлаб юбординг.

Эй, кизалок, ўсдинг-улғайдинг, ўзинг ўша бегона ўтга айландинг. Бугун сен ҳеч кимга керак эмассан, бугун сен ота-она, қариндош-уруғ жонига тегдинг. Ҳатто, билиб-билмай, хавойи орзуларга берилиб улкан, оламшумул юмушлар билан банд инсонларга ҳам халақит бериб қўйдинг. Сени деб истиқболи порлоқ, қўли гул, дили гул бир киши касби-коридан, бир бурда нонидан мосуво бўлишига сал қолди. Сенинг турган-битганинг фалокат, надомат. Сен иснод, шармандаликсан. Сен бегона ўтдай юлиб ташланишинг шарт. Инсофинг борми, намуноча ўзгалар бахтига, ўзгалар қувончига тўғаноқ бўласан. Энди бир мардлик қил, энди бир тантилик қил. Ҳа, ҳа, ҳеч ким сенга кўрсатолмаган мардлик, тантилик, шафқат намуналарини ўзинг кўрсат. Кет, шу ҳаётдан, кет! Сени ҳайдашяпти-ку, кетсанг-чи, ахир? Бошқалар бахтли бўлиши учун сен бахтсиз бўлсанг нима қилибди?

Эй, тақдир. Эй, буюк донишманд, сабр-тоқатли хилқат. Бу киз бир куни сирка суви солинган идишни чил-чил синдирмоқчи эди. Сен ўша захар-зақкумни унинг қўлидан юлқиб олиб, сеп сандиқ тубига ташладинг. Раҳмат, сенга. Эрта-индин керак бўлиб, киз шўрлик чирқиллаб излаб қолмасин дегансан-да! Ташақкур сенга меҳрибон тақдир!

Мана, у яна қайтди. Сенинг ҳукмингга қайтди. Ана илон солинган идишга қўлини тикқан мағрур Миср маликаси каби у ҳам, сеп сандиқ ичини пайпасламоқда. Мана, топди. Сирка суви қалқиб турган ўша бежиримгина шиша қўлида.

Эй, безор, бежавотир ухлаётган одамлар! Бахт ҳам сизга, тахт ҳам сизга, кувончу кулгулар ҳам сизга! Устига бир кафт тупроқ ташлаш ташвишига кўяётгани учун у сиздан минг-минг узр сўрайди. Алвидо...

Алвидо, тоғу тош, алвидо, хаёт...

XX

Дилшодбек эрталаб чўчиб уйғонди. Тушидами-хушидами билмай колди, алланима беҳад каттиқ гулдираб, калдираб кетгандай бўлди. Назарида бўзариб-гезариб кўриниб турган тоғ чўккиси жазава билан титраётгандай туюлди. Шундагина Дилшодбек юраги гурс-гурс уриб, аъзои бадани қалтираётганини хис этди. Кўнгли ғаш, боши лўк-лўк оғриб турибди.

У елкасига сочиғини ташлаб ювиниш-чайиниш жойи томон юрди. Юрдию негадир кўзи тиниб, боши айланаётганини пайкади. Лекин эътибор бермай обдон ювиниб-чайиниб артинди. Шу пайт кир томонга кўй-эчкиларини хайдаб, изз-изз йиғлаб бораётган болага кўзи тушди. Дилшодбек уни яхши танийди. Жадгар. Ғалати бола, худди катталардек ғўддайиб юради, салмоқлаб-салмоқлаб гапиради. Оббо, нега эрталабдан йиғлаб кетаяпти? Ё, бирортаси хафа қилдимикан.

Дилшодбек енгил хуштак чалди. Жадгар шўрк-шўрк бурнини тортиб каради. Каради-ю, тагин ариллаб йиғлаганича кетаверди. Дилшодбек хайрон. Одатда, уни кўрса, Жадгар, албатта ёнига келарди. Иккови иноқ. Қизик, наmunча увиллаб кетаяпти у?

– Эй, – деб кичкирди Дилшодбек ортик чидаёлмай, – тўхта, сенга не бўлди, Жадгар? Нега йиғлаяпсан?

Бола тўхтамади. Кокила-сурила йўлидан давом этди. Дилшодбек баттар ажабсиниб бола томон югурди.

– Эй, Жадгар, шошмасанг-а, тўхта.

У бир амаллаб болага етиб олди. Кирланган енгидан тортиб ўзига қаратди. Жадгарнинг ковоклари йиғидан кўпчиб кетган эди. Қоп-қора юзлари кўз ёшдан шалаббо.

– Ия, жўра, сенга не бўлди? – деб сўради Дилшодбек, чинакамига хавотирланиб. – Ким сени хафа қилди.

Жадгар оғиз-бурнини енгига бир ишқалаб ташлади.

– Гулсаҳар опам ўлди.

– Нима?! – Дилшодбек беихтиёр Жадгарни кучоқлаб олди. – Жадгар, не дединг?

– Гулсаҳар опам... ўлибди... захар ичибди.

Дилшодбекнинг кўз ўнгида тоғу тош чайқалиб, титраб кетгандай бўлди.

– А! – деди у бўшашиб.

Кўёш қоялар устига балғам куйқасидай ёпишиб қолган. Чиркин тус нурлари кўзларга тигдай кадалади. Қир-тепаликлар зардоби салқиган сузма халталардек сап-сарғайиб, ғужанак тортиб қолишган.

Дилшодбек қир этагида ялпайиб канча пайт ўтирганини пайқамади. Ёшдан хира тортган кўзлари билан қароргоҳ томон лоқайд кўз ташлади. Заргаровга тегишли вагон уй олдида бир неча темирйўлчилар, кўчма база қоровули Амиркул уймаланиб хомуш ва асабий тарзда алланеларнидир гаплашишмоқда. Тўда ўртасида Довудбек Якубович. Устида қопдек кенг кечалик кийим, сочлари хурпайган, ахён-ахён қишлоқ томон бўй чўзиб аланглаб кўяди.

“Гулсаҳар ҳақида булар ҳам эшитишган”, хаёлига болғадек урилди устанинг. У ўрнидан оғир кўзғалиб қир тепаси томон қокила-сурила ўрлай бошлади. Тиззалари қалтираб, боши ғувиллар, бутун борлиқ кўз ўнгида хануз чайқалиб турар эди.

“Гулсаҳар, гулим... – Ҳансираган куйи пичирлади Дилшодбек, – бокирам, фариштам...”

Тепалик хийла баланд эди. Қишлоқ кафтдагидек кўринади. Дилшодбек кўрка-пуса писта пўчоғидек со-

чилиб ётган уй-жойлар томон кўз ташлади. Чиндан ҳам Аюбхон эшоннинг ҳовлиси ёнида одамлар тўпланишиб турар, ғира-шира йиғи-фарёд саси эшитилар эди.

Дилшодбек томоғига тикилган данакдек нарсани аранг култ-култ ютиб, бўшашибгина ўтириб олди.

XXI

Жалпоктош яланглиги камбағалнинг товонидай тарс-тарс ёрилиб ётибди. Қачонлардир бу ердан кутириб ўтган сел асоратлари йўлсозларга ҳечкурса бир ҳафталик оврагарчилик беради. Чуқур, кенг сел ўзани уч-тўрт томон эшила-бурила узалиб кетган. Тошқин суриб келган улкан-улкан харсанглар, шох-шаббау юлдузлар у ер-бу ерда гумбаз-гумбаз уйилиб ётибди. Яланглик лабида ўн чоғлик бульдозер, ўттизтача автосамосвал, баҳайбат экскаваторлар юкланган узун тиркамали “КРАЗ”лар, узун-калта хартумли кранлар, беомон жангга шайланган жанговор техникалардек, саф тортишган. Тўп-тўп ишчилар сўнги бўйрукни кутаётган жангчилар каби ўз бригадалари теварагида куй-маланиб туришибди.

– Ўргилдим бунақа ялангликдан, – дея асабий пўнғиллади қай бир бульдозерчи, – бу ерни текислагандан кўра, Боботоғни кўпориб ташлаш осон.

Ахён-ахён пишкириб қўяётган “Маз” хайдовчиси ҳам шикоятга шерик бўлган бўлди.

– Фу-у, бу ерда бир кунда аранг битта разворот қиламан. Нормам нима бўлади?

– Эй, арганавтлар, – дея гапга аралашди бошидаги шлемини энсаси томон суриб қўйган, ён дафтарчасига алланималарнидир қайд этиб турган бригадир. – Кўз кўрқок, қўл ботир. Қани, кўп ғингшимай ишни бошлай-веринглар. Йўқса, ана, рельсчилар думамизни босиб олади.

Чиндан ҳам Жалпоктошнинг шундоқкина бикинида, терилган кош ўрнидай кўкиштоб бўртиб турган кўтарма устида рельс тўшаш ишлари қизғин борар эди. Улар эрта-индин Жалпоктошга жаҳд қилишади. Шунинг учун ялангликни тезроқ текислаб, оби тобига келтириш йўлсозларнинг муҳим бурчи.

– Ҳа-а, бўлақолинлар, тагин шпалчилар кутиб колгудек бўлса, нақ балога йўлиқамиз-а, – дея бригадир яна ўзича кисталаган бўлди.

Аммо йўлсозлар эринчоклик билан у ер-бу ерда тўпланиб, гап чайнаб туравердилар. Босиб-босиб чекишди. Ҳатто уч-тўртгаси бир чеккадаги харсанглар устига ўтириб бемалол қарта чийлашга тушишди. Ишчиларнинг феъл-атворини бинойигина биладиган бригадир уларни ортик кистамай, алланималарнинг ҳисоб-китобини чамалаганича нари кетди. Йўлсозлар одатда ҳар гал янги объектга кўчишса, шу тахлит ўзларича нолишиб, ёзғириб анча пайт ивирсиб туришади. Сўнг туйқус шовқин-сурон билан ишга киришиб кетадилар.

Мана, бу гал ҳам худди шундай бўлди. Бригадир коржомасига илашган тиканларни қоқа-қоқа етиб келган маҳал ҳар ким ўз юмуши билан андармон эди.

Бульдозерлар кетма-кет қариллаб ўт олди. Самосвал “МАЗ”лар вашиллаб кўзғалди. Қўлларига чўкич, белкурак тутган бир неча йўлсоз қатновга қулайлик яратиш учун ўйдим-чуқур жойларга тош-шағал тўшашади.

Куёш қоялар орасидан олов барқашдек кўтарилиб келмоқда. Бугун ҳам жазирама жазава қиладиган кўринадди. Ўнгу сўлда кўр тўккан, бир-бирига елка тутиб кетган тоғлар бир парча ялангликда уймаланаётган, қуймаланаётган инсон қавмига ҳайрат билан тикилиб тургандек туюлади.

– Э, баракалла, – деб ишчиларни алкаган бўлди бригадир, машиналар гулдуросидан гапини биров эшитмаса ҳам, – бўшашманглар, ҳали замон Довудбек ака келиб қолсалар, ҳаммамизга мукофот ёздиради.

Аммо бу маҳал Довудбек Якубович анча олисда эди. Кампиртиш қояси теварагида портлатув ишларида аллақандай ишқаллик юз бериб, марказдан тафтишчилар ташриф буюришган экан. Заргаров ўшаларни Кампиртишга ташлаб келаяпти.

Довудбек Якубовичнинг анча шашти паст. Қипчок қишлоғида рўй берган фожиадан сўнг анчайин ўйчан ва маҳзун бўлиб қолган. Ич-ичида ўзини ўша кўргулик сабабсиларидан деб ҳисоблайди. Вақтида олди олинмади, лоқайд қаралди. Аммо бу фожеада Дилшодбекни ҳам айблаш ноўрин. Бечора уч-тўрт кун ичида озиб-тўзиб, кўзлари киртайиб қолди. Ҳар кўрганда Заргаровнинг ҳам раҳми келади унга. Чиндан ҳам севаркан-да, деб ўйлади астойдил ажабсиниб. Қай куни Дилшодбекни бир чеккага тортди.

– Қалай, ука?

Дилшодбек хўрсиниб ерга қаради.

– Аста-секин... ўтаяпти.

– Кеча ўзимизнинг раҳбарият, қишлоқ оксоқоллари бир маслаҳат қилгандик. Шуни сенга ҳам билдириб қўймоқчиман.

Дилшодбек Заргаровга хомуш кўз ташлаб қўйди.

– Хуллас,— деб давом этди Довудбек Якубович, — хабаринг бор, қишлоқ ишчилар посёлкасига айлантирилади. Шу... шу ерда қуриладиган бекатга... “Гулсахар” номини бермоқчимиз.

Дилшодбек ялт этиб Заргаровга қаради. Лабларида синиқ бир табассум пайдо бўлди.

“Довудбек ака... дим яхши иш бўларди-да... Гулсахар...”

Дилшодбек ҳам қувончдан, ҳам туйқус бостириб келган хотиралардан ўпкаси тўлиб, култ-култ ютинганича нари кетди.

Заргаров Кампиртишдан қайтаркан, ўша маслаҳат, ўша қарор жуда тўғри бўлганига яна бир қарра амин бўлди. Ёш жувонмарг кетган кизгинанинг руҳи шод

бўлади. Номи тилларда мангу айланиб туради. Гулсахар... Гулсахар.

Довудбек Якубович маҳзун хаёллар оғушида хийла йўл юриб қўйганини сезмай қолди. Жалпоктошнинг қоқ манглайига келиб қолибди. Заргаров оғир техникалар тупроғини тегирмон унидай кўпчишиб юборган кинғир-кийшиқ, ўйдим-чуқур йўл бўйлаб янги объект томон бурилди. Машина гоҳ чайқалиб, гоҳ илкис интилиб ясси қирлик ён бағри бўйлаб кетди.

Кун исиб кетган. Қилт этган эпкин йўқ. Қанотларини кенг ёйган бургут кўкда виқор билан кезиб юрибди. Шундоққина кўл узатса етар жойда Бойсунтоғ тизмалари кўр тўккан.

Заргаров етиб борганида Жалпоктош яланглиги техникалар наърасидан зириллаб турарди. Чанг-тўзон еру кўкни сарғиш тумандай қошлаб олган. Бульдозерлар кўпориб-қазиб сургиламоқда. Самосваллар чуқур, кенг сел ўзанларига гумбурлатиб тош-тупроқ ағдармоқда. Тепалик устида чўмичини гоҳ у ён гоҳ бу ён саланглатаётган экскаватор кўшўрқачли нортуяга ортилган бесўнақай сандиққа ўхшайди. Яланглиқдан ўша томон илонизи, тор, паст-баланд йўл ўрлаб кетган. Бу йўл автосамосваллар пайдар-пай катнайверганидан ҳосил бўлгани кўриниб турибди. Гоҳ у, гоҳ бу ерда куй-маланаётган йўлсозлар чанг-ғубор орасидан ғира-шира кўзга ташланиб қолади. Бакир-чақир, шовкин-сурон авжида.

Заргаров қариллаб ишлаётган бульдозерлар ёнида участка бошлиғи Ғайрат Арслоновни топди. Уст-бошини чанг-ғубор қоплаган Ғайрат худди бош-оёқ ун укпарига беланган тегирмончига ўхшайди. Кичикрок бир тош устига омонатгина ўтириб, дафтарига алланималарнидир қайд этмоқда экан.

– Э, ҳорманг, Ғайратжон.

– Ия, Довудбек Якубович, – деди Арслонов ўрнидан дик этиб туриб. – Бугун тафтишчилар билан банд бўлиб, келолмасангиз керак деб ўйлабман.

Илиқ қўл бериб кўришишди.

– Бу ёққа келмасам гуноҳ бўлади, – деди Заргаров кулиб, – тафтишни ўзлари қилаверишсин.

Арслонов Довудбек Якубовичнинг офтобда қорайган кенг юзига хайрихоҳларча кўз ташларкан, раҳбарнинг алланечук маҳзун кайфиятини пайқади.

– Ака, сал-пал толиққан кўринасиз-а.

– Э, шунчаки, – истамайгина қўл силтади Заргаров.

Шу пайт бригадирлардан бири ховлиқканича югуриб келди.

– Ғайрат ака, фалокат! – деб хириллади у, – ёнокларига оқиб тушаётган қоп-қора терни енги билан артиб. – Битта “МАЗ” тик қияликка осилиб қолди.

– Осилиб қолди?! Қандай қилиб? – деб беихтиёр бўкириб юборди Арслонов.

– Билмадим... менимча экскаваторга ўнглайман деб...

Заргаров бригадир ишора қилган томон синчков бир кўз ташлади-ю, олға интилди.

– Югурдик.

Арслонов ҳам жон-ҳолатда Заргаровнинг ортидан отилди.

...Чиндан ҳам фалокат жиддий эди. Самосваллар катновидан ҳосил бўлган ўша қинғир-қийшиқ йўлнинг тирсак жойида яп-янги “Маз” кўндаланг туриб қолибди. Машина орти эса тик қиялик! Афтидан, ҳайдовчи самосвални қайириб олмоқчи бўлгану, орқага кўпроқ ҳайдаб юборган. Машинани оғирлигиданми, ё кўпол кўзғалганиданми тик қиялик лаби улкан торт бўлагидек ўпирилиб кетибди. Шу сабаб “Маз”нинг орқа ғилдираклари тик қиялик қаншарида деярли осилиб турарди! Озгина ортиқча ҳаракат касридан машина пастга кулаб кетиши тайин. Оқибатда на машина, на ҳайдовчи омон қолади.

– Хайрият, самосвал бўш экан, – дея ўз-ўзига ғудраниб қўйди Заргаров.

Машина теварагини ташвишу тахликадан ранг-кути ўчган ишчилар ўраб олишган эди.

– Ўзингни ерга ташла, Шожалол, – дея бири қўйиб-бири олиб кичкиришарди ҳайдовчига улар.

Заргаровдан йўл-йўлакай ўзиб кетган Ғайрат ҳам “Маз”га бақамти бориб, ранг-рўйи бўздек оқариб кетган Шожалолга ўшқирарди.

– Сақра бу ёққа! Нима, жонингдан тўйганмисан?

Шожалол кабинадан чала-ярим кўриниб турган бошини аранг чайқади. Бироқ гапиришга очиқ-ойдин кўрқди. Афтидан, товуш зарбидан машина оркага юриб кетадигандек туюлди.

Заргаров жазава билан ҳайдовчига бақираётган участка бошлигининг енгидан тортиб ўзига қаратди. Ваҳимадан қоп-қора терга ботган, кўзларида қўркув лип-лип кезиб юрган Ғайрат Арслонов қаршисидаги кишини таниёлмай қолди.

Ҳалигина махзун ва хорғин боқиб турган Довудбек Якубовичдан асар ҳам йўқ. Кўзлари қўрғошиндек совук йилтиллаб турарди. Қорамтир чўяндек юзларида шафқатсиз бир ифода.

– Намунча куёндай ирғишлайсиз, Арслонов, – деди у, участка бошлигини хотиржамлик билан бир чеккага суриб қўяркан.

– Нобуд бўлади! Нобуд...

– Машина нобуд бўлса майлими? Унинг увол-савоби кимнинг бўйнига? Эртага бундай фалокат учун жавоб ҳам бериш керак.

Арслонов димоғида ғудранди.

– Билмадим... эсам нима қиламиз? Шатакка олиб бўлмайди. “Маз” йўлни тўсиб турибди. На чапдан, на ўнгдан бошқа машина унга яқин келади.

– Ҳамма узоқроқ турсин! – деб хайқирди Заргаров, кулоч сермаб.

Ишчилар кўрка-пуса “Маз” теварагидан тисарилишди. Довудбек Якубович бир пайт ҳаммани хангу манг колдирганича бир сакраб машина зинасига чиқиб олди.

– Аҳволлар калай, Шожалол? – деди у кулимсираганича кабинадан бош сукиб.

Кўркувдан қалт-қалт титраб, калин-калин қошу, тақа мўйловлари шалвираб қолган ҳайдовчи Заргаровга илтижоли шивирлади.

– Кутқаринг... тормоздан оёқ олсам, тамом, пастга учиб кетаман.

– Ўлимдан кўркяпсанми? – дея кулди Довудбек Якубович, бу кулгуда алланечук истехзо, алам ва нафрат коришиб кетган эди. – Жонингга ачинасан, лекин сенга нон бериб турган машинага ачинмайсан-а?!

– Ачинаман, Довудбек ака. Аммо лекин... Ҳозир илож йўқ-да, ё у, ё мен...

Заргаров соқоллари тиканакдек ўсиб қолган бақувват ияқларини асабий тутамлаб ҳайдовчига қаттиқ қадалиб тикилиб турарди. Бу қарашларда алланечук қаҳр ва меҳр, ҳорғин бир изтироб шарпалари бор эди.

– Шожалол, – деди у пўлатдек жарангдор товушда, – бир бечора киз уксус ичиб ўзини ўзи ўлдирди. Арзимаган сабабларга кўра. Ҳар ҳолда биз шунақа ўйлаймиз.

– Хабарим бор, Довудбек ака, жанозасида ҳам бўлдик.

– Шожалол, – дея гапидан давом этди Заргаров, ширакайф одамдай кўзларини кисиб. – Биз мангуликка, келажакка дахлдор иш қияпмиз. Шундай буюк ният йўлида қурбон бўлсак ёмонми?

– Довудбек ака...

– Кароче, – Заргаров ҳайдовчининг оху зорини қичиқай кесди. – Ҳозирок машинани ўт олдирасан-да, қаттиқ газ бериб туриб бирга оласан, сўнг газни пасайтирмай, резко кўзгатасан.

– Довудбек ака, ахир...

– Гапни кўпайтирма, Шожалол. Қиз бола ўзини ўзи ўлдирди, притом низачто. Сен билан биз эркакмиз-ку, тўғрими? Давай, олға. Мана, мен ҳам шўттаман. Нима бўлсак, бирга бўламиз. Ё хаёт, ё мамот. Давай, имилла-ма.

Шожалол дир-дир титраётган бармоқлари билан калитни буради. Қизиб турган мотор шу лахзаёк гуриллаб юборди. Теварақда тошдай қотган ишчилар беихтиёр ўзларини тағин икки-уч кадам орқага ташлашди. Ҳатто баъзилари қўлларини юзига қоплаб ура қочишди.

– Кўркма, дадил бўл, – деди Заргаров, кўзларини бошқарув ричагларидан олмай. – Газни бос, бирга ур!

Шожалол лабларини қимтиб, фавқулодда чакқонлик билан биринчи тезликка олди-да, жон ҳолатда газ педалини босди.

“Маз” ўқирганича олға бир сакради-ю, шитоб билан юриб кетди. Унда-мунда қотган ишчилар кийкириб, чапак чалиб юборишди.

– Тўхтат! – кичқирди Заргаров, – олдиндаги қияликка ташлаб кетмагин тағин.

“Маз” илкис тўхтади. Заргаров сакраб ерга тушди. Теварақдаги ишчилар машина томон ёпирилишди.

– Худога шукр-е, ўзи саклади.

– Сув опкелинглар!

– Тушишига ёрдамлашиб юбор!

– Иштони курукми, ишқилиб?

– Қойил, Довудбек акам барибир зўр-да.

– Довюрақ одам-да шу киши.

Ишчилар кўмагида ерга тушган Шожалол, ҳаммани туртиб-суриб бир чеккага чиқди-да, ўкчиб-ўкчиб куса бошлади. Тағин уч-тўрт йўлсоз унинг теварагида парвона.

– Майли, кусавер, енгил тортасан.

– Нурали, сув куйиб тур, юз-қўзини ювиб олсин.

Довудбек Якубович оёқларини судрақлаб босиб улардан андак узоклашди. Оғир-оғир тин олди. Сўнг

сарғиш чанг-ғубор сизиб юрган бұшлик тóмон яна аввалгидек хórғин ва маъюс тикилиб тураркан, унинг кўзларида милтиллаган ёшни ҳеч ким пайкамай колди.

XXII

Довудбек Якубович эрталабдан бери орқасидан тиркашиб юрган радио мухбирга охири рўйхушлик берди.

– Юринг, хув кирга чиқиб гаплашамиз.

Ёш бўлишига қарамай, пешона сочлари тўкила бошлаган, гўштдор юзли, силлиқкина мухбир саросималанди.

– Довудбек ака, у ер жа шовқин-да, – деди у мухбирлик анжомларини жойларкан, – интервью хира чиқади.

Заргаров истехзоли кулди.

– Мен худди шу ерда гаплашаман. Шамолнинг гувиллаши, машиналарнинг шовқини эшитилиб турсин, ука. Иложи борича, мана бу жазирама тафти ҳам сезилиб турсин. Радио ихлосмандлари ҳаётдан бохабар бўлишсин-да, ука. Кабинетда керилиб ўтириб гаплашадиганлар бошка. Бизлар қора меҳнат одами.

Довудбек Якубович тошдан-тошга ҳатлаб, қоплондек юкорига интилди. Адл қоматига ярашиб тушган коржомаси, серғайрат хатти-ҳаракатлари сабабми, ҳарқалай у жангари кинолардаги чапдаст дала кўмондонларига ўхшаб кетар эди. Мухбир ҳаңсираган куйи қоқила-сурила унга эргашди.

Офтобнинг ҳамишагидек жазаваси баланд. Аёвсиз олов пуркайди. Тепалиқда тентиб юрган шамол юз-кўзларга хуш урилади.

Заргаров ясси харсанглардан бирига ўтирди. Мухбир ҳам терлаб-пишиб етиб келди.

– Ана энди саволларни бераверинг, – деди Довудбек Якубович, лабига сигарет кистираркан, – мен тайёр.

Гапиришга ҳоли қолмаган мухбир, бош ирғай-ирғай, радио анжомларини шайлаш баҳонасида бир қур нафас ростлаб олди. Сўнг диктофоннинг керакли мурватларини босиб савол-жавобга ўтди.

– Довудбек Якубович, сизлар бунёд қилаётган ушбу темир йўл, XXI асрнинг буюк қурилишларидан, деб эътироф этиляпти. Ҳатто дунё матбуоти ҳам бу ҳақда шов-шув кўтармоқда. Айтинг-чи, бу бунёдкорликнинг буюклигини сиз қандай изоҳлаган бўлардингиз?

– Жуда оддий, – дея хорғин гап бошлади Заргаров, афтидан, савол унинг энсасини қотирди, – жуда оддий изоҳлайман. Мана шу тоғу тошларни ёриб ўтаётган темир йўл, ҳукуматимизнинг, жамиятимизнинг аввало маънавий куч-қудратини намойиш этапти.

– Маънавият?!

– Албатта, ишчиларимиз кўрсатаётган фидойилик, энг гўзал маънавий қиёфа-ку?! Уша фидойилик туйғуси бўлмаса, ёзнинг жазирамасида, кишининг қаҳратонида бундай географик ноқулай шароитда ишлаб бўладими?

– Кечирасизу, озгина эътирозим бор, – деди мухбир журъатсизлик билан Заргаровнинг гапини бўлиб, – балки... балки ишчиларингиз олаётган мўмайгина маош, ҳамма муваффақиятлар гаровидир. Балки...

– Гапингизда жон бор, ишчиларимиз яхши иш ҳақи олишади, мукофотлар ҳам жойида. Аммо улар минг машаққат билан топаётган мана шу даромадини, соясалкин дўконларда, бозор расталарида ўтириб ҳам оп-осон топишлари мумкин. Ҳатто, кўпроқ топиши мумкин. Демак, шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, уларни бу тоғу тош орасида ушлаб турган омил бошқа ёқда. Ишчиларимиз яратиш завқини жуда яхши ҳис қилишади. Яратиш, бунёдкорлик завқи эса чинакам фидойиликка ундайди. Тушундингизми? Бизнинг маънавий қиёфа шунақа. Бу ҳақиқат.

Шу пайт эгри бугри автойўлда кўринган “УАЗ” икковлари ўтирган қир этагига келиб тўхтади. Устма-уст

сигнал чалиб, сўнг машина кабинасидан кўлларини Ҳавода силкитиб Искандар Тўраевич тушди, ховлиққанича имо-ишоралар қилди.

– Довудбек Якубович! Оҳ-о, мен кайтдим.

Заргаров иссиқдан лоҳасланиб ўтирган мухбирга юзланди.

– Кечирасиз, ошна, бормасам бўлмайди. Сухбатни кейин давом эттирамиз. Сиз курилиш участкаларини кўринг, ишчилар билан гаплашинг. Ана ўшанда яратиш завкини сиз ҳам кўрасиз.

Искандар Тўраевич хамишагидек хушхандон, серғайрат эди.

– Э-хе, қандай шамол учирди? – гап қотди Заргаров кирдан сакраб-сакраб эниб келаркан.

– Соғинч шамоли.

Улар кучоклашиб, кўл сикишиб кўришдилар.

– Кетдик, – деди Заргаров дўсти елкасига кўл ташлаб. Кабинетда гаплашамиз. Қани, би-ир шаҳар янгиликларидан эшитайлик-чи.

* * *

Довудбек Якубовичнинг шинамгина вагон-кабинети икковлоннинг туйқус иортлаб қоладиган кулгуларидан зириллаб-зириллаб кетади. Ичкарида тамаки тутуни булутдек сузиб юрибди. Искандар Тўраевич оёқларини кериб, стул суянчиғига бемалол ястаниб олган. Узун-узун бармоқлари билан аҳён-аҳён қуюқ-қаттиқ сочларини тароқлаб кўяди. Заргаров ҳам бир чеккасига қоғоз, дафтарлар тахлаб қўйилган ялтироқ столга ўмганлаб, дўстининг оғзига тикилган. Искандар Тўраевич таътилни қандай ўтказганлигию, баъзи бир шаҳар олди-қочдилари ҳақида завқ билан гапирмоқда. Ниҳоят, гап айланиб-айланиб яна иш муаммоларига бориб такалди.

– Матчонов Дилшодбекни танийсиз-а, – деб қолди дабдурустдан Искандар Тўраевич, – техслужбадан.

Заргаров биров туртиб юборгандай столдан илкис кўкрагини кўтарди.

– Ҳа... танийман.

– Ия, нега рангингиз ўзгарди? Қўркитиб юбордимми?

Довудбек Якубович паришон илжайди.

– Ҳа, энди... Тўсатдан сўраганингизга ҳовлиқиб кетдим-да.

– Матчонов билан японлар кизиқиб қолишган. Компанияни ҳоли-жонига қўймапти. Охири бир қарорга келдик.

– Канақа қарор экан?

– Бир йиллик стажировкага юборамиз Дилшодбекни.

– Яхши бўларди. Жуда қобилиятли, серғайрат йигит.

– Ҳамкорларнинг истагича бўла қолсин дедик-да.

Довудбек Якубович яна Дилшодбек хақида гап айланса, беихтиёр ўтган машмашаларни тилга олиб юборишдан кўрқиб, мум тишлаб ўтирди. Хаёлан гапни бошқа ёққа буриш чораларини излади.

– Айтганча, Искандар Тўраевич, – деди у ниҳоят бошқа гурунг топилганидан қувониб. – Супа масаласи билан ҳам шуғулландингизми? Ҳув, лойиҳаси нобо 48-участкамиз-чи, ўшани сўраяпман.

Искандар Тўраевич тиззаларига шапатилаб завқ билан кулди.

– Ҳа, уни шаҳарга борганимдаёқ ҳал қилганман. Роса хангомали тортишувлар бўлган. Қизик, сизни булардан хабардор деб ўйлабман.

– Йў-ў, эшитмадим ҳали.

Искандар Тўраевич лойиҳачилар билан даҳанаки жанг қилганини айтиб берди. Аммо улар ҳам бало экан. Ўз лойиҳаларини илмий-далилий асослар билан исботлаб беришганмиш.

“Супа жуда ажойиб жой, – дейишибди улар, – келажакда у ерда ғоят гўзал ишчи посёлкаси қуриш мумкин”

Искандар Тўраевич ҳам бўш келмаган.

“Ишчилар хозирча вагон-уйларда яшаб туришади”, деб хазил-хузул билан уларга бас келиб турган.

Охир-окибат, бахс-мунозарага Компания раиси ара-лашиб, масалани узил-кесил ҳал қилган.

“Ишчилар посёлкаси Қипчоқ кишлоғидан курили-ши аллақачон тасдиқланган, – дебди раис қатъий, эъ-тирозга ўрин қолдирмай. – Биз учун давлат маблағи-ни тежаб-тергаш энг муҳим масала. Кейинчалик керак бўладиган посёлка қайғусини чекиш кулгили. Ҳозир-ча бу тортишувга чек қўйиб, реал фойда-зарарга қай-тайлик. Менимча, 48-участка лойиҳаси умумманфаат нуқтаи назаридан келиб чиқиб, қайта тайёрланиши шарт”.

Ниҳоят, Лойиҳачилар тақдирга тан бериб, керакли ўзгаришларга рози бўлишибди.

– Хуллас, ғалаба бизники, – деди Искандар Тўрае-вич узук-юлук ҳикоясини яқунларкан, сўнг Заргаровга саволомуз тикилди. – Қачон етамиз ўша 48-участкага?

– Мабодо сиз у томонларга ўтмадингизми?

– Менимча бир ҳафта ичида.

Довудбек Яқубович хижолатомуз бош қашлади.

– Умуман... ўтиб қайтиб юрибман. Фақат автойўл бўйлаб 45-48-участкалар анча ичкарида. Эсимга туш-гану, тўғриси, эриниб бормаганман. Устига-устак йўли ҳам нобоп.

Искандар Тўраевич куюк-каттик сочларини панжа-лари билан тароклади.

– Би-ир бориб кўриш керак эди-да. Анови лойиҳа-чилар чунонам таърифлашдики, оғзимнинг суви оқиб кетди.

– Кўриб келиш кийин эмас.

– Кетдикми?

– Кетдик.

Шу пайт вагон-кабинет эшиги журъатсизлик билан тақиллади.

– Кираверинг, – деб пўнғиллади Заргаров.

Эшик ғийқиллаб очилиб кўпол, бесаришта гавда хийла ивирсиган куйи ичкари кирди.

– Ассалому алайкум.

– Ва алайкум, – дея пўнғиллади кутилмаган ташрифдан тамом энсаси қотган Заргаров. – Келинг, Пиримқул ака.

Қопдай кенг, кирчил шим, енглари нари-бери шимарилган, этаклари сийқа қайиш устида чала-ярим чиқиб қолган кўк нейлон кўйлак кийган Пиримқулнинг қоп-қора товоқдай юзларида мамнунлик калқиб турибди. У чеккароқдаги стулни аянчли ғижирлатганича ўтирди.

Искандар Тўраевич бир Пиримқулга бир Заргаровга саволчан кўз ташлар эди.

– Келинг, хўш хизмат? – деб сўради Довудбек Якубович Пиримқулга ияк қоқиб.

– Ўзим, – деб хириллади Пиримқул, – би-ир граждандлик бурчимни бажарай деб...

Пиримқул Искандар Тўраевични ҳам оркаваротдан тузуккина танир эди. Афтидан, казо-казо бошликларни биргаликда тутганидан қувончи қайнаб, қоп-қора тер бўлиб манглайдан қуюлар эди.

– Қанақа янгиликлар? – деб сўради Заргаров “халқ контроли»нинг беҳуда келмаганидан безиб.

– Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди, ҳурматли каттакон бовалар. Хўш-ш... ўйлаб-ўйлаб охири виждонан шу йўлни тутишга қарор қилдим. Хўш-ш... у одам ўз туғишган укам бўлсаям ҳақиқатни айтаман.

– Биз сизга ишонамиз, бемалол фош килаверинг.

Пиримқул бир пишқириб олди.

– Довудбек ака, шу Собирип Амиркулни бекор база коровуллигига олгансиз...

– Нега?

– Ғирт каламуш-ку у! Базанинг ярмини сотиб еб юборди. Кариллаб, инсон зотини назар-писанд қилмай юрибди.

– Исботларингиз борми? – деб сўради Искандар Тўраевич совуққонлик билан гапга аралашиб.

Пиримкул, кўзлари ёғ суртилган данакдай йилтиллаб, кулди.

– Албатта бор-да. Ўлибманми бировга тухмат кип.

– Хўш?

– Ана, Супа деган жойга данғиллама уй қуриб олди. Ҳамманинг оғзида дув-дув гап.

Искандар Тўраевич ялт этиб Заргаровга юзланди. Заргаровнинг юзида ҳам таажжуб аломатлари кезиб юрарди.

– Қаерга қуриб олган дедингиз? – деб сўради у Пиримкулга тикилиб.

– Ана, ўзимизнинг Супага-да.

– Нега энди айнан у ерга? Ахир, қишлоқдан анча узоқ-ку. Нақ ўттиз километр чиқар-ов.

– Э-э, каттакон бовалар, сизлар билмайсизлар-да. Супа ўз оти билан супа. Бир замонлар у ерда ҳазрати Башир ота дам олиб ўтган эканлар, бизнинг уруғдан бир чўпон хизматини қилган. Авлиёота тила тилагингни деганлар. Чўпон шу ерларнинг ҳақиғага бир дуо қилинг деб сўраган. Хуллас, ҳазрати Башир отанинг назари тушган жой – Супа. Қишлоғимизда ҳамма Супада уй қуриб, шу ёққа кўчиб кетишни орзу қилади.

– Нега шу пайтгача ҳеч ким уй қурмаган? – деб сўради Искандар Тўраевич кизиксиниб.

– Ҳазрати Башир ота мендан роппа-роса икки юзу етти йилдан кейин бу ерларда маскан тутинг, деб ишорат қилган эканлар. Ўн беш йил илгари авлиё бова айтган муддат тўлганмиш. Самарқандлик бир шайхнинг тушида аён бўпти. Ўн беш йилдан бу ёғиға бизнинг ҳамқишлоқлар энтикиб ётибди-да, каттакон бовалар. Амиркул Собирип биринчи бўп уй қурди, шуйтиб ҳамма гапириб юрибди. Унинг топган маблағи эса...

– Қанча пайтда қурди шу уйини? – деб сўради Заргаров чимрилиб.

Пиримкул ўзича бепарво қўл силтаб қўйди.

– У ёғ-бу ёғи бир ой ичида. Э, Довудбек ака, пул бўлса, материал тахт бўлса, уй қуришнинг қийин жойи йўқ. Амиркулда ҳаммаси бор. Зўр-зўр усталарни ёллаган. Сизларнинг шопирларингизга тош, тупроқ ташитган.

Заргаров димоғида истехзоли илжайди.

– Супадан темир йўл ўтишидан хабарингиз йўқми?

– Йўғ-э, – беихтиёр ирғишлаб қўйди Пиримкул, кувончдан кенг юзлари баттар ёйилиб. – Шундайми, эх, зўр-ку?!

– Нахотки, ҳеч ким қизикмаган бўлса, бунақа на-зарқарда жойнинг тақдири билан? – сўради Искандар Тўраевич қипчоқликка синчков-синчков тикилиб.

– Ҳа, умуман қизиқишган, – деди Пиримкул истамайгина. – лойиҳачилар темирйўл Супани айланиб ўтади, деб оқсоқолларимизни ишонтиришган.

– Балки улар келишишгандир? – беихтиёр кичкириб юборди Искандар Тўраевич бир Заргаровга, бир Пиримкулга кўз ташлаб. – Оқсоқоллар секингина қистиришган, а...

Пиримкул қандай жавобга қанча “очко” олишини билмай саросималанди.

– Билмадим... – деб пўнғиллаб қўйди охири.

Заргаров бетоқат ўрнидан кўзғалди.

– Яхши, сизга раҳмат, Пиримкул ака. Ҳали гаплашамиз.

Пиримкул орқасига умидвор-умидвор кўз ташлаб чиқиб кетди.

– Ия, бу ёғи ғалати бўлди-ю? – деб Заргаровга юзланди Искандар Тўраевич.

Довудбек Якубовичнинг афт-ангорци тундлашди.

– Юринг, ўша Супага борайлик-чи?

– Кетдик.

Сула деганлари чиндан ҳам улкан стадионни, стадион ўртасига курилган кенг-мўл сахнани эслатиб юборар экан. Кунботар томони тик қояли, сийрак арчазорли тоғларга туташиб кетган. Бир чеккада эшила-бураала оқиб ётган кичкина жилға, афтидан ўша тоғлар бағридаги булоклардан бошланса керак. Фаройиб адирликлар билан тўсилган. Шу сабаб ҳам уч-тўрт чакиримча наридан ўтувчи катта автойўлга бу ер тузук кўринмайди. Худди кир-тепаликлар бирваракайига тик қояли тоғларга туташиб кетгандек туюлади. Сула текислигининг бўйи ўн-ўн беш, эни беш-олти чакиримча масофага узалиб кетган. Дархақиқат, бутун дашту адир тоғ-тош саратон офтобида жизғанак бўлиб ётган бир пайтда бу ерда алланечук сархуш, салқин шабада эсиб турарди. Ўт-ўланлари, юлғуну ёвшанлари ҳам ҳали буткул сарғайиб битмаган. Гўё атай экиб қўйилгандай, гуркираб тепаликни коплаб ётибди.

Заргаров ва Искандар Тўраевич Сула текислигини хийла пайт жимжит, ҳайратланиб, ҳузурланиб томоша қилишди, ора-сира бош чайқашган кўйи, ўзаро кўз уриштириб сўзсиз макташган ҳам бўлишди.

– Ҳув, анови бўлса керак, Амиркул қурдирган уй, – деди Заргаров текисликнинг тоғ ён бағрига туташ жойига ишора қилиб.

Чиндан ҳам, ўша ерда тош териб курилган баланд, кенг иморат яққол кўзга ташланади. Иморат томига қопланган кўкиш тунука офтоб нурида кумушдек товланади. Лекин уй ҳали чала. Эшик, дераза ўрнилари коп-қора ўрадай очилиб ётибди. Сувокка мухтож тошдевор ғадир-будир.

– Ана, ўзи ҳам ўша ерда экан, шекилли, – деди Искандар Тўраевич кўлини кўзига соябон қилиб қараркан.

– Ҳа, ўша Амиркул. – деб тасдиқлади Заргаров, – лекин унинг бундай гердайиб, қўлларини белига тираб юрганини ҳеч кўрмаганман. Минг қўйли бой бўл-е.

– Чакирамизми?

– Давай.

Заргаров машинаси ёнига бориб, устма-уст сигнал чалди. Ҳануз иморат томон тикилиб турган Искандар Тўраевич:

– Ана, каради, – деди кўлини ҳавода тўлғаб.

– Яна чалайми?

– Йўқ, кўрди, ана, келаяпти.

Бу атрофга икки қир нарида гумбурлаб ишлаб ётган техникалар шовқин-сурони бемалол эшитилиб турарди.

– Уч-тўрт кунда бу ерга ҳам етиб келамиз. – деб қўйди Заргаров.

– Худо хоҳласа, тинчлик бўлиб турса.

– Лекин ростданам, лойиҳани тўғрилатиб катта ютукқа эришдик. Уч ҳафталик ишни уч кунда дўндириб ташлаймиз. Муддатдан илгари Чашмага чиқиб оламиз.

– Ўшанда, – деб кулимсиради Искандар Тўраевич, – мукофотнинг зўри ўзимизники.

– Айтганингиз келсин. Яхши ният ярим мол.

Шу орада Амиркул ховлиққанича етиб келди. Дўпписи кўлида. Дўппи гардишининг изи тушган сийрак соч, дўнг пешона тердан ялтирайди. Митти кўзлар Ҳадик ва ҳаяжондан бесаранжом боқади.

– Ассалому алайкум, акалар. – деди Амиркул дўпписини қайта бошига илиб, кўришмоққа қўл чўзар экан.

Заргаров истамайгина илкини узатди.

– Бу ерларда нима қилиб юрибсиз, Собирип?

– Э-э, Довудбек ака, ота-боболаримиз орзу қилган жойлар. Би-ир ният кип, уйча кургандик.

– Уйингиз йўқми? – совуққонлик билан сўради Искандар Тўраевич.

– Бо-ор...

– А, унда нега керак сизга уй?

Амиркул тиканакдек ўсган соқолларини қашлаб чайналди.

– Ният қилгандим... ўғилчага деб...

– Ўғилчага?! – ажабланиб сўради Заргаров, – қайси ўғилчага, анови бешикдагими?

– Бешикдамас... учга тўлди.

Заргаров ва Искандар Тўраевич маъноли кўз уриштириб, кулимсирашди.

– Ташвишни сал эрта бошлабсиз-да.

– Ҳа, энди... куч-қувват борида.

– Эшитяпсизми, қанақа шовқин бу? – деди Заргаров.

Амиркул юмронкозиқдек сергакланиб, теваракка бир зум кулоқ солган бўлди.

– Техникалар... темирйўлчилар ишляпти.

– Қатта?

– Ана, – Амиркул боши билан имо қилди. – Икки кир нарида.

Искандар Тўраевич қўлини жаҳл билан пахса қилди.

– Ўша шовқин-сурон, қурилиш уч кундан сўнг шўтта бўлади. Тушундингизми? Сиз уй қурган жойдан темирйўл ўтади.

Амиркул оғзини ярим очиб, бақрайганича уларга тикилиб қолди.

– Қандай... ахир... оксоқоллар Супани темирйўл четлаб ўтади дейишганди-ку?!

Заргаров ва Искандар Тўраевич ялт этиб бир-бирига юзланди: “Ростданам келишув бўлган!”

– Ҳа, энди темирйўл ҳукуматники, – деб пўнғиллади Искандар Тўраевич ортиқча тушунтириб ўтиришни истамай. – ҳеч кимдан сўраб-суриштириб юрилмайди. Хоҳлаган еридан ўтказади.

– Менга каранг, – деди Заргаров Амиркулнинг елкасига қоқиб. – Зудлик билан иморатингизни бузиб, ташийдиганингизни ташиб, олиб кетинг. Йўкса, уч кундан сўнг устига бульдозер солиб юбораман.

– Хўп... хўп-хўп.

– Хафагарчилик йўкми, – деб пўнғиллади Искандар Тўраевич, – ариза-шикоят қилиб, бошни қотириб юрмайсизми, ишқилиб.

– Йўғ-е, акалар...

Заргаров ачинганнамо бош чайқади.

– Мен билан бир оғиз маслахат қилганингизда мунча овора бўлмасдингиз.

Амиркул қўлини кўксига қўйиб, тобора ерга киргудек эшиларди.

– Айбдорман, акалар.

– А, сизга уй керак экан, ўзимга айтмайсизми, хоҳлаган ерингизга сарой қуриб берардим.

– Билмай копман... Довудбек ака, улуғ ишлар билан бандсиз, тўғриси, шундай ният бор эди, лекин сизни безовта қип, ортиқча бош оғрик бўлмайлик дедик-да.

Искандар Тўраевич энсаси қотиб, юзини тириштирди.

– Яхши, Амиркул, – деди бир пайт Заргаров Амиркулнинг елкасига дўстона қоқиб. – Ҳали ҳам кеч эмас, хафа бўлманг, кўнгилни чўқтирманг. Қишлоқда темир йўл посёлкаси қурилади, хабарингиз борми?

– Бор, Довудбек ака, бор.

– Ўша посёлкадан яхши бир уй сизга, келишдикми?

Амиркул Заргаровга беадоқ миннатдорчилик билан термиқлди.

– Раҳмат ака. Худо сизни зиёда қилсин.

– Бўпти, энди марш! Уйни бузишга киришинг.

Амиркул шарпадек сидрилиб, кўздан йўқолди.

– Тинчликми, Довудбек Якубович, – деди Искандар Тўраевич истехзо билан. – Жа-а меҳрибон бўлиб кетдингиз.

– Нега? – ажабланди Заргаров, – меҳрибончилик бурчимиз. Тушунмадим сизни?

– Анови одамнинг айтганларини унутдингизми? Базани ўмарган бу! Жиноят иши кўзгаш ўрнига.

Заргаров кулди.

– Қўйсангиз-чи ўшанинг гапларига ишондингизми?

– Нега ишонмай? Ишондим, текшириб кўриш керак хали.

– Текширамиз, текширамиз, – деди кулимсираб Заргаров. – лекин ўша одамнинг гаплари тасдиқланса ҳам... мен жиноят иши очмаган бўлардим.

– Нега?!

– Негаки, одамларни жазолаш эмас, тарбиялаш зарур. Президентимиз сиёсати ҳам худди шу одил йўл устига қурилган.

– Тўғри, – бош ирғаб тасдиқлади Искандар Тўраевич

Заргаров илҳом билан давом этди.

– Бу дашт одамлари ниҳоятда содда, авом. Нима қилаётганини ўзлари тушунишмайди. Юртимизда кечаётган улуғвор ўзгаришлар ҳали тўлалигича сингган йўқ буларга. Эскича, боқимандалик, ўзбўларчилик иллатлари ҳали буларнинг онг-фикрида мавжуд.

– Сизнинг бағрикенглигингиз билан тарбияланиб қолса, майли-ку-я, билмадим, – деди ўйчан Искандар Тўраевич.

Заргаров қатъий қўл сермади.

– Ўзгаради. Масалан, мен айнан Амиркулга ишонаман. У бизнинг яхшиликларимиздан тўғри хулоса чиқаради. Ижтимоий масъулиятни англаб етади.

– Билмадим-да, – деди кулиб Искандар Тўраевич, – ишқилиб, уйимни бузиб ташлади, деб устимиздан юко-рига ёзмаса эди.

– Ёзмайди. Яхшиликка яхшилик қайтади бу одамлардан. Фақат уларга ишониш, имкон бериш керак.

– Об-бо... Довудбек Якубович, қойилман тарбия усулингизга.

Икковлон хушхандон кулишиб, машинага ўтиришди.

XXIV

Ўша мусибат кунидан бери Дилшодбекнинг дили вайрон. Кўзларида алланечук мунг қотиб қолган. Ода-

мови. Пана-пастқам жойларда хаёл суриб ўтиради. Вақт топди дегунча кишлокдан анча наридаги, тева-раги тошқалоқ девор билан омонат ўралган қабристон томон боради. Аммо сукунат ва ғусса ҳукмрон бу ғўшага кирмайди. Патак соқол, дудук ғўрқовнинг ола қарашидан, тагин кишлокда ғўп-сўз кўпайишидан чўчийди. Шу сабаб қабристон қаршисидаги қир тепасига чиқади. Қатор-қатор дўппайган, устларига мрамртош кумуштус ярим ой шакллари ўрнатилган, тевараги пан-жаралар билан ўралган мазорлар, шохларига сон-са-ноқсиз оқ латталар боғланган икки туп чинор бу ердан яққол кўринади.

Мана, ҳозир ҳам ғадир-будир тош устига чўнқайиб, бошларини чангаллаб ўтирибди. Назарида кўм-кўк ос-мон бутун борлик узра ўрнатилган кўм-кўк макбарадай туюлади. Теваракни қуршаган тепаликлар, сайхонлик-лар, кесилган каллаларга, нимта-нимта лошларга, ўй-илган кўзларга ўхшайди. Бутун борлик сап-сарик, тап-тақир.

Дилшодбек беадок изтироблар оғушида. У Гулсаҳарнинг ўлимида ўзини мутлоқ айбдор санайди. Бирок айби айнан нимада эканлигини тўла-тўқис англаб етолмайди. Балки бу қиз билан ҳеч қачон учрашмасли-ги керак бўлгандир? Ё аҳду паймон қилиб, қуюқ ваъдалар бериб хатоликка йўл қўйдими? Ахир, нима қил-син? Дилшодбек ҳам ҳамма-ҳаммаси яхши бўлишини, Гулсаҳар иккиси чинакам бахтга эришишини истаган эди-ку?! У айниқса дўстларига қаттиқ ишонган эди. Ҳеч курса, кизикчилик учун ҳам совчиликка боришади деган умидда эди. Афсус... Ҳамма ўйлаганлари сароб-га дўнди. Балки ўша куни бекор ўзи бордими? Аюбхон эшоннинг қаҳру ғазабдан қорайиб кетганини кўрди-ку. Балки бу жоҳил калондимоғ киши, Дилшодбек кет-гандан сўнг қизини қаттиқ хафа қилгандир. Гулсаҳар ур-калтак, ҳақоратга чидаёлмай... ўша захар-заққумни ютгандир?

Дилшодбек туйкус хўнграб йиглаб юборди. Гулсаҳарнинг маъюс, ўпка-гинали термилиб туриши кўз ўнгида жонланди. Ўпкаси тўлиб, димоғлари ачишиб кўзларига ёш қуйилиб келди. Қуйилиб келдию беихтиёр хўнграб юборди.

“Кечир мени Гулсаҳар, кечир. Кечиролсанг, кечир. Сени эҳтиёт қилолмадим. Маъюс кўзларингнинг ёшини артиб қўёлмадим Гулсаҳар, сенинг тиниқ, нафосат тўла чехрангга кулгулар ярашарди. Сен кулганингда еру кўк яшнаб кетарди. Нега мени ташлаб кетдинг, гулим, фариштам?! Қандай журъат этдинг мангу айрилиққа? Гулсаҳар, ҳамма-ҳаммаси олдинда эди-ку. Сени олам-олам бахт, севги, қувонч кутиб турганди-ку? Кимларга ташлаб кетдинг гулгун келажакни?! Менгами? Дўстларимгами? Тўкин турмушдан зериккан, муҳаббат, висол жонига теккан ойимтиллаларгами? Гулсаҳар, қисиниб-кимтиниб, сўзсиз ўртаниб кимларга йўл бердинг? Яна кимларнинг қорига ярадинг? Гулсаҳар тиниқ тонгларга тараниб, нозланиб термилиш сенинг ҳам ҳақинг эди-ку?! Ой, юлдузлар билан сирлашиб, бешик-беланчакка бағир бериб аллалар айтиш, ширин орзулар оғушида энтикишга сен муносиб эдинг-ку?! Биз номуносиб каслар сени шугина қувончлардан ҳам айирдикми? Энди қандай бош кўтариб юраман, Гулсаҳар! Бундай оғир гуноҳимни нетай юваман? Кўз ёшларим ювиб тозалай билармикан? Гулсаҳар, гулим, бокирам, кечиролсанг кечир мени...”

Дилшодбек юз-кўзларини артиб, чуқур-чуқур хўрсиниб олди. Андак енгил тортгандай бўлди. Кўкиш, хира парда ичра чулғаниб ётган баланд тоғлар томонидан эсаётган эпкинга юз тутди, энтикиб-энтикиб нафас олди.

Шу пайт қир этагида имлаб, алланелар деб ётган Алибекка кўзи тушди. Бир зум унга хомуш паришон тикилиб турди.

– Эй, Дилшод! Кар-пар бўлиб қолганмисиз? – ниҳоят Алибекнинг бакир-чақири унга ғира-шира етиб келди. – Пастга тушинг. Сизни Искандар ака излаб юрибди. Искандар Тўраевич!

Дилшодбек оҳиста сирғала-сирғала, тиззаларига таяна-таяна пастга тушди.

Алибек уни анча излаб овора бўлган шекилли юз-кўзлари тўла иддао, жahl. Аммо у дўстининг йиғидан қизаринқираган кўзларига, суяклари бўртиқ, ғуссага чулганган юзларига термилиб анча ҳовиридан тушди.

– Дилшодбек, тез бораркансиз, сизни раҳбарлар сўрашяпти, Искандар Тўраевич!

– Тинчликми? – истар-истамас пўнғиллади Дилшодбек.

– Ия, хали хабарингиз йўқми? Бутун темирйўлчилар эшитиб... сизни табриклашга шай турибди-ку?

Дилшодбек дўстига саволчан тикилди.

– Тушунмадим. Нега... табриклашади?

– Сиз Японияга кетаркансиз-ку! – дея қувноқ қийкириб юборди Алибек, дўстининг елкасига қўл ташлаб. – Хужжатларингиз тахт экан. Эртага жўнаркансиз. Бир йиллик ўқишми, тажриба алмашишми, хуллас, шунака экан.

Дилшодбек индамай бетиним жавраётган Алибекка эргашди. Эргашди-ю лекин бош буриб ортига қаради. Назарида, елвагай ташланган рўмоли шамолда ҳилпираб, Гулсахар изидан кулимсираганича қараб тургандай бўлди. Дилшодбек юраги гурс-гурс урган куйи, кўзларини йириб-йириб тикилди. Аммо қиз ғойиб бўлди. Дилшодбекнинг кўз ўнгида улкан чинор шоҳидаги бир парча оппоқ мато оҳиста қимирлаб турар эди.

XXV

Аюбхон эшон гурс-гурс кадамлар билан вагон-кабинетга кирди. Бошида қалампир гулли дўппи, эгнида

хаворанг енгил яктак. Қалин қошу мўйловлари ўқталган қиличдай диккайган. Кўзларида ўша-ўша кўрғошиндай қаттиқ нигоҳ.

– Чақиртирган экансиз, раис бова, – деди у Заргаровга, енгил салом-аликдан сўнг.

Довудбек Якубович мулозамат билан стулга ишора қилди.

– Марҳамат, ўтиринг, ака. Узр, сизни безовта қилдим.

Аюбхон эшон истамайгина ўтирди-да, қўлларини стол устида қовуштирди.

– Бир масала бўйича сизни сўратгандим, – деди Заргаров стол устидаги қоғоз тахламига тикилиб. – Бошингизга оғир мусибат...

– Тақдир-да, – деди Аюбхон эшон, дабдурустдан гапни бўлиб, – кизгина бесабрлик қилиб қўйди-да. А, аттанг.

Довудбек Якубович Аюбхон эшонга зимдан кўз ташларкан, унинг жиддий, қахрли юзида на қайғу на надомат аломатларини пайқади.

– Кўнгил ярангизни яна тирнаётганим учун кечирасиз, Аюбхон ака, эшон бова. Биз ўзимиз, кейин кишлок оқсоқоллари билан келишиб, бир хайрли иш қилмоқчи бўляпмиз. Шунга сиз нима дейсиз деб...

– Хўш? Билсак бўладими?

– Шу кишлокқа қуриладиган темир йўл бекатини марҳум қизингиз номи билан атасак... “Гулсаҳар” бека-ти. Шу... бевақт кетган қизимизнинг руҳи шод бўлар деган умидда...

Аюбхон эшоннинг бақувват, жундор бармоқлари стол устини қоплон панжаларидек асабий тирноқлай бошлади.

– Энди-и, гап бундай, – деди у стол суянчиғини ғижирлатиб. – Гулсаҳар биров-ярим билан қочиб-почиб кетганида, ё бузуқ-музук йўлга юрганида, майли, у сизларники бўларди. Нима қилсаларингиз, ихтиёрингиз

дердик. Лекин қизим париштадай покиза кетди... Раис бова... илтимос, бизни тинч қўйинг. Гулсаҳар менинг қизим, ҳар ерда отини сақичдай чайнаманглар.

Аюбхон эшон стулни тақирлатиб ўрнидан турди. Заргаров ҳам беихтиёр ўрнидан қўзғалди.

– Кечирасиз, – деди у аранг, – узр, безовта қилдим.

– Ҳечкиси йўк.

Аюбхон эшон тагин гурс-гурс юриб вагон-кабинетдан чиқиб кетди.

Довудбек Якубович сигарет тутатди.

“Жуда ғалати одам. Тушуниш қийин, – деб ўйлади у оғзидан ҳалқа-ҳалқа чиқаётган дудга ҳаёлчан термилиб. – Яхши, ҳали яна гаплашиб кўрамиз. Ҳозир қулоғига гап кирмайди. Ўзини бардам кўрсатгани билан ичи тутдек тўкилиб турибди. Кейинроқ бафуржа гаплашамиз. Менимча кўниши керак...”

Заргаров ўз фикрини ўзи бош ирғаб тасдиқлаган куйи у ён-бу ён юринди. Сўнг вагон-кабинет деразасидан ташқарига ўйчан кўз ташлади. Кўз ташлади-ю ҳалигина хира тортиб турган кўнгли туйкус ёришиб кетди: “Ух, ажойиб-ку?!”

Қишлоқни қоқ ёриб ўтган темир йўл устида жажжи болакай пилдирабгина дорбозчасига юрар, узун сарғиш кўйлакли аёл қўлчаларидан тутиб охиста етаклар эди! Уларнинг ёнида дўпписини бостириб кийган, бобо мерос чўкичини елкасига қўйиб олган Амиркул завкшавкка тўлиб турибди.

Заргаров кулимсираб эшик томон йўналди. Аммо улгурмади. Эшик шитоб очилиб, шашт билан ичкарига Исқандар Тўраевич кирди.

– Ўх-ў, кайфиятлар зўр-ку, – деди у, ўз бошига кулаётган Заргаровга яқинлашиб.

– Исқандар Тўраевич, бу ёкка келинг, – деди Довудбек Якубович боладай ирғишлаб, – ановиларни қаранг.

Исқандар Тўраевич ажабсиниб вагон-кабинет деразасига яқин борди.

– Ана, каранг, кўраяпсизми?

– Кўраяпман. Болакайни онаси ўйнатяпти. Дадаси шекилли биров қараб турибди. Ну... что?

– Ўша дадасини танидингизми?

– А, Ха-а, халиги... Супада уй куриб қўйган Амиркул-ку.

– Ўша, – деди Заргаров дўстига ғолибона тикилиб-кўрдингизми, тарбиявий ёндошишнинг аҳамиятини кўрдингизми?

Искандар Тўраевич баттар ажабсинди.

– Қанақа тарбия? Нимани кўришим керак? Умуман, нега қувоняпсиз, Довудбек Якубович, ҳеч балони тушунмадим.

– Амиркулнинг қўлидаги асбобни кўрдингизми?

Искандар Тўраевич тагин деразадан синчков-синчков тикилди.

– Чўкич шекилли...

– Ух, яшанг, ростданам чўкич. Между прочим бобосидан қолган.

– Хўп, шунга нима?

– Амиркул сиз ўйлагандай аризабозлик қилиб юрмади. Хатосини тўғри англаб, биздан иш сўрагани келган!

Искандар Тўраевич қуюқ сочларини бармоқлари билан асабий тароқлади.

– У кўчма база қоровули эди-ку? Ё бўшатиб юборганмисиз?

– Йўқ, – деди Довудбек Якубович завқ билан кулиб, – ҳар хил бўлмагур мишмишлардан безор бўлган. Энди ўзини ҳақиқий қора меҳнатда кўрсатмоқчи. Чинакамига темирйўл қурмоқчи.

Искандар Тўраевич истехзоли илжайди.

– Бу ерда туриб жа-а ортиқча башорат қилиб юбормадингизми? Юринг-чи, аввал бориб билайлик.

– Юринг,

Улар отилиб вагон-кабинетдан чиқишди. Чиқишди-ю юзларига жазира ҳовури, гулдурос солиб ўтиб

қолган юк машина ортидан кўтарилган чанг-ғубор урилди.

– Чақирайми? – деб сўради Заргаров.

Искандар Тўраевич қўл силтади.

– Йў-ўқ, секин борайлик-чи.

Аммо беш-олти кадам юришмасидан, Амиркул уларни кўриб қолди-ю, шоша-пиша пешвоз юрди. Хотини хануз темир йўл устида пилдираб юрган болакай билан андармон эди.

– Ассалому алайкум, – Амиркул қўлидаги чўкични оёқлари орасига олиб, раҳбарлар билан қўшқўллаб кўришишга чоғланди.

– Ва алайкум, – деди Довудбек Якубович жўрттага ковоқ осиб. Сўнг асбобга ишора қилди. – Бу нима?

– Чўкич, – деб ғудранди Амиркул хадиксираб.

Искандар Тўраевич азбаройи кизикқанидан, сипо-гарчиликни ҳам унутиб, ховликканича асбобни қўлига олди.

– Зўр-ку?! Ростдан ҳам қадимий экан. Ана, клеймолари ҳам турибди! Қойил.

Амиркул ял-ял яшнаб қувонди.

– Бобомдан қолган. Довудбек акам биладилар, у кишига айтганман.

– А, буни нега кўтариб юрибсиз? – сўради Искандар Тўраевич, – сотасизми?

Амиркул шоша-пиша бош чайқади.

– Йў-ў, сотмайман, – сўнг туйқус Заргаровга зорла-ниб термилди. – Довудбек ака, қурилишда ишламоқчиман. Тер тўкиб, айбимни ювмоқчиман, илтимос, йўқ деманг, ака.

Довудбек Якубович аввал Искандар Тўраевичга ғолибона кўз югуртирди, сўнг Амиркулнинг елкасига қўл ташлади.

– Албатта, сизга иш бўлади, Амиркул. Темирийўлни биргаллашиб қурмасак, ким четдан келиб қуриб беради.

Амиркул бир Довудбек Якубовичга, бир Искандар Тўраевичга чексиз миннатдорчилик билан термилди.

– Раҳмат, акалар.

– Аммо-лекин бу, – деди Искандар Тўраевич, асбобга ишора қилиб, – чўкични уйга олиб бориб қўйинг. Ҳозир у билан битадиган иш қолмаган.

– Кудратли техникаларимиз бор, – дея гапга аралашди Заргаров болаларча завқ билан.

Амиркул кўлини кўксига қўйди.

– Хўп, акалар, хўп.

– Аслида мен бошқа нарсадан хурсандман, – деди Довудбек Якубович, темирйўл устидаги она-болага кўз ташлаб.

Искандар Тўраевич Заргаровга савол назари билан қаради. Амиркул ҳам анграйиб унинг оғзига термилди.

Довудбек Якубович ҳануз рельс устида довдир-довдир одимлаётган болакайга ишора қилди.

– Бугун хузуримизга темирйўлнинг ҳақиқий эгаси келибди!

– Рост, – деди Искандар Тўраевич кулимсираб, – келажак йўли, келажак эгалариники.

Амиркул хокисорона жилмайди. Сўнг офтоб нурида тигдай ялтираётган темир йўл устида пилдираб одимлаётган боласига тикилиб қолди.

Адиб соғинган манзил-маъволар

Мана, ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг “Титраётган тоғ” романи ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Роман воқеалари Тошғуздор-Бойсун-Қумқурғон темир йўлининг “Қипчоқ”, «Жувонбел», «Супа», «Чашма» овулларида – Қашқадарёнинг Ғуздор тумани ва Сурхондарё вилояти, шунингдек Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Роман ижтимоий-маиший мавзуда битилган. Унда ёзувчи Истиқлол йилларида сокин ва овлоқ худуд – Қипчоқ

овулига кириб келаётган янгича хаёт таъсирида содда ва авом халқ онгининг уйғониши, йўлсозларнинг иш ва турмуш шароити, маънавий-ахлоқий қиёфаси ҳақида хикоя қилади.

“Титраётган тоғ” романини ифодалаган марказий муаммоларига кўра шартли равишда бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган иккита йўналишга ажратиб ўрганиш мумкин. Бу тармоқлар маърифатли эл тақдири масаласида умумлашади, яхлитлик касб этади.

1. Ижтимоий-сиёсий марказ.

2. Маънавий-ахлоқий марказ.

“Титраётган тоғ” романига академик шоир Ғафур Ғулом XX асрнинг 30-йилларида “Турксиб йўлларида” шеъридаги: “Бу йўллар кўп қадим йўллардир” мисралари эпиграф сифатида танланган. Бу тасодиф эмас. Ғафур Ғулом Туркистон – Сибир темир йўли қурилишида бўлиб, темир йўл баҳонасида халқимизнинг узок тарихи ва сиёсий-иқтисодий ҳаётидаги катта бурилишни “Турксиб йўлларида” шеърида бадий акс эттирган бўлса, Луқмон Бўрихон ҳам темир йўл қурилишининг қайноқ иш жараёнларида бўлиб, ишчилар ҳаёти билан яқиндан танишади ва мазкур романини ёзди. Ғафур Ғулом қурилишнинг ижтимоий моҳиятини очишда даврларни ўзаро таққослаш усулидан фойдаланар экан, бир қадар жўн йўлдан боришга мажбур бўлган эди. У ўз замондошларининг кучи, яратувчилик қудратини улуғлади. Айни пайтда ўтмишнинг барча ҳукмдорлари ва уларнинг мафкураларини инкор этиш орқали замонани тасдиқлади. Шубҳасиз, мафкура яккахоқимлиги даврида шоирнинг ўзгача йўл тутиши учун имкониятлар чекланган эди. Шунга қарамасдан, Ғафур Ғулом идрокидаги ижтимоийлашув ўлкамизнинг тарихи, буғуни ва келажагини бадий ифода этишга тўсиқ бўла олмаган. Орадан етмиш етти йил ўтиб яратилган “Титраётган тоғ” романида ҳам Луқмон Бўрихон тафаккур услубида ижтимоийлик етакчилик қилади. Бу ҳол мил-

лий истиклол даврининг умумий кайфиятига ҳамоҳанг тарзда юзага чиқади.

Демак, Ғ.Ғулом ва Л.Бўрихон асарлари тафаккур услуби нуқтаи назаридан бир-бирига яқин туради.

Бадий ижод аҳли ўзи ҳаётда кўрган, кузатган, ёхуд шахсан иштирок этган, чуқур ҳис этган воқеа-ҳодисаларга асосланади. Яъни воқеликдан олинган ахборот, кечинма ва тасаввурлар асосида ижодий тамойилларини такомиллаштириб боради. Романда Лукмон Бўрихон ижтимоий тараққиёт тамойилларини бадий умумлаштириш ва ҳаётга фаол муносабатда бўлишга ҳаракат қилувчи ёзувчи сифатида намоён бўлади. Бу ҳол мардлик, бунёдкорлик, меҳнатга янгича муносабат, қаҳрамонларни қайноқ ҳаёт қучоғида тасвирлашга интилиш каби ўринларда кузатилади. У яратган Довудбек Якубович Заргаров, Искандар Тўраевич Одилов сингари қаҳрамонлар ўзгартувчилик, яратувчиликни ўз фаолиятларининг асоси, олийжаноб мақсадлари, деб биладилар. Янги қурилишни инсоннинг ҳаётини янада яхшиловчи, уни тараққий эттирувчи, юксак маънавий сифатларни камол топтирувчи восита ҳисоблайдилар. Темирйўл қурилишининг «уволи ҳам, савоби ҳам, бўйнида» бўлган масъул ходими Довудбек Заргаров, темир йўл Компаниясининг масъул кишиси Искандар Одилов каби раҳбарлар ўз гражданлик бурчи ва раҳбарлик масъулиятини чуқур ҳис қилиб яшашади.

Ҳукуматнинг масъул кузатувчиси бўлган Довудбек катъиятли, серғайрат, катта ҳаётий тажрибага эга ходим. Довудбек аканинг табиатида дангаллик, чўрткесарлик, пича кўрслик, андак сиполик мавжуд бўлса-да, у ҳамиша халққа қайишади. Ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишга бутун билими ва тажрибаси, салоҳият ва катъиятини сафарбар эта олади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини астойдил ҳимоя қила билади. Мавжуд муаммо ва камчиликларнинг сабаб ва илдизларини кидириб топиш ва бартараф қилиш йўлларини

излайди. Давлат аҳамиятига молик улкан ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг мақсад-моҳиятини одамлар қалбига етказиш ҳақида астойдил куйи-нади. Қисқаси у бугун имкониятларини жонажон ери-мизнинг гуллаб-яшнаши учун сарфлашга, ислохотлар ижодкори бўлган халқ билан ҳар қадамда ҳамнафас бў-лишга тайёр. Билимли ва истеъдодли ёшларнинг раҳна-моси, ташаббускорлик ва изланувчанликнинг, кадрлар ўсиб-улғайишининг, маънавий муҳит соғломлигининг ҳимоячиси сифатида намоён бўлади.

Демак, ёзувчи халқимиз турмушининг бугунги ўй-лари, умид ва интилишлари орқали бадиий асарнинг ижтимоий салмоғини, тарбиявий таъсирини ҳам ортти-ришга уринган.

Ижодкорнинг жамият олдидаги бурчини англаш, халқ ҳаётидаги улкан ўзгаришларга эстетик муносабат билдиришда романнинг қайсидир жиҳатлари Абдулла Қаххорнинг “Синчалак”, Шароф Рашидовнинг “Бўрон-дан кучли”, Асқад Мухторнинг “Бўронларда бордек ҳаловат”, “Туғилиш”, Пиримкул Қодировнинг “Уч илдиз” сингари қисса ва романларига менгзаб кетади. Айниқса, Асқад Мухторнинг “Бўронларда бордек ҳа-ловат” қиссасига ўхшаш жиҳатларни кузатиш мумкин бўлади.

Насримиз анъаналарига назар ташлар эканмиз, янги романга ҳамоҳанг кўплаб параллелликларни ку-затиш мумкин бўлади. Жумладан, Абдулла Қодирий ҳам “мусулмонобод” аталмиш юртда ўзаро аҳиллик барқарор бўлиши, эр-хотиннинг таъби бир-бирига мос бўлишини тилаган эди. Ёхуд кўп қатори жайдари одам бўлса-да, Алпомишу Гўрўғлидан, Равшанхону Аваз-хондан тортиб она Сайғоқлар тарихигача куйлайдиган Зокир булбул (Ш.Бўтаев “Қўрғонланган ой”) “Титра-ётган тоғ” романидаги Нурбой бахшини эсга солади. Ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад “Бозор” романида Вон Су ти-лидан: “Энди туғиш пайти етди...асл одамлар керак!”, –

деган сўзларни битганлигини эсласак, Лукмоннинг Алпомишларни соғиниши ҳам бежиз эмаслиги англашилади. Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” киссасидаги Қоплон ва Оймомонинг фарзанд илинжидаги ўртанишлари кайсидир жиҳатлари билан Лукмонхоннинг Амирқул ва Зарбибиси тақдирини эсга солади. Т.Рустамнинг “Капалаклар ўйини” романида биқик мухитдан ўз дунёсига бош олиб чиқиб кетишни тилаган Бадал Армони интилишларини Гулсаҳар кўнглининг талпинишларига қиёслаш мумкин.

“Шум бола” киссасида академик Ғ.Ғулом Омоннинг поездга миниб узоқ-узоқларга кетиб қолгиси келганлигидан сўзлаганлигини кўпчилигимиз яхши биламиз. Шунга ўхшаш ҳолатни битган Т. Мурод “Отамдан қолган далалар” романида Зиёд Чўлибоев тилидан “Директор қўл кўтарса-да самолётимга мингизмайман”, – деган сатрларни битади. Худди шундай Лукмоннинг Жадгари ҳам поездга миниб қочиб кетишни ҳавас қилади. Булар шунчаки тасодифлар эмас албатта. Инсон қалбини тушунишда, қаҳрамон руҳиятини ифодалашда ёзувчи маҳоратининг сайқал топиб, насримизнинг умумтўлқинига ҳамоҳанглашиб бораётганлигини тасдиқловчи белгилар ҳамдир.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, давримиз қаламкашлари тафаккур тарзида ўзига хос силжиш содир бўлган. Буни адабиётимизнинг ўтмишидаги намуналари, хусусан Ғафур Ғуломдай улуғ санъаткор билан ҳам тенглаштириш мумкин эмас. Илло, Ватаннинг ардоқланиши, унинг чинакам озод юрт сифатида англаниши бадий тафаккурнинг тамомила янги босқичини ташкил этади. Истиклол даврининг интилишлари билан қалам аҳлининг кўнгил призмаси ва оламини бадий идрок этиш услуби ўртасида ўзаро пайвасталикнинг юзага келиши ифода тарзида ҳам ижтимоийликни келтириб чиқармоқдаки, бу илгари кўрилмаган янгиликдир. Шу боис ҳам “Титраётган тоғ” романида тарих,

бугун ва келажак муайян мафкура талаблари асосида эмас, балки миллий манфаатлар нуқтаи назаридан уйғунлашган.

Муҳими, бундай жихатлар адиб ижодига ўз тасавурлар олами ва эстетик идеали тақозоси, объектив олам воқеа-ходисаларидан таъсирланишига кўра кўчиб ўтган. Луқмон Бўрихон фалсафий-эстетик концепциясида инсонни ижтимоий воқелик, халқ ҳаёти, давр таракқиёти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш кузатилади. Ёзувчи қаҳрамон характерини эпик кўламдорликда, теран психологизм асосида ижтимоий муҳит муаммолари билан уйғунликда кашф этади. Ижтимоий воқелик инсон маънавий-руҳий олами, фикрлаш тарзини ўзгартираётгани миллат психологияси учун характерли хусусият эканлиги боис адиб ҳаётий жараёнларнинг ўзинигина кўрсатиш билан чекланмай, тафаккур даражаси ўзгаришга юз тутган жамиятнинг руҳиятини, тобора теранлашиб бораётган халқ интеллектуал дунёсини кўрсатишга уринади.

Шу маънода “Титраётган тоғ” романида қаламга олинган Довудбек Якубович Заргаров, Искандар Тўраевич сингари замондошларимиз образини интеллектуал шахслар санаш мумкин. Зеро, Довудбек Заргаров нафақат ўз табиатидаги жиддият боис, балки иш одами эканлигидан ҳам ҳордиқ пайтларида-да ана шу иш муаммолари ҳақида бош котиради. Бу машғулотдан у ўзини дам олгандай сезади. Фикри тиниклашиб, руҳи тетиклашганлигини ҳис этади. Оддий темирйўлчи оиласида тугилган ва болалиқдан ота меҳрига зор, қатъиятли, чўрткесар бўлиб ўсган Довудбекни ҳаётга ана шу иш боғлаб туради.

Мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий бутунлигини орзулаган Довудбек Заргаров табиатан машина орқасида талтайиб ўтирадиган раҳбарлар сирасига кирмайди. Лоқайд тўралардан нафратланади. Шинам кабинетларда ўтириб кўрсатма-уктирма қилувчи раҳбарлардан эса

энсаси қотади. У ўзига ҳайдовчи олишни-да давлатнинг газнаси учун ортикча харажат деб ҳисоблайди. Коржом кийиб, лозим бўлса қора мойга ботиб қурилиш майдонлари оралаб юришдан уялмайди. Ҳар бир сой, ҳар бир ўнгир унга кадрдон. Қиру адирларни ёриб ўтиб, олис-олисларга узалиб кетган темир йўл изларига боқар экан, қоялардек бир-бирига елка тираб меҳнат қилган инсонлар каторида ўзининг ҳам борлиги, меҳнатлари самараси кўзни қувонтиришидан тўлқинланади, ифтихор туяди. Парча нонини ҳалол топиб еётганидан кўнгли таскин ва ором олади.

Чунки у юксак юрт туйғуси, бунёдкорлик ҳисси билан яшаб, қийинчиликларни сабр-тоқат билан енгади. Унинг маънавий етуклиги ҳам ана шу фидокорликда, раҳбарлик салоҳиятида намоён бўлади. Ёзувчи нафақат амалга оширилаётган улкан ишлар, балки бунёдкор одамларнинг ҳам буюклигини кўрсатади. Буни адиб романнинг эпизодик қаҳрамонлари Қирғизистонлик кўприксоз муҳандис Талат Жусуповнинг мамлакатимиздаги мустаҳкам сиёсий барқарорлик ва кадрларга эътибор катталиги ҳақидаги ёхуд Япониялик меҳмон Йосиронинг ҳақли эътирофлари орқали ҳам тасдиқлайди. Ўзбек ишчисининг бетама фидойилиги, ишбилармонлиги, маҳоратига ҳатто хорижликлар ҳам ҳайрат назари билан боқишади.

Демак, романнинг ижтимоий-сиёсий марказида замондошимиз қалбини даврнинг уриб турган юраги билан вобасталикда тадқиқ этиш етакчилик қилади.

Икки вилоят марказини бир-бирига боғловчи узунлиги 300 километрга яқин “Аср қурилиши” номини олган Тошғузур – Бойсун – Қумкўрғон темирйўли одамларнинг узоғини яқин, мушкулени осон, оғирини енгил қилувчи, минтақада туб ижобий ўзгаришлар ясаб, обод ва кўркем аҳоли манзиллари, кўплаб ишчи ўринларига эга бўлган янги корхоналар бунёд этилаётган шиддатли яратувчанлик, халқнинг азму шижоати намунаси си-

фатида ифода этилади. Ёзувчи давлат миқёсида олиб борилаётган ислохотларга хайрихоҳ, мустаҳкам иродали, жасоратли, қатъиятли, фидойи одамлар: Довудбек, Искандар, Сайфулло, Дилшодбек, Шожалол, Алибек, Икромиддин кабиларнинг индивидуал образларини чизади. Тош йўниб бунёд этиш отамерос бўлган халқ вакиллари образлари чин фуқаролик виждонларининг уйғониш даражасига кўра бир-бирларидан фарқланадилар.

Шубҳасиз, қишлоқ қавми улуғвор ишларнинг туб моҳиятини осонгина тушунишмайди. Бирок ўз қишлоғида ҳам оиласи ва рўзгорини тебратиш имкони топилганидан мамнун бўлган одамлар аста-секин мамлакат миқёсида фикрловчи кишиларга айлана боришади. Чунки элнинг зорини эшитадиган давлат ва ҳукуматнинг одамларга бўлган ишончи уларга маънавий-рухий мадад бўлади, фуқаролик виждонини уйғотади. Ҳамиша дунё халқларининг қорига яраб келган, меҳмондўст, меҳнатсевар халқи “Буюк ипак йўли” бўйлаб юзлаб қарвонсарой ва рабоблар қурган матонатли элнинг темирйўл орқали жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, фуқароларини ёт элларда тирикчилик илинжида сарсон кезишдан халос этиши, тақдирига ғамхўрлик қилиши содда ишчи Ўрол Шерматов кабиларнинг ҳам дунёқарашида кескин бурилишлар ясайди.

Узоқ тоғ қишлоқларига темир йўлнинг кириб бориши нафақат ишсизлик муаммосининг ҳал бўлиши, балки мактаб ва маорифни, яшаш тарзини ҳам янгилай бошлайди. Замонавий тараққиётдан муайян даражада ортда қолишган бўлишса-да содда, юввош, хокисор одамлар улкан ўзгаришларга катта умид назари билан боқишади. Овлоқ овуллар ўрнида замонавий шаҳарча бунёд этишда бутун халқ ўзининг фуқаролик бурчига садоқат билан ёндашиб, фидокорлик кўрсатишади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг деярли ҳар бир йиғинда: «Биз амалга ошираётган дастурлар ва чора-

тадбирлар аввало инсон манфаатларини таъминлашга каратилиши зарур», – дея бот-бот такрорлайдиган сўзлари “Титраётган тоғ” романининг етакчи концепциясини ташкил қилади. Темирийўл қурилиши жараёнида ижтимоий аҳволни янада яхшилаш, тўпланиб қолган муаммоларни ўз вақтида оқилона ечишда жамоатчиликни ўз атрофида бирлаштиришда катъият ва талабчанлик мавжуд бўлса-да, ахлокий муаммоларга етарлича эътибор берилмайди. Маънавий муҳитни яхшилаш имконларидан етарлича фойдаланилмайди. Муаллиф ёшларнинг муаммолари билан ўз вақтида қизиқмаслик, очиқ мулоқотлар орқали юрагига етиб бора олмаслик, уларнинг турмуш тарзи ва истиқболи ҳақидаги масалаларда лоқайдликка берилиш сингари кайфиятнинг фожияли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатади.

Шу маънода роман нафақат бугунги ҳаётнинг: ер усти ва ер ости бойликларидан самарали фойдаланиш, саноат корхоналарини ривожлантириш, коммуникация тармоқларини кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш, хорижий ҳамкорлар билан тажриба алмашиш, меҳнат қилишга иштиёқи бўлган одамларни иш ва доимий даромад манбалари билан таъминлаш, ортиқча ишчи кучини меҳнат билан банд қилиш муаммолари, балки истиқболдаги ҳаракатларимиз самарадорлигини ошириш хусусида ҳам битилган дейиш мумкин.

Довудбек Заргаров ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудий дастурини амалга оширар экан, ҳукуматнинг, жамиятнинг маънавий кучини тоғу тошларни ёриб ўтган темирийўлда кўради. Искандар Одилов ҳам худди шу типдаги раҳбарлар сирасига киради. Тарбия услубида қаттиққўллик тарафдори эканлиги билан ундан биров фарқланади. Бу раҳбарлар русча ўқиб, шўроча тарбияланганлиги учун бўлса керак, халқдан, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва оддий

одамларнинг тилию дили, дарду ташвишларидан бир қадар йироқроқ туришади. Уларни теранроқ тушунишда муайян даражада оқсашади.

Демак, «Титраётган тоғ» романи муаллифи бизни айрим эскирган тушунча ва қарашларни яна бир бор қайта кўриб чиқишга қуюнчаклик билан даъват этади. Жамият ахлоқи билан инсоннинг кўнгил интилишларини контраст ҳолда чизади. Ижтимоий интилишларга маҳлиё бўлиб, кўнгил талпинишларини қадрламаслик мумкин эмаслигини уқтиради. Илло ўзгаришларга юз тутаётган замоннинг ўзи дунёқараш ва ҳаётга муносабатимизни янгилаш, қараш ҳамда ёндошувимизни ўзгартиришни талаб этмоқда. Англашиладики, мазкур роман эл-юрт ташвиши билан яшамоқ, аслида одамларнинг орзу-интилишларига қанот беришдан иборат бўлмоғи лозимлиги, кичик оиладан тортиб, бутун бошли жамиятгача бўлган жараёнларни бошқариш, ташкилотчилик юмушларининг савияси ва самараси, бир сўз билан айтганда, маърифатли эл тақдири ҳақидадир.

Бинобарин, роман китобхонни ишни ташкил қилиш услубларини танқидий баҳолашга ҳам ундайди.

Романда ёзувчининг поэтик маҳорати ёрқин намоён бўлади. У ажиб тоғ чечакларига хос тароват ва ифорни, тоғ тонгларига хос тиникликни, тоғ қизлари табассумидаги ўзига хос майинликни, маҳзунликни, адирлардаги майсаларнинг силкинишидан тортиб кўй-кўзилар маърашигача бўлган ҳолатларни поэтик маҳорат билан манзаралантира олади. Айниқса, бир-бирига суйқаниб, эшилиб, мастона чайқалган «майсалар» – ошиқ ва маъшуканинг, мураккабгуллиларга мансуб кўп йиллик ўсимлик –“ёвшан”нинг куз шамоллари, киш қору бўронлари бир қадар сўлдириб, қовжиратган бўлса-да, бақувват илдизларидан янги майсалар ундириб, ҳаётга мағрур ва масрур бокиши – ҳаётсеварликнинг, отамарос «чўкич» авайлаб-асраниши, бегонага сотилмаслиги эса – кадрли, муқаддас кадрийатларимиз абадийлиги-

нинг рамзлари даражасига кўтарилади.

Бундай рамзлар секин-аста қаҳрамонлар тақдирига кўчади. Масалан, дардчил ва маҳзун кўнгил соҳибаси – “қарикиз” Гулсаҳарнинг калби ажиб ва тотли ҳис-туйғуларга лиммо-лим. Унинг ўтли нигоҳларида бир олам орзуларнинг излари жилваланади, гўзал нигоҳлари ва ширин табассуми кишини мафтун этади. Қизнинг гоҳ маъюс, гоҳ шодон, ибосию тотли, андухли ўртанишлари баъзида яшнатгувчи «баҳор»га, шаффоф «тонг»ларга қиёсланса, баъзида “хазонрез куз” ҳамда ваҳимага тўла «тун»га ташбеҳ этилади. Бундай туйғулар қоришиқлигининг боиси ҳам қаҳрамоннинг гоҳ кўнгил одами, гоҳида эса замин фарзанди бўлиб яшашга маҳкум тақдирига вобаста.

Адибнинг ўхшатиш ва қиёслари ғоятда миллийлиги билан ажралиб туради. Жумладан: темир йўл – “таранг тортилган тасма”га, баҳайбат бульдозерлар – сўна (ўрдак)ка, бели ўпирилиб кетган тепаликлар – “букчайиб, бужмайиб шафқат сўраётган паҳлавон”га, юриш қисми сийқаланиб бўшашган “КамАЗ” – “кўпкарида лат еган от”га, иш фаолиятини йўкотаётган экскаватор – “безгак тутиб, қалтираб, мускуллари бўшашаётган полвон”га, машиналар қатновидан майинлашиб қолган тупроқ – “таннозларнинг упа-элиги”га, эгилиб қурилган маҳобатли кўприк – “Алпомишнинг ёйи”га, сап-сарик тепаликлар – “зардоби силқиган сузма халталари”га, оғир техника эзғилаган майда тупроқ – “тегирмон уни”га, уст-бошини чанг-ғубор қоплаган ишчи – “бош-оёқ ун укпарига беланган тегирмончи”га, чўмичини саранглаётган экскаватор – “қўш ўрқачли нортуюга ортилган бесўнақай сандикка”, ўпирилган қиялик – “улкан торт бўлаги”га ўхшатилади.

Луқмон Бўрихон Дилшодбек қалбида муҳаббат куртак очган ҳолат-лаҳзаларни табиат лавҳалари билан контрастликда берар экан, баҳорий тиниқлик, сабзалар ифори ҳақидаги шоирона ифодаларни топади:

“Авжи баҳор. Осмон йиғлаб тиникқан гўдак кўзларидай топ-тоза. Қир-тепаликлар яғир елкасини яшил тўн тагига яширишга уриниб колган. Куёшнинг майин зарзар нурларига чулғанишиб самода кушлар чарх уради. Еру кўкда намчил тупрок иси, сабза ураётган чечаклар ифори анқийди...Кунгай ерларда барк уриб колган майсалар мастона-мастона чайкалади, бири-бирига суйкалиб, эшила-тўлғонади.”

Дилшодбек вахтадан уйига кайтиб, хотин, бола-чакаси даврасида юрган кезларида ҳам қизнинг маънос кўзлари, иболи табассумлари уни таъкиб этиб келганлигини ҳис этиб яшайди. Гулсахарни учратолмаган кезларида. бу бир рўёмикан, деган шубҳа-гумонлар гирдобиди коврилади. Қизни учратган кунлари эса баҳорий ўртанишлардан рухланиб, ҳар қачонгидан ҳам серғайрат ва хушчақчақ бўлиб қолади. Ёзувчи бу ҳолатни гоҳ “парча булутдай ҳавода учиб юрди” деб ифодаласа, гоҳида “тилла топган тентакдай ўз бошига қувониблар юрди” қабилди манзаралантириб боради.

Тоғ булоғидек бокира Гулсахар қисмат чангалидан қутқаргувчи холоскори пинжиги тикилиб, унинг чўриси бўлишга-да ризо экан, “уста ака” кокиллари эркалаб силаганида йигитнинг ардоғидан сармаст бўлади. Улар бир-бирига эхтиросли бўсалар ҳадя қилишган лаҳзаларни ҳам ёзувчи табиат лавҳалари фонида таъсирчан чизади: “Тун. Қиз сочидай коп-қора тун. Борлиқ унинг оғушида. Чимилдик узра сочилган тилла тангалардек ғуж-ғуж юлдузлар нозлана-нозлана жимирлайди. Тоғ томондан эсган эрка эпкин хушбўйларга қоришиб кетган. Тун ҳашаротлари бири кўйиб, бири олиб шўх-шаън алёр айтади.”

Довудбек ака “халқ назоратчиси” бўлишни топширганида Пиримқул “бўйни бир қарич, бурни ўн қарич ўсиб” чиқади. Бундай ифода тарзида халқ эртагу дostonларига хос оҳанг яққол кўзга ташланади. Ака-ука ўртасидаги адоват тасвирларида ҳам адиб “Алпомиш”

достони руҳидан унумли фойдаланади. Кечинмаларни эса табиат лавҳалари билан уйғунликда ифода этади: ”Кўк тўла юлдузлар халигина кечган жанжалдан хуркиб кетишгандай, ғуж-ғуж бўлиб, алланечук жавдираб-жавдираб боқишар эди”.

Дилшодбек назарида Гулсаҳар фожиасидан тоғу тош чайқалиб, титраб кетгандай, қир тепаликлар ғужанак тортгандай туюлади. Қоялар устига ёпишиб қолган куёшнинг чиркин тусли нурлари кўзларига тигдай қадалади.

Мусофирликда кўп савоб ишлар қилиб юрган азаматлар кўнгли тусаганда эҳтиром билан чорланган Нурбой бахши “Ўв болаларим-е !” – дея қуйлайди. Баҳодир Алпомиш ҳақидаги ёлқинли сўзларини халқининг дилига жойлар экан, ибтидони “Элимиз баҳодир ўғлонларининг ҳам бадани, ҳам юраги полвон” бўлганлигидан бошлайди. Ўзбекнинг бош бўғини, дунёга довруқ солиб ўтган кўнғирот уруғининг дориломон кунлари, ўзини ўзи хор қилиши, элни тўзғитишига мол талашув сабаб бўлганлиги ҳақида сўзлайди. Ҳеч замонда ётлар элнинг бошини силамагани, Бойсарининг қалмоқ юртида хор бўлгани, мард ва баҳодир Алпомиш кўнғиротнинг таянчи, қувончи бўлганлигидан ҳикоя қилади. Бу шунқорнинг қалмоқ юртида ор талашиб, душманларнинг додини бергани, севар ёри Барчинойга етишганини баён этади. Элни хор қилган иллатлар қаторида бахши манманлик, кин-адоват, ғайирлик ва мол-дунё талашмоқни санайди. Манманлик, араз, ёвнинг макри ҳақида дўмбира садолари остида қуйлар экан, ҳатто Довудбек ҳам сипогарчиликни йиғиштириб қўйиб, жон қулоғи билан тинглайди.

Ботирдан айрилган элнинг золим ва каззоблар қўлида хору зор бўлиши, юрт тақдирига кўкайи қуйган фидойиларнинг қувғин ва қирғин қилиниши, зулмнинг авжига чиқиши ҳақидаги лавҳаларни сел бўлиб тинглаган Довудбек Барчиной ва Ёдгорнинг тахир тақдиридан

сўзланганида эзгин ҳислар оғушида қолади. Дўмбира оҳангидаги мунгли-мунгли садолар, баҳши бўғзидан отилаётган аламли фарёдлар унга ўз болагини эслатгандай бўлади. Ёдгор тақдири ва олис болагини бири-киб, уни таъкиб қилаётгандай туюлади. Рухиятида пайдо бўлган паришонлик боис у бир нафасга етти йиллаб йўл караган, кўз ёшлардан чехраси ивиган Барчиной ва юзига пардоз-андозлар чапланган хотини Сорани қиёслагандай бўлади. Ҳисларидаги ғашлик сабаб бутун атроф кўзига ўзгача қиёфада намоён бўлади. Қоп-коронги кечанинг қоп-қора тусдалиги унинг назарида бутун борлик Қўнғиротнинг оҳу нолаларидан куйиб кетганидан ҳосил бўлгандай, қоп-қора тепаликларнинг ҳар бири эса дўппайган қабрлар бўлиб туюлади.

Ёзувчи нафақат Довудбек тақдирини, балки Гулсаҳарнинг тақдирини, унинг бир кун албатта келгувчи шахзодасига интизор, умид ва ишончга йўғрилган туйгулар қоришиқлигида яшашини ҳам Барчинойнинг покиза муҳаббати, бегининг йўлларига нигорон кечинмаларига мохирона тарзда туташтира олади. Романдаги Жадгар (Ёдгор)ни Алпомишнинг сағири билан, нафс илинжидаги эврилишларининг кули бўлган Пиримкулнинг ғайирлиги ва аламзадалигини Ултонтоз интилишлари билан таққослаш мумкин бўлади.

Баҳши дўмбирасининг ўтли нолалари билан шунчаки ишчилар кўнглини овламайди, юртни бирдамликка даъват этади. Шу учун дунёга довроқ солганида аҳли қўнғиротда бирдамлик, яратувчанлик ҳислатлари устивор эканлигидан сўз очади. Нурбой баҳши элга бийлик қилган Ултонтознинг макри, ор ва номус талаша олмаслиги, юрт молини хомталаш қилишдан тоймаслигини зотининг пастлигидан, қул эканлигидан излайди. Демак улуғ элнинг ўз юртига бийлиги, ўзбекнинг ўз-ўзига беклиги ҳақида, ўзгага қул бўлмаслик яъни истиклолизмга руҳан туташ ғоялар ҳақида сўзлайди.

Буни илғаган китобхон дўмбира садоларидаги мунгни, бахши бўғзидаги аламли фарёдни, асрлардан-асрларга элнинг орзу-истагу тилакларини олиб ўтгувчи ижодкор тилагини, кўзлаган манзилини ҳам англагандай бўлади. Луқмон Бўрихон ва Нурбой бахши интилишларининг вобасталигидан хайратланади.

Адиб романда миллий киёфага эга бўлган ёркин характерлар чизади. Романдаги Амиркул ана шундай бетакрор образлардан биридир. У болаликдан кунчиқарга карата қурилган, бир ёни боғ, бир ёни тоғ, қир-адирларга тутшиб кетган, тирикчиликка ўнғай, содда, оддий кулба бунёд этишни орзу қилади. Узок йиллар бу уйни хаёлида тиклайди. Келин-куёвлик пайтларидаёқ “Кункулба” ҳақида хотини Зарбибига энтика-энтика гапириб берганида келинчак гўзал орзулар қанотида кўзлари юлдуздек порлаб тинглайди. Афсуски, орзудаги уй – “Кункулба” ҳаваси ўрнини бефарзандлик дарду-ҳасратлари эгаллайди. Эру хотин илинжу ўкинч оралиғида яшаётган дамларда ҳам Амиркул аждодлар руҳидан мадад олиб, руҳий тасалли топади.

Ҳазрати Лангаротадан шафоат бўлиб, зурриёт қайғуси ариганида ўн йиллар давомида елка қисиб, бош эгиб юрган бу мушфиқ банданинг бутун борлиғи қувончга қорилади. Энди эл-улусга аралашиб, қаттиқ-қаттиқ товуш чиқарадиган, баралла куладиган, боқишлари тийрак, қадамлари илдам-илдам, дадил-дадил Амиркулга олислашгандай бўлган орзу-истаклар тиргак, куч-қувват беради. У соф ўзбек характери сифатида топган-гутганини боласининг эртасига атайди. Унинг истикболи ҳақида қайғуради. Нотинч дунёнинг киёфаси ўзгараётган замонда юксак орзулар ва андак хавотир оралиғида жонсарак умргузаронлик қилар экан, овлоқ Қипчок овулига ҳам давлат даражасида эътибор қаратилганидан қалби ёришиб кетади.

Болалик орзуси рўёбга чиқар кунлар ёвуқ қолганида хаёлан арзандаси ўсиб-улғайган, ўзи учун атаб қурил-

ган уйни кўриб, Амиркулнинг диди, фахм-фаросатига қойил қолиб, миннатдор бўлгувчи лаҳзаларда кезинаркан, ўзини ўн-ўн беш ёшга яшариб кетгандай сезади. Бордию Кункулба қурилиб бўлгач, Тангри таоло омонатини олса ҳам, Амиркулнинг армони йўқ. Илло саодатманд ўғил шу кулбада бир калима оят тиловат қилиб, марҳум отасининг ҳақиға бағишлайди. Замонлар оша бундай ҳаёлий кезиш Амиркул кўнглига ҳаловат, фарах, мамнунлик, коникиш хисларини олиб киради.

Муҳими шундаки, Амиркул бирданига давлат даражасида фикрловчи одамга айланмайди. У экспедитор Жаъфаржон билан ош-қатик бўлади. Ўзини имкон қадар хокисор кўрсатишга уринади, боши таъзимда, кўли кўксида туришни одат қилади. Даромадининг қаердан келаётганлигини дафъатан англаб етмайди. Нокасларга ёндашиб, тўғри йўлдан адашади. Ёзувчи уни фикридаги ўзибўларчилик кайфиятларидан секин-аста халос бўлиб, ижтимоий масъулиятни англовчи қахрамон даражасига динамик тарзда ўстиради.

Романда тасвирланган характерларнинг ахлоқий-маънавий даражаси турлича. Масалан Гулсаҳарнинг отаси Қувондиқ махсумни олайлик. У тортувли уруғининг энг нуфузли оқсоқолларидан бири. Ўзининг олий насаблигидан мағрур, чапани, табиатан дағал, бойваччаларга хос викорли, димоғдор, кўпкарига шайдолигидан ифтихор туйиб, отини фарзандидан ортиқ ардоқлайдиган, муридлари эса соясига салом берадиган махсум оиласида кўрқув салтанатини ўрнатган. Чунки у ўзини оиласининг кўрғони, андиша ва номус кишиси деб билади. Яхшилик ва эзгуликлар йўлида, ёруғлик илинжида эҳсонлар қилиб, муридларининг, элнинг ишончини қозонади. Адиб ишоралар тили билан бўлса-да, махсумнинг ахлоқий киёфаси жуда ҳам мукамал эмаслигини, хиёнат ва хатолардан холи бўлмаган ҳаёт тарзини кўрсата олган. Қувондиқ махсумнинг аёли Нукра пошшо ҳам эр истагини қонун деб билиб, унинг талаблари-

га мослашиб, жоҳиллашган жайдари аёл. Шунинг учун бахтга ташна икки қалбнинг аҳду паймонлари, муҳаббат, шафкат, тотли ҳаёт ҳақидаги кўнгил интилишлари, юрак талпинишлари уларга англанмас туйғулар, беҳуда интилишлар бўлиб кўринади.

Арбобга эврилган қариндошининг кўмагидан умидвор бўлиб, аразни-да унутган, мол-дунёни севувчи бу кимсани Оллоҳ таолонинг амру фармонларига бекаму кўст итоат қилиб, унга шукрона келтириб яшайди дейиш ҳам қийин. Зеро шариат аҳкомларида эру хотин ўртасидаги тенглик нафақат насабда, балки диндошликда, озодликда, диёнатда, никоҳ ҳуқуқларини адо қилишга қуввати етишликда, касб-ҳунарда деб белгиланади. Банданинг бандага фазлу карами вожиблиги, зулм ўтказмаслиги уқтирилади. Қувондиқ махсум бу ҳақдаги эслатмалардан ибрат олмайди, уларга амал қилмайди.

Шу боис ҳам оиласини Гулсаҳар соддагина қилиб “ғурбатхона” – деб атайди. Бу бикик муҳитдан қушдай парвоз этишга шай туради. Дарҳақиқат, Гулсаҳарнинг ҳаёти рангсиз ва хира. Кўнгли эса Қипчоқ адирлари янглиғ қовжирок, тап-тақир. Бу ҳаёт жилоланиши, маҳзун кўнгилга обирахмат кириши, қизнинг истиқболдаги бахтдан умидланиши, шодлик, иқбол балққан кунларга интиқ қалбида умид ва ишончга қоришиқ туйғуларнинг уйғониши қишлоқ оралаб ўтувчи темир йўл билан боғлиқ. Ота-она қаҳридан, одатдаги калтаклашу хўрлашларидан юрак олдирган йигирма етти ёш оstonасидаги “ўтириб қолган” қизнинг жеркишлар, истехзо ва нафрат тўла нигоҳлардан, таомилга кирган удумлар таъқибидан кўнгли шикастланган. Бир сўз билан айтганда, киз ғурбатхонага айланган бу муҳитдан безган.

Гулсаҳар бебахт ҳаётига яқун ясашни ният қилиб, ботинолмай юрган укубатли, саросимали кунлари унинг қалби илик туйғуларга ошно бўлади. Хаёллари беихтиёр тарзда самимий эркаловчи, эъзозловчи сўз-

лар эгаси бўлган инсон томон талпина бошлайди. У ҳақда ўйлаш нақадар ёқимли бўлмасин, ибo фаришта-си бўлган қиз согинчларини жиловлашга, ўз-ўзини тергов қилишга уринади. Аммо йигит ҳақидаги ўйлар уни мусатфо, ҳузурбахш, тип-тиник ва ҳаловатли бир бўшлиқ сари етаклайди. Бу бўшлиқда ҳаёлан сайр этаркан, қиз руҳан яйраётганлигини ҳис этади. Юлдузлар ошиқ-маъшукларни кўриш учун пастрoқ энгашиб, тоғ эпкинлари севги суруридан масту мустағрик бўлиб, олис-олисларга тентиб-тентиб кетган тунда икки ўртадаги ҳаё пардаси юлқиб ташланади.

Кейинчалик ўша тунни эслаганида Гулсаҳар уят ва кўркувдан бесаранжомланади. Бир қадар паришонлик ва гангишлари, алғов-далғов ҳаёлларини бировга сездирмасликка тиришади. Қулоқлари остида йигитнинг эрқаланиб шивирлашлари, кўз ўнгида эса муҳаббат ва шафқат лиммо-лим қарашлари муҳрланиб қолади. Бахт ваъда қилувчи аҳду паймонлар уни муҳаббатнинг мусатфо юксакликларига олиб чиқади. Ширин ҳаёллар оғушида сармаст қизнинг ҳисларида ёқимли чайқалиш содир бўлади.

Гулсаҳар уч заифанинг бири бўлиб, бобоси билан бахтли-тахтли яшаган кунларини энтикиб-энтикиб эслайдиган тўқсон билан тўкнашган момосига ўхшаб бир эркак паноҳида икки аёлнинг тил топишиб кетишига ишонади. Баъзан ота-она ризосини ўйлаб, ҳаёлий юксакликлар қаъридан “ғурбатхона”га тушиб қолганида ҳам, ўзини кўнгилсиз жавоблардан олиб қочишга, таскинбахш ҳаёллар оғушида овунишга, ёруғ кунлар умиди билан яшашга интилади.

Йигит кокилларини силаганида, қайноқ бўсалар ва ширин ваъдалар оғушида шўх-шодон жилмайганида, ўз-ўзидан уялиб борлиғида ширин бир энтикиш туйганида Гулсаҳар нақадар ҳаётга интиқ эди. Аммо кўнглининг бир бурчига андак ҳадик ҳам соя ташлаган. Бу ота-она ризосини олмоқ муаммоси билан боғлиқ. Аммо

Гулсаҳар мазкур муаммонинг ҳал этилишига Довудбек Заргаров бош, Дилшодбекнинг ўртоқлари камарбаста бўлишади деб ишонади, умидланади. Қиз динимиз, урф-одатимизга эҳтиром билан қарайди, ота-она юзига оёқ қўймоқни тиламайди. Шу сабабли ҳам ота-она ризоси билан динимиз, урф-одатимизга тўғри келадиган, ҳалол турмуш қуришни истайди. Уйдагилари кўнмаса қочиб кетишни истамайди. Тушида Довудбек ака бошига оппоқ харир рўмол ёпиб қўяётганини кўрган Гулсаҳарнинг бу катта раисдан умидлари катта эди. Унинг назарида шу киши албатта уни қўллаб-қувватлайдиган, кўнглини тўғри англайдигандек туюларди. Энди тушда қолиб олислашган хаёллар билан “ғурбатхона”га қайтган қизга бутун борлиқ кул тусида кўринади. Ҳатто даштдан қайтган мол-ҳолларнинг мўраши-маъраши ҳам қишлоқ бўйлаб аллақандай нолакор-нолакор таралаётгандай туюлади.

Бутун умидлари чил-чил синган Гулсаҳар шарм-ҳаё, номус ва умидсизлик исканжасида ўртанади. Унинг нолакор охлари, сўнгсиз дардлари “эрсираш” деб, қабул қилинади. Қизнинг сўнгги умидлари сўниб, меҳр, эркалаш, ҳамдардлик тилаган қалби озорланади. Бир олам орзу-ҳаваслар, гўзал истак-интилишлар, озод ва эркин тилаклар топталади. Гулсаҳар муқаррар ур-калтакни сезса-да, илгаригидай на дод-вой, на кўз ёш тўкиб, илтижо қилмайди, шафқат сўраб ялиниб-ёлвормайди. Паришон ҳолда бош эгиб турган қиз туркмани қамчиннинг қарсиллаб елкаларига тегиши ҳамон кўнгил ойнаси чил-чил синади. Энди “ғурбатхона”га ортиқ бардош қилолмаслигини англаган, ўзида илгари кўрилмаган шижоат, руҳий исёнкорлик туйган кишига айланади. Бу нафақат ўз ота-онаси, синглиси, балки кўнгил талпинишларини англамаган дунёга, қалбида тантилик ва мардлик танқис, лоқайд ва ҳиссиз оломонга қарши исён, меҳрибон тақдирга юзма-юз бориш ҳам эди. Моддий дунё одами учун эси оққандай туюлган Гул-

сахарнинг айна ҳолатида узок йиллар олдин қилинган қарорнинг қатъийлашиши, барча орзуларнинг жаҳолат комида паймол бўлиши, ўлимдангина нажот топишга умидланиш – бандасининг тақдирдан қочиб қутула олмаслигига иқрор мужассамдир.

Инсон зоти ўзининг ноқераклигини англаганида ҳаётга қарши исён қилса не ажаб. Хўш, бу тақдирми. Ўша сирка солинган идиш чил-чил синиши ва кўнгил шишаси бут қолиши мумкин эмасмиди. Аммо бунинг акси бўлди. Гулсахарнинг ҳаёти барбод бўлди. Бу билан Луқмон Бўрихон бизга нима демоқчи? Дарвоқе, роман тоғу тошларни ларзага солган давр қурилиши ҳақида эмасмиди, ахир. Инсон қалбининг титроғи улкан компаниядан зинҳор кам бўлмаган аҳамиятга молик эканлиги бокира бир гул, фаришта мисол Гулсахарнинг фожиали тақдири мисолида нафақат тоғу тошни, минглаб қалбларни ларзага сола билиши бунинг исботи эмасми. Гулсахар китобхоннинг хотирасида кўзларидаги паршонлик ва хаёлчанлик, юзларидаги синиклик, қалбидаги бир олам меҳр-муҳаббат билан олис момоларимиз руҳини ташувчи адабий қаҳрамон сифатида муҳрланиб қолса ажаб эмас.

Луқмон Бўрихон Гулсахарга хайрихоҳ бўлиб ҳамisha унга азиз ва қадрдон бўлган меҳрибон тун, озод шамол, тоғу тош, беозор ва беҳавотир одамларга, меҳрибон тақдирга, ҳаётга мурожаат этади. Қаҳрамоннинг сўнгги видоларини уларга етказишга уринади. Бу ўтли алвидода Гулсахарни сингил каби эркалаш, унинг нозик кўнглига ҳавас, орзуларига кечинмадошлик, ҳаётсеварлик, шафқат баробарида жоҳил ва лоқайд қавмга нисбатан бемисл нафрат ва ғазаб, айна пайтда оломонни кўнгил одами сифатида уйғотишга умидворлик ҳам мужассамдир. Қовоқлари йиғидан кўпчиб кетган, қоп-қора юзлари кўз ёшдан шалаббо Жадгарнинг иззизз, ариллаб-ариллаб йиғлаши, увлаши оркали муаллиф бокира бир гулнинг ҳазон бўлиши бола қалбини

канчалик мутаассир қилганлигини ифода этади. Олам ва одамни беозор бола қалби ва нигоҳи билан кузатади.

Бадий адабиётда шундай адабий қаҳрамонлар борки, улар тақдирини изоҳлаш, ёзувчининг матн мағзига сингдирган маъноларини тахайюрда мушоҳада этмоқни талаб этади. Шу орқали қаламкаш поэтик оламининг концептуал асосларини белгилаш ёхуд тафаккур қамровини ёрқинроқ англаш мумкин бўлади. Зеро адабий қаҳрамон руҳий-психологик олами ҳамisha ҳам реал олам ҳодисаларига боғлаб тушунилмайди, кўнгилда, фикр-қарашларда ҳам англанади. Чунки ижодкорнинг мудом ҳаракатдаги тафаккурида қуртак очган бадий фикрнинг ўзига хос ҳалқасини ташкил қилувчи муайян образда эстетик нигоҳ, лирик ҳарорат мужассам. Шу боис ҳам унга реал ҳаёт билан айнанлик мақомини бериш мумкин эмас. Илло бадий ҳақиқат ҳаёт ҳақиқати бўлмай, онг ва туйғу – руҳоний назар ифодасининг уйғунлигидан ҳосил бўлувчи гўзаллик сифатида матнга таяниб, ижодкор микрооламига кечинмадошлик орқали поэтик идрок этилади.

Романнинг ижтимоий моҳиятида муҳим ўрин тутувчи тўрткўллик фидойи ишчи – механик Дилшодбек меҳнатлари муносиб кадр топган “Шухрат” нишони соvrиндори. У ишчилар, қурилиш мутасаддилари ўртасидагина эмас, хорижликлар назарида ҳам меҳнатга ижодий ёндашуви, ташаббускорлиги билан намуна бўла олади. Маҳаллий халқ орасида эса қўли гул уста сифатида эъзоз топади. Оилавий ҳаётига назар ташласак, битта ўғил, икки нафар қизнинг меҳрибон отаси, боғча мудираси бўлиб ишлайдиган аёлининг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўядиган оила бошлиғи.

Аммо романда Дилшодбек тақдири билан боғлиқ иккинчи бир линия ҳам борки, бу нафақат роман қаҳрамонлари, балки китобхон томонидан ҳам осон қабул қилинмайди. Гап бир-бирига интиқ ва интизор Гулсаҳар ҳамда Дилшод муносабатлари хусусидадир.

Бизнинг субъектив талкинимизча, Гулсахар Дилшодбекнинг қувончи ҳам, қайғуси ҳам. Тоғ чечагидай тароватли, тоғ тонгидай тиниқ кизнинг андак майин, андак маҳзун табассуми тасвирлариданок китобхон ўша майинликка соя солган андуҳ сабаблари билан кизиқади. Бу икки тақдир ҳаётининг ниҳоясига интиқ бўлади. Уятчан, ўйчан, чехраси сутга чайилгандек оппок, тиниқ, бодом қовок, қийиқ қош, жингилтоб зулфлари рўмоли чеккаларидан тошиб турган дашт қизининг ўтли қарашлари, ширин табассуми, дардчил қалби нафақат Дилшодбек, балки китобхонда ҳам тотли ҳислар уйғотади.

Гулсахарнинг кўзларида ташвиш-тахлика, хавотир шарпаларини кўрганида, кўзларида ҳаёл ўйнаётганлигини ҳис этганида Дилшодбекнинг юрагида ҳам тушунуксиз ғалаён уйғонади. Уни ҳаёлан бетиним таъкиб этаётган оппок, тиниқ чехра, маъюс кўзлар таъкибидан кутулиш, ишқий ҳаёллардан тийилиш учун хотинига қайноқ меҳр-муҳаббат кўрсатади, болаларини эркалаб, ардоқлайди. Гулсахарни ўйлаганида, унга талпинганида хотинига бўлган меҳри, эъзози янада ошади. Агар муроса йўли топилса, йигит юрагида иккита аёлга ҳам жой топилади. Шу тарзда у гоҳ ширин, гоҳ изтиробли ҳаёллар оғушида қолади. Меҳрибон оиласи, фарзандлари бўлишига қарамасдан, узоқ ички курашлар, рухий қийноқлардан кейин қалбидан икки аёлга-да жой топиб муроса йўлини танлаган Дилшодбек интилишларини жамият ахлоқи маъқулламайди.

Овлоқ бир овулда ҳам ошиқ-маъшуклар борлигини пана-пастқамдан туриб, пусиб кузатган Пиримкул буни замонанинг айниши деб билади. Ўз-ўзича Гулсахарни шармсизликда, Дилшодбекни эса хотинбозликда айблайди. Ҳар қандай қайсарни қайишдай эшиб ташлайдиган қайвонилиги билан Қувондиқ маҳсумнинг кўнглиги йўл топиши мумкин бўлган Икромиддин оилалик бир эркакнинг боши очик кизга уйланиш ниятини

гуноҳ санагани боис Дилшодбекка хайрихоҳ бўлмайди. Уни шайтоний нафсга алданиб номаъкул ташвишга қолганликда, масъулиятсизликда айблайди. Шожалол эса телба ошиқ устидан истехзоли кулади. Уни кўнгли кўшхотинлик бўлишни истаб қолганликда айблайди. Бошига ортиқча ташвиш орттираётган Дилшодбек интилишлари унга майнавозчилик бўлиб кўринади. Алибек икки жуфтнинг тили ва дили бирлигини англаса ҳам овлоқ-овлоқда айш-ишрат килиб юраверишни ёқлайди. Унинг назарида шаръий никоҳ ортиқча ташвишдан бўлак нарса эмас. Одам боласи худди овруполиклар сингари эркин бўлмоғи лозим.

Темир йўл қурилишини жиддий компания деб билган Довудбек Заргаров ўсадиган кадрларнинг оҳ-воҳ қилиб юриши компания учун оғир қабоҳатлар келтириши мумкин, деб ҳисоблайди. Шу боис унинг назарида ҳам шариат ва урф-одатларга амал қилиб турмуш қуришга интилиш хотинбозлик – бойвачча феодаллик. Дилшодбекнинг чирқиллаган дилидаги паришонлик, нигоҳларидаги илтижо, кўрқув билмас кўзларида милтиллаган чўғ Заргаровнинг темир деворлар билан қопланган акидаларини тешиб ўтишга ожиз. Айни пайтда у Дилшодбекни дабдурустдан ахлоқсизликда айбситолмайди ҳам. У йигитдаги рухий холни англай олмай қийналади.

Иш ташвишларидан ортмайдиган бу одам беихтиёр Дилшодбек ва ўзини қиёслар экан, йўлларига интиқ-интизор аёл йўқлигидан, хотини Сора билан неча йиллардан буён бир-бирини соғиниб яшамаётганидан, у аллақачон уйининг бир жихозига айланганидан изтироб чекади. Қалбида соғинч ва ҳижрон туйғулари аллақачонлар йўқолганидан ўзини ғоятда ожиз ва нотавон сезади. Бундай туйғулар қоришиқлиги уни тун бўйи ўртагани боис кўз ўнгида гоҳ кулимсираб турган Гулсаҳар, гоҳ хотини Сора, гоҳ кирма-қир бўзлаб чопиб юрган Барчиной гира-шира жонланиб туради.

Пировардида тунги рухий курашда том маънодаги иш одами Довудбек ғолиб келиб, жамоанинг манфаатларини кўзлайдиган раҳбар сифатида бутун темирйўлчилар номидан Гулсаҳардан узр сўрайди. Икки ошиқни ғўрликда, енгил-елпи ўйлашда айбситади. Қиздан йигитни унутишни сўрайди.

Темирйўлчилар каттакони учун ҳар бир инсоннинг интим ҳаёти тамомила дахлсизлиги, қанчалик англашимсиз бўлса, ўзининг ошқора шаъмалари Гулсаҳарнинг қалбига қандай қаттиқ таъсир қилиши ҳам шунчалик ноаён туйғу. Шу боисдан қизнинг юзи мисдай кизиб, кулоқлари шанғиллаб, довдир-довдир югуртилаб кетганлиги, чирпирак хаёллар қуёнида ўртанаётганлиги каби рухий ҳолатлар Заргаров учун тамомила бегонадир. Адиб буни “Бошини опкетар ери, лошини топширар ғўри бўлмаса?”, – тарзида ғоятда ўринли ифода оркали тасвирлайди.

Умрида ишқ-муҳаббат изтиробини чекмаган Довудбек интилишларининг умр йўлдошига тушунарсиз, хатто аҳамиятсиз эканлигини англаганида ўзини ғоятда ёлғиз ва ҳорғин ҳис этади. Кўз ўнгида бегининг йўлларига интизор ҳолатда бўзлаб чопаетган Барчиной пайдо бўлади. Бирдан бу киёфа ошиғига талпинаётган Гулсаҳарга эврилади. Аслида эса Довудбек қалбида ҳам орзудаги муҳбуба соғинчи куртак очади. Бу маҳбуба унинг қалбида азалдан пинҳон яшайди. Гарчанд Довудбекнинг буни ошқора эътироф этгиси келмаса-да, Гулсаҳарни Дилшодбекдан қизғангандай, рашк этгандай муҳам туйғулар оғушида қолган оний лаҳзаларида у қалбан ёлғизлигини ҳис этади.

Гулсаҳар фожиасидан сўнг Заргаров ўзини бу кўргуликнинг сабабчиларидан бири, деб билади. Лоқайдлик қилиниб фожианинг олди олинмаганидан афсусланади. Дилшодбекнинг маҳзун аҳволини кўриб, қизни чиндан севишини англагандай бўлади-ю бу ҳолдан ажабланади. Бечора қизнинг руҳини шод этиш учун янги қури-

лажак бекатга унинг номини беришни мўлжаллайди. Дилшодбекдан, Қувондиқ махсумдан кўнгил сўрайди. Аммо келажакка дахлдор улкан ишлар қилаётган бу одам меҳнатдаги фидойиликнигина маънавий етуклик деб билади. Ҳатто кўнгил сўраганида ҳам у бутун ишчилар номидан гапиради. Яратиш ва бунёдкорлик завқини ҳис этаётган фидойи ишчиларнинг маънавий кифоаси юксалганлигидан мамнунлигини яширмайди. Содда дашт одамларига ижтимоий масъулиятни англашишдан муқаддасроқ бурчини билмайди.

Гулсахарнинг пок руҳини шод қилишдан кўра унга чимдимгина бахт улашиш, талпинишларига камарбаста бўлиш мумкинмиди. Самодаги юлдузларни биз баъзан марҳумларнинг руҳлари деб тушунамиз. Лукмон эса: “Юлдузлар – Кўкайдан кўкка сачраб кетган учкунлар”, – деб ёзади. Қанот ёзолмаган орзуларнинг учкунлари деб тушунади. “КАМАЗ” машинаси нобуд бўлишига астойдил ачинган, жаҳаннамнинг нақ оғзига ташланишга-да шай одамларни тасвирлар экан, Лукмон бир қадар истеҳзо, алам ва пичинг оҳангларига ўрин ажратади. Зеро ўшандай дадиллик, мардлик, ҳаёт-мамот кураши ғоятда зарур, аммо инсоний интилишларга ҳурматда ҳам шу нарса бўлсайди.

Дали-гули жўраларини ҳам, раҳбарини ҳам кўпроқ иш жараёнида таниб, руҳ мамлакатига етарлича ошно бўлмаган Дилшодбек ҳам уларга орқа қилиб янглишади. Ўз ёғига ўзи қоврилиб изтироб чекади. Урф-одатимизга хилоф бўлса-да, юз саросима, хавотир, ҳадик билан журъат топиб Қувондиқ махсумнинг эшигини қоқиб боришга мажбур бўлади. Буни кўрган Гулсахарнинг вужуди қизиқиб, уни лаҳзалик қувонч ва ҳаяжон чулғайди. Аммо йигитнинг ёлғизлигини кўргач, кўнгли алланечук ғаш тортади. Дилшодбекнинг дарди Қувондиқ махсумга ҳақорат бўлиб туюлади, ғазабини кўзгайди. У мусофирни махсумзода бўлиб қаршилайди. Йигитни урф-одатларимизни билмайдиган, таги паст, деб

уйидан ҳайдайди. Кизини хонадон шаънини иснодга қўйиб, бир олқинди билан ваъдалашган, эрсираганликда айблайди. Жазавага тушиб, дарғазаб ўшқиради, ариллайди, илондай вишиллайди.

Кўринадики, уларнинг барчаси ҳам Дилшодбек кўтарилган маънавий-руҳий юксакликни англашга ожиз. Шу боисдан ҳатто биродарларининг ишончини поймол қила туриб ҳам, уларнинг ҳар бири ўзини ҳақ деб билади. Зеро, роман жамият ахлоқи билан инсоннинг кўнгил интилишларини мувофиқлаштириш, ўзлигини англаган, биродарини тушунган одамлар бирдамлиги ҳақидадир. Бошқачароқ айтганда, нафақат бадани, балки юраги ҳам полвон қавм орзусида битилган. Шу лейтмотив англансагина ёзувчининг дардлари руҳан туйилади.

Романда оила курмоқ, бахтли яшамок учун кўнгил бирлигини муҳим деб билган йигит-қизни куфр амалларга қўл урганликда айбситган оломон ақидапарастлиги танқид қилинган. Чунки ўзларини оила ва жамият тинчлигининг ҳимоячилари деб билган аксарият қаҳрамонлар “Дон Жуан”ча “ахлоқсизлик”ни гоҳ Компания манфаатлари, гоҳ оила шаънини ўйлаб теран англаб ета олмайдилар. Натижада бахтга эришмоқни тилаган қиз лоқайдлик ва зулм қаршисида бетадбир қолади. Ўзларини “маданий киши” санаган кимсалар қалбида турли хил даражадаги ҳиссизлик ва лоқайдлик мавжуд. Улар ҳамиша ҳам инсон боласига дўст, сирдош, ака-ука, кадрдон-қариндош бўла олмайдилар. Ёзувчи ўқинч билан айтмоқчи бўлган фикр ҳам ана шу бўлса ажаб эмас.

Ҳа, инсон зоти бир умр уймаланади, куймаланади, хайратангиз ишлар қилади. Аммо...

Бинобарин, адиб китобхонни “қора меҳнат одами” бўлишдан юксалишга ундайди. Илло, жамиятнинг кучи тоғу тошларни ёриб ўтмоқликдагина эмас, балки ўзлигини англаган, биродарини тушунган одамлардадир. Лукмон соғинган манзил ана ўша маъводир. Шак-шубҳасиз,

гражданликни англамоқ – инсонлик бурчини туймоқ билан мукамаллик ва тўқислик касб этади.

Албатта, романда ҳали тўла маромига етмаган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ижтимоий муаммолар поэтик талкинида бир қадар сунъийлик, публицистик кўтаринкилик кўзга ташланади. Айниқса, кескин конфликтнинг етишмаслигини кузатиш мумкин бўлади. Бу эса китобхонни ишонтиришни муайян даражада сусайтиради. Кувондик махсумдай қаттиққўл одамнинг ярим кечаси қизини бегона эркак билан ёлғиз жўнатиши, маош билан боғлиқ муаммоларнинг ёхуд сифатсиз бажарилган юмушларнинг осонгина бартараф қилиниши ҳақида ҳам бу фикр ўз тасдиғини топади. Ҳазрати Башир ота назари тушган Супадай сўлим жойда уй қуриб, шу ёққа кўчиб ўтишни кўпчилик орзу қилгани ҳолда, иқтисодий тежамкорлик баҳонасида лойиҳанинг ўзгартирилишини ҳам адиб маъқуллагандай бўлади. Ваҳоланки, янги посёлкани Супада қуришга эришилса, эстетик таъсирчанликни оширишнинг имконлари ортган бўларди. Назаримизда, Дилшодбекнинг оиласи билан муносабатида ҳам психологик далиллашни кучайтиришга етарлича эришилмагандай туюлади.

Бундай камчиликларига қарамасдан, Л.Бўрихонни янги романи билан табриклаган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар битта роман ўз ғояси, ифода тарзига кўра туғилади, баҳоланади. Л.Бўрихон “Жазирамада қолган одамлар” романидаги поэтик муваффақиятларини давом қилдириб, инсонни тушуниш, романга тирик тақдирларни олиб кириш, айниқса аёл қалбини нозик идрок этиб, ифодадай олиши билан самарали изланишларининг яна бир чўққисини забт эта олди.

Исломжон Ёқубов
Филология фанлари номзоди, доцент



СИРЛИ МУАЛЛИМ

Қисса

Муаллим хақида сўзим ушбудир:

Муаллим камолот ичра кўзгудир.

Абдулла Орипов

Нажот Ғайбулла деганлари хақидаги миш-миш бизнинг тахририятга ҳам етиб келди.

– Эртагаёқ сафарга чикасиз, – деди бош муҳаррир мени хузурига чорлаб. – Бориб билинг-чи, нима гап? Қаламга илашгулик ҳоли бўлса шартта бирор нарса коралаб келинг. У ёқларни сиз яхши биласиз.

Ҳа, ҳа, каминага у тарафлар тузуккина таниш. Ропароса икки йил аввал овлоқ чўл қўйнидаги ўша харобгина 41-посёлкада бўлганман. Бу ҳарбийликда ҳалок бўлган қаҳрамон аскар – Умрзоков Ўроқ туғилиб-ўсган маскан-да; маҳаллий мактаб шу жасур ўғлон номи билан аталади. Ҳатто, қаҳрамонга ёдгорлик – бюст ўрнатишган экан.

Хуллас, кадрдон дўстим, шоир ва ёзувчи, журналист (ва ҳоказо) Шунқор Ҳобилнинг куткусига учиб Умрзоқ Ўроқ хақида очерк битиш илинжида ўша овлоқ посёлкага бориб келганман.

Ўшанда баҳорнинг илиқ кунлари эди. Ўнгу сўлда экин-тикинга ҳозирланган жигартус пайкаллар ястаниб ётибди. Ўйдим-чуқур йўл бўйлаб тизилиб кетган дов-дарахтлар қийғоч япроқлай бошлаган. Осмон ҳозиргина бўшатишган шишадай топ-тоза, кўм-кўк.

Посёлканинг сертупрок, кинғир-кийшиқ кўчала-рида одам сийрак. У ер-бу ерда ўзини чувокда тоблаб ўтирган қари-қартанглар, кий-чув билан ўйнашаётган болакайлар кўзга ташланади. Хойнахой, ҳамма кўклам ташвишлари билан андармон, дала-даштга сочилиб кетган.

Ҳамроҳим, туман ҳокимиятининг масъул ходими машинасини ярми панжара, ярми бетон девор билан ўралган мактаб ҳовлисига тақаб тўхтатди.

– Етиб қолдик, – деди у енгил тин олиб. – Ана, мактаб директорининг ўзлари, Қалқонов муаллим.

Рост, мактаб ҳовлисида ёши олтмишларни қоралаган киши паришон турар эди. У машинани кўрди-ю дарҳол хушёр тортиб биз томон илдам юрди. Ялпок юзлари хавотиру ҳадикдан баттар ялпайган, митти, кийиқ кўзлари пир-пир учади, куюқ оқ оралаган сочлари тўзгин, эгнидаги кулранг костюми, дудама ханжардай галстуги шалвирабгина турибди.

– Ассалому алайкум, оғажонлар.

Қалқонов муаллим биз билан бирма-бир кўшқўллаб кўришди. – Чарчамайгина етиб келдиларингизми?

– Домилла, танишинг, – дея масъул ходим мен томон ишора қилди. – ...пойтахтдан келган журналист. Шунқор Қобилнинг ошнаси. Ўроқ бечора ҳақида асар ёзмокчи.

– Яхши, яхши, – дея бош ирғади Қалқонов муаллим. – Қани, ичкарига кирамиз.

Мактаб ҳовлиси кенг ва озода эди. Ҳайҳотдек майдонда кўр тўкиб турган ўқув биноси анчайин таъмир-талаб бўлса-да, файзли ва шинамгина кўринади. Иморат пештоқида иссиғу совукдан ранги уникқан байроқ мағрур хилпираб турибди. Ҳовлидаги дарахт шох-бутоқларида чумчуқлар чуғурлашади.

– Дарслар кизгинми дейман-а, – деди масъул ходим у ён-бу ён аланглаб. – ҳамма ёк жимжит. Зоғ учмайди.

Қалқонов муаллим бош ирғади:

– Ҳа, ҳозиргина учинчи дарс бошланди, – сўнг мен томон юзланиб эҳтиром билан мавзуга кўчди. – Умрзоков Ўроқ ўзимиздан, буғалтер бованинг ўғли. Аскарликда Ватан учун ҳалок бўлган. Сўнг... биз идорамайдора елиб-югуриб номини мактабимизга қўйдик.

– Домилла, – деди масъул ходим вазиятга жиддий ва расмий тус беришга уриниб. – Анъанамизни тарқатмаймиз. Ишни қаҳрамоннинг ёдгорлигини зиёрат қилишдан бошлайлик, хайкал ёнида беш-олти минут сукут сақлайлик.

Мактаб директори туйқус такка тўхтади. Ранг-кути ўчганча бир менга бир ҳамроҳимга жонсарақ тикилди.

– Ҳа, тинчликми? – деб сўради масъул ходим тааж-жубланиб.

– Йў-ў, ўзим...

Қалқонов муаллим ғудранганича ўқув биноси рўпарасидаги майдонча томон бошлади.

Дарҳақиқат, улкан қайрағоч ёнига қизғиш ғиштдан баландгина устун қурилган экан. Бироқ... пойтахтда Шунқор Ҳобил, йўл-йўлакай масъул ходим фахр билан тилга олган ёдгорлик – бюстдан ном-нишон йўқ.

– Ҳайкалча қани? – сўрадим ҳайрону лол.

Хижолатдан ияк қашлаб турган Қалқонов муаллим дудуқланди.

– Бор эди... ўрнатганмиз... Бир ҳафтача илгари ўғирлаб кетишибди.

– Ўғирлаб?! – беихтиёр чинқириб юборди масъул ходим. – Ким?! Кимга керак экан шу... бюст-калла?

– Билмадим... мисми, алюминми, ишқилиб, шундай кимматбаҳо нарсадан ясалган экан ўша бюст. Ўғрилар қўпориб кетишибди.

Масъул ходим баттар тутоқди:

– Дарров органга хабар бермадиларингми? А?!

– Бердик, участкавойга айтгандик...

– Хўш-ш...

– Кулди. Қўйинглар-е, уят бўлади, деди. Бир ясама калла учун тўрт-беш тирик каллани кундага қўйишни истамас эмиш.

– Участкани назорат қилиш ўрнига каллаларнинг ғамини еб юрган қанақа мелиса ўзи?

– Ҳалим Норбўта ўғли.

– Ия, ўшами?! Отаси зўр мелиса эди-ку, суяк сури-либди-да, ярамас.

Қалқонов муаллим туйқус участка назоратчисини сотиб қўйганидан баттар каловланган эди. Масъул ходим эса асабий тарзда бош чайқаб, қўл силтаб тағин хийла вақт жаврагач, мен томон хижолатли юзланди.

– Узр. Кутилмаган муаммо...

– ҳечқиси йўқ, – дедим уларни юпатган бўлиб. – Бўп туради. Янги бюст заказ қиласизлар.

Хуллас, аллақандай қароқчиларнинг фитнасига учмай ўша сафардан ватанпарварлик, фидойилик тараддун этилган туппа-тузук очерк ёзиб қайтдим. Бош муҳарриримиз хўб мақтади.

Мана, нон-насиба чорлаб яна ўша ёқларга чоғланиб турибман.

– Чўлма-чўл санғиб юрманг, – дея бот-бот тайинлади бош муҳарриримиз. – Ҳойнаҳой, Нажот Ғайбулла деганларига жинойт иши очилган. Тўппа-тўғри бориб аввал терговчига учрашинг, кейин вазиятга қарайсиз...

* * *

Идорама-идора кириб-чиқиб, сўраб-суриштириб, охири керакли терговчига дуч бўлдим.

– Ҳа, – деди у олдимга устига «Дело» деб ёзилган папкани суриб. – Ўша нуханинг иши менда. Икки-уч марта посёлкага бориб келдим. Мактаб жамоаси билан учрашдим. Баъзи бирлари тушунтириш хати ёзиб берган, марҳамат, истасангиз танишиб чиқинг.

– Раҳмат.

Терговчи шоша-пиша кўл соатига кўз ташлаб олди.

– Зарил ишим бор эди-да, бир ерга бориб келсам майлими? Дарров қайтаман.

– Хўп, бемалол.

– Сиз ишни бемалол ўқиб чиқаверинг, – деди терговчи эшик томон юраркан. – Сиздан яширадиган сиримиз йўк.

– Мен қалингина папкани очиб шошилмай ўқишга тушдим.

* * *

(Мактаб директори Қ.Қалқоновнинг тушунтириш хати)

Суягим мактабда котди. Йигирма ёшимдан бери муаллимлик қиламан. Болаларнинг қий-чувини эшитиб турмасам бошим оғрийдиган бўлиб қолган. Бир пайтлар жомадон кўтариб ўқишга отланган чоғим учувчиликни орзу қилганман (орзу-истаклар қанотида хўб учиб-кўниб юрган пайтларимиз экан-да). Йўк, тақдир тақозосига кўра рус тили мутахассиси бўлдик. Ишладик. Мана, ишляпмиз. Ўқитувчиликнинг этагидан тутганимиз учун ҳеч ким бизни ёмонотлиғ қилган эмас. Давраларнинг тўрини беришмаса-да, ҳар нечук пойгакка тушириб ташлашмайди. Ҳозирги ёшларга қараб хайрон бўламан, муаллимликдан ор қилишадими-ей... Айниқса, ўғил болалар.

Қай бир кун олтинчи синфда ўқийдиган уч-тўрт боланинг гурунги тасодифан қулоғимга чалиниб қолди.

«Келажакда прокурор бўламан, – дерди улардан бири виқор билан, – ҳамма мендан кўрқади, ҳурмат қилади. Бойликка кўмилиб яшайман».

«Прокурор кўп ойлик оладими?» – деб сўради тагин бир соддароғи.

Дўсти аввал мириқиб кулди, сўнг ишонч билан деди:

«Йў-ўқ, гап ойликдамас. Жиноятчилар камалиб кет-маслиги учун чўнтагинга жарақлатиб солиб кўяди».

«Мен мафия бўламан!» – дея тантанали хайкирди болалардан бири.

Ҳалиги соддароғи яна сўради:

«Мафия?! Нима у?»

Тантанали овоз эгаси, хойнахой мафия нималигини тузукрок англамаса керак, бироз тарадудланиб аранг тилга кирди:

«Мафияни киноларда кўрмаганмисан? Улардан керак бўлса прокурорлар ҳам кўркишади».

«Мен кўркмайман!» – конун ҳимоячиси бўлиш орзусидаги ўқувчи дик этиб ўрнидан турди. – «Мен ҳамма мафияни зириллатаман!»

«Мафия» у томон хезланди.

«Ўчир овозингни кўлингдан ҳеч нарса келмайди».

Улар бир-бирининг ёқаларига чанг солишди. Шу орада томоқ кириб панадан чикдим. Болакайлар олишувни бас қилиб, жой-жойига ўтиришди. Ўзларича узун-қиска салом беришган ҳам бўлишди.

Мен уларни бир зум кузатиб турдим. Ич-ичимдан алланечук изтироб, ғусса кўзгалди.

Болалар хануз хансирашган кўйи бир-бирига ўқрайишар эди. Мафия орзусидаги бола – участка назоратчисининг ўғли Зокир. Ўқишлари аъло, хулқи ҳам бинойигина. Шахсан мен унинг келажакига катта умид боғлаганман. Шу сабаб болалар тўпидан уни имлаб чақирдим. Довдирабгина ёнимга келди.

«Зокирбой, – дедим кўлидан тутиб, – нима у мафия-пафия? Унақа бемаъни гапларни кўйинг, болам. Сиз аълочи ўқувчисиз-ку, келажакда олимми, билимдон ўқитувчими бўласиз, деган умиддамиз».

Орқада шумшайиб-шумшайиб турган болалар пик-пик кула бошлашди.

Зокир кўлимдан юлқиниб чикди.

«Барибир мафия бўламан!»

Шу вокеадан сўнг бирор ҳафта ўтар-ўтмас Зокирининг онаси Моҳигул, хув, Сафармурод чавандознинг кизи мактабга бостириб келди:

«Ўв, ўртоқ Қалқонип, нега менинг боламга муаллим бўласан дедингиз? Ўғлим бечора неча кундан бери қакшаб йиғлаб юрибди».

Мен хангу манг қотиб қолган эдим. Тилим аранг калимага айланди.

«Нега йиғлайди?! Нима, ёмон тилак билдирибманми?»

«Жўралари устидан кулиб юришибди экан. Нега ундай дедингиз? Болам кимдан кам, нега у муаллим бўлар экан?»

Мен жўяли бир жавоб топгунимча Моҳигул қарғана-қарғана хонамдан чиқиб кетди.

Юрак-бағрим зиркираганча хийла вақт ўтириб қолдим. Хаёлларим алғов-далғов бўлиб кетди.

Ё, худо, ўқитувчи бўласан дейиш ҳақоратми?! Нега шундай табаррук касбдан ор қилишади? Муаллим қачон уларнинг арпасини хом ўрди, қачон бировнинг оштобоғига қўл чўзди? Ё, ўқитувчи отнинг калласидай маош олиб, булар қурук қолишдими? Ўқитувчи дангиллама уйлар қуриб, гижинглаган машинада юрибдими? Ахир, ҳамма-ҳаммаси эл қатори-ку, йўғини яшириб, борини ошириб кун кўряпти-ку?! Ё, худо, ё, Ғуломхон пирим, бу қандай нафрат, бу қандай кўргулик?

Ўша куни кечгача идорада биқиниб, шундай оғир ўйларга ем бўлиб ўтирдим. Умуман, мен мактабдан кеч қайтаман. Иложи бўлса, шу ерда ётиб қолсам, хувуллаган уйимга бормасам, дейман. Сўққабошнинг ҳаёти шу экан-да. Қизларим уй-жойли бўлиб кетишган. Кичик кизим қўшни. Шу бечора рўзғоримга қараб туради. Ну... барибир раҳматли хотинимнинг ўрнини ҳеч ким, ҳеч нарса босолмас экан.

Йўқ, мен нолимайман, мен йиғламайман. Аллақандай сентиментал кайфият бизга ёт. Мингта моҳигул-

лар аюҳаннос солиб, шанғиллаб келишса-да, касбимга бўлган меҳримни сўндириб қўймайди. Ҳа, мен ўқитувчиман, муаллимман, бу касбим билан фахрланаман! Қолаверса, неча бир моҳигуллар ҳақорат деб билладиган, неча бир тўралар менсимай қарайдиган хизматда бўлишнинг ўзи жасорат-ку?!

Лекин қувончли кунларимиз ҳам кўп. Ўқитувчи ўз меҳнатининг мевасини кўрганда ўн ёшга яшаради, балқийди. «Меҳнатнинг меваси» деганда, ҳойнаҳой, уч-тўрт ойда аранг қўлга етиб келадиган маошни ўйласангиз, адашасиз. Муаллим меҳнатининг меваси бу — тиришқоқ, омадли ўқувчилар! Ўз ўқувчисининг камолини, обрў-эътиборини кўрган қайси муаллим лоқайд қўл силтаб қўя қолади? ҳеч қандай. Мен шундай азамат кадрлар бизнинг мактабдан ҳам етишиб чиққанини мамнуният билан қайд этишим мумкин. Масалан, Қоржов полвон. Ҳозир у Қоржов Чоршанбиевич бўлиб кетган. Пойтахтда яшайди. Баъзи бировлар полвон шаҳарлик хотинининг орқасидан кўтарилиб кетди, деган сассик гап тарқатиб юришибди. Лекин бу ғирт ёлғон. Қоржовжон ўзи омадли йигит, Хизр кўрганлардан. Яна бир фахрли шогирдимиз — Дўланов Самад. У ҳам зўр бир илмий текшириш институтида ишлайди ҳозир. Қолаверса, Ватан учун ҳалок бўлган Умрзоқов Ўроқ ҳам бизнинг мактабда таълим олган. У ҳақда Улаш агроном шоир дoston битишга чоғланиб, баъзи бир сабабларга кўра режалари барбод бўлган эди. Улашбойни танисангиз керак-а? Кўзингиз тушгандир: хумкалла, тиканак соч, япасқи бурун, қоп-қора киши. Хув, аъробий биродарларни эслатиб юборади. У киши совхозимизнинг кичик агрономи, лекин катта шоири. Мен ҳазиллашиб «чўллик Пушкин» деб атайман. Ҳозирги кунда бу ижодкор Қоржов Чоршанбиевич ҳаётидан бир эпик асар ёзиш тараддудида. Хуллас, ҳаёт-фаолияти минг бир дoston бўладиган шогирдларимиз талайгина. Яна

бир такрорлайман, улар билан фахрланамиз, кўринганга мактанамиз.

Хурматли терговчи, энди сизни кизиктирган масалага ўтсак. Бу ёғи бир тушга ўхшайди.

Роппа-роса тўрт ойча аввал эди. Уч ойлик пахта хашаридан кайтиб эндигина ўқишни бошлаган кунлар. Дарсга кўнғирок чалиниб, мактабнинг ичу ташида шовкин-сурон андак босилган бир пайт.

Мен хонамнинг эшигини ланг очиб, ўз ёзув столимда ишлаб ўтирибман. Пастки синфлар учун грамматикадан кўргазма тайёрлаётган эдим. Синфхоналарда дарс ўтаётган муаллимларнинг паст-баланд товушлари эшитилиб турибди. Қай бир синфда мусиқа сабоғи бўлса керак, рубобнинг тингиллаган саси кулокка чалинади. Мен кўргазма билан банд бўлсам-да, мактабнинг йўлагини хушёр кузатиб турибман. Эшикни ҳам шунинг учун атай ланг очиб қўйган эдим. Тўғриси, дарс пайти беҳуда санғиб юрган ўқувчию ўқитувчини жиним суймайди. Шунақаларга кўзим тушса дарров тўхтатиб сўраб-суриштираман, жўяли баҳонаси бўлмаса озгина койиб, озгина эркалаб дарсга киргизиб юбораман.

Бир пайт бўсағамга бир шарпа кўндаланг бўлди. Шартта бош кўтариб қардим. Қарадиму беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим.

«Тафтишчи-ёв?! – лип этиб ўтди хаёлимдан. Бундай ўй калламга беҳуда урилмади. Ахир, бўсағада баланд бўйли, келишган, яп-янги, қимматбаҳо костюм-шим, оппоқ қўйлак кийган йигит турар эди. Юз-кўзларидан алланечук нур ёғилади.

– Ассалому алайкум, домла, – деди у қироат билан. – Киришга мумкинми?

– Келинг, келинг...

Кўзларимни нотаниш йигитдан узолмай қолдим. Ҳалиги... Ҳолливудми-ей, Голливудми-ей, деган жойларнинг киноартистларига ўхшайди. Кўзлари чакнаб

турибди, лабларида ним табассум. Ёши нари борса ўтизларда. Мени хаёл қурғур ҳар ёқларга олиб қочади.

Ишкилиб, тинчлик бўлсин-да! Ким экан бу? Чет элликми дейман? Бизнинг овлоқ посёлкамизда нима қилиб юрибди? Ё ижарага жой излаб юрган тадбиркормикан? Бирор кичик корхона очмоқчидир? Ана, туман марказидаги қайсидир мактаб шундай ишбилармонларга ўқув корпусининг бир бўлагини ижарага топшириб маза қилиб юришибди-ку! Раҳбарият ҳам ўшаларни мактайтиди. Худо бизга ҳам «ол, қулим» деб, юбордимикан?!

Йигит мен ишора қилган стулга ўтириб қўлини кўксига қўйди.

– Узр, домла, безовта қилдим. Сиз директор бўлсангиз кераг-а?

Мен ҳаяжон билан бош ирғаб, ўзимни таништирдим.

– Мен Нажот Ғайбулламан, – дея гап бошлади йигит. – Туман марказидан келдим.

– Хуш келибсиз, хуш кўрдик.

– Мен... – Нажот Ғайбулла бир оз каловланиб ерга қаради. – Мен иш излаб келдим. Ўқитувчиман.

«Фу-у...» – шу лахзадаёқ ҳафсалам пир бўлди-қолди; эс-хушим дарров жойига қайтиб, ҳадик-ҳаяжонлар тарқади-кетди.

– Мутахассислик канақа, ука? – сўрадим раҳбарларга хос совуққонлик билан.

– Жуғрофия.

– Маълумот олийми?

– Олий.

– Илгари қаерда ишлагансиз?

– Икки йил пойтахтда ишладим. Сўнг оилавий шароитга кўра ўзимизнинг туманга қайтиб келдим. Бир йилдан ошди, бекорчиман.

– Нима, марказда иш тополмадингизми?

– Сўраб-суриштирдим, – Нажот Ғайбулла бир зум саросималаниб колди. – Икки-уч мактабга кириб чикдим. Жуғрофия ўқитувчиси керак эмас экан. Маориф бўлимидагилар шу ёққа юборишди.

Биламан, маорифдагилар йигитни беҳуда бу ёққа юборишмаган. Улар бизнинг бош оғриқдан анча-мунча хабардор. Кўпдан бери жуғрофия муаллимига ёлчимай юрганимизни жуда яхши билишади. Илгари бу фандан Райҳон муаллима сабоқ берарди. Ўрта-махсус таълимотли бу қизимизнинг сулувлигию хулқ-атвори ҳам ўртагина. Совчиларни ўпоқ-сўпоқ, дея-дея охири қари қиз бўлиб ўтириб колган. Ана шу муаллимамизни малака оширишга юбордигу ундан айрилдик-қолдик. Вилоят марказидан қайтмади. Биров билан суйишиб қолиб кетди. Ота-онаси ими-жимиди тўй қилиб берди. Шу-шу жуғрофия ўқитувчисига зор-интизор эдик. Мана, ниҳоят кўнглимиздаги кадр ўз оёғи билан келди. Ишкилиб, Райҳоннинг ҳам бизнинг ҳам бахтимиз очилгани чин бўлсин-да, билимдон йигитга ўхшайди.

Шундай ўйлар билан Нажот Ғайбуллага синчков кўз ташладим.

– Уйланганмисиз?

– Ҳа, – қимтинибгина жавоб берди йигит. – Яқинда фарзандли бўлдик.

Жавобдан кейин енгил тортдим. Бироқ ич-ичимдан ғалати бир ишончсизлик ғимирлаб турар эди. Бу ишончсизлик Нажот Ғайбулланинг пўрим уст-бошига, келишган қадди-бастига, ирода ва виқор ёғилиб турган юз-кўзига тикилиб-тикилиб қараганим сайин кучаяр эди. Охири, чидаёлмай яна сўрадим.

– Чини билан муаллимисиз, ука?

Нажот Ғайбулла костюмининг ён чўнтагидан ҳужжатларини чиқариб ёзув столим устига қўйди: паспорт, диплом, меҳнат дафтарчаси.

Ҳужжатларни бир-бир қўлга олиб, синчиклаб-синчиклаб кўздан кечирдим. Ҳаммаси рисоладагидек.

Фақат фамилияси бироз ғалати туюлди: Ғайбулла. Ғайбуллаев бўлиши керак эди шекилли? Ё, бу ҳам ёзувчи-шоирларга ўхшаб «ов», «ев»-кўшимчалардан воз кечдимикан.

– Биз мустақил миллатмиз, – деб қолди йигит даб-дурустан. Ҳойнахой, таажжубланганимни пайқаб. – Миллий мустақиллик энг аввал исм-шарифимизда бўлиши керак.

– Тўғри, – бош ирғадим мен ҳам.

Хуллас, Нажот Ғайбуллани ишга олмаслигим учун ҳеч бир асос қолмаган эди.

– Марказдан қатнаб ишламоқчимисиз?

– Ҳозирча. Кейинроқ кўрамиз, шу атрофдан бирор бир бошпана топилиб колар.

– Агар ниятингиз холис бўлса, – дедим мен унинг хужжатларини кўлига тутқазиб. – Ишга оламиз. Лекин майнавозчилик билан бошни қотираётган бўлсангиз...

– Эс-хушим жойида, домила, – деди Нажот Ғайбулла алланечук ҳаяжондан энтикиб. – Ишонинг менга.

– Ўқитувчиликка қаттиқ қизиқасизми дейман?

Нажот Ғайбулла ирғиб ўрнидан туриб кетди.

– Муаллимлик жону дилим. Болалар орасида бўлишни жуда-жуда ёқтираман. Ишонинг, домла. Мана шу орзу мени бу ёққа бошлаб келди. Болаларсиз ҳаётимни тасаввур ҳам қилолмайман. Болалар менинг тақдирим. Улар билан юз соатлаб шуғуллансам ҳам чарчамайман. Ишонинг, домла.

Йигит ҳаяжон билан гапираркан, назаримда, унинг хушбичим юз-кўзидан чиндан-да нур ёғилаётгандек эди. Баландпарвоз гап-сўзлар ҳам унга алланечук ярашиб турарди.

Шундай қилиб Нажот Ғайбуллани ишга олдик. Жуғрофия ўқитувчиси. Навбатдан ташқари педкенгаш чақириб янги муаллимни мактаб жамоасига таништирдим. Нажот Ғайбуллани кўрган ўқитувчилар мендан баттар ҳайратланишди. Кўркам йигит эса қувончдан

ял-ял товланиб, гоҳ бош ирғаб, гоҳ қўл бериб ҳамма билан саломлашиб, сўрашиб чиқди.

Ха, зўр кадрли бўлдик деган хаёлда эдим. Нажот Ғайбулла бир ҳафта ичидаёқ ўқувчиларнинг кўнглига кирди. Ўқитувчилар жамоаси унга ҳавасманд қарашарди. Янги муаллимни кўринганга мактаб юрардик. Оқибати бундай бўлишини қайдан билибман?! Атиги бир кунда ҳамма ишнинг пачаваси чиқди. Устига-устак, худди атайлагандай, ҳужжатлари яна ўз қўлига тушиб қолгани-чи? Бунда анави тарихчи муаллимимизнинг ҳам айби бор. Анқов, ховлиқма. Мана, энди... қўлимизда Нажот Ғайбулланинг ҳеч бир ҳужжати йўқ. Афт-башарасини хоҳлаганингизча таърифлаб беришим мумкин холос. Тавба, ҳаммаси тушдагидай.

Хурматли терговчи, билиб турибсиз, бу ерда менинг ҳеч қандай айбим йўқ. Холисман. Ҳамма-ҳаммасини мактаб учун, ўқувчилар учун қилдим.

* * *

(Улаш агроном-шоирнинг тушунтириш хати)

Узр, «Портвейн» виносидан қоғозга икки томчигина томиб кетди. Мени танисангиз керак-а? Шу совхознинг атоқли шоириман. Ёзганларимнинг хатоси бўлса, кечиринг, резинка билан ўчиринг. А, қалай?

Хурматли терговчи, бир неча кундан бери мактабимизга катнаб юрганингиздан хабарим бор. Ташрифингизнинг сабаблари ҳам каминага маълум. Шу нуқтаи назардан олиб қарасам, ҳақиқат қарор топишига ҳисса қўшишни ўз шарафли бурчим деб биламан. Хойнахой, каминанинг камтарин қораламаси бир гуруҳ муттаҳам муаллимларнинг тушунтириш хатлари орасига қандай тушиб қолганига қизиқаётган бўлсангиз керак. Э, сира сўраманг, бу ҳам бир ташвиш, юз грамм оқига чиқимдор бўлдик. Эрталаб мактабга келдимۇ Қалқонов му-

аллимга жиндек-жиндек қуйиб бериб, гапга овунтириб, ёзув столи устига тахлаб қўйилган тушунтириш хатлари орасига ўзимникини тикиштириб қўйдим. Эс-дарди ичкиликда бўлган директор сезмай қолди. Ишончим комилки, битикларим сизнинг муборак қўлингизга етиб боради.

Хурматли терговчи, сизга қуйидагиларни баён қилмоқчиман. Аввало, манави муттаҳам Қалқонов муаллимнинг дийдиёларига ишонманг. Ғирт ичкиликбоз. Неча-неча йиллардан бери директорлик лавозимидан тушмай, мактабни еб ётибди. Бунга керагидан ортик далилларим бор. Ўзимни улфат кўрсатиб кўп сирларини билиб олганман. Қалқонов муаллим – хотинбоз. Тўғрироғи, анча илгари шундай эди. Унинг ишқий саргузаштларга ишқибозлигини исботлаш учун бундан беш-олти йил аввал бўлиб ўтган бир воқеани айтиб берай. Зеро, ҳақиқат эскирмайди. (Хурматли терговчи, каминанинг қаламига мансуб ушбу ҳикматни ён дафтарчангизга кўчириб олишингизга қарши эмасман.)

Хуллас, воқеа бундай бўлганди ўшанда.

Домла икковимиз баъзи бир ташвишлар билан туман марказига отландик. Ўша кунлар марказдан қатнайдиган автобус дом-дараксиз эди. Кутиш бефойда. Домла, давай, катта трассагача пиёда борамиз, у ердан бирор бир кўликка илашиб кетамиз, деб қолди. Жўнадик секин-секин, гурунглаши-иб. Катта йўлга етай-етай деганимизда олдимиздан бир аёл чиқиб қолса бўладими?! Ана аёлу мана аёл! Унинг таърифини фақат шоирларгина келтира олади: сап-сарик сочлари шалоладай қуйилган, кўм-кўк кўзлар, қалам қошлар хорғин-хорғин уюлган. Қўйлаги қўйлакмас бир парча латта, кесиб ташланган тиззадан шартта, оппоқ билак, оппоқ болдирлар, юракларга қутқу солдилар...

Хуллас, аёл «привет» деди бизга жилмайиб. Қўлида катта бир сумка. Сўнг яна русчалаб бу ердан геологлар қўналғасига қандай бориш мумкин, деб сўради. Тушу-

ниб турибман. Лекин тил курғур хеч айланмайди-да, армия хизматида ҳам бир батолён ўзбек эдик, рус тили кўп керак бўлмаган-да. Ана, энди хўп зарил-да! Қани энди булбулигўё бўлиб кетсанг! Шу пайт ёнгинамда рус тили ўқитувчиси қакқайиб тургани лоп этиб эсимга тушиб қолди. Ўртоқ Қалконовнинг биқинига секин туртдим, «домилла, икки, икки оғир бир нима деворинг», деб шипшидим. «Нима, сенга бу ер синфхонами», деб тўнғиллаб берди домла, қарангки, унинг ҳам ранги оқариб кетган. Лекин без бўлиб, жим туриш ҳам мумкин эмас. Анови сулув жилмайибгина жавоб кутяпти. Охири Қалконов ҳам тиржайиб «привет» деди. Сўнг кўлларини гоҳ геологлар томон, гоҳ посёлка ёққа пахса қилиб, силкита-силкита, оғзидан тупик сачратиб, тегирмондай гулдураб ўзича русчалаб алламбалолар дея кетди. Ҳалиги жувон эса андак чўчиб, андак ажабланиб домланинг оғзига анграйиб турар эди. Бир пайт домла гапини тугатар-тугатмас, «теперь, по русски обесни, пожалуйста», деб қолса бўладими?! Қалконов оғзини каппа-каппа очиб қолди. Бечора нажот излаб менга тикилди. Уялмасин деб гапни тўғриладим, «домла кўяверинг, ўзи гўзал бўлсаям, қулоғи қар экан», дедим. Ҳалиги аёл гапимни эшитиб турган экан, қах-қах уриб кулиб юборса бўладими?! «Ве-ей, биласизми ўзбекча, гапиринг ўзбекча», деб қолди-я бир маҳал! Қурғур, тилимизда булбулдай сайрар экан. Сўнг ҳаммаси маълум бўлди.

Маълумки, трасса ёқасидан қараганда геологлар посёлкамиз тубида жойлашгандай кўринади. Домлани анча-мунча қийнаб қўйган анави аёл ҳам автобус деразасидан қараб кела-кела, посёлкамиз биқинидаги узун-узун темир қурилмаларни кўриб, етиб келдим, деб ўйлаб, посёлка муюлишида автобусдан тушиб қолибди. Автобусда бирортасидан сўрамабди ҳам. Қараса, посёлка ҳам, геологлар кўналғаси ҳам жуда-жуда олис, адашдим, деб кўркибди. Шу пайт посёлка йўлида биз

кўриниб қолганмиз. Тўғриси, курғур, шўх-шаддодгина экан! Айтганлари чинми, ё шунчаки ҳазилми билмадим. Хуллас, шоша-пиша бизга пешвоз юрган. Қараса, икки йўловчи ҳам туппа-тузук кийинган, ҳатто, бирининг қўлтиғида калин чарм папка ҳам бор. «Сизларни геолог қидирувда ишловчи чет элликлардан, деб севиниб кетдим» деди аёл. Курғур, домлани корейсга ўхшатибди, каминани эса... ҳа, майли бунинг аҳамияти йўқ. Хуллас, ўшанда Қалқонов муаллим ҳалиги аёлни етаклаб, ўз ишини ҳам унутиб геологлар ёққа йўл олди. Шу-шу ўша тарафга кунора қатнайди одат чиқарди. Бу ҳақда посёлкамизда хийла шов-шув бўлди. Ҳатто, уларнинг Кенгсой даштида ачомлашиб юришганини кўрганлар бор.

Мана, сизга исбот. Мана, хотинбоз мактаб директорининг хақиқий башараси. У ҳозир ҳам қариб қуйилмаганлардан. Сезаман-да...

Мен сизга айтсам, ҳурматли терговчи, ушбу мактаб жамоасининг ҳаммаси ҳам бир гўр. Барчаси маънавий бузук, порахўр. Масалан, мактаб илмий мудир Норхол Хушбоқовани олайлик. Анави юзида «индийский» холи бор, дўмбоққина аёл-да, танийсиз-а? Эри икки йил аввал Россияга кетиб қолган. «Тирикчилик курсин, хўжайиним пул топиш дардида сарсонгарчиликни бўйнига олди», деган гап қилиб юрибди Нормулой. Аслида-чи, эри ундан безиб кетган. Энди қайтмайди, айтишларича, ўша ёқда бир гўзалга уйланиб олган эмиш. Ҳаммасига шу илмий мудирнинг ўзи сабабчи. Ҳар хил мажлисларни баҳона қилиб марказга кунора қатнайди, уйига кеч қайтади. Ёш бошига беҳуда илмий мудира бўлиб қолмаган бу, биламан-да.

Масалан, директор ўринбосари Боймурод серрига назар ташлайлик. Худо сал кам икки метрлик бўй берган, хунар-пунар деган нарсалардан ҳам қисмаган, лекин айнан муаллимлик уқувини бермаган-да. Лекин бу кишим ўқитувчилар. Алгебра, физика каби энг жиддий

фанларни эгаллаб олган. Давлатнинг ойлигини куртдек санаб олиб ётибди.

Умуман, хурматли терговчи, мактабда носоғлом муҳит бор. Қалконов, Норхол, Боймуродлар ўзаро жиний гуруҳ. Ўқитувчи кадрлар етишмайди, деган баҳона остида дарс соатларини бўлиб олишган. Ҳали она сути оғзидан кетмаган, қай гўрдаги коллеж-моллежни амал-тақал билан битириб келган қизларни ҳам ишга қабул қилган. Ҳаммаси шу учовининг қариндоши, ҳаммаси кўрсавод.

Домла Хуррамович ҳақида ҳеч нарса деёлмайман. У анақа... махсус идораларнинг хуфёна хизматида. Қўрқаман. Уни танийсиз-а: ёши элликдан ҳатлаб ўтган, сочлари меникидек сийрак, қировтус. Вазиятга қараб гоҳо шляпа, гоҳо дўппи кияди ва лек ҳеч қачон ялангбош юрмайди. Ҳойнаҳой, бор-йўғ эс-ақли бош кийимида, эсам гарангсиб қолади. Кўзлари тарғил. Ранги уникқан ёқаларидан қоп-қора галстуги ҳеч ечилмайди. Ўлсаям бир кун шу бўйинбоққа осилиб ўлишни ният қилган, шекилли. Бирок домла ҳозирча дадил, ҳаётга хушёр қарайди. Саломат бўлсинлар.

Анчагина алжираб юбордим-ов, ўртоқ терговчи. Лекин мени маст деб ўйламанг. Илҳом учун аҳён-аҳён, қиттак-қиттак олишимни ҳисобламасак, мутлақо ичмайман. Шу сабаб ёзганларимга диққат қилишингизни элтмос қиламан.

Хўш-ш, устига-устига мактабда дарсликлар етишмайди. Умуман, йўқ десам ҳам хато қилмайман. Бу кўргуликларнинг бошида совхозимиз директори Чинор Тоштемирович туришини сизга рўйи рост айтмоқчиман (узр, тагин уч-тўрт томчи вино қоғозга томиб кетди, минг бор узр). Чинор Тоштемирович – мутлок ҳоким, лекин кўрқоқ, каззоб одам. Кўрқоқ одам ёвуз бўлади! (Каминанинг қаламига мансуб ушбу ҳикматни ҳам кўчириб олишингизга розиман.) Чинор Тоштемирович шунчаки золим, жоҳил. Ўз ҳукмидаги элдан

кўркади, кирдикорлари бир кун очилиб қолишидан чўчийди. Шу сабаб ҳеч кимни кўз очиргани кўймайди. Гапга етарман, каллали одамларни бадном қилади, қама-тади, керак бўлса, ўлдириб юборишдан ҳам тоймайди. Чунончи, Умрзоқов Ўроқ аскарлик пайти одам ёллаб уни саранжомлатган. Чунки Ўроқбой катта институт талабаси, оқ-қорани ажрата бошлаган зукко йигит эди. Афсус, орамиздан эрта кетди. (Ўртоқ терговчи, қахрамон ўғлонимизнинг пок хотираси учун жиндек хўплаб юборсам... Мана, сизнинг номингиздан ҳам яна киттак.)

Хўш-ш, мана шу баттол раҳбар дарслик китоблар келтиришга ими-жимиди қаршилиқ қилади. Болаларнинг ўқимишли, зукко бўлиб кетишини истамайди. Бир кун келиб ёшлар совхоз раҳбарлигига даъвогар бўлмасин, дейди-да. Шунинг учун мактабни қаттиқ назоратда сақлайди. Юқорининг буйруғи деган баҳона остида болаларни пахта теришга ҳайдаб чиқади. Болалар икки-уч ойлаб далаларда қолиб кетади, мактаб бетини кўрмайди. Муаллимларни атай овора қилиб қўяди. Финг деганнинг бошига маломат ёғаверади. Қалқонов муаллимга ўхшаганлар эса оч қорним, тинч қулогим қабилида иш юритади. Шунинг касридан ўқув ишлари ўрта сарсон. Ана шундай пайт Нажот Ғайбуллага ўхшаганларнинг куни туғади. Жамоа орасига суқулиб кириб билган номаъқулчилигини қилади. Ўртоқ терговчи, Қалқонов ва унинг ҳамтовоқлари албатта сизга ўзларини оппоқ кўрсатиб ёзиб беришлари тайин. Аммо мен гарантия бериб айтаманки, ишқал ишга шулар юз фоиз айбдор. Масалан, Қалқонов муаллим Нажот Ғайбуллани пора эвазига ишга жойлаган. Исбот шулки, нотаниш йигит пайдо бўлган куннинг эртасига қувонч билан шаталоқ отиб кетаётган Қалқоновни учратиб қолдим. «Улашвой, юринг, би-ир эрийман, кеча зўр ўқитувчили бўлдик», деди. Ҳолбуки, қайси кундир чўнтагида ҳемири йўқлигидан, кимдан қарз ундиришини билмай, гарангсиб юрган эди. Энди эса эримокчи! Демак, қайдандир тушум

тушган. Не ажабки, Нажот Ғайбулла ҳиммат қилган бўлса?!

Нажот Ғайбулла деганлари балойи азим экан. Тўғриси, уни кўриб менинг ҳам оғзим очилиб қолди. Пўрим уст-боши, виқорли юриш-туриши қойил қолдирди. Марказдан мактабга яп-янги «Нексия»да катнашига нима дейсиз? Зарранинг заррасича бизнинг муаллимларга ўхшамайди.

Ҳатто посёлка эли ҳам янги ўқитувчини томоша қилгани ҳар хил баҳоналар билан мактаб теварагида ўралашадиган бўлиб қолди. Мактаб жамоасини-ку, кўяверинг. Муаллимчалар пардоз-андоздан бўшамай қолишди, у ён ўтса ҳам, бу ён ўтса ҳам «Нажот ака, Нажот ака»лаб энтиқишади. Дуппа-дуруст ўқитувчиларимиз ҳам онаси ортидан атак-чечак одимлашни ўрганаётган бўғалоқлардек Нажот Ғайбуллага тақлид қилишга тушишди. Аммо йўл бўлсин! Чўнтагида тилла червон ўйнаётган кишигина янги муаллимга тақлид қилса арзийди.

Мен эмоцияга берилмайдиган, воқеаларни холис, совуққон таҳлил қиладиган одамман. Шу сабаб янги ўқитувчига бошқалардек анграйган кўйи қолиб кетмадим. Нажот Ғайбуллани обдан кузатиб у ҳақда ўзимга хулосалар ясадим.

Нажот Ғайбулла қандайдир бойваччанинг тўқликка шўхлик қилиб юрган арзандаси. Авантюрист. Бунақаларни кино ва романларда кўп учратамиз. Улар ота-оналарининг бойликларига қаноат қилмай ҳар хил саргузаштлар иштиёқида юришади. Нажот Ғайбулла ҳам худди шундай. Муаллимликка кўнгилчалари сушт кетган. Шу йўл билан ёш ўқувчи кизларнинг бокира юрагини забт этиб, ишқий майнавозчиликлар қилмоқчи бўлган.

Мана, нақадар тўғри хулосага келганимни ҳаётнинг ўзи кўрсатди! Яхшиям катта фалокатларнинг олди ўз вақтида олиб қолинди.

Хурматли терговчи, каминаи камтариннинг битиклари сизга асқатиб қолса ғоят мамнун бўлардим. Гапларим тухмату бўхтондан, ёлғон-яшиқдан холи. Эс-хушим ўзимда. Кўзим тиниб бошим айланаётгани, қўлимнинг қалтираши ҳаяжоннинг зўридан, холос. Бошқа хаёлларга борманг тағин. Мабодо зарурат чикса бемалол чақиртиринг. Камина учиб боражак. Сизнинг чорлашингизга умид боғлаб ҳозирча ёзганларимга имзо чекмай тураман. Узр.

Дарвоқе, икки оғиз ўпка-гина қилишга рухсат берсангиз. Мен бундан хийла илгари мактабимиз муаллимлари Норхол ва Боймуроднинг ғайри ахлоқий саргузаштлари ҳақида идорангизга тўрт энлик хат ташлаган эдим. Негадир хануз-хануз жавоб бўлмади. Анови ўқитувчилар сўроқ-терговга тортилмади. Ё фурсат тополмадиларингизми? Мана, ўз оёғингиз билан мактабимизга келиб қолибсиз, балки ушбу долзарб масала юзасидан ҳам текширув ўтказарсиз? Умидларим катта. Қимматли вақтингизни ўғирлаганим учун яна бир карра узр сўрайман.

* * *

**(Мактаб илмий мудираси
Норхол Хушбоқованинг тушунтириш хати)**

Уф-ф, бир камим тушунтириш хати ёзиш эди. Хўш, нимани тушунтирай? Ҳали ўзимга ҳам тушуниксиз, чигал турмушим, касби-корим ҳақида нима ҳам дейишим мумкин? Бир пайтлар отам раҳматлик пединститут қошига етаклаб бориб, «Қизим, муаллимчиликка ўқий қол, аёлларбоп иш, тўртта болани алдаб юраверасан», деган эди. Афсуски, тўртта ўқувчини алдаш» билан иш битмас экан. Мана, ёзув столим устида уюм-уюм юмуш кутиб ётибди: дарслар тақсимотини қайта кўриб, жадвални ўзгартиришим керак, туман ҳокимиятига, маориф бўлимига алоҳида-алоҳида ҳисобот тайёрлашим зарур.

Ҳисоботда ўтган чорак яқунлари, янгисининг режалари икир-чикирларигача акс этиши талаб этилган. Бундан ташқари, шу ой ичида қабул қилинган ҳукумат Қарорлари асосида деворий газета тайёрлаб мактаб залига ошишим керак (иложи бўлса ёнига ўзимниям). Булар бугундан қолдирмай қилишим зарур бўлган юмушлар. Эртага яна қанча қоғозбозликлар кутаётганини айтсам, ручкамнинг сиёҳи тугаб, қоғозларим адо бўлади.

Йўқ, мен тушунтириш хати ёзмайман. Дабдурустан шундай қарорга келдим. Шоир айтгандай, юрагимни юлиб шундоққина қоғоз устига қўя қоламан. «Мактабнинг обрўсини ўйланглар, ўзларингни эҳтиёт қилинглар», деб устоз Қалқонов неча-неча марта тайинлаган бўлсалар-да, барибир кўнглимдагини ёзма сам чидаёлмайман.

Устига-устак, ҳурматли терговчи, ўзингиз мени бир чеккага тортиб: «Хушбоқова, устингиздан шикоят хати тушган» дедингиз. Шикоят мазмуни билан қисқача таништирдингиз. Аъзойи баданим музлаб кетди. Сиз аҳволимни пайқаб, ўзингизча юпатган бўлдингиз, аммо юмшоқлик билан қўшиб қўйдингиз: «Узр, шу масала хусусида ҳам алоҳида тушунтириш ёзиб беринг».

Йўқ! Бунақа масалалар юзасидан алоҳида ҳеч нарса деёлмайман. Шу ёзганларим етарли бўлар, ҳойнаҳой.

Нажот Ғайбулла ишга қабул қилинган, бир ҳафта ичидаёқ мактабни сеҳр-жодуга кўмиб ташлагандай бўлди.

Устида ҳаммиша оппоқ кўйлагу коп-қора костюм, гулдор галстук. Қуюқ сочлари ювиб, орасталанган. Юзларида виқор, лабларида нимтабассум. Аввал бошида ўқитувчиларимиз Нажот Ғайбуллага нописанд, масҳараомуз муомалада бўлдилар. «Худди тўйга келгандай кийинишини-чи» дейишарди энсалари қотиб. Кейинчалик ҳамма-ҳаммалари янги муаллимга қизиқсиниб-қизиқсиниб, андак ҳасаду андак ҳавас, андак қурув ва андак хайрат билан қарашадиган бўлишди.

Нажот Ғайбулла дарсларга ўз вақтида етиб келар эди. У ичкари кираётган чоғ, назаримда, «Ўқитувчилар хона»сининг ёғсираб қолган эшиги одатдагидек аянчли ғийкилламас, у қадам босган пайт, эски пол одатдагидек ғичирламас эди.

– Ассалому алайкум!

Нажот Ғайбулланинг кироатли саломи давлат мадҳиясидай жаранглаганиданми, хонадаги ўқитувчилар беихтиёр ўринларидан кўзғалиб, қўл бериб кўришишга чоғланишарди. Нажот Ғайбулла гўё йўқсилларга эҳсон улашгандай, ҳар бир ҳамкасабанинг илкини эҳтиром билан бир-бир ушлаб, самимий сўрашиб чиқар, сўнг устидаги қимматбаҳо, чарм камзулини бурчакдаги илгакка илардию кўзгу ёнида апил-тапил сочларини тараб, у ёк-бу ёкни саришталаб оларди. Узундан узоқ телесериални ҳормай-толмай муҳокама қилаётган ўқитувчиларнинг ўз-ўзидан саси ўчиб, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона янги муаллимни кузатишар, гўёки қизиқарли, ҳаяжонли томошанинг галдаги қисми шундоққина кўз ўнгларида давом этар эди.

Бир куни Нажот Ғайбулла дарсга анча кечикиб қолди. У сабоқ бериши керак бўлган синф болалари одатдагидек кий-чув кўтармай синфхона эшигидан умидвор-умидвор караб кўйишар эди. Қалконов муаллим ҳам безовталаниб мактаб ҳовлисига чиқди. Мен янги муаллимни болаб койишга баҳона топилганидан хурсанд. Бир пайт Нажот Ғайбулла ўз «Нексия»сида тўппа-тўғри ҳовлига кириб келди.

– Кечирасизлар, кечикиб кетдим, – деди у машинасидан шоша-пиша тушиб.

Эндигина аччиқ-тизиқ гапларга оғиз жуфтлаган мактаб директори хангу манг қолди. Унинг кўзи туйқус машина салонига даста-даста тахланган китобларга тушган эди.

– Нима опкелдингиз? – сўради у аранг.

Нажот Ғайбулла кулиб машина багажини ҳам очиб юборди. Багаж ҳам лиқ тўла эди.

– Дарсликлар, устоз, – деди янги муаллим мамнун. – Ҳаммаси ўзимизга.

Мен ўқитувчини бетоқат кутаётган болалардан уч-тўрттасини ховлиққанча ховлига бошлаб чиқдим.

Қалқонов муаллим ҳам ҳаяжондан, ҳам ҳадикдан энтикиб деди:

– Буларни ҳозирча менинг хонамга киргизайлик. Кейин... кейин гаплашамиз.

Директорнинг кабинети китобга тўлиб кетди.

Нажот Ғайбулла ўқувчилар изидан синфхонага ошиқаркан шоша-пиша тушунтирган бўлди.

– Вилоят марказидан опкелдим. Шунақа махсус фонд бор.

Директор иккимиз гоҳ бир-биримизга, гоҳ уюму юм китобларга тикилганча қолавердик. Икковимиз ҳам таажжубдан танг қотганмиз.

– Кизиқ, – деб ғудранди Қалқонов муаллим. – Қанақа махсус фонд? ҳеч эшитмаган эканман, ё, сенинг хабаринг борми, Норхол?

Мен ҳам бош чайқаб елка қисдим. Ўқув йили бошида туман маориф бўлимидагилар ҳар бир синф учун атиги беш-олтита дарслик ва беш-олти оғиз пўписа берганди: «Улушларинг шу. Ғинг-шинг билан шикоят қилиб юрганларингни эшитмайлик. Фонд тамом. Қолганини бозор-мозордан сотиб оласизлар».

Биз икки ўт орасида қолдик. Хўш, эрта-индин муқаррар келадиган тафтишчилар, «Дарсликларни қайдан олдинглар» деб сўрашса нима деб жавоб берамиз.

Танаффус пайти Нажот Ғайбуллани директор икковимиз яна ўртага олдик. Мен ўтиб-қайтаётган ўқитувчиларнинг китобларга кўзи тушмаслиги учун эшикни зичлаб ёпиб қўйдим.

– Тўғриси айт, болам. Қаердан опкелдинг буларни? – деб сўради Қалқонов муаллим.

Нажот Ғайбулла хотиржамлик билан ўша гапларини кайтарди.

– Айтдим-ку...

– Туман раҳбариятидан биров-ярим сўраб колса, бундай деёлмаймиз.

– Нега, устоз? Болалар дарсликли бўлганини эшитиб хурсанд бўлишади-ку?

– Йў-ўқ... Бошимизда ёнғоқ чақишади. Вилоятга арз қилиб боргансанлар, дейишади.

Мен ҳам ўзимча фикр билдирган бўлдим.

– Яхшиси, пул йиғиб бозордан опкелдик деймиз.

– Йўқ, – директор жаҳл билан ёзув столига муштлади. – Бўлмайди. Ҳар бир ўқувчи, ҳар бир муаллимга қандай тушунтириб чиқасан буни? Бирортаси оғзидан гуллаб қўйса, тамом.

Нажот Ғайбулла гуноҳкорона тарзда китобларга термилиб ўтирарди.

– Бирорта тадбиркор ҳадя қилди деган қогоз тўғриласак-чи? – деди Қалконов муаллим чехраси андак ёришиб. У қисик кўзларини пирпиратиб бир менга, бир янги муаллимга тикилди.

Охири шу қарорга келдик. Ўша куниёқ катта танаффус пайти ўқитувчилар ўртасида савобталаб бир тадбиркор мактабимиз учун дарслик китоблар ҳадя этгани хақида гапирдим.

– Эҳ, отасига раҳмат, – деб юборди Эшболта ака, кекса бошланғич синф ўқитувчиси. – Болажонлар жуда қийналиб юрганди-да.

Тағин бир бошланғич синф муаллимаси – Нозима чинқириб ўрнидан туриб кетди.

– Дарсликлар?! Энди дарсликлар бўйича ўқитамизми?

– Э, чинқирма-е, – дея жерикди уни Боймурод ака. – Нима, ҳалиям ойнага қараб-қараб ўқитмоқчимисан?

Боплади. Мен Боймурод акага миннатдорона бош ирғадим. У киши жилмайиб қўйди. Тўғриси, шу қиз

менга ҳам сира ёкмайди. Балки илмий мудирга бунака гап ножоиздир. Лекин барибир кўнгилга буйруқ бериб бўлмайди-да!

Унинг семиз, дум-думалок бичимига қарасам нафасим бўғилиб кетаверади.

Нозима бундан атиги икки йилча илгари шу мактабни аранг битириб кетган эди. Онаси тилли-жағли, шатта аёл. Бизда фаррош. У ёққа чопди, бу ёққа чопди, охири кизини аллақердаги педколлежга ўқишга киритди. Сўнг яна зир-зир югуриб, гоҳ ҳокимиятга, гоҳ прокуратурага арз қила-қила Нозимани тагин қўлимизга эсон-омон топширди. Бошланғич синф муаллималигини беришга мажбур бўлдик. Мен бир гал онасига алам билан юзланиб: «Нозима ғирт саводсиз-ку? Болаларнинг уволига қоласиз-а?!» дедим.

Фаррош аёл пинагини ҳам бузмади: «Яхши-да, кайта ўқиб олади, ўргилай...»

Хуллас ўша катта танаффус пайти тадбиркорнинг ҳадяси тузуккина муҳокама қилинди. Фақатгина домла Хуррамович гап-сўзларга аралашмай, тиришган башараси баттар тиришиб Нажот Ғайбуллани синчков-синчков кузатиб ўтирарди. Ўқитувчиларнинг кўписи дарсликларга ёлчиб қолганимиздан қувониб, номаълум саволатпешани астойдил алқашди.

– Қурумсоққина бойвачча экан-да, – деди кимё муаллимимиз Салимахон муҳокамага яқун ясаркан. – Пулгинасини қўлимизга бериб қўйса, ўзимиз олардик-да шу китоб-питобни.

Салимахон куйинчак, талабчан муаллимаю лекин «кимё» деганда кўпинча соч-тирноқ бўяшни тушуниши чатоқ (аёл-да). Билими ҳам ёмон эмас. Пойтахтда ўқиган, кип-кизил диплом эгаси. Баъзи бир мактанишларига қараганда, амалиётни «Гўзаллик салон»ларида ўтаган. Энг ёмони, иш юзасидан озгина койисак, Салимахон дарров маориф мудирига югуриб боради. Шу

боис фаол, интилувчан муаллима сифатида раҳбарият ҳам уни жуда яхши танишади.

Хуллас, ҳады дарсликлар шу кунӣк ўқувчиларга ими-жимиди тарқатилди. Сабоқлардан бўшанкилиги китоб йўқлигини баҳона қилиб юрган болаларнинг пешоналари тиришиб кетди.

Бироқ китоб тўла машинани кўрганимиздаёқ ичимизга кириб олган ваҳима барибир бизни тарк этмади. Директор ҳам мен ҳам гўёки игна устида юрардик. Хаёлларимиз бесаранжом. Йўқ, беҳуда азият чеккан эканмиз. Ўша ҳафта туман марказидан келган тафтишчилар тўпи туйқус ўқувчилар кўлида пайдо бўлиб қолган дарсликларга эътибор ҳам бермади. Хавотирдан терлаб турган Қалқонов муаллим бекордан-бекор уч шиша ароққа, уч коса шўрвага чиқимдор бўлди. Дарсликларнинг қайдан, қандай пайдо бўлгани эса жумбоқлигича қолаверди. Директорни билмадиму мен шу сиру синоат ҳақида тинимсиз ўйлардим. Икки-уч марта Нажот Ғайбуллани чеккага тортиб гоҳ жиддий, гоҳ ҳазил-хузул билан сўраб-суриштиришларим ҳам ҳеч наф бермади. Янги муаллим ўзига ярашиқли ҳамишаги табассумлар билан тағин ўша гапида туриб олди: «Вилоятдаги махсус фонддан келтирдим...»

Йўқ, дарсликлардан сўнг ҳам «махсус фонд» маш-машаси ҳали тугамаган экан!

Нажот Ғайбулла бир куни баҳайбат телевизор, алламбало видео ашқол-дашқоллар келтирди. Бунгача ҳам у жуғрофия кабинетини мисоли музей ясантирган, жиҳозлаган эди. Деворларда турли-туман харитаю кўргазмали плакатлар. Стол устида селитрага бўккан улкан тарвуздай глобус. Ҳар бир партада иккитадан семиз, рангли китоб. Китобни варақласангиз дунёнинг бу чеккасидан кириб нариги тарафидан чиқасиз. Хонанинг у ер-бу ерига улкан кема ва самолёт макети қўйилганки, гўё шу транспортларда саёҳатга чоғлангандек ҳис қиласиз ўзингизни.

Мана, шунча сеҳру жодуси етишмагандай Нажот Ғайбулла тагин ҳаммамизни хангу манг қолдириб телеаппаратуралар келтирди. У ғаройиботларини жуғрофия кабинетига жойлаштираркан, хаяжону қувончдан энтикарди.

– ҳаммаси болаларга! Ана энди дарс-дарсдай бўлади-да.

«Дарс-дарсдай бўларканми?! – ўйлардим мен гангиб. – Шу пайтгача унинг дарслари қанақа эди?».

Биз – мактаб раҳбарияти янги муаллим ишга келгандан бери унинг сабоқларини тез-тез кузатиб турардик. Бир гал ўзим расмий текширувчи сифатида синфхонага кириб орқа партага жойлашдим.

Ўқувчилар ўз ўринларида учишга шайланган кушлардек сергак ўтиришибди. Ҳамма Нажот Ғайбуллага ҳурмату эъзоз билан тикилган. Синфхонада пашша учса билинади.

– Тинч океани дунёдаги энг катта уммон.

Нажот Ғайбулла қўлидаги синф журналию китоб-дафтарларини стол устига қўяр-қўймас дабдурустдан, томдан тараша тушгандай дарс бошлаб юборди.

Одатда биз ўқитувчилар синфхонага киргач, ўн-ўн беш дақиқа ғала-ғовур, пичир-пичирларни тинчитиб билан овора бўламиз. Сўнг синф журналинини очиб узундан-узун йўклама ичида хийла вақт йўқолиб кетамиз. Кейин ўтган сабоқ юзасидан сўроқ-тергов бошланади. Тайин гапки, дарс тайёрламай келган ўқувчи унча-мунча партизандан баттар миқ этмай тураверади. Хуноб бўлиб уни койиб-жеркамиз. Икки-уч шунақа қайсарлар билан олишувдан сўнг ўзимизнинг тинкамиз қуриб, асабларимиз қакшайди. Бу ёғи танаффусга яқин. Шоша-пиша янги дарсни бошлаймиз. Ўқувчиларнинг беадоқ шивир-шивир, пичир-пичирига қориштириб конспект қилиб келганларимизни амал-тақал билан айтиб берамиз.

– Тинч океани дунёдаги энг катта уммон!

Нажот Ғайбулланинг сокин, соҳир овози синфхона бўйлаб сирли-сирли кезинади. Ҳамма ёқ тинч уммонига ғарқ бўлгандай жимжит. Янги муаллим ахён-ахён доскага зарур рақаму атамаларни ёзиб қўяди, гоҳ стол устидаги глобуснинг керакли нукталарига ишора қиладди. Ўқувчилар аллақачон синфхонадан «учиб» кетишган. Улар устозларига қўшилиб олис-олис оролларда, сув дунёсининг ғаройиботлари ичида сайр этиб юришибди.

Қўққис танаффусга қўнғироқ чалинди. Қўнғироқнинг беаёв чинқириғи ҳамма-ҳаммани олис чўл посёлкасининг овлоқ қўйнига яна қайтариб келди. Шундагина мен ҳам ўқувчилар сафида эканимни пайқаб колдим. Ҳатто қулоқларим остида хийла вақт пальма дарахти шовуллаб турди, уммон сувининг шўр таъми томоқларимни куйдириб ўтгандай бўлди. Бунақа аччиқ таъм одатда ич-ичимдан ўксиб йиғлаганим чоғ пайдо бўлади.

Наҳотки мен ўксидим? Нега?! Янги муаллимдай дарс беролмаслигимни англаб етдимми?

Текширувдан дилгир ва асабий кайфиятда чиқдим. Қалқонов муаллим дарров хузурига чорлади.

– Қалай?

– Ёмон.

– Нега?

– Ростданам дарс ўтаркан.

Қалқонов муаллим ерга қаради. Мен дераза ортида ястанган тип-тиник осмонга тикилдим.

– Хафа бўлма, – деб гап бошлади директор чуқур бир тин олгач. – Сизлар ҳам яхши муаллим. Баҳоли қудрат ўқитяпсизлар-ку?

– Бу бошқача-да.

– Нажотнинг шароити тузук шекилли. Кўриб турибмиз, моддий жиҳатдан ҳам бақувват. Бунақа бўлгандан

кейин фақат дарсни ўйлайди-да. Ўз устида ишлайди. Сизлар ҳам...

Қалқонов муаллим гапини ичига ютиб яна ерга айбдорларча тикилди.

Мен томоқларимда тагин денгиз шўрини туйдиму беихтиёр ташқарига отилдим.

Шундай қилиб, Нажот Ғайбулланинг теле-аппаратуралари яна бизни таҳликага ташлади. Гоҳ директор, гоҳ мен янги муаллимни сўроққа тутдик.

– Қаердан олдингиз бунақа қиммат нарсаларни?

Жавоб яна одатдагидай бўлди:

– Вилоят марказидан. Махсус фонд.

– Ўв-в... – Қўққис пайдо бўлган домла Хуррамович терговга аралашди. Сен бола нега майнавозчилик қил-япсан? Қанақа махсус фонд? – азбаройи жаҳлдан Хуррамовичнинг сарик қопламали тишлари орасидан тупук сачради. – Хат-пати борми бу матоҳларнинг?

Нажот Ғайбулла хотиржам кулди.

– Устозлар, кечирасизлару... лекин ғирт дунё беҳабар экансизлар. У ерда ҳеч қанақа қоғозбозлик йўқ. Шундай борасизу мактаб номидан ариза берасиз. Улар дарров компьютер орқали текширишади. Ростданам мактабимизга шу нарсалар берилмагани аниқланса, тамом. Узр сўрашиб, икки соат ичида аризангизни ижобий ҳал қилиб беради. Керакли ҳужжатларни ўзлари тўғрилаб қўйишаверади. Улар ўқитувчиларнинг вақтини ўғирлаб, сарсон қилиб қўйишни жинойат деб ҳисоблашади.

– Текширамыз ҳали, – деб тўнғиллади домла Хуррамович чиқиб кетаркан. – Эртақ-чўпчагингни катта холангга айт.

Қалқонов муаллим ботинолмайгина деди:

– У ёқларга боришдан аввал сал-пал маслаҳат қилинг-да.

Нажот Ғайбулла бош чайқай-чайқай жилмайиб дарсга кетди.

Директор ва мен яна бир-биримизга таажжуб билан тикилдик.

– Чинмикин-а?..

– Билмадим...

– Чинга ўхшайди, – Қалқонов муаллим кўпни кўрган қарияларга хос мулоҳаза қила бошлади. – Ўз пулига сотиб олиб келса дарров кўкрагига урарди, мактаб учун ундоқ, мундоқ қилдим, деб дунёни бошига кўтарарди. Йў-ўқ сотиб олмаган. Ё, ўғрилаб келдимикин-а? Йў-ўқ, мактаб учун жонини хатарга қўйиб зарилми унга?! Норхол, шу боланинг гапи рост.

Ниҳоят, Нажот Ғайбулла бизни енгди. Аллақаерда мактабларнинг хизматига ҳозир у нозир, ўқитувчиларни сарсон қилишни жиноят деб биладиган махсус жамғарма борлигига ноилож ишондик.

Кунлардан бир кун янги муаллимнинг ишлари туман раҳбариятининг назарига тушди. Совхоздаги маънавий-маданий тадбирлар режаси билан танишиш учун келган ҳокимият вакили Маънавий-маданий объект сифатида мактабимизга ҳам бош суқиб ўтган эди. Биз анчагина шошиб қолдик. Лекин вакилга Нажот Ғайбулла ясангириб қўйган кабинетни мамнуният билан кўрсатдик. Текширувчи бу ерда хийла вақт ивирсиб қолиб кетди. Янги муаллим қай гўрлардан топиб келтирилган антиқа-антиқа жиҳозларни қизиқиб-қизиқиб томоша қилди. «Зўр дам олиш хонаси бўпти-да», – деб хулоса ясади охири бизни тарк этаркан.

Ҳокимият вакили келиб кетгач, уч-тўрт кун ўтиб директор икковимизни туман маориф идорасига чорлашди. Бу чорловнинг бир балоси борлигини пайқаган тажрибали педагог Қалқонов бетоблигини баҳона қилиб марказга бормади. Ноилож Боймурод ака билан кетдик.

Маориф мудири Эркабоев бетоқат кутиб турган экан.

– Бу нима гап, ҳамкасблар?! – дея айюҳаннос солди у стол муштлаб. – Нега мен билишим, шахсан бошида

туришим керак бўлган ишларга ҳокимият вакили ара-лашиб юрибди?!

Кундоши кийиб ўзи қуруқ қолган аёлдай куйиб-ёна-ётган маориф мудирининг ёзгиришларидан алланелар-нидир ғира-шира англаб етгандай бўлдик.

Ҳокимият вакили ўша куниёқ ўзини ҳайратга сол-ган жуғрофия кабинети ҳақида шахсан туман ҳоки-мига маълумот берибди. Албатта, маълумотда ушбу ҳайратланарли ишларда ўзини бош-қош ташкилотчи деб камтарлик билан кўрсатиб ўтган. Ҳоким эса маъ-навий-маданий тадбирлар юзасидан вилоят ҳокимия-тига тайёрлаб ўтирган ҳисоботига жонкуяр вакилнинг маълумотномасини ҳам кистириб юборибди. У ёқда маънавий-маданий тадбирлар, мактаб ишлари бўйича жонкуяр кадрга зор бўлиб туришган экан, шекилли, жуғрофия кабинети учун фидойилик кўрсатган вакил-ни дарҳол чакириб олишибди. Қарабсизки, уч-тўрт кун аввал аллақандай тадбирлар режаси деб овлоқ посёлка-да сарсон юрган вакил вилоят ҳокимиятида бир бош-карма бошлиги!

– Сотқинлар! Ичи қоралар! – деб ҳануз оҳ-воҳ че-карди Эркабоев. Охири у улоқни олдирган чавандоз-дай курсисига беҳол суяниб қолди. Уф кетидан уфлар тортди. Бироз ўзига келгач: – Нега, ўртоқ Хушбоқова, ҳисоботларда манави янгилик ишлар ҳақида лом-мим демагансиз?

Мен ҳам, Боймурод ака ҳам худди никоҳ ўқиладек-гандек ерга тикилдик. Нажот Ғайбулланинг ибратли ишларини кўз-кўз қиладиган ҳисобот тайёрламагани-мизнинг сабаблари ўзимизга аён. Сирли муаллимга биз келган кунидан бери шубҳаланиб қарардик. Унинг афт-ангориди, уст-бошида, иш фаолиятида алланечук бегоналик бор эди. Ана шу бегоналик бизни хуркитиб турарди. Биз Нажот Ғайбуллага ишонмасдик! Масалан, мен ҳаммаси туш, ҳозир уйғонаману барча машмаша-лар тугайди, ниҳоят, енгил тортаман, деб ўйлардим.

Хатто, Қалқонов муаллим ўзини бир-икки дўхтурга кўрсатиб келди. Йўқ, ҳаммаси жойида экан. Ҳеч қанақа савдойилик аломатларини пайқашмабди. Лекин тан олиш керак, Нажот Ғайбулланинг хайратомуз иш фаолияти бутун дунёга жар солгулик эди. Биз директор билан келишиб, ҳис-ҳаяжонга берилмасликка, янги муаллимга нисбатан бироз совуққон бўлиб туришга қарор қилдик. Шу сабаб унинг кўрган кўзни, эшитган кулоқни қувонтирадиган иш фаолияти тўғрисида ҳисоботда лом-мим демаган эдим.

Хуллас ўша куни маориф мудирини таъзимимизни берди. Судракланиб ташқари чиққанимизда хийла кеч бўлиб қолган эди. Кун совуқ. Гоҳ у, гоҳ бу йўловчи машинага илашиб амал-тақал билан посёлкага етиб келдик. Анчагина йўлни яёв ҳам босдик. Қоронғулик қуюқлашиб борарди. Мен кўрққанимдан Боймурод аканинг иссиқ қўлларидан ушлаб олганман. Хийла яёв юрганимизданми ё алланечук ҳаяжонданми тобора исиб кетмоқда эдим.

Боймурод ака кутганимдек ҳамишаги гапини бошлади.

– Норхол, – деди у товуши титраб. – Юр, бу ерлардан бош олиб кетамиз. Сени бошимда кўтариб юраман. Биз бахтли бўламиз. Мана, кўрасан...

Мен у кишини ҳамишагидек койидим.

– Қўйинг, бунақа гапларни, Боймурод ака. Икковимиз ҳам оилали, бола-чақалимиз. Янгам бошингизда парвона, яна нима керак сизга? Қўйинг, мени қийнаманг. Бизларга ярашмайди бунақа гаплар. Ўқитувчи номимиз бор-а. Қўйинг.

– Қўймайман, – деб энтикди Боймурод ака. – Нима, бола-чақали одамга севиш-севилиш мумкин эмасми? Ўқитувчининг юраги йўқми, муҳаббатга ҳаққи йўқми унинг! Норхол, кўрқма. маломатлардан чўчима, одамлар учун яшамаймиз-ку, ахир?! Икковимиз кетамиз, Норхол. Эринг барибир энди қайтмайди. Менинг... ме-

нинг болаларим дастёр бўлиб қолган. Оналарини ёлғизлатиб қўйишмас. Бир кун мени тушунишар...

Мен Боймурод аканинг иссиқ қўлларидан силтаниб чиқдим. Қоронгулик қўйнига чошиб кетдим. Алланарса денгиз шўридай томоқларимни куйдириб-куйдириб келарди.

Хурматли терговчи, сизни қизиқтирган ўша юма-лоқ хат юзасидан ёзганларми шу. Алоҳида ҳеч нарса деёлмайман. Мени тушунасиз деган умиддаман. Янги муаллим билан боғлиқ машмашалар юзасидан эса истаганингизча ёзаман.

Хуллас, бизни чақириб адабимизни берган куннинг индинига Эркабоевнинг ўзи бир неча мулозимлари билан етиб келди. Янги муаллим ясантирган хона унда ҳам чуқур таассурот қолдирди.

– Бу кабинетни кўз қорачиғидек асранглар, – деди у йиғилиш ўтказиб. – Раёнога комиссия келса намунали ўқув хонаси сифатида шуни кўрсатамиз.

Мен гап орасида Нажот Ғайбулланнинг дарс услубини мақтаб, мудирни кузатувчиликка таклиф этдим. Бироқ ўша кунги алам-изтиробни ҳануз тарқамаган Эркабоев қайнаб кетди.

– Қуруқ гап керак эмас, Хушбоқова. Ҳисоботда кўрсатинг, ҳисоботда. Ўқитувчингиз ўз дарс режалари асосида методикасини ишлаб чиқиб раёнога тақдим этсин. Албатта, бисмиллосиям, фотихасиям кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан бўлсин. Хуллас, шу қоғозларни тайёрламасдан мени ҳеч қанақа мўъжизага ишонтиролмай-сиз. Тушунарлими, ўртоқ Хушбоқова?

Тушундим. Эркабоев жўнаб кетгач, мудирнинг талаб ва хоҳишини Нажот Ғайбуллага етказдим. Бир пайт янги муаллимнинг ранг-рўйи бўзариб тўрга тушган балиқдек типирчилаб қолди. Гулдираб-гулдираб тушунтиришидан англадимки, ҳаммани ҳайратлантириб юрган бу сирли муаллим на ҳисобот ёзишни, на режа

тузишни биларкан. Мен уни ниҳоят камчилигини топганимдан қувониб кетдим.

– Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан хабардор-мисиз ўзи? – сўрадим кизиксиниб.

Нажот Ғайбулла бўшашибгина ерга қаради. Мен ачиғимни аранг босиб яна ҳужумга ўтдим.

– Таълим бўйича чикқан кейинги икки қарор билан танишмисиз?

Нажот Ғайбулла гоҳ кизариб, гоҳ бўзариб бош чайқади: тамом беҳабар.

– Ҳисобот ёзишни билмасангиз, – деб гапга аралашди Қалқонов муаллим меҳрибончилик билан, – ишингиз кўринмайди болам. Анави ҳужжатларни ҳам ўрганиб чиқинг. Эсам бирон текширувчининг олдида уялтириб кўясиз.

Мен янги муаллимнинг қусурини топганимдан қанча қувонган бўлсам, унинг фавқулодда ростгўйлигидан шунча жиғибийрон бўлдим: «Нега ҳаммасидан хабардорман деб қўя қолмади?! Ким текшириб ўтирибди унинг билар-билмаслигини? Менми? Қалқоновми ё Эркабоевми? Умуман, шунақа долзарб ҳужжатни бекаму кўст ўрганиб, ҳузурланган кас борми? Нега «ҳеч қайсимиизга ўхшамайди Нажот Ғайбулла, ўлгур? Қанақа сирли муаллим бу?»

Йўқ, ниҳоят, Нажот Ғайбулланинг сирини очилди. Бир ҳафтача аввал «Ўқитувчилар хона»сига домла Хуррамович ўқдек отилиб кирди-ю, ҳаммаси тамом бўлди.

– Ўқитувчиларни йиғинг! – деб ўшқирди у, гўё ҳаммасига мен айбдордай. – Анави муттаҳамнинг сирини фош қилдим, тез бўлинг. Унинг ўзиниям етаклаб келинг.

Сўнг ҳаммамизга маълум воқеалар бўлиб ўтди. Нажот Ғайбулла ичимиздаги бегона эди. Бегоналигича даф бўлди. Биз қутулдик... Билганларим шу. Мен кўнглимдагини очиқ-ойдин ёздим. Чўчийдиган жойим йўқ.

Олишса шу ўқитувчилигимни олишар. Узр. Томоғимни денгиз шўридай бир нима куйдириб келяпти.

* * *

**(Мактаб директорининг ўринбосари
Б.Б.Боймуроднинг тушунтириш хати)**

Ёшим қирқдан ўтиб қолди. Беш болам, бир хотиним бор. Хотин касалманд: ошқозон ярасими-ей. Ҳар куни инқ-синк. Болалар улғайган сайин қувониш ўрнига хавотирга тушяпман. Ҳаммасининг яхши еб-ичгиси, чиройли кийингиси келади. Ҳали тузукроқ институтларда ўқитиш, уйли-жойли қилиш деган орзулар ҳам бор. Икки йилча аввал Устоз Қалқонов қўярда-қўймай ўзига муовин қилиб олди. Рад этолмадим. Кекса одам, ишонч билан мўлтираб тургандан кейин... Ойлигимга арзимас чойчақа, бир ташвишимга минг ташвиш қўшилди. Йўқ, мен ишдан нолимайман. Ўқитувчилик ҳам жону дилим. Юрагим, бутун ақлу фикримни бериб ишласам дейман. Лекин... Ҳамма ёқда чигаллик.

Алгебра ўқитувчимиз – Хайрулла, жингалак соч, хушсурат, қувноққина йигит ишдан кетди. Жуда билимдон, ҳисоб-китоб илмини чуқур ўзлаштирган муаллим эди.

– Ака, – деди у бир кун уйимга келиб. – Бир қўшма корхона ишга чақиряпти. Кетсаммикан-а? Кўряпсиз иқтисод чатоқ. Рўзгоримиз катта.

– Қанча ойлик беришмоқчи улар?

Хайрулла ўзига ваъда қилинган маошни тилга олди. Зўр! Лекин мен дабдурустдан оқ йўл тилаёлмайман. Мактабни ҳам ўйлашим керак-да, директор ўринбосари номим бор.

– Устоз Қалқонов билан би-ир маслаҳат қилиш керак-да, – деб масъулиятдан ўзимни опкочдим.

Хайрулла чайналди. Афтидан унинг мактабдан кетгиси йўқ.

– Ака, тўғриси, муаллимчилик ёқади ўзимга, – деди у ўйланиб. – Раёно мудири билан гаплашиб кўрсак-чи, балки қандайдир имкониятлар бордир. Балки, зарур кадр сифатида менинг ойликларимни ошириб қўйишар. Тинчгина шу ерда ишлайверардим.

Содда муаллимнинг хаёлларига кулибгина қўйдим. Ахир, ҳамма ёқда бир хил хўроз қичқирган, қанақа имконият? Шундай бўлса-да, эртаси куни Хайрулла иккимиз Эркабоевнинг қабулига кирдик.

Арзу ҳолимизни эшитиб мудирнинг фиғони фалакка чиқди.

– Кетсанг кетавер! Қани унақа жойга мени ҳам чақиришсаю жўнаворсам. Ёғли жойдан қолма, боравер!

Эркабоевнинг кесатиқлардан Хайрулла икковимиз мулзам тортиб қолдик. Мудир яхна чойдан бир хўплаб тагин хужумга ўтди.

– Мактабда ҳар ким ишлаёлмайди, ука! Аввало ватан туйгуси керак, фидойилик зарур.

– Мен чет элга қочиб кетмоқчи эмасман, домла, – деди Хайрулла сал бош кўтариб.

Маориф мудири эътирозга эътибор бермай, ўз фикрини шеър билан яқунлаган бўлди.

– Эмас осон бу майдон ичра турмак, шер панжасига манжа урмак. Ана, вассалом!

Ана, вассалом. Хайрулла ишдан кетди. Унинг «алгебра»си менга қолди.

– Боймуроджон, ўзинг бир амаллаб тур, – деб ялинди Қалқонов. – Худо меҳрибон, бирор математикни бериб қолар.

Кўндим. Умуман, дарс соатларининг кўплиги яхшию, бироқ имконият деганларининг ҳам чегараси бор-да. Кўрпага қараб оёқ узатиш керак. Алгебра – мураккаб фан. Айниқса сўнгги йилларда у баттар мураккаблашгандай. Алоҳида билим, тажриба талаб қилади.

Лекин ноилож, виждонга хилоф бир тарзда, устоз айтгандай амал-тақал қилишга киришдим.

Отам қурувчи уста эди. Қон тортдими, ишқилиб шу хунардан менга ҳам юккан. Унча-мунча иморатларни пойдеворидан тортиб томигача қуриш кўлимдан келади. Тўғриси шу отамерос касб тирикчиликка асқатиб турибди. Таътил пайти асбоб-ускуна орқалаб мардикорчиликка кетаман. Албатта, узоқ-узоқ жойларга. Тирикчиликнинг айби йўқ дейишади-ю, бироқ мен бу хунаримни сир сақлашга ҳаракат қиламан. Ўқувчиларим билмасин дейман. Ўзимни узоқ-узоқларга саёҳат қилиб, дам олиб келгандай кўрсатаман. Туман марказида бир-иккита уста йигитлар бор. Шерикмиз. Топишимиз ёмон эмас. Лекин ҳамиша кўнглим хира, хаёлларим паришон.

Ўтган кишининг адоғи эди. Ёғин йўғу бироқ, ҳаво совуқ. Кечки пайт кўй-кўзилар даштдан қайтди. Ҳисоблаб, текшириб кўрсам – бўғоз эчкимиз йўқ. Дарров ўша куни навбати бўйича чўпонлик қилган кишига учрашдим. У ҳам бош қашлаб тайинли жавоб айтолмади. Афтидан, эчки болалаб даштда қолиб кетган! Дарҳол Кенгсойга югурдим. Бормаган жойим, сўрамаган кишим қолмади. Лекин эчкидан ном-нишон йўқ. Охири, тун ярмига яқин таъбим тирриқ бўлганича уйга келдим. Ҳамишагидек электр узиб қўйилган. Бутун посёлка зим-зиё. Бола-чақа ҳам ухлаб қолган. Тимирскиланиб шам ёқдим. Лекин ичимга минг бир чироқ ёқилса-да ёришмайди. «Бутун бошли эчкидан ажралдим-а?!» – деб ўйлайман юрак-бағрим ўрнатиб. Тунов куни мехмонлардан қолган ярим шиша ароқни топиб ичдим. Газагига чакки яладим. Бир зум алам-изтиробларим босилиб, чарчокларим таркалгандай бўлди. Эртанги дарсларга тараддуд кўришим, конспект ёзишим керак эди. Ноилож, китоб-дафтарларимни хонтахта устига олдим. Бироқ на китоб варақлагим, на қоғоз қоралагим келади. Кўнглимнинг ярмида манави китоб-дафтар, яр-

мида йўқолган эчки. Ақл-шууримнинг ярмида эртанги дарслар ташвиши, ярмида эса молу жон қайғуси. Эчкимисан эчки эди-я ўзиям, қайбир йили устачиликдан орттирган пулимга олгандим. Нукул эгиз туғарди, омон бўлгур. Дод солиб йиғласам дейман.

Бир пайт дарвоза такиллагандай бўлди. Бирдан хуш-ёр тортдим. «Бирортаси эчкини топиб келдимикан?! Ё, пирим...»

Елкамга чопонимни елвагай ташлаб ташқарига отилдим.

Дарвоза ёнида Норхол турган экан. Эгнида апил-тапил кийилган халат, дуррачаси сирғалиб бўйнига тушган.

– Ака, – деди у ҳиқ-ҳиқ йиғлаб. – Ёрдам беринг, қизим ўлиб қолади, иситмаси баланд.

Ҳовлиққанимча яна ичкари отилдим. Яхшиям хотин касалманд, яхшиям унинг дори-дармон кутичаси бор. Ишкилиб ичидан бирон-ярим таблетка топса бўлади. Кўни-кўшнилар ҳам шунга ўрганиб қолишган, вақт-бевақт у-бу малҳам сўраб чиқиб туришади.

Ўзимча зарур деб ўйлаган дориларни олдим у тагин ташқарига отилдим.

– Юр, Норхол, кўркма. Ҳаммаси яхши бўлади.

Норхолнинг уйи бизникдан анча узоқда. Посёлканинг нариги чеккасида деса ҳам бўлаверади. Аслини суриштирганда, бу чала ҳовли Норхолнинг эрининг бир узоқ қариндошига тегишли. Узоқ қариндош ҳовлини бутлашга кучи етмай, ижарага топшириб қўя қолган. Норхолнинг эри эса икки йилдан бери бедарак. Иш излаб Россия томонларга кетганича қайтмади. Аёл икки нафар гўдаги билан қолиб кетди. Хайрият, тўнгичи бу йил биринчи синфга чиқди. Ҳар ҳолда онасининг кўз олдида бўлади. Қизчаси эндигина икки ёшдан ошди. Норхол уни гоҳ онасига, гоҳ синглисига ташлаб мактабга чопади. Иш-да. Ҳар нечук шу ердан топгани ўзига ва болаларига етиб турибди. У она тили ва адабиётдан

дарс беради. Бир йилча аввал Норхолни илмий мудирликка кўтардик. Чунки бунақа ишга хуснихати чиройли, имлода қусури йўқ, сариштали, хушмуомала кадр керак. Анча ёш бўлишига қарамай, жамоамиз бир овоздан шу аёлни маъкул топишди.

Ўша тунда Норхолда ҳеч бир илмий мудиралик нуқси йўқ эди. Теваракка телбавор-телбавор аланглаб, пик-пик, шўрқ-шўрқ йиғлаганича қокила-сурила борар эди.

Ниҳоят, уникига етиб келдик. Икки хонали лойсувоқ уй. Ичкари муздек. Ўртадаги хонтахта устида бир бўлак шам тириша-буриша ёниб турибди. Унинг лип-лип ёруғи хона ичини ғира-шира ёритади. Чаласувоқ девор бетига каттагина гилам осилган, бурчақда бир сандиқ. Сандиқ ёнида кийим жавон. Хона тўрига тўшалган ўринда икки боласи ётибди. Шарпамизни пайқаб қизча йиғлаганича ўрнидан турди. Чиндан-да иситмаси баланд.

Норхол икковимиз қизчанинг хархашасига қарамай дори ичирдик. Мен шиша тубида қолган арокни ҳам олиб келган эдим. Шуни дарров гўдакнинг баданига суртиб ташладим. Сўнг кўрпачага ўраб ётқиздик.

– Нега печ ёкмагансан? – деб сўрадим ҳануз болалари билан андармон Норхолдан.

– Чалма соб бўлибди.

Мен яна ташқарига отилдим. Қоронғуликда тимирскиланиб хас-чўп йиғишга киришдим. Кўча бошида тарвақайлаб ўсган дарахтнинг қуруқ шохларидан синдириб-синдириб олдим. Шунга ҳам анчагина вақт кетди. Хуллас, бир амаллаб печ ёқдим. Аввалига тутаб-тутаб турган ўтин, охири гуруллаб ёнишга тушди.

Норхол гоҳ болаларига, гоҳ хонтахта устида сочилган китоб-дафтарларига ҳорғин термилиб ўтирарди.

– Иситмаси тушдими? – сўрадим ундан.

– Ҳа, – хира бир товушда жавоб берди Норхол. – Озгина терлади. Кечирасиз, Боймурод ака, сизни ҳам ташвишга қўйдим.

Теварагимга секин разм солдим. Худди менинг уйим-дек шип-шийдам, тўзгиган хона, сочқин китоб-дафтарлар беихтиёр ўз дарду ташвишларимни яна миямга урди. Ич-ичимда тагин алам-изтироб кўзғалди. Айни чоғда кўнглимдаги алғов-далғовлар Норхолнинг ҳам юрак-бағрини ўртаб турганини чуқур ҳис этдим.

Аёлнинг хушбичим юзида, маънос кўзларида шамнинг лип-лип шуълалари ўйноқларди. Беихтиёр уни қучиб эркалагим, овутгим келиб кетди.

– Норхол, – дедим оҳиста унинг қўлидан тутиб. – Куйинма. Бизга ҳам боққан бахтли кунлар бордир, ахир.

Норхол беадок алам-изтироб билан кўзларимга тикилди. Ҳа, бу алам-изтироб менга жуда-жуда таниш эди. Нимадир томоғимга тикилиб келди.

– Норхол, ўзимнинг жоним, – дедим уни оҳиста бағримга тортиб.

Аёл кўкқис хўнграб кўксимга бошини қўйди.

Ўша тун тонгга яқин уйга қайтдим. Юрагимда бир ўт ёнар эди, бу муҳаббат ўти эканини сал кейинроқ англадим. Мен Норхолнинг ўзимникидек дард-ғусса қалққан юз-кўзларини севиб қолдим. Ёш бир ерга бориб етганда ногоҳ бунақа туйғуга дуч келиш... Аввалига уялдим, ўз-ўзимни койидим, сўқдим. Одоб-ахлоқнинг бутун авлиёлари номидан ўз-ўзимга насихатлар қилдим. Бирок бари бефойда. Норхолнинг юз-кўзларидаги ўша таниш изтироб-қайғу мени ўзига оҳанрабодек тортар эди.

Ҳурматли терговчи, мени бир чеккага тортиб, аллақандай юмалоқ хат юзасидан сўраганларингизга жавобим шу. Сиз истагандай алоҳида тушунтириш хати ёзмайман. Тўғрироғи, ёзолмайман. Анови Нажот Ғайбулла ҳақида эса истаганингизча сўранг. Керагидан ортқ қилиб ёзиб бераман.

Худди ўша телбавор ҳисларга қоришиб юрган кунларим Нажот Ғайбулла пайдо бўлди. Унинг пўрим уст-боши, мағрур ва сипо юриш-туришлари аввалига

менинг ҳам ансамни котирди. Сўнг янги муаллимга хавас қила бошладим. Бу хавас, чуқур ўйлаб қарасам, кейинчалик беаёв хасадга айланиб қолган экан. Нажот Ғайбулла икки-уч ҳафта ичидаёқ мактаб жамоасининг қалбига, руҳига кириб олди. Ўқитувчилар бир-биридан яшириб-яшириб, тортиниб-тортиниб беихтиёр унга тақлид қила бошлашди. Ҳафталаб соқол киртиш-ламайдиган баъзи бир муаллимлар кунора киртишлаб, сочларини орасталаб, ҳатто енгил-елпи хушбўйлар сеппиб келар бўлишди. Айрим ҳазилкаш, хушчақчақ ҳамкасблар виқор ва салобат илинжида қош-қовоқ уйиб юришга тиришардилар. (Муаллима хотинларнинг пардоз-андозлари қуюқлашгандан-қуюқлашганини айтмай кўя қолай.) Бирок буларнинг бари беҳуда эди, беҳуда! Минг тараниб – минг ясансак-да, минг гўддайиб – минг чимрилсак-да, барибир бизда нимадир етишмасди. Ҳатто бир гал Нажот Ғайбулла соқоллари ўсик, одмигина, ғижимтоб кийимда ишга келди. Ҳайҳот шугина ахволда ҳам у барчамиздан ўктам, барчамиздан хушсурат кўринар эди. Ҳа, бизларда мактабга ярашиксиз аллақандай қусур борлигини тобора англаб борардим. Гўё суд курсисига тизилишган айбдорлардек «Ўқитувчилар хона»сида паришон ўтирган ҳамкасбларимга қараб кўпинча ўша қусурларини излаб қоламан.

Ўқувчилар ҳам ўзгариб қолишгандек эди назаримда. Айниқса, Нажот Ғайбулла дарс ўтадиган синф болалари. Унча-мунча муаллимларни туртиб-суртиб кетадиган, ерга урсанг кўкка сапчийдиган безори ўқувчилар ҳам Нажот Ғайбулла кўринганда ипақдек майинлашиб одоб саклашар эди.

Бир гал катта танаффус пайти биология муаллими Ҳасанов билан ҳовлида суҳбатлашиб турардик. Нажот Ғайбулла ҳам ёнимизга келди.

– Кеча телевизорда футболни томоша қилдингизми? – дея Ҳасанов янги муаллимни суҳбат мавзусига тортиди.

Нажот Ғайбулла бош ирғади:

– Ҳа, роса зўр ўйин бўлди.

Ҳасанов ўйинда ютказган жамоанинг хайрихоҳи экан. Асабийлашган кўйи бўшанг футболчиларни бирин-кетин сўкиб, танкид қила кетди. Шу орада тўққизинчи синфнинг безори ўқувчиларидан бири ёнгинамиздан ўтиб қолди.

– Эй, Жумаеп! – дея Ҳасанов муаллим ўқувчини тўхтатди. – Носвойингдан бир отим бер-чи! Миянинг қатиғи чиқиб кетди.

Тиржайганча чўнтак қовлашга чоғланган ўқувчи ногоҳ орамизда турган Нажот Ғайбуллани пайқаб қолдию тек қотди. Сўнг жиддий киёфада биология муаллимига юзланди:

– Кечирасиз, устоз. Мен унақа нарса чекмайман. Бошқа бировга ўхшатдингиз.

Ўқувчи минг бир хижолат билан биздан узоқлашди.

Нажот Ғайбулла бизга эл бўлолмади. Лекин у ўқувчилар тугул ўқитувчиларнинг ҳам кўнглини топишга астойдил интилар эди. Ҳатто, бир гал муаллимларни ўзининг жуғрофия кабинетига йиғиб, дунё ғаройиботларига оид кассеталар кўйиб берди. Ҳужжатли фильмларнинг кўпи инглиз тилида экан. Янги муаллимнинг ўзи илҳом билан шарҳлаб, тушунтириб турди. Икки соат мириқиб экранга тикилган жамоа, ниҳоят, мексика сериалларидан-да ажойиб томошалар борлигига иқроқ бўлишди.

Февралнинг бошларида фанлар бўйича туман олимпиадаси бошланди. Сараланган ўқувчиларни марказга олиб боришим керак эди.

– Устоз, менинг машинамда борамиз, – деб қолди Нажот Ғайбулла.

Бу таклиф менга ҳам маъқул тушди. Қалқонов муаллим ташаббускор янги муаллимнинг дуои жонини қилиб чарчамади.

Эрталаб йўлга тушдик. Яп-янги «Нексия»нинг орка ўриндиғига ястанишган болаларнинг қувончига таъриф йўк. Гўё билимларига билим, иқтидорларига иқтидор кўшилгандай. Ҳаво совуқ. Тун бўйи ёмғир аралаш ёғиб ўтган қор дала-даштга ола-қурок тўшалган. Машина посёлканинг ўйдим-чукур йўлидан охиста елиб катта трассага чиқиб олди. Нажот Ғайбулланинг жағи-жағига тегмай, иқлим, тупроқ ҳақида болаларга алланималарни астойдил тушунтириб борарди. Болалар ҳам завқ-шавқ билан қулоқ солишган. Бироқ менинг негадир кўнглим ғаш, таъбим тиррик эди. Назаримда ўқувчилар мен ва Нажот Ғайбуллани зимдан-зимдан таққослаб баҳслашаётгандай: Нажот «Нексия» ҳайдаб боряпти, мен эса тиришибгина ўтирибман. Қундуз телпак, чарм камзул уники, боғичи шалвираган қуён тери телпак, эскигина плаш меники, Нажотнинг болаларга айтар гапи жуда кўп, мен эса ҳатто дарсда керакли сўзни тополмай гангийман.

Туман марказига етиб келдик. Олимпиада ўтказиладиган мактаб ҳовлиси гавжум. Болалар, ота-оналар, ўқитувчилар. Машинадан тушиб бир чеккада уймалашиб турдик. Нажот Ғайбулла йўлнинг нариги бетидаги сомсапазни кўзлаб кетди. «Яхшилаб овкатланиб олишларинг керак, – деганди у йўлда болаларга. Эсам каллаларинг ишламай қолади». Янги муаллимни кута бошладик. Шу пайт пўрим кийинган йўғон бир киши ўтиб қолди. Ёнидаги кизи шекилли. Кўзимга жуда иссиқ кўринди. Тикилиб турганимни пайқади ҳойнаҳой, йўғон киши мен томон қаради. Қарадио жойида таққа тўхтади. Мен ҳам уни дарров танидим. Туманнинг донғи кетган бойларидан бири. Ёзда данғиллама уйининг томини ёпиб берган эдик. Гап орасида у менинг ўқитувчилигимни билиб қолиб алоҳида ҳурмат-эъзоз кўрсатган. Ҳатто келишилган хизмат ҳақиға анчагина кўшиб ҳам берган эди.

– Ҳа, домла ўзларими, – деди йўғон кимса мен томон юриб. Семиз башараси тўла истехзо. – Какраз сиз керак эдингиз менга.

Шоша-пиша салом бериб кўл узатдим.

– Бу... томдан чакки ўтиб кетди-ку, уста домилла, – деди у истар-истамас кўришаркан. – Ҳакни ҳалоллаб олиш керак-да. Сизга ишонгандик.

Назаримда унинг товуши гулдураб бутун теваракка эшитиларди. Шу сабаб беихтиёр ўшқириб юбордим.

– Бақирманг, ака! Кар...

Гапим бўғзимда қолди. Таниш мижоз бир интилиб ёқамга чанг солди.

– Ия, жаҳлимиз ҳам борми ҳали?! Ўҳ, кўрнамак!

Йўғон кимса бир силтаб тортдию муз катрон ерга чўккалаб қолдим. Куён тери телпак бошимдан учиб кетди.

– Мактабдаги болаларни алдайсан, менимас! – ҳануз ўшқирарди эски мижоз. – Сендан бошқа уста мардикорларни ҳам кўрганмиз. Ҳеч бири нонкўрлик қилмаган! Тағин домилла эмиш бу...

Ҳайриятки, шу пайт Нажот Ғайбулла ўқдек учиб келди. Келди-ю йўғон кимсанинг нақ қаншаримга йўллаган гурзидек муштини ҳавода тутиб қолди.

– Нима гап? Қўйворинг! – халоскор ҳамкасбимнинг товуши босик, бироқ алланечук амрона эди.

Эски мижоз орқага тисарила-тисарила Нажот Ғайбуллани бир қур кўздан кечириб чиқди.

– Кечирасиз катта бува, – деди беўхшов илжайиб. – Озгина қизишиб кетдик. Манави нонкўр, асабимни бузди.

Эски мижоз Нажот Ғайбуллани аллақандай амалдор ҳаёл қилди, шекилли, узр кетидан узр сўраб биздан узоқлашди.

Мактаб майдонида йиғилганлар ҳангу манг қараб туришарди. Уяту аламдан юзим мисдек кизиби, кўзла-

рим хира тортиб кетди. Ўқувчиларимдан бири сал нарида ерпарчин бўлиб ётган теллагимни олиб узатди.

Ўша куни олимпиадани қандай ўтказиб, қандай уйга қайтганимизни эслаёлмайман. Кун бўйи уяту алам алангасида алахсиб юрдим. Устига-устак, Нажот Ғайбулла жанжал ҳақида бир оғиз ҳам сўрамади, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, ҳамишагидек болалар билан завқ-шавқ-ла суҳбатини давом эттирарди. Мен уни буткул ёмон кўриб қолдим. Кўнглимдаги ҳавас аллақачон ҳасадга айланиб улгурган эди!

Хаёлларим алғов-далғов бўлиб кетди. Эски мижознинг истехзоли юзи, муаллақ қолган мушти мени кечаю кундуз таъкиб қилиб юрарди. Юрсам ҳам, турсам ҳам у ҳақида ўйлардим. Ўйлаганим сайин ўзимни ўша бойвачча олдида гуноҳкор санайман. Чин-да, иззатикром кўрсатиб, қўйин-кўнжимни тўлдириб жўнатганди-ку?! Бир ойлик меҳнатимга берган ҳақи рўзғорининг бир йиллик каму кўстини бутлади-ку, бола-чака бир кур яйради-ку? Лекин, астойдил ишлагандик. Нима жин тегди экан томга?

Шундай алғов-далғов хаёллар исқанжасида уч кун ўтди. Пайшанбадан жумага ўтар кечаси ёмғир ёға бошлади. Жума куни эрталаб, ёмғир қорга айлана бошлаган бир пайтда мен саккизинчи синфда эдим. Физика дарси. Синфхона хийла совук. Ўқувчилар устки кийимларига бурканиб, бесаранжом ўтиришибди: ўзаро пичирлашган, шарақлатиб китоб-дафтар варақлашган, алланималарни талашган... Айниқса, қай бир бурчакда ўтирган ўқувчининг қув-қув йўтали асабларимни баттар эговлайди.

Бир амаллаб йўқлама қилиб бўлгач, дераза тараф хомуш тикилиб ўтирган қизни чорладим:

– Болтаева, ўтган дарс қанақа мавзунини ўргангандик?

Қиз норизо чимрилганича ўрнидан турди.

– Ньютоннинг биринчи қонуни.

– Ўтир. Искандарова! – шивир-шивири ҳам ҳеч тугамаётган, озғингина ўқувчини чорладим. – Доскага кел. Ўтган мавзу бўйича би-ир сўйлаб бер-чи.

Искандарова қунишибгина доска ёнига келди.

– Ньютоннинг биринчи қонуни, – ҳар қандай жисм унга бошқа жисмлар таъсир қилиб...

Мен дераза ортида чарх уриб ёғаётган қор учқунларига термилганча хаёлга чўмдим: «Анавининг томидан роса чакка ўтган бўлса керак...»

Бир пайт ҳушёр тортиб ўтрисам, ўқувчи киз жимибгина ҳукмимни кутиб турибди. Қулоқларимнинг шанғиллаб туришига қараганда тузук жавоб берганга ўхшайди...

– Яхши. Ўтир, Искандарова, – дедим ҳижолатланиб.

Сўнг синф журналига қараб, анчадан бери баҳоланмаган Хўжамов Нурматни чорладим. Аммо, бу ўқувчимнинг ҳам жавоблари қулоғимга кирмади, ҳисоб. Бетизгин хаёллар беихтиёр олиб қочарди: «...ҳақни ҳаллолаб олиш керак... тешиб чиқади...»

Охири, чидаёлмадим. Ўқувчиларга навбатдаги сабоғини шоша-пиша тушунтирган бўлдим у мақсадга кўчдим.

– Болалар! – овозим алланечук титраб чиқди. – Илтимос, тўполон кўтармай, жимгина ўтириб туринглар. Зарил бир ишим бор, бормасам бўлмайди...

Шунда мен... шунда мен кўзимга ҳамдардлик билан термилиб турган йигирма жуфт беғубор содда кўзларни кўрдим!

Эскигина пальтога бурканиб ўтирган синфбоши Алишер ўрнидан турди.

– Устоз, – деди у суяклари бўртган, серқадок қўллари кўксига қўйиб. – Сиз бемалол. Биз жимгина дарс қилиб ўтирамыз. Ишонинг.

Томоғимга алланима текилиб ташқарига отилдим.

Аҳдим қатъий эди. Ўша чиқишда тўппа-тўғри уйга бордим у асбоб-ускунани орқалаб туман марказига кет-

дим. Эски мижознинг уйини топиш осон эди. Чошгохга якин ёмғир-қорда ивиган кўйи данғиллама ҳовлига кириб бордим.

«Ҳаққимни ҳалоллагани келдим» – дедим ҳангу манг қотган ўша йўғон кимсага.

У хижолатланиб мени меҳмонхонага бошлаб кирди. «Э, домилла, аллақачон тузаттирганман уни, – деди, – бекор овора бўлибсиз-да».

Ўша куни азиз меҳмон бўлдим. Бойвачча кун пешиндан оққан бир пайт ўз машинасида мени мактабгача олиб келиб қўйди. «Домилла, шугинани олиб қўйинг – деди йўл-йўлакай чўнтагимга пул тикиштириб. – Узр, озига бўп қолди, биз ҳукумат эмас-да, кўп-кўп узатгани». Қувноқ хайрлашдик. Рухим енгил, димоғим чоғ эди. Дарслар тугаб қий-чув билан қайтаётган ўқувчилар орасидан синфбоши Алишерни топиб вазият ҳақида сўраб-суриштирдим. Ҳаммаси жойида. Асбоб-ускуна солинган қопни ўғлимдан бериб юборгач, мактабга кирдим.

«Ўқитувчилар хонаси»да Қалқонов муаллим, Норхол ва Нажот Ғайбулла ўтиришган экан. Норхол мен томон ташвишланиб кўз ташладию димоғим чоғлигини кўриб чехраси ёришиб кетди. Жилмайди.

Нажот Ғайбулла алланималар ҳақдадир куйиб-пишиб гапирар эди. Унинг эҳтиросли гап-сўзларидан англадимки, у Самарқанду Бухоро томонларга саёҳат уюштирмоқчи экан. Улов масаласи ҳал бўлар эмиш.

– Яна пул йиғарканмиз-да? – дея ҳуркибгина сўради директор.

Нажот Ғайбулла енгил кулиб, елка учирди:

– Нега энди? Махсус фонд.

– Нажотжон, – беихтиёр зорланиб юборди Қалқонов муаллим. – Тинч қўйлик шу ғамхўр фондни! Билдик, кўрдик, жуда меҳрибон, таълим-тарбияга жонқуяр экан! Илтимос, болам, оч қорнимиз, тинч қулоғимиз.

Шу Самаркандни худо хоҳласа, бир кун томоша қилар-
миз.

Енгилгина кулишдик. Нажот Ғайбулла ўйчан
тўнғиллади:

– Болаларга ваъда берганман-да.

Орадан бир хафта ўтиб хушхабар олдик. Физика
бўйича олимпиадага борган ўқувчи биринчи ўринни
олибди!

– Табриклайман, устоз, – дея ҳаяжон билан қўлимни
қисди Нажот Ғайбулла. – Бу сизнинг меҳнатингиз! Кам
бўлманг.

Қалқонов муаллимнинг ҳам қувончлари чексиз эди.

– Боймуродбой, насиб бўлса, районнинг навбат-
даги фахрий ёрлиғи сизники! Қани, қарз бўлиб тураве-
ринг-чи, кейинроқ юварсиз.

Мен... мен аввалига жуда қувондим. Шундай ти-
ришқок, илмсевар, машаққатларга қарамай, ўз устида
ишлайдиган ўқувчиларимиз борлигидан бошим осмон-
га етди. Сўнг туйқус кўнглим ғашланди: «Устозман деб
керилишга ҳақким борми? Шу ўқувчининг камолига
қанча ҳисса қўшганман ўзи? Синфхонага кириб-чиқиб
туриш, мавзуни бир амаллаб тушунтириш етарлими-
кан?..»

Ўша куни Нажот Ғайбулла қувончдан ял-ял ёниб
биқинимдан нари кетмади. Унинг бировлар ютуғидан
бунчалар ҳаяжонланиши жуда галати туюлди менга.
Гоҳ ажабланиб, гоҳ энсам қотди.

– Устоз, насиб бўлса, вилоят мусобақасига ҳам бир-
га борамиз, – деди у яна қўлимни қисиб.

Йўқ, Нажот Ғайбулла билан вилоятга бориш насиб
этмаган экан. Кўп ўтмай, домла хуррамовичнинг фи-
докорона меҳнати туфайли янги муаллимнинг сирлари
фош бўлди. Ниҳоят, ундан қутулиб енгил тортдик!

Нажот Ғайбулла бизга бегона эди. Биз-чи?! Бу ёғини
ўйласам, тўғриси тубсиз жар лабида тургандек ҳис қи-
ламан ўзимни. Бироқ айнан шу савол хаёлимда тегир-

мон тошидек бот-бот айланаверади. «Биз-чи?! Ишқилиб, биз мактабга бегона эмасми?..»

Ўз қўлим билан ёзганларим шу. Кўнглимдаги туйқус шаррос қуйилиб кетганидан ўзим ҳам хайрону лолман. Мана, битикларимни яна бир карра ўқиб чикдим. Бироқ кўнглимда на қўрқув, на севинч, на афсус, на-да умид. Юрагим, хаёлларим алланечук бўм-бўш.

* * *

(Домла Х.Х.Хуррамовичнинг тушунтириш хати)

Олий тоифали ўқитувчиман. Тарих, ҳуқук каминанинг қўлида. «Тарих қўлингдами, демак келажак ҳам сеники», деган пурмаъно ҳикмат бор. Раҳмат, доноларнинг юксак ишончи учун, раҳмат. Халқ номидан, юрт номидан қўлимдан келганини қиламан.

Текширувчилар, кузатувчилар кўп келади мактабимизга. Ҳаммалари каминанинг камтарона фаолиятига юксак баҳо беришган. Тарих, ҳуқуқшунослик ўта мураккаб, ўта масъулиятли. Бу фанлардан сабоқ бериш учун нафақат билим, нафақат тажриба, балки талант ҳам керак экан. Минг шукрлар бўлсинки, бу ҳислатларнинг ҳеч биридан табиат каминани қисмаган. Менинг ҳар бир дарсим – санъат. Мана, ўқувчиларим гувох. Улар сабоқларимни парталарга қапишиб, нафас олмай тинглашади. Ўзим ҳам беихтиёр дарс дунёсига шўнғиб кетаман-да: гоҳ мисли Темур бобо, гоҳ ҳазрати Жорж Вашингтон бўлиб ҳайқираман. Зарбу зўримдан баъзан доска, баъзан стол-стул шикаст топган пайтлар ҳам талайгина. Менинг сабоқларим таъсиридан жуда кўп ўқувчилар ҳуқуқшунос, қонуншунос бўлмоқни орзу этишади. Бунга ҳам мисоллар кўп.

Мактабимизда пайдо бўлган Нажот Ғайбулла бир гал жуғрофия кабинетида видеокассета кўйиб берди. Аллақайси мамлакатнинг маориф тизими ҳақида экан. Кўриб-эшитиб на куларимни, на йиғларимни билмай

колдим. Ўша мамлакатда болаларни ўн саккиз ёшигача қора меҳнатга жалб этиш жиноят экан. Мактаблари нақ жаҳонгирларнинг қасридай. Егулик, ичкилик мухайё. Ҳатто бемалол уйқуни урадиган хобхоналари бор, гўё у ерга ўқишгамас, дам олишга боришади бу арзандалар. Болаларни кўрдик. Ҳаммаси қоғозга ўралган популук канддек.

«Йўқ, – дедим ич-ичимда, – бунақа йўл-йўрик бизга тўғри келмайди». Чин-да, унақа тайёрга айёр, инжиқ болалардан худо сақласин. Биз соғлом авлод учун курашяпмиз. Анавиларникига ўхшаш шарт-шароитларда болаларимиз мўрт, иродасиз, заиф бир тўдага айланиб қолади. Шунинг учун уларни гўдаклигиданоқ ҳаёт хўрликларида, қора-оқ меҳнатларда чиниқтириш зарур. (Бу борада пахта пайкалларимиз хўб қўл келади-да!) Оғир меҳнатдан, очлик-муҳтожликдан ҳали ҳеч ким ўлмаган. Мана, масалан биз. Шўро даврининг барча кўргуликларини кўрдик. Бошимизда қилич ўйнаб турарди-я?! Йўқ, ўсиб-улғайдик, ҳеч кимдан камимиз йўқ. Муҳтожлик фаровонликнинг, меҳнат роҳатнинг кадрига етишга ўргатди. Машаққатлар ёшларни курашга чорлайди, иродали, интилувчан авлодга айлантиради. Мана, мисол учун кўп узоққа бормай, қуни кеча олимпиада мусобакасида биринчи ўринни эгаллаган ўқувчини олайлик. Шугина ҳам пахта пайкалидан декабрнинг бошларида қайтди. Бутун бошли синф уч-тўрт дарсликни галма-гал ўқишади. Устига-устак посёлкада кечаси соат тўққиздан сўнг электр узиб қўйилади. Кадрдон шам, лампа чироқ ишга тушади. Шундай қийинчиликлар ҳалиги голиб ўқувчимизни букиб-енгиб қўймаган-ку?! У илм учун интилди, тиришди. Натижа эса аъло. Мана, сизга соғлом авлод!

Менким, олий тоифали ўқитувчи. Тарих, ҳуқуқ илкида бўлган зот катъий айтаманки, турмушимизда учраб турган айрим камчилик ва қийинчиликлар эрта-индин барҳам топади. Арзимас хато, арзимас машаққат деб дунёга айюҳаннос солиш марднинг иши эмас.

Майда-чуйда қусурларга чалғимай кўзимизни каттарок очайлик, хушёр ва огоҳ бўлайлик, бошимизда бошқа жиддий хавф-хатарлар айланмоқда. Мустақиллигимизнинг ҳар хил ёвлари теварагимизда изғиб қолган. Динни калкон қилган ёт унсурлар ўз ғояларига ёшларимизни эргаштириб кетишяпти. Ана ўшаларнинг ғоясига қарши ғоя билан курашиб, пешонасидан дарча очиб қўйишимиз керак. Юрагида ватан туйғуси бор ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчи бу. Бунақа туйғу каминага ҳам ёт эмас, албатта. Дарсда ва дарсдан бўш вақтларимда жамоат ишлари билан фаол шуғулланаман. Шу сабаб на фақат мактаб аҳли, балки маҳалла-қўйдагилар ҳам мен яқинлашган дам огоҳ ва хушёр бўлиб қолишади. Кўзларида душманга нисбатан нафрат ва ғазаб учқунлари порлайди, теваракка безовта-безовта аланглашади. Мен эса тинчлик-хотиржамлик учун камтарона улуш қўшаётганимдан қувонаман.

Шундай кунларнинг бирида Нажот Ғайбулла – янги муаллим пайдо бўлди. Кўриниб турибди – бирорта бойваччанинг инжиқ эркатойи. Тагида машина, сарупоси қимматбаҳо, юз-кўзида бойваччаларга хос ғурур, ўзига ишонч. Бунақа қиёфа мактабдек камтар-камсукумлар масканига мутлақо ёт. Сирли ва хатарли нусха пайдо бўлганини юраккинам дарҳол сезди. Янги муаллим ҳақида зудлик билан совхозимиз хўжайини Чинор Тоштемировични огоҳлантирдим. «Эринмасангиз кузатаверинг уни», – деди хўжайин ижирғаниб. Албатта, бунақа шубҳали нусхалар ҳақида эшитганда ул зот ижирганида-да. Хуллас, Чинор Тоштемировичдан фатво олиб, енг шимариб ишга киришдим. Нажот Ғайбулланинг ҳар босган қадамини кўздан қочирмай, ҳар айтган сўзини ҳижжалаб мулоҳаза қилдим. Аҳён-аҳён ўзини илмоқли-сиртмоқли суҳбатларга тортиб кўрдим. Йўқ, бу ҳам тулки экан. Осонликча ён берадиганларга ўхшамайди. Кузатиб, тусмоллаб билдимки бошқа муаллимлар ҳам Нажот Ғайбуллага бегонасираб-бего-

насираб қарашяпти. Фурсатни бой бермай, дуч келган ҳамкасабани чеккага тортаман: «Хушёр бўлайлик... жипсликни қўлдан бермайлик, сал ғалати йигит экан-да, а?!»

Ҳамкасблар хушёрлик билан ҳуркиб кетишади. Қўрқоклар.

Аммо тан олиш керак, Нажот Ғайбулла болаларга жонкуяр, дарс ўтишга устаси фаранг экан. Ҳеч қайсизмига ўхшамайди-я?! Менким, олий таълимли ўқитувчи ҳам янги муаллимга беихтиёр мойил бўлиб қолган кезларим ҳам топилади. Лекин дарҳол ўз муқаддас бурчимни эслаб, хушёрлик калимасини бот-бот қайтардим.

Учинчи дарс кизгин бораётган пайт эди. Тўққизинчи синф билан шуғулланяпман. Зерикиб деразадан мундоқ қарасам, Нажот Ғайбулла ҳовлида. Қўлларини белига тираб мактаб биносини синчков-синчков қўздан кечиряпти. «Бомбага жой мўлжаллаяпти-ёв» – лип этиб ўтди хаёлимдан. Бош оғриғини баҳона қилиб ташқарига чиқдим.

Нажот Ғайбулла таажжуб билан қўл соатига кўз ташлади:

– Ия, танаффус бўлдими, устоз?

– Йўғ-е, сал қўнглим айнияти, безовта бўлдим.

– Бирор ёмон нарса егандирсиз-да.

– Қайдам, – деди илмоқли гап қилиб. – Уйда тишга босгулик нарса йўғ-у.

Нажот Ғайбулла жавоб бермай мактаб пештоқига тикилиб қолди. Мен ҳам зимдан ўша ёққа кўз ташладим.

– Устоз, – деди у пештоқдаги байроққа имо қилиб. – Байроқни алмаштириш керак, хилвираб қолибди.

Яна гапни илмоқ қилиб отдим:

– Э, хаёл жойидами, ука? Байроқ ҳадеб алмаштирилаверадиган нарсами?

– Ия, эскирса ҳам алмаштирмайсизми? – Нажот Ғайбулла юзимга таажжуб билан тикилди. – Топилмас матоҳ эмас-ку, ана, ҳамма ёкда сотилади. Арзимас пул туради ўзи.

Шу пайт танаффусга қўнғироқ чалинди. Ноилож синфхонага югурдим. Нажот Ғайбулла сиртмоқларимдан кутулиб қолди, аммо шу-шу эл қатори мендан хуркиб, хурматимни сақлаб юрадиган бўлди. Илк зарбаданок ёмон натижага эришмадим.

Нажот Ғайбуллага бу овлоқ чўл қўйнидаги овлоқ мактабда пишириб қўйибдими? Мақсади нима унинг? Шунчалар муаллимликни севаркан, ана, катта-катта шаҳарларда, чин бўлмаса, туман марказида мактаб куридими? Қизиқ, нега айнан хилват жойни танлаган у? Дарвоқе, икки йилча пойтахтда ҳам ишлаган экан-ку, нега ишдан кетган, қувилганми, қочганми?

Шундай беадоқ шода-шоода саволлардан бошим ғовлаб кетади. Тунлари уйқум қочиб юриниб чиқаман. Ниҳоят, чуқур-чуқур мулоҳазалардан сўнг ўзимча жумбоқларга ечим топгандай бўлдим.

Нажот Ғайбулла ашаддий нашафуруш! Уни чакмоқдай қилиб қўйган бойлиги ҳам шунинг орқасидан. Қай бир кун телевизорда кўрсатишган эди. Россияда «кора дори» савдоси билан шуғулланадиган тўда қўлга олинибди. Энг даҳшати, улар захри қотилни болалар орасида таркатар экан. Аввалига татиб кўриш учун бепул, сўнг арзонроқ, охир-оқибат, чинакамига пуллашга тушишган. Бангиликка мубтало бўлган болалар зиғирдеккина захри қотил сотиб олиш учун ота-оналарининг қимматбаҳо нарсаларини оғуфурушларга келтириб беришган, ўғрилиқлар қилишган.

Нажот Ғайбулламиз ҳам ўшандай ёвуз тўдадан бўлса ажабмас. Ўзини болапарвар, илмпарвар кўрсатиб мактаб жамоасининг ишончини қозонишга астойдил бел боғлаган! Ҳатто, қайгўрдандир дарслиқлар олиб келди, кейинроқ аллақандай телеаппаратуралар кел-

тирди. Биламан, буларнинг барчаси ўз харажатидан. Ишонадики, бу арзимас сарф-харажатлари бир куни жарак-жарак тилла танга бўлиб қайтади. Аллақандай махсус фонд ҳақидаги гаплари чўпчак. Ҳатто, унинг айнан шу уйдирмаси менда шубҳа уйғотди. Нажот Ғайбулла телеаппаратуралар келтирган куннинг индинига, «махсус фонд» ҳақида сўраб-суриштиргали туман маориф бўлимига бордим.

Домла Эркабоев мени жуда илиқ кутиб олди. Хийла вақт у ёқ-буёқдан хангомалашиб ўтирдик. Сўнг секин-аста мақсадга кўчдим.

– Домла, шу... вилоят марказида мактаблар учун аллақандай махсус фонд бор экан-а? Эшитишимча, муаллимларга жуда гамхўр эмиш. Нима камчилик, нима зарурат бўлса дарров ҳал қилиб берармиш...

Мен маориф мудирининг хоҳолаб кулиб юборишини кутиб турардим. Эркабоев дам қизариб, дам бўзариб жahl билан ўрнидан туриб кетди.

– Домла Хуррамович! Нима етмаяпти сизга, а, нима?! Энди вилоятга шикоят қилмоқчимисиз?! Олий тоифа дедингиз, бердик, икки-уч марта мукофот дедингиз, тўғриладик, икки марта Чортоққа йўлланма қилиб бердик! Мен сизни сира тушунмадим, домла. Нима керак тагин, жаноби олийлари, а, нима?!

Кутилмаган зарбадан эсанкираб қолдим. Ўзимни оқлаш учун, асл мақсадимни англатиш учун қилган уринишларим беҳуда кетди, беҳуда! Эркабоев гапирганим сайин тутоқиб, оғзидан боди кириб шоди чиқиб мени кўз очиргани кўймади. Охири, бир амаллаб қочиб кутулдим.

Ана шунақа! Лоқайдлик ва кўрқоклик касридан «махсус фонд» сирини очолмай қолдим. Лекин рухан тушганим йўқ. Арқонни узун ташлаб кузатув-текширувларни давом эттирдим. Дарс пайтлари ахён-ахён мактаб йўлагига чиқиб, Нажот Ғайбулла шуғулланаётган синфхонанинг тирқишидан мўралаб келаман.

Очиғи, янги муаллимнинг дарс ўтиш услубини кўриб, сохир овозини эшитиб хузурланган кўйи беш-олти дақиқа эшик ёнида қолиб кетаман. Ҳатто бир гал мени шу ҳолда Қалқонов муаллим кўриб қолди. Бирок ҳеч бир шубҳага бормаи тағин кабинетига кириб кетди.

Афтидан у ўқитувчиларнинг Нажот Ғайбулла эшиги ёнида тез-тез пайдо бўлишига ўрганиб қолган эди

Мен баъзи бир баҳоналар билан юқори синф ўқувчиларининг папкаларини текшириб чиқишга ҳам муваффақ бўлдим. Бирок қотган нон ушоқларидан бўлак ҳеч қанақа шубҳали кукун тополмай ҳафсалам пир бўлди. Ҳатто айрим ўқувчиларни алдаб-судраб гапга солиб кўрдим. Еса, чекса сархуш қиладиган моддаларни татиб кўришга қизиқтирган-қизиқтирмагани ҳақида усталик билан сўраб-суриштирдим. Болалар аввалига ҳеч вақога тушунмай анграйиб туришди, сўнг кескин бош чайқашди.

«Ҳечқиси йўқ, – деб ўйладим мен бўшашмай, – ҳали улгурмаган, ё болаларни кўрқитган».

Бир куни синфхона эшигининг тирқишидан кузатарканман Нажот Ғайбулла ўқувчиларга алланималарнидир тарқатиб чиқаётганини илғаб қолдим! Муаллим улашаётган нарсаларни айрим ўқувчилар ажабсиниб, айримлари қувона-қувона олишарди. Бутун вужудимга севинч ва ҳаяжон ўрмалади. «Ниҳоят...!»

Мен синфхонага кўккис бостириб киришни мўлжалладиму бироқ дарҳол фикримдан қайтдим. Бунақа оламшумул тафтишда раҳбарлардан биров-ярим бўлиши керак-да. Қонун шунақа, ҳуқуқ шунақа!

Мен Қалқонов муаллим бакира-чакира дарс ўтаётган синфхона эшигини бориб тақиллатдим. Ҳаял ўтмай, директор пайдо бўлди.

– Чў, такой? – деди у норизо чимрилиб, ҳойнаҳой, рус тили дарсининг белига тепганимни уқтириб кўймоқчи бўлди у. Мен шоша-пиша вазиятни тушунтирдим.

Директорнинг кийик кўзларига таҳлика оралади.

– Норхолниям чақрайлик, – деди у ботинмайгина.

Илмий мудира «Ўқитувчилар хонаси»да асабийлашган кўйи Вазирлар маҳкамасининг яқинда чиққан Қарори бўйича ўқув режаси тайёрлаб ўтирган экан. Воқеа ҳақида эшитиб ҳовлиққанича ўрнидан туриб кетди.

– Қани, кўрайлик-чи.

Узун-қисқа Нажот Ғайбулланинг жуғрофия кабинетига яқинлашдик. Аввал мен, сўнг раҳбарлар эшик тиркишидан ичкари мўраладик.

Янги муаллим сокин, ширали бир товушда, жуғрофий бир мавзу ҳақида гапирмоқда. Ўқувчилар эса алланималарнидир ҳузур билан чайнаб, дарс тинглашяпти.

– Чин, бир гап бор-ов, – деб шивирлади директор, – болаларнинг оғзи тўла.

Норхол қатъий имо қилди:

– Кирамиз.

Туйқус синфхонага бостириб кирдик.

Янги муаллимнинг уни ўчиб, бизга хангу манг тикилиб қолди. Ўқувчилар чала чайнаган нарсаларини шоша-пиша ютиб юборишди.

Вазиятни дарҳол қўлга олдим.

– Болаларнинг оғзида нима бор?! Билсак бўладими?

Нажот Ғайбулла қимтиниб-қимтиниб сас берди:

– Банан.

– Банан?! Нима у? – сўради Қалқонов парталар оралаб юаркан.

– Тропик мева, – деб илжайди Нажот Ғайбулла. – Бугунги дарсимиз тропик мамлакатлар ҳақида, устоз. Болалар мавзуни чуқурроқ ҳис қилсин, деб банан улашиб чиққандим. Бу ҳам бир тажриба-да.

– Кўрсак бўладими? – деб сўрадим мен, сир бой бермай.

Нажот Ғайбулла дераза токчасидаги қоғоз қутига интилди.

– Марҳамат. Роппа-роса уч дона қолган. Сизларнинг насибангиз, устозлар.

– Кечирасиз, ҳамкасаба, – дея ўнғайсизликни ҳайдаган бўлди Норхол. – ҳамма синфларни текшириб юрибмиз. Юқоридан шундай буйруқ келди.

Синфхонадан чиқарканман, чув туширган бўлсам-да ўзимни мардона тутдим. Раҳбарлар муқаррар берадиган танбехларга ҳаёлан жавоб ҳозирладим. Йўқ, хуштаъм мева жонимга оро кирди.

– Раҳмат сизга, домла Хуррамович, – деди Қалконов муаллим хузурланиб банан чайнаган. – Тез-тез кузатувда давом этинг. Япон сакесидан ҳам куруқ колмайлик тагин.

Норхол пиқиллаб кулиб юборди.

Майли масхара қилса қилаверишсин, мен барибир бўш келмайман. Аллақандай кўнгилсизлик, англашилмовчилик олдида чекинаверсак, юрт тинчлик-хотиржамлиги, болалар ҳимояси учун ким курашади, ким?!

Кузатув-текширувларда яна давом этдим. Аммо Нажот Ғайбулла ҳам илоннинг ёғини ялаганлардан экан. Ҳеч тутқич бермади. Қайтанга обрўси ошиб, жуғрофия кабинетининг шов-шуви юқори идораларгача бориб етди. Тақдирнинг бундай аччиқ ҳазилига ортиқ чидаб бўлмас эди. Чора-тадбирлар кетидан чора-тадбирлар излаб топишдан чарчамадим. Қани энди курғур захри котилнинг куқунидан уч-тўрт чимдим топиб келсангу анавининг чўнтагига солиб кўйсанг, дарров кўлига кишан кийгизсанг?! Хайрли ишнинг эртарок битгани яхши-да!

Тунларнинг бирида бедор уйғониб ётар эканман, илоҳий бир сас қулоғимга эшитилгандай бўлди: «Ҳужжатларини текшир, ҳужжатларини...» Худди шу сас тонгга қадар калламда, юрагимда акс-садо бериб турди.

Эртаси кунӣёқ Қалконов муаллимни бир чеккага тортдим. Гапни дунёнинг нотинчлигидан бошлаб Россияда кўлга олинган нашафурушлар тўдаси ҳақида айт-

дим. Карангки, рус тили муаллими бўлса-да жаноб директор Россиядаги воқеалардан беҳабар экан.

– Янги муаллимдан шубҳам бор, – дедим, ниҳоят, мақсадга ўтиб. – Ўшанақа гуруҳлардан бўлса ажабмас.

– Яхшигина ишлаб юрибди-ю, – деб тўнғиллади директор истамайгина.

– Кўза кунда эмас кунда синади, домилла.

– Нима қилишим керак, ахир?

– ҳужжатларини текшириш зарур.

– Синчиклаб қараганман, ҳаммаси бинойидеккина.

– Э, махсус текширув керак, масалан, дипломи ҳақиқийми? Ростданам ўқиганми ё сотиб олганми?

Қалқонов муаллимнинг энсаси қотиб тўнғиллади:

– Домла Хуррамович, кимга зарил ортиқча ташвиш. Ана, зўр ишлаб юрибди-ку?!

– Сиз, хушёрликни бой беряпсиз. Бирор кор-ҳол бўлса бошингиз кетади-я?!

Қатор ижтимоий-сиёсий кўрсатмаларни пеш қилиб дадил-дадил талаб қилганимдан сўнг, ниҳоят, Қалқонов кўнди. Нажот Ғайбулланинг ҳужжатларини бир ҳафталик муддат билан қўлимга топширадиган бўлди.

– Домла Хуррамович, сизга ишондик, – деб зорланди директор, – мени сарсон қилмай, ўзингиз текширтиравинг. Қари одамман...

Албатта-да. Кексаларимиз ҳурмат-иззатда бўлиши керак. Бу ёғини ўзимиз тўғрилаймиз.

Нажот Ғайбулланинг ҳужжатлари солинган сарғиш папка қўлга теккач, гўё унинг ўзи чангалимга тушгандек бошгинам мағрур кўтарилди. Кучимга куч, ақлимга ақл қўшилди. Ичимда бир сас текширувни дипломдан бошлаш кераклигини тинмай уқтирарди. Охири қалбимга кулок солдим. Бироқ мен ҳужжатни махсус идоралар орқали текширтириш ниятидан воз кечдим. Бирламчидан, улар жуда банд, фурсат топиб сўровнома, талабнома қилгунларича хийла вақт ўтади. Иккинчидан, янги муаллимнинг дипломидан қусур топилмаса

шов-шув кўтарилиб, шарманда бўламан. Керак бўлса, асоссиз даъволар билан масъул кишиларни чалғитиб, вақтини ўғирлаганим учун бошимда ёнғок чақишади.

Мен пойтахтга ўзим бориб келишга қарор қилдим. Атиги беш-олти соатлик йўл. Шу баҳона ҳаво алмаштириб, у ёқ-бу ёқни томоша қилиб келаман. Жўнадим.

Вой-бў-ўй! Ана шаҳару мана шаҳар! Ани пойтахту мана пойтахт! Кўчаларда одам қайнайди. Кенг, текис йўлларда машиналар қатор-қатор, чинқириб елишади. Бозору дўконлар, идораю маҳаллалар бир-биридан серҳашам, гўзал. Ишқилиб, пойтахти азим камина кўрмагандан бери жуда ўзгариб, серфайз, жозибадор бўлиб кетибди.

Мен ўтирган автобус кун пешиндан оққан бир пайт етиб келди. Сон-саноксиз киракашларнинг хайҳайлашига қарамай тушасолиб ўзимни метрога урдим. На-жот Ғайбулланнинг дипломида кўрсатилган институтнинг қаерда жойлашганини яхши биламан. Қийналмай топишга кўзим етади. Чин бўлмаса, биров-яримдан сўраб-суриштираман. Қолган юмушлар осон. Институт раҳбариятига кираман. Керакли маълумотларни текшириб оламан. Мабодо, бахтга қарши, ҳаммаси жойида бўлса, гулдур-гуп. Қайтиб бораману директорга ҳужжатни қайтиб бераман. «Ҳозирча текширувчининг имкони йўқ экан», деб баҳона қиламан кўяман. Қолганини вақт кўрсатади.

Шундай таскинбахш хаёллар оғушида, одамлар издиҳомига аралашиб метро йўлагига кирган пайтим кимдир елкамга нуқиди. Қарасам, юз-кўзларидан хушёрлик, салобат балқиб турган милиционер!

– Ака, ҳужжатларингизни бир кўриб кўяйлик, – деди у эҳтиром кўрсатиб.

– Хўп, командир, хўп.

Чўнтагимдан паспортимни чиқариб узатдим.

Милиционер ҳужжатимни очиб кўриб:

– Ортимдан юринг-чи, – деди. Хайрону лол аҳволда посбонга эргашидим. Стол-стуллар қўйилган, электр чироғидан чароғон бир хужрага кирдик. Ичкарида яна бир милиционер алланималарнидир ёзиб-чизиб ўтирибди.

– Мана, яна биттаси!

Мени бошлаб борган посбон қўлидаги паспортимни шеригининг олдига ташлади.

Қўп ўтмай икки милиционер бири қўйиб бири олиб сўроққа тута кетди. Сўроқ-тергов жону дилим бўлса-да, айни чоғ посбонларга малолланиб-малолланиб жавоб бердим.

– Қаердан келдингиз?

– 41-посёлкадан.

– Нима иш қиласиз?

– Ўқитувчиман.

– Нима мақсадда келдингиз пойтахтга?

– Зарил бир иш. Вазирликка маслаҳатга чакирган!

– Вазирликка. Маслаҳатга! Шикоят билан келганман деб тўғриси айтиб қўя қолсангиз-чи? Ҳозир ҳеч ким осонликча пойтахтга оёқ босмайди. Ё бировнинг дастидан дод солиб келади, ё ўладиган касал, дўхтурга кўрсатиш керак.

– Мен тўғриси айтдим.

– Яхши... А, пойтахтда пропискасиз юриш мумкин эмаслигини биласизми?

– Билмайман. Чет эллик эмасман-ку, мумкиндир-е?

– Чет вилоятдансиз-ку?! Хуллас, гап бундай, биз сизни уч кунлик хибсда тутамиз. Яшаш жойингизга сўровнома жўнатамиз. Жавоб келгунча панжара ичида ўтириб турасиз. Мабодо хаммаси яхши бўлса, сизни шаҳардан чиқариб юборамиз. Кетаверасиз юртингизга.

Қарасам, посбонларнинг юз-кўзида ҳеч бир ҳазил-ҳузул аломати йўқ. Бири дарров қоғоз-қалам олиб аллақандай хужжат тўлдиришга киришди.

Беихтиёр қўлига ёпишдим.

– Укалар, хозирок қайтиб кетаман! Илтимос, когоз-погоз тўлдириб ўтирманглар.

– Қаршилиқ қилинмасин ўрток! – ёнимда тик турган милиционер қўлларимни силтаб ташлади. – Органга қаршилиқ қилмоқчимисиз?

Шу пайт эшикдан тагин бир қоп-қора милиционер кириб келди. Унга кўзим тушдию қувончдан ирғишлаб туриб кетдим.

– Абрай?! Ўзингмисан, ука?

Ҳа, бу чиндан ҳам Қобил тракторчининг ўгли Абрай! Ўзимнинг шогирдларимдан. Мактабни амал-тақал битиргач прокурор бўлиш орзусида пойтахтга бош олиб кетган эди. Мана учрашдик. Бошланиши чаккимас – резина тайёғи ярашиб турибди, димоғи ҳам баланд.

– Ҳа, домилла, – деб кўришди Абрай мен билан. – Нима қилиб юрибсиз бу ёкларда.

Узоқ хол-ахвол сўрашгач, шогирдимга вазиятни тушунтирдим, аммо бир сир бой бермай, унга ҳам вазирликка келганимни айтдим.

Абрай норизо чимрилиб турган шерикларидан паспортимни олиб қўлимга тутқазаркан:

– Буларникиям хизматчилик-да, домилла, – деди. – Совукни совук, иссиқни иссиқ демай кўрикчилик қилишади. Иш оғир, масъулиятли. Сиздай тушунган, жонкуяр биров-ярим фуқаролар кўярда-кўймай уч-тўрт танга тамаки пули ташлаб кетишади, меҳнатимизни кадрлашади-да. Баъзи бировлар эса...

– Албатта, албатта, – деб ўз ихтиёрим билан чўнтак ковлашга тушдим. – Биз баъзи бировлардан эмас, ука. Тинчлик-осойишталик учун қилинган хизмат тақдирланиши керак.

Абрай ва унинг шериклари мен узатган чойчакани олишдан катъий бош тортишди. Бир амаллаб қўндирдим.

Собиқ шогирд билан қуюқ хайрлашдик. У мени метро поездигача кузатиб қўйди.

Ишимнинг бу ёғи осон ва силлик кечди. Нажот Ғайбулланнинг дипломида кўрсатилган институтни қийналмай топдим. Ҳойнаҳой фариштаю малоикалар мени етаклаб юришган экан. Институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори мени илиқ кутиб олди.

Мақсадимни тушунтирдим:

– ...шуйтиб, дипломни би-ир текшириб келинг, деб мени бу ёққа жўнатишди. Ўзингизга маълум, замон қалтис, дунё нотинч.

Сочу кош-киприклари оппок проректор мен узатган дипломни кўлига олар-олмас бош чайкади:

– Бунингиз калбаки, ясама домла. Юз фоиз ишонч билан айта оламан, калбаки диплом. Бунақасини илгари ҳам кўрганмиз.

Кувончу ҳаяжонда кулоқларим шанғиллаб, томоқларим курукшаб қолди.

– Йўғ-е... наҳотки... – дея оламан зўрға.

Проректор ёрдамчи ходимини чақириб, каминанинг илтимосига кўра, Нажот Ғайбуллага тегишли дипломнинг калбаки, ясама эканлиги тўғрисида ёзма маълумот тайёрлашни тайинлади.

Бир соатлар чамаси вақт ичида иш битди! Чўнтагимда маълумотнома! Ҳовлиққанимдан пул бетига бормай киракаш ёллаб вокзалга ошиқдим. Хайрият, биз томонга юрар поезд ҳали кетиб улгурмаган экан. Шартта вагонларнинг бирига чикиб олдим.

Поезд вилоят марказига эртаси куни чошгоҳ маҳали етиб келди. Хуллас тўппа-тўғри мактаб ҳовлисига кириб келганимда катта танаффусга атиги ўн дақиқача вақт қолган экан.

Шижоат билан «Ўқитувчилар хонаси»га кирдим. Хона тўридаги иш столида аллақандай ҳисоботлар билан овора Норхол Хушбоқова менга хангу манг тикилиб қолди.

– Тезда ўқитувчиларни йиғинг! – дедим тантана билан. – Анави Нажот Ғайбулланнинг сири очилди! Ғирт муттаҳам экан.

Мен ҳаяжону кувонч ичида Норхолнинг, нелар сўраганини, нелар деб жавоб берганимни эслай олмайман. Фақат бироздан сўнг катта хатога йўл қўйганимни англаб етдим. Мен биратўла орган ходимларини бошлаб келиб, анави муттаҳамнинг қўлига кишан урдиришим керак эди. Ана шу ҳовлиқмалигимнинг оқибатидан Нажот Ғайбуллани қочириб қўйдик. У сири фош бўлганини сизди-ю ими-жимиди «Нексия»сига ўтириб жўнаб кетди. Шу-шу мактабимиздан унинг кораси ўчди. Эртаси кунийёқ бўлиб ўтган воқеалар юзасидан тегишли идораларга ёзма маълумот бердим. Нажот Ғайбулла устидан жинойий иш қўзғашларини талаб қилдим. Ҳақиқат бор, истак ва талаблар инobatга олинбди. Мактабимизга икки марта терговчи келиб-кетди. Охирги ташрифида «тушунтириш хати» ёзишимизни буюриб кетган эканлар. Мана, бажонидил битиб қўйдик. Озгина нокамтарлик қилган ўринларимиз бўлса, узр. Мен ўз бурчимни ўтадим, холос. Бир қаллобликни фош қилганимдан, катта фалокатларнинг олдини олиб қолганимдан мамнунман, албатта. Тўғри, ҳамкасблар орасида биров-ярим менга ғижиниб, ўқрайиб қараётганлари ҳам учрайди. Бунинг ҳаммаси кўролмаслик, ичикоралик оқибати. Шундай шарафли вазифани ёлғиз ууддалаганим, машаққатлардан чўчимаганим ёкмаяпти уларга. Бироқ бошим баланд, кўкрагим тоғ, ғайирли нигоҳларни назар-писанд қилмайман. Чунки мен ўз ишимдан фахрланаман. Чунки мен тарих, ҳуқуқ дарслари, машойиҳлар таъкидлаганидек, келажак дарслари қўлида бўлган олий тоифали ўқитувчиман.

* * *

**(Бошланғич синф ўқитувчиси
Эшболта аканинг тушунтириш хати)**

Мен бир кекса ўқитувчиман. Тавба, нимани ҳам тушунтиришим мумкин. Ҳаммаси тушдагидек, ё, ширин

бир хаёлдагидек. Нажот Ғайбулла деган янги муаллим мактабимизда пайдо бўлди. Туппа-тузук йигит, одоб-ахлоқи ҳам жойида. Сал кейинрок ўқитувчиликни ҳам койилмаком дўндиришини кўрдик. Масалан, мен унинг каллоблигидан сира хабарим йўқ. Хув, бир гал дарсликлар топиб келтирганда роса хурсанд бўлганман. Кўп ҳамкасабалар шу йигитнинг дуои жонини килганмиз. У ташкил этган жуғрофия кабинетини айтмайсизми? Маориф мудир Эркабоев мактабимизга ташриф буюрганида янги муаллим ясантирган хонани кўриб оғзи очилиб қолган. «Эҳтиёт килинлар, бизга жуда зарур бунақа кабинетлар», – деди. Шунинг учун ҳам мактаб директори жуғрофия кабинетига калладай қулф остирди. Жуғрофия дарслари бошқа синфхоналарда ўтиладиган бўлди. Нажот Ғайбулла махсус жиҳозлаган хонани ундан тортиб олиб қўйганига бироз таажжубланди, холос.

«Меҳнатингизни юксак кадрляяпмиз», дея уни овунтирган бўлди Қалқонов муаллим. Янги муаллим бошқа синфхоналарда ҳам бинойигина дарс ўта бошлади.

Эртаси куни, домла Хуррамович тарихий тўнтариш ясаган ўша кун директорнинг хонасида Қалқонов муаллим ва Норхол суҳбатлашиб ўтиришган экан.

– Эшболта ака, бу ёққа киринг, – деб чакириб қолди илмий мудира менга кўзи тушиб.

Кирдик. Ўтирдик.

– Домилла, – деб гап бошлади Қалқонов муаллим. – Озгина маслаҳатингиз керак. Нажот Ғайбуллага беш-олти соат биология дарси берсак, нима дейсиз? Шу баҳона биология кабинетини ҳам ясатиб олардик-да!

Норхол ҳам директорни қўллаб-қувватлади.

– Кўриб турибсиз, раҳбарларнинг кабинетларга эътибори кучли.

Уларнинг фикри менга ҳам ёқди. Оқ фотиҳа бердим.

Афсус режалар барбод бўлди. Катта танаффус пайти Норхол ранги-кути ўчганча ўқитувчиларни шоши-

линч мажлисга йиғиб юрган экан. Мен андак кечикиб кирдим.

«Ўқитувчилар хонаси» ҳамкасабалар билан лик тўла. Кимдир ўтирган, кимдир тик турган кўйи хангу манг қотиб колган. Дераза ёнида Нажот Ғайбулла бўшашибгина турибди. Ўртада домла Хуррамович, мағрур, тантанавор киёфада, бир қўлини белига тираб, бир қўлини гоҳ-гоҳо ҳавода қиличдек сермаяпти.

– Қани, тушунтириб беринг-чи бизга, нега қалбаки диплом билан юрибсиз? ҳукуматни, соддагина жамоамизни лакилллатишга ким ҳуқуқ берди сизга, ким?! Асл ниятингизни айтинг. Қанақа жиноий гуруҳ билан ҳамкорсиз. Мақсад нима, мақсад?!

Домла Хуррамовичнинг қахрли ҳайқириғидан мактабнинг бетон деворлари ҳам зириллаб кетди. Йиғилганларнинг дами ичида. Хона ўртаси томон юраркан Нажот Ғайбулла чуқур-чуқур тин олди.

– Ҳа, менинг дипломим қалбаки, – дея гап бошлади у ўйчан киёфада – Мен бу ҳақда ҳеч кимга айтолмасдим. Аввалги иш жойимда виждоним қийналиб сиримни директорга очиб қўйгандим. Балки мени тушинар деган ҳаёлда эдим. Йўқ, айюҳаннос солиб ишдан қувиб юборишди. Лекин, мен... лекин мен мактабсиз туролмайман, болаларсиз яшай олмайман. Биламан, ишонмайсиз, аммо ҳақиқат шундай. Болалар кулгусининг жарангидан завқ оламан, уларни кўзлари, сўзлари беғубор. Илмдан болаларгина ҳайратланишади. Мурғак онгига, ўй-хаёлига кириб келган озгина янгилик ҳам жажжиларни чинакамига қувонтиради, чинакамига ҳаяжонлантиради. Уларнинг севинчига, ҳайратига ҳайрат қўшишдан-да ортиқ қандай бахт бор? Болаларнинг беғубор қалбида янгидан-янги дунё очувчи кўнглига имл сеҳрини солувчи инсон – бу муаллимдир. Шу сабаб бу қутлуғ касб менинг эс-хушимни ўғирлаган. Шу сабаб ўқитувчилар сафига интилдим. Афсуски, ҳеч омадим юришмади. Уч-тўрт карра пединститут осто-

насидан қайтдим. Бошқа соҳа бўйича ўқишга мажбур бўлдим. Лекин барибир муаллимликнинг сеҳрли дунёси мени чорлайверди, охири, қалбаки дипломга куним қолди. Азиз устозлар – Нажот Ғайбулла кўлини кўксига қўйиб хангу-манг қотиб турган ҳамкасабаларга юзланди, унинг кўзларида жикқа-жикқа ёш айланар эди. – Азиз муаллимлар! Қисқагина фурсат бўлса-да сизлар билан ёнма-ён ишлаганимдан, сизлар билан бир ҳаводан нафас олганимдан хурсандман. Сизлардан кўп нарсаларни ўргандим. Ирода, сабр-тоқат нелигини шу ерда билдим. Муаллим ҳаёти батамом жасорат, фидойилик экан! Шунча ташвишу таҳликага қўйганим учун ҳам-маларингиздан узр сўрайман.

Нажот Ғайбулла хона бурчагидаги илгакдан чарм камзулини, кундуз телпагини олиб кийди-да, эшик томон югурди.

– Насиб бўлса мен ҳали қайтаман, – деди у бўсағада тўхтаб, юз-кўзига синик бир табассум ёйилди. – Хужжатларимни тўғрилаб яна сафингизга қайтаман. Мени кутинг, азиз биродарлар!

Нажот Ғайбулла шахд билан чиқиб кетди. «Ўқитувчилар хонаси»га оғир жимлик чўкди. Домла Хуррамович хануз ўртада керилиб турар, алланеларнидир зўр бериб режалаштирар эди.

– Об-бо, – дея пешонасига шапатилади у бир пайт. – Туллакни қочириб қўйдинг-ку?! ҳаммамизни авраб кетди-я!! Мен ҳам бақадек қотиб қолибман!

Хона тўридаги стулида букчайибгина ўтирган Қалконов муаллим ҳам зўрға тилга кирди.

– Қочиб гўрга борармиди, домилла Хуррамович. Қани, унинг хужжатларини бу ёкка беринг.

Бир пайт домилла Хуррамович типирчилаб қолди. Дераза тоқчаларига, стол устига жонсарак-жонсарак аланглади.

– Ия, қани унинг хужжатлари?! Ҳозиргина стол устида турганди-ку?! Ким кўрди сариқ жилдли папкани?

Ўқитувчилар орасига ғала-ғовур, безовталиқ оралади.
– Нажот Ғайбулла олиб чиқиб кетди-ку! – овоз берди қай бир муаллим. – Рост, кўрдим. Ўзининг папкаси-дир деб ўйлабман.

Домла Хуррамович гоҳ манглайига, гоҳ сонларига шапатилаб ҳануз хона бўйлаб чарх урарди.

– Ах, туллак! ҳужжатларини опқочиб кетибди-ку?! Энди нима қиламиз-а? Қочиб қутулиб кетди-я! Из қолдирмай кетди-я!

– Домла, – дея уни жеркиб ташлади Норхол. – Ўзингизни босинг. Ана, қўлингизда дипломи қолибди-ку, намунча чирқиллайсиз?

Чиндан-да Нажот Ғайбулланинг сохта дипломи домла Хуррамовичнинг қўлида. Домла бир зум айюҳанносдан тийилиб, ўзича алланималарни чамалади-да, қалбаки ҳужжатни шоша-пиша чўнтагига солиб қўйди. Теварагига сирли бир кўз ташлаб тиржайди.

– Бўлари бўлди, бўёғи кўчди, – деб яна тилга кирди Қалқонов муаллим. – Шармандамиз чиқди. Энди у ербу ерда гапириб юрманглар бу воқеаларни. Биров-ярим қизиқсиниб сўраса, янги муаллимга иш ёқмади, бошқа соҳага ўтиб кетди, деб қўяверинглар.

Ҳеч кимсадан садо чиқмади. Навбатчи шоша-пиша дарсга кўнгиروق чалдию ўқитувчилар бирин-кетин тарқашди.

Аммо домилла Хуррамович чидаёлмай барибир органга хабар берган экан. Мана шу баҳона тушунтириш хати ҳам ёздик. Бор гап шу. Ҳаммаси тушдагидек, ҳаммаси хаёлдек...

* * *

– Қалай, дело билан танишиб чиқдингизми? – деб сўради терговчи шоша-пиша хонага кираркан.

– Ҳа, ғирт қаллоб экан-ку, бу Нажот Ғайбулла деганлари.

– Э, нимасини гапирасиз, хаммани бошлаб лакиллаган. Давлат хужжатини қалбакилаштиргани учун унга жиноят иши кўзгадик. Ким билади, тагин қанча хунари бор, аста-секин очилаверади-да. Менимча ҳам у бирор бир жинойи тўда одами, беҳуда бу ерларга санғиб келмаган.

– Ҳали ўзи топилмадими?

– Ҳозирча йўқ. Анави муаллимларнинг лақмалигидан фойдаланиб хужжатларини ҳам гум қилган. Жуда айёр экан, қойил. Оғзаки маълумотлар бўйича излаб юрибмиз ҳозирча. Қочиб қаерга ҳам борарди, барибир топамиз.

– Балки унинг паспорти ҳам қалбакидир? Балки Нажот Ғайбулла умуман бу ернинг одами эмасдир?

Терговчининг кўзига хавотир оралади.

– Йўғ-е, нафасингизни иссиқроқ қилинг-е, у ҳолда иш тоза чигаллашади.

* * *

Пойтахтга қайтдим. Бутун шууримни ғалати бир кайфият чулғаб олган эди.

«Нажот Ғайбулла қайтади, – деб ўйлардим нафасимни иссиқроқ қилиб. – Хужжатларини тўғрилаб албатта қайтади. Ахир, у болаларсиз, болалар шундай муаллимсиз яшаёлмайди!..»

Мен автобус ўриндиғига ястаниб, ҳорғин кўз юмдим.

МУНДАРИЖА

Титраётган тоғ	
Адиб соғинган манзил-маъволар	
Сирли муаллим (қисса).....	

Адабий-бадиий нашр

Луқмон Бўрихон

ТИТРАЁТГАН ТОҒ

Роман ва қиссалар

Мухаррир *Санжар Турсунов*

Бадиий муҳаррир *Шухрат Мирфаёзов*

Техник муҳаррир *Хосият Ҳасанова*

Мусахҳих *Доно Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Бобур Тухтаров*

Нашр. лиц. АИ № 290. 04.11.2016.

2018 йил 17 майда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма 14,28 шартли босма табок. 11,9 нашр табағи.

Адади 3000 нусха. 279 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz

ЛУҚМОН БҮРИХОН
ТИТРАЁТГАН ТОҒ



ISBN 978-9943-5293-5-9



9 789943 529359